

138 98



Муродхон



ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ

дostonлар:



КЎП ТОМЛИК

Муродхон Рустамхон



1965

«ТОШКЕНТ» БАДИИЙ
АДАБИЁТ НАШРИЕТИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ

*ОЙБЕК, ҒАФУР ҒУЛОМ, ЯШИН САРВАР АЗИМОВ,
Ҳ. И. ЗАРИФ, М. АЛАВИЯ, РАМЭ БОБОЖОН*

Томларни тузувчи
ҲОДИ ЗАРИФ

Рассомлар:

*П. МУДРАК,
М. Я. ШЧИРОВСКИЙ*

Муродхон



Айтувчи:

ФОЗИЛ ЯУЛДОШ УҒЛИ

Нашрга тайёрловчилар:

М. АФЗАЛОВ, ХОЛИД РАСУЛ



Б

урунги¹ замонда Оқтош вилоятинда Муродхоннинг отаси Аввалхон деган киши подшо эди. Неча замон подшолик қилиб, дунёдан ўтди. Муродхон сағир эди. Есир хотин, етим ўғил қолди. Оқсоқол, акобир, амалдор, туғдор, жиғадор йиғилиб, бўлак кишини хон кўтарди. Бу ҳам хонлик даврини суриб, подшолик дағдағасини қилиб неча ой, неча йил ўтди. Бунинг ҳам куни битиб, ўлиб кетди. Муродхон баркамол бўлиб, эр етди. Бунинг подшозодалиги ҳам бир нечанинг эсидан чиқиб кетди. Барча халойиқ йиғилиб, подшо сайламоқчи бўлиб, катта-кичик келиб, ҳар ким билганини гапириб, неча кун маслаҳат қилиб, ўрлашиб ётди. Бир нечалар айтди:— Қадимги ишни қилайик. Қадим замонда подшо ўлса, давлат қушини учирар эди, қуш кимнинг бошига қўнса, шу одамни подшо қилар эди.

Бир нечалар:— Учар қушга тайинлаб қўйибсанми? У нима билади,— деб ўрлашиб ётибди. Уларга бир нечалар айтди:— Купнинг ибрасидан чиқма, беҳуда манман бўлма, халқнинг айтган сўзини ерга урма, узи билармон бўлма,— деб билгичлар билмаганларга насиҳат қилиб давлат қушини учирди.

Давлат қуши ҳавога давр олиб, шаҳар устини айланиб, чўлга чиқиб кетди. Қанча сипоҳилар қушнинг орқасидан бораётди.

¹ Қўлёзмада бурноғи.

Чулда бир йигит утин териб юриб эди, давлат қуши қуйилиб бориб, шунинг бошига қўнди. Бир нечалар кўриб, қушни ушлаб, силкиб олди: «Бу қуш аҳмоқ бўлди, дунёда одам қуригандай, бир утинчининг бошига қўнди»,— деди.

Бир хил одамлар:— Қушда нима ақл бор, бояги менинг айтганим чиқди,— деб қушни олиб келган йўлига қайтди, шаҳарга етди, пойтахт устида жам бўлиб, боз қушни учирди.

Қуш яна давр олиб кетди, кейинидан сипоҳилар етди. Қуш ҳалиги утинчининг бошида айланиб турибди. Бориб:— Бу қушга бир бало бўлди, бу одамни тоза таниб олди,— деб яна қушни олиб қайтди.— Тағи бир учириб кўрайлик, тағи шу утинчига қўнса, унинг бир авлодини сўрайлик. Ундан кейин шунга қараб иш қилайлик,— деди. Сипоҳилар қушни шаҳарга олиб бориб, маслаҳат билан тағи учирди. Қуш давр олиб учиб, осмондан келиб, шу ўтинчининг бошига қўнди. Барча халойиқ йиғилиб борди. «Бунда бир ҳикмат бордир, буни бир сўрайик»,— деб ўтинчининг олдига бориб, гап сўраб, бир сўз деди:

Очилган баҳорда боғнинг гулисан,
Сен ҳам бир-бироннинг жони дилисан.
Меҳнат чекиб, ўтин териб юрисан,¹
Жафо тортган болам, кимнинг улисан?

Мана тоғда бўктарилган қормиди?
Қаторга тиркалган лўкча нормиди?
Авлодингда аслзоданг бормиди?
Хабар бергин, бутам, кимнинг улисан?

Ҳозир сабил бўлди подшоҳнинг жойи,
Атрофингда турган сонсия сипойи,
Авлодинг бўлмиди Оқтош подшойи?
Меҳнат тортган болам, кимнинг улисан?

Давлатимдан шолу шолдам ўрайман,
Кеча кўрган тушум кундуз йўрайман,
Жафо тортган бутам, сендан сўрайман,
Хабар бергин, болам, кимнинг улисан?

¹ Юрибсан.

Танимайсан кўп сипоҳи кишини,
Сипоҳи учирган давлат қушини,
Подшо қилсак яна сендай кишини,
Хабар бергин, болам, кимнинг улисан?

Сен эшит бекларнинг айтган додини
Сураган подшолар мамлакатини.
Авлодингни, болам, сендан сўраймиз,
Бор бўлса, сўрасак ота юртини.

Меҳнат тортиб бу чўлларда юрибсан,
Сўраймиз, бировга хизмат қилибсан,
Ҳориб-чарчаб кўп утинни олибсан,
Уртанган утларга жонинг солибсан,
Ҳеч ким билан ишинг бўлмай турибсан.
Хабар бергин, болам, кимнинг улисан?

Қайси хоннинг авлодсан билайик,
Сендан сўраб турур қанча халойиқ,
Авлодингда аслзода бор бўлса.
Мамлакатга сени подшо қилайик,
Хабар бергин, болам, кимнинг улисан?

Подшо бўлса, обод Оқтошнинг юрти,
Давлат қўнса кетар ғамли меҳнати,
Авлодингни болам, сендан сўрайман,
Хабар бергин ўзинг кимнинг фарзанди?

Сўз сўрайди сендан қанча амалдор
Бу ишлардан сендай қўзи беҳабар.
Ўйнаб-ўсдинг қай манзилда кирдикор?
Ўсган жойинг хабар бермоғинг даркор,
Авлодингда борми подшо, амалдор?
Хабар бер, жон болам, кимнинг улисан?

[Ўтинчи] бу сўзни эшитиб, утин олиб юрган еридан
бошини кўтариб, амалдорларга қараб бу сўзни айтди:

Қулоқ сол, амалдор, айтган нолишима,
Куйиб ёниб менам тақдир ишина.
Давлат қўши келиб қўнди бошим,
Амалдор, айналдинг менинг қошим.

Булбул сайрар, балки боғнинг гулиман,
Утиб кетган Аввалхоннинг улиман.
Энам есир, етим ул¹ бўп юриман²
Тайрилғон бошимдан тожи давлатим,
Кўп бўлди чулларда курган меҳнатим,
Етимман-ку ҳозир йўқдир роҳатим
Сағир қолиб қўлдан кетди элатим,
Отам борда сўраган мамлакатим,
Ҳеч кимга келмайди менинг қувватим.

Утин териб бу шаҳарга бораман.
Меҳнат тортиб доми ризқи қиламан.

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Атрофимни олган қанча амалдор,
Ҳозир ўзим аҳволимдан беҳабар,
Сўрасанг отимни Муродхон дерлар.

Кўп йиғилиб мени гаранг қилмагин,
Ишдан қўйиб, мени йўлдан урмагин,
Сўз сўрайсан мендан амалдор-беклар.
Аввалхон ўғлиман, Муродхон дерлар,
Кет сипоҳи, менда нима ишинг бор?
Шоҳлик шавкат, подшолик не даркор?
Биздан ўтиб кетган бундай давронлар.

Сен сўз сўйлаб хаёлимни бўлмагин,
Ҳар қайсинг сўз сўраб, аҳмоқ қилмагин,
Кет, сипоҳи, мени аҳмоқ билмагин,
Бора бергин, ўз йўлингдан қолмагин!

Минмоққа йўқ менинг бедов-пирогим,
Қулимдадир арқон билан ўроғим,
Галдиратиб мени аҳмоқ қилмагин,
Кет, амалдор, келган йўлдан қолмагин!

Баринг менинг жон ёғимни оласан,
Утдай ёнган бир сипоҳи балосан
Кўп саволни мендан сўраб кўрасан,
Кета бергин, беклар, нима қиласан?!

¹ Уғил.

² Юрибман.

Кўтариб ўтинни уйга қайтаман,
Бозор элтиб, ўтишига сотаман,
Энам билан нон пули қиб ётаман,
Ўтган давронни янгириптиб нетаман.

Бир шумликни бошлаб баринг келасан, —
Менинг авлодимни сўраб оласан?
Хон авлоди дейсан, нима қиласан
Келган йўлга бора бергин амалдор,
Кўнглимдан кетмайди чер билан ғубор,
Бир ўтинчи юрган мен ҳам қаландар.

Энам билан бир муштипар синглим бор,
Шу мунглиғлар бу йўлимга интизор,
Кета бер, турмагин, саркарда, беклар,
Қулоқ солгин мендай ночор зорига,
Хайдаб борма мени Оқтош шаҳрига,
Бошим кесиб, тортма шоҳнинг дорига,
Қойил бўлдим манглайимнинг шўрига,
Дучор бўлдим сипоҳининг зўрига.

Сўз айтарман амалдорлар шаънига
Ўлдириб, сен, зомин бўлма қонига.

Армон билан билмаганим билдирма,
Ханжар чекиб, қонли бағрим тилдирма,
Дўст йиғлатиб, душманимни кулдирма,
Хон авлоди дебон мени ўлдирма!

Хайдаб борсанг, тўкар кўздан ёшимни...
Менинг наслим, сипоҳилар, сурадинг,
Подшо золим, кесар тандан бошимни,

Камлик билан ўлар мендайин ночор,
Энам, синглим йиғлаб қолар муштипар.
Муродхондир бу чулларда кўп абгор
Миннатдорлик шудир, кетгин, амалдор!

Шунда бу сўзни Муродхондан эшитиб, бу ўтиб кетган
эски хоннинг ўғли экан, — деб эски беклар билиб, асли под-
шолик ҳақи шуники-да, деб жами амалдорлар отдан тушиб,

Муродхон такбирдан адашиб, ақли шошиб, ранги қочиб,
туси учиб, «энди ўлдим дегани шу бўлади», деб ўроғи
қулидан тушиб, бўғини бўшаб кетди. Бунинг қўрқанини
сипоҳилар билиб, Муродхонга тасалли бериб, неча ерлар-
дан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлганди,
Хаёлингга неча гаплар келганди,
Оқтош элда золим подшо ўлганди,
Давлат қуши бугун сенга қўнганди.
Элтиб, подшо қилсак сендай ўғлонди,
Кетган чоғинг, болам, сенга келганди.

Сенга тақдир қилди, бу шаъну шавкат,
Қайта бошдан келди бу айём давлат
Олдинда бўлади қанча арзи дод,
Қўрқмагин, қоласан соғу саломат.
Булбул сайрар, болам, гулнинг рахтига,
Миндирамиз элтиб шоҳнинг тахтига,

Бу сўзни айтиб, Мурод ақлин олади,
Сипоҳилар уртага олиб жунади.

Муродхоннинг билмаганин билдириб,
Ҳарна деса айтганига кўндириб,
Хушвақт қилиб, мийиғида қулдириб,
Муродхонни бир бедовга миндириб,
— Олиб бораётир қанча амалдор.

Ғалоғул бун бунда Оқтошдай шаҳар,
Қараб турур растадаги косиблар,
Бир нечаси билмай ҳайрон қолади,
— Не сабабдан бу гуноҳкор бўлади?
Кунда бизга утин опкеп юради,
Ўлдиради — дейди, гумон қилади.
Растани оралаб сипоҳи кетди,
Энасига энди хабар борибди
Биров бориб савол қилиб турибди:
— Сўзимни эшитнинг, ғариб муштипар,
Ҳали бўлган ишдан сен ҳам беҳабар,
Курар кузинг, боланг бўпти гуноҳкор,
Олиб утиб кетди қанча амалдор,

Қуриб, таниб қолди қанча косиблар,
Ҳаммаси танийди, уғлинг хизматкор,
Билгин, подшо армон билан ўлдирад,
Қандай бўлса, кўриб қолгин, муштипар.
Шундай қилиб, бериб кетди-ку хабар.

Синглиси, энаси уйдан чиқиб,
Болам дейди, йўлга равон бўлади,
Ҳар бир раста одамларга тўлади,
Ақлн шошиб, бораётир йиглашиб,
Ҳар кимсага ўзин бориб уради,
Муродхонни кўрмай кетиб боради,
Тому тошга томошабин тўлади.
Нима гуноҳ қилди ёлғиз болам, деб,
Улса вайрон булар кулба-хонам, деб,
Синглиси бўтадай бўзлаб боради,
Суянганим, менинг ёлғиз оғам, деб.

Олиб кетган эмиш қанча сипойи,
Улса сабил бўлур отамнинг жойи
Гуноҳкор қилибди Оқтошнинг шоҳи,
Баҳор бўлса, булут кетмас ҳаводан,
Шу «гуноҳкор» менинг оғам бўлади,
Қўлимдан торт, томошабин, бобожон.

Баланд ерга чиқиб мен ҳам қарайин,
Эмикдош оғамни мен ҳам кўрайин,
Фурдат топсам, мен қошига борайин,
Нима гуноҳ қилган экан, билайин,
Ора тушиб мен подшодан сўрайин;
Оҳ уриб азилди ғариб юрагим,
Нима гуноҳ қилган экан чироғим?

Устимга кийганим яшил-кўк эди,
Ҳеч ким билан бунинг иши йўқ эди,
Илгари замонда отам бек эди,
Акам эди уз ҳолига хизматкор,
Йул бермайди растадаги одамлар,
— Жоним бовам, сенга арзим шу булар,
Ёрдам бериб, мени баланд жойга ол!
Акамдан қолмайин мен ҳам беҳабар
Фалак уриб, боғда гуллар сўлмасин,
Бир чақувчи ёмон хабар бермасин.

Не булса, акамни нобуд қилмасин.
Тўтиё айлайин изини тавоф,
Жоним бобам, сен эшитгин, кўп савоб.
Муродхон деб мен йиғлайман, интизор!
Армон билан акам бўлган гуноҳкор,
Гажакдорнинг, бова, арзи шу булар,
Бошин кесмай, кўриб қолмоғим даркор,
Оҳ ургаида кузда ёшим сел булар.
Бу сўзни айтиб йиғлар, гул юзли дилбар.

Энасиман йиглаб энди, ёронлар,
Бир бобога арзи додин қилади,
Баланд ерга у мунглиғни олади,
Баланд ерда туриб шундай қаради,
Акасини бу синглиси кўради.
Жиловхонага амалдорлар боради,
Нима гап эканин ҳеч ким билмади,
Сўз сўраса ҳеч ким қулоқ солмади,
Акасини гуноҳкордай кўрмади,
Акасини яхши билиб гул юзли,
Энасига айтар бу ширин сўзни.

— Энажон, йиғлама, қолмас тоқатим,
Гуноҳкорга ўхшамайди фарзандинг,
Эна, эшит, менинг айтган тилимни,
Яхши йўлга бошқаргандай улингни,
Гуноҳкор бўб борса шоҳнинг қошига,
Албатта, подшоҳинг қилар зулмни,
Эна, сен қувонгин, фарзандинг роҳат
Ўғлингга қўнарми қайтадан давлат.

Шунда Муродхоннинг энаси билан синглиси бир-бирига тасалли бериб, яхшилик ёғидан умид қилиб турди. Беклар, сипоҳилар Муродхоннинг устидан жандапуш кийимларини ечиб олиб, ҳаммомга солиб, яхши кийимлар кийгизиб, оро-торо бериб, оқ кигизнинг устига солиб, чувлаб, барча халойик кутариб, шоҳнинг тахтига миндирди. Бошига тож санчиб, подшо қилиб ҳар тарафга жарчи қўйиб:

— Замон-замон кимники — Муродхоннинг замони, — деб машҳур қилди. Ҳамма шаҳарга хабар кетди. Оқтош мамлакати подшосининг улганини одамлар энди билди.

Подшонинг ўлигини чиқариб, шоҳлик шаъну шавкати билан кўмди. Эл синасоб бўлиб, босилиб турди.

Муродхоннинг тобеъ одамлари бориб, энаси, синглисидан суюнчи олди. Энаси, синглиси ўрдага бориб жой олди. Баковул хотинлар яхши сарполарни кийгизиб, ўрдага олиб кириб, ойимларга катта — утағоси қилиб қўйди.

Ана энди Муродхон подшо бўлиб, Оқтош мамлакатини сураб подшолик дағдағаси билан тура берди. Неча кун, неча ой орадан ўтди. Подшолик давлати авж олиб кетди. Амалдор, беклар: «Муродхонни эргаштириб, бир овга олиб чиқсак» — деб маслаҳат қилиб ётди. Ҳаммаси эгарлади соф бедов отди. Етти пушти тулпор ўтган, бир тўқмоқ ёлли тўриқ отни абзаллаб, агарлаб олиб келиб, Муродхонга тўғри қилди. Одамлар: «У, душман кўрса, қувса етади, душман қувса, қочса қутулиб кетади, қамчи урса, учар қушдан ўтади», — деб маобат қилар эди. Шу тўриқ отга Муродхонни миндириб, қанча сипоҳи, беклар ҳамроҳ бўлиб, қушбозлар олғир қушларни қўлига қўндириб, подшолик овчилари тозиларини ҳам бирга олиб, қушнинг кўзидан урадиган мерганлар ҳам буларга йўлдош бўлиб, сипоҳилик дағдағаси, шоҳлик шаъну шавкати билан жунаб, сипоҳи беклар, Муродхон ҳар тарафни кўрсин, подшоликнинг кайфини билсин, қандай бўлса, кам-кам кўзи очилсин, юрт-жаҳонни кўриб томоша қилсин, — деб эргаштириб бораётган эди.

Сипоҳилар миниб араби отди,
Муродхонга қилиб шундай хизматди,
Чорси-регистонда отни ўйнатди.
Неча мамлакатга овоза кетди,
Чопағончи юриб, йўлни бўшатди,
Қамчи чолар беклар минган бедовга,
Оқтош хони бирга жунади овга.
Ҳамроҳ қилиб неча яхши бекларни,
Қадди шамшод, ҳусни тоза гулларни,
Шикор этмак тўқайистон, кўлларни,
Кезиб кўрсатмоқчи неча чулларни.
Бу шаҳардан энди чиқиб боради,
Қизу жувон ҳар тарафдан қаради,
Кўрган одам ошиқ бўлиб қолади,
Шундай бўлиб энди беклар жунади.
Аввал равон бўлиб тоққа боради.
Эшитинг шу замон сўйлар тилларни

Беклар бошлар неча қия йўлларни
 Неча вақт ов овлаб тоғда юради,
 Мерганлари қулон, алқор уради,
 Емон булар бузуқ тоғлар қияси,
 Ҳар турли очилган тоғнинг гиёси
 Неча кун ов қилиб тоғларда юрди,
 Ҳар алвонда юриб томоша қилди.
 Тоғдан тушиб бир чўлга равон бўлди
 Бу чўлларда қанча кийиклар урди.
 Шундай бўлиб ўтиб энди йўл юрди,
 Туқайистон, Ойдин кулига келди.
 Чарқиллаган ўрдак, ғозларни кўрди,
 Олғир қушлар беклар қўлида уринди,
 Ўрдак, ғозни амалдорлар кўради,
 Довул туйиб, кўлга қушин солади
 Ҳар солганда ўрдак, ғозин олади.
 Бўз тарлон қуш кўтарилди ҳавога,
 «Гаҳ-гаҳ»лаб, от чопди қанча амалдор,
 Қарамай ҳавога кетди жонивор,
 Амалдорлар отга қамчи уради,
 Кўзини айирмай кетиб боради,
 Муродхон фикр қилиб қаради,
 Бўз тарлон қуш кўкда кетиб боради.
 Муродхон бедовга қамчи чолади,
 Яшиндай буб бекнинг оти жўнади.
 Қанча амалдорлар кейин қолади,
 Муродхоннинг ўзи ёлғиз боради.
 «Қандай бўлди овда менинг ишим, деб,
 Нега давр олди бу олғир қушим, деб,
 Кўринмайин қолди, қанча кишим»,— деб,
 «Чу!»— дейди, бедовга шиддат қилади.
 Яшин ташлаб тулпар кетиб боради,
 Давр олган қуш кўкда шундай қаради.
 Айланиб у бир чинорга жўнади.
 Қушим қўнди, деди, давлатли шунқор,
 Кўринмайди кейин қолган амалдор.
 Яқинлаб етишди шундайин қайсар,
 Кўзига кўринди гул юзли дилбар.
 Чинорнинг остида шундай чашма бор,
 Чашмада чумилиб турган гажакдор.
 Баркамол шундайин ойим туради,
 Жамоли офтобни хира қилади,
 Шундай паризодни Мурод кўради,

Қандай жондор эканини билмади,
 Кўрган вақтда қадди-буйи букилди
 Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тукилди.
 Жамолини кўриб шундай дилбарнинг,
 От устидан беҳуш бўлиб йиқилди.
 Оти элга кетди бундан бушалиб,
 Муродхон қолганди қумларни қапиб.
 Шундай кизни кўриб жазосин топиб,
 Шундай бўлиб қолди давлатли шунқор.
 Либосини кийиб гул юзли дилбар,
 Жунаб кетди турган бу моҳи анвар.
 Ҳориб-чарчаб етди қолган амалдор
 Беҳуш бўлиб ётир подшо муқаррар.

Муродхон билан овга чиққан беқлар чарчаб-ҳориб етишди. Шундай қараса; чинорнинг устида қуш турибди, кўрсалар Муродхон ўлик суратидай бўлиб қолибди. Оти йуқ, қумда ер қапиб ётибди. Ҳеч нимани билмайди, беҳуш бўлиб ётибди. Сипоҳилар отларидан тушиб, подшонинг бошини кутариб:— Нима қилди, нима бўлди; отингиз қани, нимага бундай бўлиб ётибсиз?— деди.

Муродхон бошини кутармади, буларнинг гапини — сўзини билмади. Бир нечалар:— Бу умрида от минмаган, жилловини ололмай, отнинг шамоли билан йиқилиб қолган. Бунга балки бир гап бўлган — дейишиб, ётибди.— Бу одам бўлмайди, «Ўзларинг бир бало қилгансан?»— деб энаси бизларга бало булади,— деб ётир. Бир хиллари:— Бизлар бунни итариб йиқитдикми? Энасига бориб айтсак, қора қушноч олиб келса, ўт ҳатлатиб қоқса, тузук бўлади,— деди. Бу гапни эшитиб,— Рост айтасан деб амалдорнинг бирови хабар берайик, ҳам отдан хабар олайик,— деб Оқтошга қараб жунаб кетди. Чопиб Оқтошга етди. Муроднинг йиқилганини энасига хабар бериб, бир суз деб турибди:

Муродхонман бизлар чиққанмиз овга,
 Бошнимизга тушиб бир мушкул-савдо.
 Элғиз ўзи кетиб эди бедовда,
 Келиб кўрдик, қабохат иш бўлибди,
 Отидан йиқилиб чулда қолибди.
 Улмаса ҳам хон оз-бери бўлибди,
 Улик суратинда Оқтошнинг хони,
 Келиб кўрдик, рамақда бордир жони.

1305

Мен билмайман тирик бўлмоқ гумони,
 Отидан йиқилиб шундай бўлдими,
 Билмай қолдик, деуу пари урдими.
 Отидан йиқилиб, сулаб қолибди,
 Минган оти таблага буш келибди.
 Кўп сипохи хон бошида турибди.
 Ҳаммаси бу ишга хайрон қолибди,
 Бир амалдор келиб хабар берибди.
 Энаси, синглиси сўзни билибди,
 Бир неча кампирга хабар берибди:
 Бойқишлар жуда ҳам диққат булибди.
 «Шу боламни суқ-хасват урибди»,
 Сипоҳиман булар бирга булибди.
 Қавму қариндоши бирга няриб,
 Отли-яёв бари йўлга кирибди.
 Бирга-бирга қариндоши боради.
 Қушночларни бирга ҳамроҳ қилади.
 Тез келган давлат-да завол кўради.
 Синглиси, энаси бош бун жунади.
 Шу замонда қистаб кетиб боради,
 — Сулмасин баҳорда тоза гулим деб,
 Қандай бўлди менинг жону дилим деб,
 Шу замонда чўлга чиқиб боради,
 Омон-эсон бўлсин ёлғиз улим деб,
 Манов элда сўйлайдиган сўзим деб,
 Кўрадиган менинг икки қўзим деб,
 Жони омон бўлсин, ёлғиз қўзим деб
 Шунинг билан обод кулба-хонам део,
 Янги одам бўлган жоним болам деб,
 Ҳозир юрагимда турли алам деб,
 Эга бўб сўради ота юртини,
 Излаб бораётир бул фарзандини
 Бораётиб, кўз юбортиб қаради,
 Туп-туп турган амалдорни кўради.
 Келиб қолди Муродхоннинг қошига.
 Фалак титрар энасин нолишига,
 Шундай савдо тушиб бунинг бошига
 Углин куриб, эна қўзин ёшлади,
 Боласини устига узин ташлади,
 Энаси, синглисини суяб туради,
 Буларнинг келганин угли билмади.
 Оқ латта, кўк латта қилиб қушночлар,
 Бетига сув сепиб, қоқиб туради.

Буларнинг оқ латта, кук латта қилиб қоққанидан Муродхон наф топмай, синглиси Муродхоннинг бошини тиззасига қўйиб кўнглини сўраб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Овга эди сендай акам сафари,
Сенга тегди, қандай душман асари
Ё тегдими дев, парининг зарари?
Оч кўзингни, ака ҳолинг не бўлди?
Қора зулфим эшилгандир тол-тол,
Давлатингни душман қилдими поймол?
Аҳволингдан хабар бергин бу замон,
Сенга келиб энди бундайин даврон.
Қандай ситам кўрдинг, ака, бу замон?
Келдик ака, бунда бизлар сени излаб,
Ҳолинг кўриб, бизлар бўтадай бўзлаб.

Оқ сут берган энанг бағрини тузлаб,
Овга келиб, ака, ҳолинг не бўлди?
Йиғлатмагин [мендай] мунглиғ санамни,
Хафа қилма оқ сут берган энангни,
Сен эшитгин мен қилган нолишимни
Оч кўзингни, кутар энди бошингни.
Хафа қилма келган қариндошингни,
Овга келиб, бундай абгор бўлибсан,
Отингдан айрилиб, чўлда қолибсан,
Не сабабдан, ака, беҳуш бўлибсан?
Сарчашма бўйига дохил бўлдингми?
Бу чашмада паризодни кўрдингми?
Ақлингдан, акажон, жудо бўлдингми?
Шу сабабдан беҳуш бўлиб қолдингми?
Оша юртдан келар гул юзли дилбар,
Йулиққан кишига кўп жафо солар,
Шу парига, ака, бўлдингми дучор?
Агар кўрсанг¹ менга бергайсан хабар.
Гул санамнинг сенга сўзи шу бўлар,
Йиғлаб турган энанг шўрли муштипар,
Бу сўзни сўради шундайин дилбар.

Туман бошдан кетгандай бўб, давлатли шунқор
Кўзин очиб қарар эди муқаррар.
Қошида турибди қанча амалдор

¹ Кўрган бўлсанг.

Муродхоннинг энди тарзин кўради,
Қандай гап деб амалдорлар сўради,
Эясин, синглисин кўриб Муродхон,
Ўнгимми, тушимми дейди туради.

Шунда Муродхон бу кўрганим ўнгимми, тушимми?—
деб, у ёқ-бу ёғига қараб, хаёли қочиб, нашаси учиб, бу
турган беклар, амалдорлар, сипоҳиларга қараб бир сўз деб
турган экан:

Сузимма қулоқ сол, амалдор, беклар,
Сарчашмага келдим мендайин шунқор
Шу чашмада борди гул юзли дилбар,
Жамоли оқшомни қилар мунаввар.
Бу жаҳонда бундай дилбар буларми,
Жамолини кўрган омон қоларми!
Шундай ёрга булиб қолдим интизор,
Қайта бошдан кўринмади у дилбар.
Шаҳридан бермади у менга хабар.
Кўриб, ёрдан адашганман, ёронлар,
Неча дарбанддан ошганман,
Оловдай буп туташганман,
Кўриб, ёрдан адашганман.

Эсга олсам, жигар-бағримни тузлаб,
Агар топсам дунё барини излаб,
Эсга олсам мен ҳам бутадай бузлаб,
Ёрсиз зиндон экан тахти-жаҳоним
Ғамзаси жон олар, кўзлари золим,
Шундай ёрман ўтса куну аҳволим.
Қулоқ кийиб мен қаландар буларман
Мамлакатни бир-бир излаб кўрарман
Мен топмасам ишқ утида уларман
Кўриб, бўлдим шундай ёрга харидор,
Қайда бўлса, излаб топмогим даркор

Топсам обод булар кўшқу айвонлар,
Бу сузимни, беклар, ҳазил билманглар.
Саваш бўлса тортилади парли ёй,
Ёр ишқида тортиб мен ҳам оҳу вой
Кўзимга кўринмас тахту, манзил-жой.

Мен кетарман бошим олиб, ахтариб,
Ажал етса, ғариб, ғуристон бўлиб,

Худо берса, шунда дилбарни олиб,
Ўтқизай дунёнинг давронин суриб.
Бу сузларни айтиб булди беқарор
Хайрон қолди бирга турган амалдор
Бетайин савдога бўлганди дучор.
Гапириб Муродхон кўнгли бузилди.

Ер ишқига подшо дучор бўлибди,
Одамзодми ё бир жинни кўрибди,
Шундай бекни кўриб кўнглин олибди.
Амалдорлар тасалли бериб турибди.

Бир катта саркардаси Муродхонга қараб бир суз
айтаяпти:

Майдон булса бедов отлар чопилар,
Кўп чопилса банот жуллар ёпилар.
Ёр учун ғам ема, бир лочин шунқор
Сулув десанг Оқтош элдан топилар.

Йўқ нарсага нодон кўнглинг булмагин,
Енган утга сен ўзингни солмагин,
Йўқ нарсага сен харидор бўлмагин,
Юргин, хоним, элга олиб борайин.

Элу халққа юриб хабар қилайин
Элда бор сулувни йириб кўрайин,
Хоҳлаганинг, хоним, олиб берайин,
Йўқ нарсадан, бегим, умид қилмагин.

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Йўқ нарсага сен эътибор қилмагин.
Одамнинг душмани жинлар бўлади,
Йўлиқса, одамга савдо солади,
Етагига юрган тентак бўлади,
Бетайин нарсани қайдан олади?

Қулоқ сол, султоним, менинг сузимга,
Шундай душман кўрингандир кўзингга,
Манов элда сен ҳам беқсан, турсан,
Душманга иярсанг тентак буласан.
Йўқ нарсани нега эсга оласан?

Суз айтаман, бегим, кунглингни хушлаб,
Оп кетайик Оқтош шаҳрига бошлаб,
У кўрган гинангни кунглингдан ташлаб,
Беҳуда сен ёта берма ёнбошлаб.
Борсанг обод бўлар ўсган элатинг,
Авж олади зиёда буп давлатинг,
Элда бўлсин қизлар билан суҳбатинг,
Бошдан кетар сенинг кўрган кулфатинг.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст буп сайрар булбуллар.
Булутлар маст бўлса, чалқийди куллар,
Сулув десанг Оқтош элдан топилар,
Йуқ нарсага кунгил бермоқ не даркор?

Муродхонга маъқул тушди бу сўзлар,
Бориб кўрмоқ бўлди ўсган юртини,
Остига кўндаланг қилди отини.
Отлангирди шундайин бекзотини.
Олиб жунамоқчи шундай кишини,
Сайёдлар кутариб олғир қушини,
Ҳарна деса Муродхонни кўндириб,
Чинордагн қушни қулга кўндириб,
Ҳаммаси элига қараб жунади.
Бораётир Муродхондай зуравор,
Хаёлдан кетмай кўрган парилар,
Ҳар қайсиси сўйлаб неча амалдор;
— Яхши деб нзласанг, хоним, элда бор.

Ана шунда бу сузни Муродхон эшитиб, «борсам-борайин», деб, ўйлаб, уридан туриб отланмоқчи булди. Амалдорлар туқмол ёлли тўриқ отни тўғри қилди. Муродхон отга минди. Сайёдлар чинордаги буз тарлон қушни қулига кутариб, булар ҳам подшога қараб турди. Шунда Муродхон бош бўлиб, ясовул амалдорлар йулни бошлаб, Оқтош мамлакатига қараб жунай берди.

Муродхоннинг кўнглидан ҳалиги кўрган паризоднинг ишқи кетмай, гарангтоб бўлиб бораётир. Бекларнинг сузи гоҳ қулоғига киради, гоҳ кирмайди. Муродхоннинг бундай хаёли қочиб бораётганини бир хил амалдорлар билан, хонга тасалли бериб, Оқтош элидагн бир неча қизларнинг сулувлигини таъриф қилиб, ҳар қайсиси ҳар ёқдан сулув қизларни мақтаб бир-бир сузлашиб бораётир:

Бундан бориб, Оқтош юртга кирармиз,
Йулда бойлар мазгилини курармиз,
Сулув қизларини йиғиб келармиз,
Шаҳар халқин барин жам қилармиз.
Курганингдан зиёд олиб берармиз.
Хали бир хил ишдан хоним беҳабар
Улган шоҳнинг Чулпонойдай қизи бор,
Қоронғуни ёруғ қилади дилбар.
Қандай одам курса, булур харидор,
Уни курсаңг, сенинг курганинг бекор,
Ун турт ёшда ҳозир унинг камоли.
Одамни балқитар унинг жамоли,
Бошида пирпирлар, ловдан рӯмоли,
Йигитни яшатар тегса шамоли.

Шундай сулув қизлар бордир Оқтошда
Оқтош борсанг шоҳлик даврин сурасан,
Уни курсаңг сира турмай қоласан
Курганларнинг бежой ақлин олади.
Жамоллари кунни хира қилади,
Чулпоной юзидан ниқобин олса,
Оқтош шаҳринг ой туққандай бўлади.
Шундай санамлари бордир Оқтошнинг.

Ҳозир у қизлардан хоним беҳабар,
Хуру пари бўлолмайди баробар,
Жамолин кўрсатса, шаҳар бузилар,
Шундайин қизлари бордир Оқтошнинг.

Яхши-ёмон қизлар саф-саф бўлади,
Хабар қилсак, икки бошдан келади,
Тақдир қилган шоҳ қизини олади,
Сулувликда пари кейини қолади.
Шундай сулувлари бордир Оқтошнинг.

Хон, тақдиринг шунга тортиб қолади,
Олган одам ғамдан озод бўлади.
Эрамнинг париси олдида бекор,
Жоду кўзли оша ақлингни ватар,
Шундай сулувлари бордир Оқтошнинг

Оқтош борсанг, элни сўраб турасан,
Йиғилганда Чулпонойни курасан.

Насиб этса, шу барнони оласан,
Баҳрали қизлари бордир Оқтошнинг.

Ана шунда Муродхон сипоҳи, беклардан бу сўзларни эшитиб, кунгли анча тасалли топиб, уйланмаса ҳам уйлангандай бўлиб, «қурган қизим шулмикан?»—деб, кутарилиб қолди. Муродхон шод-хуррам бўлиб, ҳамма беклар билан Оқтош шаҳрига кириб келди. Жиловхонага етишиб, амалдорлар Муродхоннинг отини ушлаб, Муродхон отидан тушиб, пойтахтга чиқиб кетди. Шу оқшом сипоҳилари билан жам бўлиб ётди.

Эрта билан тонг отди, қилди маслаҳатди, Муродхонни уйлантирмоқчи, бўлиб, ҳар қайсиси ҳар алвои сўз айтди, бир хили:

— Мамлакатга хабар қилайлик. Бировга, сен қизингни бекорга бер, демайик. Элда бировни хоҳласанг, ундан яхшиси чиқиб қолса подшонинг кунгли қолар. Бу элнинг ҳар қайсиси булса ҳам, «подшога қизингни бергин», деб айтсак, берар.— деди.

Бу маслаҳатни қилиб, ясовулар ҳар тарафга хабар бериб: «Подшонинг ҳукми: Оқтош улкасида баркамол қиз булса, ҳаммаси пойтахт остига жам бўлиб келсин!»—деб жарчи қуйди.

Подшонинг буйдоқлигини Оқтош элнинг ҳамма қизи ҳам билар эди. «Мени ола экан»,—деб умид қилиб юрар эди. Бу сўзни жарчидан эшитиб, чулда, кўлда утирган эллардан ҳар қизлар узига оро-торо бериб, «подшо хоҳласа бир бизни хоҳлар-да»,—деб ойнага қараб, йўқ-юқо камбағалларнинг қизлари ҳам «От олсанг—ориқдан, қиз олсанг—қаллочдан» деган деб, ўзида йўқ кийимларни кирага олиб, булар ҳам бора берди.

Оқтош шаҳар халқининг қизлари ҳам бораверди.

Улган подшонинг қизи упа-рангларни қуйиб, узига пардоз бериб: «Мен турганда бошқа-булак қизларга йўл бўлсин!»—деб, бу ҳам жунай берди. Бир қурбошининг битта кал қизи бор эди, Чулпонойнинг пойтахт остига чиқмоқчи бўлаётганини кўриб, унинг тилла чочбоғ, тилла баргакларни тақиб, тилла лаълиларга солиб, қирқин қиз кутариб бораётганини кўриб, кал қиз ҳам қирқта қизни узига мардикор солиб, кўп қора нплардан орқасига жамалак қилиб, бу ҳам бирич-мислардан бўлган лаълиларга солдириб, кўтартириб жунади. Шунда кал қиз канизакларига гаприб бораётибди: «Мен ҳам бир ойимча бўл-

дим, ҳар қанча ойим бўлса, менча бўлар-да деб, қирқ каниз сақлаб олдим, кўрса; подшо мендан булакни демас, мен ҳам Чулнонойдан кам эмас, мени олса, Муродхоннинг кўнглида армон қолмас, пойтахт остида кўзига тушайин деб, у ёқ-бу ёққа қирқиб ута берди. Қаерга борса Чулнонойнинг қабатига бориб турди. Шунда халойиқдан йиғилган қиз беш минг, ўн минг бўлиб қолди. Ҳамма йиғилиб, қизлар саф-саф бўлиб турди. Бояги Муродхон сарчашмада кўрган қиз юзига никобини тортиб, бу ҳам келиб қизларнинг қаторида турди.

Шунда қизларга хабар қилди: «Муродхон олма отади. Шу олмани қайси қиз илиб олса, Муродхон шуни олади» — деб жарчи чақирди — ҳамманг армонда қолма, қиз булсанг, — деди.

Буни эшитган қизлар шийбаниб, тайёр бўлиб турди. Муродхон олмани ҳаволатиб отди, кўнглида Чулнонойни дидлаб отди: Қизлар олмани кўп сурлигиб талашди. Бояги ниқоб тортиб юрган паризод олмани ерга туширмасдан, илиб олиб қўйди. Шунда Чулноной подшога қараб бир сўз деб турган экан:

Подшонинг тақдири чўрига бўлди,
Бировнинг чўриси бу ерга келди.
Йиғилган бу қизлар ноумид бўлди
Бундай чўри бекнинг тенги бўлмасин!
Йиғилган қизларни ноумид қилмасин,
Бир бетайин чўри бунда келарми?
Подшонинг олмасин чўри оларми?
Умид тортиб келган қизлар қоларми?
Бошқаватдан яна отсин олмани!
Бу гап чикди Чулнонойнинг тилидан,
Амаалдорлар келиб олди қўлидан,
Олмани элтиб яна хонга беради.
Кўз тутиб ойимлар шундай қаради.
Олмани қўлига олди Муродхон,
Ҳурдай бўлиб қизлар оша кийинган,
Яна ҳам Муродхон олмани отди.
Қизларни оралаб бу олма кетди.
Кўринг шу замонда у паризодни,
Олмани отгандан илиб олибди.
Чулнонойнинг нафси оғриб бу замон,
Паризодга сўз айтганди бир алвон:
— Қайси гўрдан бу йиғинга келасан,

Дам-бадам олмани илиб оласан,
 Шунча қизнинг кўнглини назо қиласан,
 Аслинг чури, қайси юртдан буласан?
 Хазон бўлмай, боғда гуллар сулами,
 Сўлган гулга булбул келиб қўнами,
 Чурилар подшонинг тенги бўлами,
 Хеч замонда подшо сени олами?
 Сўзни айтар, билсанг, мендай гажакдор,
 Сулувлар сафида турмоқ не даркор?!
 Олма олмоқ сенда эмас ихтиёр,
 Сендай чури кейин турмоғинг даркор!
 Чулпоннинг сўзини билди амалдор.
 Парининг қулидан олмани олиб,
 Ул олмани Муродхонга етқариб,
 «Бошқаватдан отинг», деди бу беклар,
 «Сулув қизлар бўлсин,— деди,— хабардор!»
 Ул замон осмонга олмани отди,
 Олма келар ерда талашиб ётди...
 Кўринг ул замонда бу паризодни,
 Парвоз қилиб, олмани илиб опкетди.
 Кейинги сафида туриб жой тутди,
 Кўп қизлар олма деб, талашиб ётди,
 У паризод нақш олмани курсатди,
 Уч мартадан кейин бу навбат ўтди,
 Подшога теголмай назо бўп қайтди,
 Қайтарда Чулпоной бу сўзни айтди:
 — Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
 Ер остида душман тани чирисин,
 Подшонинг тақдири, қизлар, қурисин.
 Яхшиман ёмонни элда билмади,
 Эл сулуви билан даврон сурмади,
 Тақдирига чури тушди, курмади.
 Тақдири насиби шундай бўлади,
 Фалак урган бир чурини олади,
 Унинг билан қандай даврон суради?
 Сўнгра хоним кўп пушаймон қилади.
 Подшонинг қилган ишлари бекор,
 Йиғилишган эди бунча кўп қизлар.
 Уз шаънига сўзни Чулпоной айтди,
 Барча қиз ноумид бўп уйига қайтди.
 Муродхонга тобе қариндошлари,
 Йиғилишиб бунда хотин-қизлари,
 Чури бўлса, кўр бўлсин, шоҳнинг дилбари.

Келиб паризоднинг атрофин олди,
«Урдага юринг», деб ишорат қилди,
Муродхон тақдирин шундайини бўлди.
Шу замон урдага ияртиб борди.
Муродхон ҳам шундай даврон устида,
Хар тарафга карнай-сурнай кўяди.
Нағмагар, уйинчи барин йиғади,
Уйланганин подшо маълум қилади,
Элу халққа туй-томоша беради.
Хафта, ўн кун бунда туй бериб ётди,
Хали кургани йўқ, у паризотди,
Ош-об бериб у туйини тарқатди.
Туй тарқади, ҳар ким уз жойига кетди,
Бу урдада жой ораста тузатди,
Шу кун никоҳ қилди, у паризотди.
Келиб бекни бир нечалар ияртди,
Паризод қошига Муродхон етди.
Хотин-қизлар бари жойига қайтди,
Паризод бу эшикни беркитди.
Қават-қават бунда тушак солади,
Ул паризод қанча жилва қилади,
Паризоднинг жамолини куради,
Муродхоннинг кунглидаги бўлмади,
Бу ёрнинг ҳуснига кунгли тулмади,
Паризодга сира савол қилмади.
Ул паризод «кунглидагин билай, деб
Жилва қилиб бекнинг аклин олай», деб;
— Тақдиринг қўшилди бу паризодга,
Шукур қилай, тегдим сиз валломатга,
Инжилмай, инганиб утинг тушакка!
Олис турмай, бери келинг қошим,
Қул солиб уйнасанг қордай тушима.
Сен агар қўшилсанг гул бувишингга,
Мендай ойим келармикан ўйингга,
Қулим солайинми сенинг буйнингга,
Ўзим бориб қирайинми қўйнингга?
Бегижон, шундайин ақлимни олиб
Тар хинали нозик белим буралиб,
Не сабабдан, хоним, кунглинг қабариб.
Мени олдинг, хафа бўлиб ғам ема,
У кўрган қизлардан мени кам дема,
Хар элларда кўп оралаб юраман,
Яхши-ёмон не жойларни кураман,

Элибой қизиман, чулдан келаман,
 Бери келинг, хоним, ўйнаб куламан.
 Хуснима етмайди берсанг дунё мол,
 Хафа булма, хоним, сузга қулоқ сол,
 Душманлар зарбимдан бўлади поймол,
 Бери келиб, ўйнаб-кулиб ақлим ол.
 Уз элимда шоҳнинг ғамин еб эдим,
 Бой қизиман, адир жойдан кеб эдим,
 Борсам сиздай хонга тегсам, деб эдим.
 Муродим мақсадим менинг топилди,
 Мунча ҳам инжилиб, хоним, не булди?
 Келинг, хоним, бирга ўйнаб-кулайик,
 Вақти хушлик қилиб даврон сурайик.
 Билмайман куриб сенинг шаҳрингни,
 Ўйнаб кулсанг сен курарсан баҳримни.
 Суз эшитгин менинг ширин тилимдан,
 Кучоқласанг балки нозик белимдан,
 Етакдаб тушакка элтай қулингдан,
 Инжилмай инграниб ўтгин, бегижон.
 Не сабабдан кунглинг хафа қиласан
 Суз сурамай мени қандай биласан?
 Сендайин нечовлар менга харидор
 Неча беклар йулимдадир интизор,
 Етолмайин куп савдога гирифтор,
 Кунглингни билмадим, не муддаонг бор?
 Бу сузни шу замон паризод айтди,
 Чури суратини куриб Мурод диққатди,
 Ҳарчаид савол қилди, суз қотмай турди,
 Куп сўйлаб паризод гапириб курди.
 Муродхон шу замон кунглига келди,
 Тарзини курмай деб, бу ҳазар қилди.
 Ҳар гап булса, Мурод тақдирдан курди,
 Ёнган чироқни пуфлаб учирди...
 Муродхон ечиниб тушакка кирди,
 Муроднинг ишини у оғир олди,
 Фикр қилиб пари ўйланиб турди...
 Муродхон парини писанд қилмади,
 Паризод эканин, балки билмади,
 Куп қизларнинг қаторида курмади.
 Қоронгида пари туриб уйлади:
 «Курмаган кунларни бунга солай, деб
 Ҳар на ҳунаримни маълум қилай» деб,
 Урданинг ичини қоронги қилди,

'Дуо уқиб, бетдан ниқобин олди.
Қоронғи уй бунда ёп-ёруғ булди,
Жамоли барқ уриб бул замон турди,
Муродхонга яна савол қилади:
— Хоним, ётиб кўп пушаймон қилмагин,
Изим топмай кўп сарсонлар булмагин!
Ой туққандай булиб қолди осмондан,
Ул Муродхон ётиб эди дустамон.'

Муродхон дустамон ётган эди, бу сўзни эшитиб, бир қиё булди, кўзига бир шуъла урди. «Бу чирокни ёқиб-дими?»— деб сиёсат қилмоқчи булиб урнидан турди. Парининг шуъласи Муродхонга урди. Муродхон: «Ош пичоқ, қалампир, саримсоқ»,— деб беҳуш булиб йиқилди.

Парининг кўнглига шумлик келди: Муродхоннинг маст бўлганини билди. Бошидан бир ёстиқни олиб, одамдай қилиб, узунасига Муродхоннинг қўйнига солди.

Муродхон мастликда ёстикни пари деб бағрига олиб қолди, кўзини очолмайди, шул ёстикдан аича-мунчани олиб, паризод гумон қилиб, кучоқлаб қолди.

Паризод урнидан туриб, либосларининг устидан Муродхон либосидан кийиб, қундуз телпакни бошига бостириб кийиб, уруш яроғларини ғамлаб, Муродхоннинг сари ёйини олиб, ўрдадан ташқарига чиқди. Паризод аста-аста таблага борди. Муродхоннинг тўқмол ёлли тўриқ отини вгарлаб, абзаллаб миниб олди. Файзи саҳар вақти қўрғондан иргитиб, ўз мамлакатига йўлга равона бўлди.

Эрта билан тонг отди, балки кун чошка ҳаддига етди. Эшик очилмайди. Хизматкор хотинлар ичкарига киролмайди, эшикка келиб, қайтиб қатнаб юрибди. Шунда Муродхоннинг синглисига хабар берди. Синглиси келиб, шундай эшикни очиб, ўзи кейин турди. Булак хизматкор хотинлар ичкари кирди. Муродхоннинг аҳволин курди. Олган хотини йўқ, маст булиб, бир ёстикни баррига олиб ётибди.

Синглиси акасини бу ҳолда кўриб, номус қилиб, ака-сига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Бир айёрга, ака, дучор бўлдингми,
Элни йиғиб, бир кашмирни олдингми,
Эл ичида шарманда бўп қолдингми?
Ака, эшит менинг айтган зоримни,
Мен кўрмадим, сенинг олган ёрингни,

Туриб сўра элда кирдикорингни,
 Расво қипти сендай меҳрибонимни.
 Олло сенинг ақл ҳушинг олибди,
 Сенга, ака, душман дучор бўлибди,
 Бир ёстиқни у қўйнингга солибди,
 Ётишингга синглинг номус қилибди,
 Сендай акам хуп шарманда бўлибди.
 Эга бўп сўрагин Оқтош шаҳрингни.
 Сабил қилма бунда кирдикорингни,
 Олжетмасин паризод тулпорингни.
 Қўзингдан ўткаргин ашё-борингни,
 У паризод Кашмир юртдан келибди,
 Агар билсанг, у пайнингда юрибди,
 Энди курса, билмаганинг билдирар,
 Дўст йиғлатиб, душманингни кулдирар.
 Сира вафо қилмас сени ўлдирар.
 Пари халқи маланг қаттиқ бўлади,
 Дунёда бор сўзни улар билади,
 Кимга қасд айласа, нобуд қилади,
 Одам билан қандай дамсоз бўлади,
 Кейнидан югурган одам улади.
 Ака, сенинг уйланганинг бўлади,
 Эли халққа анча суз буб қолади.
 Тура келгин, меҳрибоним ётмагни.
 Қурисин хотиннинг отин тутмагин.
 Ўз жонингга ўзинг қилма зулмин,
 Билиб юргин энди тўғри йўлингни
 Хотин буб билмаса сенинг холингни,
 Сўраб тургин бунда Оқтош элингни.

Бу сўзни Муродхон синглисидан эшитиб, ҳуши ўзига
 желиб, ўрнидан туриб, у паризоддан айрилиб, нима дерини
 билмай, аҳволи ўзгача бўлиб, ҳар тарафга қараб, пари-
 зоддан ному нишон топмай, ўз ётишидан узи уялиб,
 синглисига қараб бир суз деб турган экан:

Аввал билмай, оша аҳмоқ бўлибман,
 Сунгра ёрнинг жамолини курибман,
 Куриб ёрдан жудо бўлиб қолибман.
 Кеча-кундуз хаққа фиғон ётарман,
 Қиличимга қизил қонлар қотарман,
 Қайда борса уни ушлаб тутарман,
 Куринса-ку, жойга чоқлаб отарман,

Қавму қариндошин мен бузлатарман.
 Охир қилдим бунда ўтиришимни,
 Аввал мен билмадим қилар ишимни,
 Иулига бой тикдим азиз бошимни.
 Ҳеч билмадим менга солган дардини,
 Сурамабман усган мамлакатини,
 Изларман бетайин кетган юртини,
 Туқмол ёлли туриқ отни минарман,
 Қайда булса, мен ҳам излаб борарман,
 Осмоннинг остидан топиб оларман.
 Агар топсам, унга бермайман омон,
 Шаҳрига соларман қоронғи туман.
 Аччиғландим, энди қайтмам сўзимдан,
 Душман бўлди, қутулмайди ўзимдан.
 Тақдир этса, ақанг излаб боради,
 Отим учар қушдан улги олади,
 Душман бўлди у паризод ўлади,
 Изласам охири дучор булади.
 Энди мен ҳам пойтахтга борайин,
 Саркарда бекларни йиғиб олайин,
 Шаҳарни бировга тайин қилайин,
 Умрим борича излаб кўрайин.
 Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулмасам,
 Душманларга қаттиқ кунни солмасам,
 Ер юзида булса, топиб олмасам,
 Олиб келиб мен хизматкор қилмасам,
 Бу шаҳарда шундай даврон сурмасам.

Муродхон бу сўзни айтиб, ўрдадан чиқиб, пойтахтга қараб равона бўлди. Соқи деган хизматкори қул қовуштириб таъзим қилиб, салом бериб, Муродхоннинг йулида туриб, бир сўз деб турган экан:

Аё шоҳим, гулдай сўлган тарзим бор,
 Хизматкорман, сизга айтар арзим бор.
 Фалак золим турли савдо солибди,
 Олло менинг ақлу ҳушим олибди,
 Бу табладан тулпор ғойиб бўлибди,
 — Ҳамма ер — дарбоза маҳкам турибди,
 Билмаймиз қандайин душман келибди.
 Макру ҳийла билан отни олибди,
 Изи турур, узи ғойиб бўлибди,
 Сарсон бўлиб, ҳамма қараб юрибди,

Қўрғондан иргитиб отни минибди,
 Қайси юртдан бунда ганим келибди,
 Бўлак аслаҳанинг бари турибди.
 Улжа бўлиб кетди шундайин тулпор,
 Учар қушдан ўтар эди жонивор,
 Ухламайин бизлар қолдик беҳабар,
 Элга оралабди бир кашмир айёр,
 Хизматкормиз, ҳозир бизлар гуноҳқор,
 Ҳар гап бўлса, шоҳим, сеида ихтиёр,
 Бу юртнинг ободи эди у тулпор,
 Бир душманга бўлиб қолди-да дучор,
 Улжа бўлиб элдан кетди муқаррар,
 Дарагин билмади, биздай хизматқор.
 Табладан чиқариб биров минибди,
 Тезлабди, қўрғонга тура келибди,
 Бу қўрғондан ирғиб йўлга кирибди.
 Юрган йўли белгили бўп турибди.
 Бу сўзларни айтар мендай хизматқор,
 Қайси юртга борди араби тулпор
 Обод қип сурасанг мамлакатингни
 Олдирибмиз, бугун тулпор отингни.
 Биз ҳайронмиз, хоним, оғир олмагин,
 Бир турли савдони бизга солмагин,
 Бу сўзимни, хоним, ҳазил билмагин.
 Очилар баҳорда боғнинг бодоми
 Бу ерга етишган душман қадами,
 Сенсан бу шаҳарнинг деган одами.
 Бу таблада отинг ғойиб бўлибди:
 Ҳеч замонда шундай ишлар бўлами,
 Одамзод наслидан душман келами,
 Узин маълум қилмай отни олами,
 Шунча одам мунча беҳабар қолами?
 Бу ҳам бир сир, бизлар бўлдик кўп ҳайрон,
 Амалдорлар бўлиб сарсон-саргардон,
 Агар билсанг; жавоб бергин Муродхон,
 Шоҳим, бизлар сендан тоза уялган.

Шунда Муродхон Соқидан бу сўзни эшитиб, айтди:—
 Менинг ишимни қилган экан, баччагарнинг қизи бу тул-
 порни ҳам олган экан, душманлиги маълум бўлган экан,
 у менинг қасдимда юрган экан. Бу ишлардан менинг ха-
 барим бор, хаёлингни булмагин, отни олдиртиб хафа бўл-
 магин, ўз ишингда бул, хизматингни қила бер!— деди.

Соқи шунда Муродхондан:— Бу нима воқеа?— деб сўради. Шунда Муродхон Соқига қараб, сиру аҳволидан хабар бериб, бир сўз деб турибди:

Отам подшо эди, мен сағир қолдим,
Сағир бўлиб камлик даврини кўрдим,
Эр етиб бир куни камолга кирдим,
Подшо бўлиб отам тахтига миндим.
Ул неча бекларнинг сардори бўлдим,
Қуш солиб неча вақт кўлларни кўрдим,
Қушим давр олганда ахтариб келдим,
Жоду кўзли санам дилбарни кўрдим,
Ақлим кетиб унда отдан йиқилдим,
Лаҳзадан сўнг яна ҳушимга келдим,
Отланиб бекларман шаҳарга кирдим,
Неча беклар билан бунда утирдим;
Олма отиб, унда уйланмоқ бўлдим,
Чури сурат бирор санамни олдим,
Олиб мен ҳам уз никоҳимга солдим,
Жасадини кўриб кўп хафа бўлдим,
Ўсмолин кўрсатди, маст бўп йиқилдим.
Естиқни қучоқлаб беҳуш бўп қолдим,
Тонг отган сўнг, яна ҳушимга келдим,
Ҳам отимдан, ҳам ёримдан айрилдим.
Пари менинг ихтиёрим олганди,
Ўлжа қилиб тулпоримни минганди.
Учқур эдим қанотимдан қайрилдим,
Югрик бўлсам, туёғимдан тойрилдим,
Ҳам отимдан, ҳам ёримдан айрилдим.
Подшо бўлсам мен ҳам бу элда ғариб,
Мен сенга гапирдим дардимни ёриб,
Ҳам отимни, ҳам ёримни ахтариб.
Пари менга шундай жилва қилибди,
Ғойиб бўлмас, отни пари минибди,
Юртига отимни ўлжа қилибди.
Ҳозир кўнглим хаёлини билай деб,
Марди-номардини бекни синай деб.
Отни олсам, бу, албатта борар деб,
Отин оп кетмасам, бунда қолар деб.
Хаёлима шундай гаплар келади.
Албатта у қизнинг кўнгли мендадир.
Мард бўлса, кейнимдан излаб келсин деб,
Келса, зўрлигин маълум қилсин деб,

Оти билан менн келиб олсин деб,
 Улжа қилиб у тулпорни олибди,
 Сенинг хаёлингга қўп гап келибди.
 Бора бер бу ншга хафа бўлмагин,
 Нодон кунглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
 Бу сирни бировга маълум қилмагин
 Кунглимда билмайсан қолган губорди,
 Сенга айтдим, неча сўз кунглимда борди(р)
 Парвариш қил, бориб Қора тулпорди
 Мен излаб топарман зулфакдор ёрди...
 Жониворнинг сағрисини силагин.
 Обод бўлиб турсин усган элатим,
 Туриқ отдан кам эмас бу қора отим,
 Агар минсам, тоша келар ғайратим,
 Қулга келар кетган у паризодим.
 Турибман мен неча сўзларни уйлаб,
 Бу юртдан кетмоққа белимни бойлаб,
 Неча сўзни сенга мен баён айлаб,
 Муродхон билдирди шундайин сўйлаб,

Соқи Муродхондан бу сўзни эшитди, таблага қараб
 қайтди. Муродхон пойтахтга чиқиб кетди. Атрофини
 амалдорлар олиб турибди. Узи билан соз амалдорлар
 тегишиб, ҳазиллашиб:— Хўш, қуллуқ бўлсин!— деб ку-
 лишиб турибди. Муродхон буларга жавоб беролмай, бо-
 шини ерга солиб турибди. Шунда бекларнинг сўзига жа-
 воб бериб Муродхон бу сўзни айтиб турибди:

Бир жодугар, айёр менга етишди,
 Бағримдан ўт чиқиб таним туташди,
 Ошиқлик савдоси бошима тушди
 Олган ёрим бугун ҳавога учди.
 Жамолини кўриб хонинг адашди,
 Қуллуқ бўлсин дема, ақлим шошди.
 Мендай хонинг курди неча аломат,
 Тириклигим гумон, қолмас саломат,
 Менга булди энди ваҳми қиёмат,
 Даркор эмас, менга бу шоҳлик шавкат!
 Амалдорлар, бу сузимни билинглар,
 Оқтош юртин хўп саранжом қилинглар,
 Юрт ағаси бўлиб сўраб туринглар,
 Беклар, менга яхши жавоб беринглар.

Йулдан урманг, беклар, мендай мардингни,
 Сизларга топширай мамлакатимни,
 Улжа қилиб олиб кетган отимни,
 Излаб борай, кетган парязодимни.
 Бу савдога мен ҳам қонлар ютарман,
 Мамлакатдан бошим олиб кетарман,
 Ажал етса ғарибликда утарман,
 Бир куринса, ёрни ушлаб тутарман,
 Омон-эсон элга олиб қайтарман.
 Сураб туринг, эга бўлиб Оқтошга,
 Кўзим тўлар бунда селоба ёшга,
 Улмасам келарман бу тенгу тўшга,
 Мен сиримни айтдим жўра, йўлдошга.
 Ҳозир менинг тириклигим гумона,
 Булибди бошима ажаб замона,
 Ер ишқида бўлай марди майдона.
 Ёрим излаб шундай тулиб-тошарман,
 Неча баланд Асқар тоғдан ошарман,
 Эсга олсам, ақлимдан шошарман
 Биринг эга бўлиб тургин Оқтошга.
 Дардли қул, дардимни кимга ёрайин,
 Ҳасратидан элдан-эл ахтарайин,
 Излаб-излаб ҳар шаҳардан сурайин,
 Агар топсам, элга олиб келайин,
 Ажал етса, ёр йўлида улайин
 Биринг сўраб, эгалик қил Оқтошга.
 Тозилар югуртиб тоққа чиқардим,
 Томошалар айлаб, ҳар ён боқардим,
 Шунқор чўйсам тилла таблам қоқардим,
 Шу ғурбатга солди бир ғузал золим,
 Саркардалар, забун бўлди аҳволим.
 Хонинг излар кетган паризодини,
 Эга бўп суранглар Оқтош юртини.
 Кўп яшасин, беклар, бунда улмасин,
 Хаёлингга неча сузлар келмасин,
 Бу сузимни энам, синглим билмасни,
 Йиғлаб узин оша ҳалак қилмасин.
 Ҳар на деб амр этсам ани қилингла,
 Энамман синглима раҳбар булингла,
 Эга бўлиб, элни сўраб турингла,
 Холисолло менга жавоб берингла,
 Ғамга тўлиб кетдим бунда оқ уриб,
 Дунёни сурайин, мен ҳам йўл юриб,

Бирон ерда қолсам ёрга йўлиқиб.
Мана влда мен ҳам бекман, тураман,
Ҳар на қисмат ёзилганин кураман,
Холисолло дуода бунг беклар,
Кетган ёрни энди излаб бораман.
Ҳаддан ошиб кетди менинг меҳнатим,
Кўпдир менинг ҳозир бошда кулфатим,
Қўлга тегса, кетган у паризодим,
Сунгра менинг авж уради давлатим;
Сунгра сизман бўлар менинг суҳбатим,
Сизларга омонат бу мамлакатим,
Бир соат турмоққа йўқдир тоқатим.

Бу сўзни Муродхон айтди. Оқсоқол, ақобир, туқсоба,
амалдор беклар эшитди. Бир Оталиқ бек Муродхонга бу
сўзни айтди: .

Бизларга омонот қолса бу юртинг,
Қайси элдан экан ул паризодинг.
Паризодман кулиб савол қилдингми,
Оти нима, усган жойин билдингми?
Қайси юртдан экан, гул юзли дилбар,
Билсанг, лашкар билан бормоқлик даркор.
Сенинг учун бизлар бошни берайик,
Ростин дегин, бирга-бирга жунайик.
Биз ҳам бек буп, бунда даврон сурамиз,
Сендан инъом оти, сарпо оламиз,
Ботирликка элда даъво қиламиз,
Қайси юртдан, айтгин, бирга борамиз.
Паризоддан яхши савол сурдингми,
Усган юртин тоза аниқ билдингми,
Суйла, хоним, деуу жинни курдингми,
Сен бизларни жуда номард билдингми?
Узун-узун тоғларингни соласи,
От чопмоққа хуп қойимдир даласи,
Хафа бўлма, хоним, Оқтош тураси.
Бу шаҳрингда бордир қанча хизматкор,
Ясов тортса, ўн икки минг аскар бор,
Олдингда отланар туғдору сардор,
Елғиз юриб сарсон бўлмоқ не даркор?
Ер юртидан, хоним, аввал, хабар бер.
Ушбу дамдир, узга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,

Елғиз мен деб, хоним, сира ғам ема,
 Кўп лашкардан оз ҳам бўлса, кам дема.
 Сен ҳам подшо бу шаҳарда анжомдор,
 Куп лашкарга танҳо тегар ботирлар,
 Саваш бўлса, ширин жондан кечади,
 Душманларга кафан тунин бичади,
 Саваш бўлса, ботир юзни санчади,
 Танҳо борса, куп лашкарлар қочади,
 Қиличидан қизил қонлар чочади,
 Шундай ботирларинг бордир, ғам ема.

Бу сўзни Оталиқ бек айтди. Муродхон эшитди, бо-
 шини пастга солиб, диққат бўлиб, дамани ростлаб:—
 Менинг ишим битган, ҳисобим етган, бир куришиб кетган,
 ҳайтовур, мен маст бўлиб қолиб уни йўқотган, нима бўлса
 у мени доғлаб кетган, билмайман қайси юртдан экан,
 ўсган мамлакатини ҳеч сўраганим, ўзининг отини ҳеч даҳл
 қилганим йўқ!— деди. Муродхоннинг бу сўзини эшитиб
 ўтирганларнинг бир хил мийғида кулиб, бир хил бил-
 дирмаган киши бўлиб, бошини ерга солиб: «Подшо билса,
 уялмасин, хафа бўлмасин»,— деб турди.

Оталиқ бек туриб айтди:— Хоним, бу сўзингиз қан-
 дай? Йўқ нарсани қаерга излаб борасиз? Осмонга чиқиб
 кетганини билмасангиз, ерга кириб кетганини билмаса-
 нгиз. Яман тарафидами, Ясар тарафидами, билмасангиз,
 бекор сарсон бўласиз. Қайси юртга борасиз? «Кимни
 излаб юрибсиз?»— деса, нима жавоб берасиз? Куп сарсон
 бўлиб, юрт овораси бўлиб хориб, чарчаб, ўласиз. Парими,
 жинми, нима эканини билмасангиз? Лекин бизлар билдик,
 сизнинг ёрингиз бир кашмири пари экан, у сиз билан ҳеч
 вақт дамсоз бўлмайди, топганингизда ҳам ҳеч бир вафо
 қилмайди, беҳуда, аҳмоқ бўлманг, мени десангиз изла-
 манг.

Бу сўзни эшитиб, Муродхон буларга қараб бир сўз
 айтиб турган экан:

Ошиқлар шайдойи кунглини бузди,
 Эшитгин, бекларим, сўзлаган сўзди,
 Вомиқ учун Узро дарёни сузди,
 Ширин учун Фарҳод тоғларни қазди,
 Лайли учун Мажнун чўлларни кезди,
 Тур,— деди, неча йил бу ерда турди.
 Тепасига лайлак уялар қурди,

Етти йил умри зинкийиб қолди,
 Етти йилдан кейин Лайлиси келди,
 Лайли келиб, Мажнун ҳолини сўрди
 Адашган ошиқлар бир-бирин кўрди..
 Бу сўзимни айб қилма амалдор,
 Ошиққа айрилмоқ аввалдан қолди
 Юсуфни Зулайҳо зиндонга солди;
 Қирқ йил куйиб у ҳам ўтдай тутанди.
 Топишиб ошиқлар мақсадин кўрди.
 Шоҳсанам, Шогариб деганлар ўтди,
 Неча йил бир-биридан жудо бўп кетди,
 Неча вақтлар бунда орадан ўтди;
 Бир баҳонаман келиб бир-бирин топди,
 Санам билан Ғариб мақсадга етди.
 Сўйгги ошиқ ўтди Ези ҳам Зебо,
 Буларнинг бошида юз турли гавго,
 Топишмайин булар дунёдан ўтди.
 Ошиқларга худо солган кулфатди,
 Уларнинг навбати бизларга етди,
 Овга чиқиб бизга пари йулиқди.
 Шуларнинг йулини қувиб борамиз,
 Айб қилманг беклар топиб олармиз.
 Биз минармиз элда бу бедов отни,
 Яхши ўйлаб қилинглар маслаҳатни.
 Сизларга топшириб бу мамлакатни,
 Мен кетарман излаб у паризодни..
 Изламасам, менга ор қабоҳатди(р),
 Абзаллаб минарман бу Қора отди,
 Жўнатинглар мендаيين валломатди,
 Ташлаб кетиб бағриларим тузлатди.
 Ернинг ишқи мени бунда бузлатди,
 Бегу хонлар, яхши жавоб беринглар,
 Дуо қилиб, бизни йўлга солинглар.
 Хаёлингга неча гаплар келмасин,
 Кетганимни дўсту душман билмасин,
 Бе эга деб юртга овоз бўлмасин,
 Ҳар ёқдаги шоҳлар душман бўлмасин,
 Келиб тағи юртни талон қилмасин,
 Мамлакатим бу уртада қолмасин.
 Атрофингда Темир шоҳдир зурабор,
 Рустамдайин, унинг зурабори бор,
 Юрт бе эга, билса бунда келади,
 Оқтош юрти бу уртада қолади,

Мамлакатни ўз қўлига олади
 Оталиқни сардор катта қилайик,
 Мана юртнинг ихтиёрин берайик,
 Оталиқни юртга катта қилайик,
 Бу юртни топшириб энди жунайик.
 Аё беклар, тимсол айтдим бир алвон,
 Ҳақ таоло бизни қилиб саргардон,
 Суз айтар барингга каттанг Муродхон,
 Оталиқни элга қилайик султон.

Оталиқ, акобир, амалдор, сипоҳилар Муродхондан бу
 сўзни эшитиб, беклар ҳаммаси маслаҳат қилиб, қўл кута-
 риб дуо қилиб, Оталиқни хон урнига хон кутариб, муҳрлаб
 мамлакатни топширди. Муродхон ёрини изламоққа бел
 боғлаб, Оталиққа қараб бу сўзини айтиб турган экан:

Эл кўчириб Ола тоғдан оширдим,
 Сирим айтмай, душманлардан яширдим,
 Улуғ дедим, остонага бош урдим,
 Оқтош мамлакатим сенга топширдим:
 Давлатнингдан шолу шолдам ўрагин,
 Кеча кўрган тушни кундуз йўрагин,
 Камбағал — қашшоққа яхши қарагин,
 Однл бўлиб, Оқтош элин сурагин!
 Сен эшитгин менинг айтган тилимни,
 Фақирларга сен қилмагин зулмни,
 Однл туриб сура Оқтош элимни.
 Тожу давлатимни сенга топширдим.
 Мен топширдим қатор-қатор норимни,
 Сенга бердим газнадаги заримни,
 Мен топширдим бисотимда боримни,
 Обод қилиб сура кирдикоримни;
 Мен кетарман излаб бундан ёримни.
 Мен кетган сўнг энам ҳалак бўлмасин,
 Уртанган утларга жонин солмасин,
 Болам; деб бутадай бузлаб қолмасин,
 Қандай бўлса, мунглиғ синглим билмасин.
 Мен келганча кунглин сураб туринглар,
 Қария энамга раҳбар бўлинглар.

Бу сўзларни Муродхон Оталиққа айтиб, тайинлаб,
 Соқи деган хизматкорини чақириб:— Отни эгарлаб, чоқ-
 лаб олиб кел!— деб буюрди. Соқи таблага борди. Борса,

таблада Қора отнинг сағриси тошиб, ёли қулогидан ошиб,
учадиган қушдай, ҳар кўзлари таркашдай бўлиб, юлдузни
кўзлаб, тараққос бойлаб, суқсурдай бўйлаб турибди. Соқи
отни табладан чиқариб, сарҳовузнинг бўйига олиб келиб,
туққиз марта ювиб, жом коса билан сув қуйиб, отни хўп
шипириб-сидириб, эгарлаб турган ери:

Оша юртга ошган тортар хурликни,
Ёр йўлида беклар қилар ёрликни,
Бисмилло деб солди отнинг устига
Кимхоби майиндан бўлган терликни.
Мард бўлганлар қарайдикан дурбини,
Ишлатар усталар пулат қирғини,
Бисмилло деб солди отнинг белига
Зарли-ю зарбофдан бўлган чиргини.
Чиргининг устидан қуйди белликни,
Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни.
Муллалар ўқийди зеру забарни,
Усталар ишлатар: теша, табарни,
Ким беради кетган ёрдан хабарни,
Ёр излаб, Мурод қилмоқ сафарни,
Бисмилло, деб солди отнинг белига
Қоши олтин, тилла қумуш эгарни.
Эл кўчириб Ола тоғдан оширди
Сирин айтмай, бир нечадан яширди.
Иккови ҳам тилладандир узанги
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.
Қиш ҳам ёз ўртаси хишша саврди(р),
Емон одам мудом қилар ғовурди,
Лоф айтганга ботмондан ҳам оғирди(р)
Бисмилло, деб солди отнинг устига
Чочоғи зумраддан зарли давирди.
Гана-гана бандаларинг жоҳилди(р),
Худо қилган ишга банда қойилди(р),
Ғайрат билан тортди отнинг белидан
Сирти ипак, ичи майин айилди.
Чу деса утади осмонда қушдан,
Хоним умид қилар кетган бувишдан,
Шу замонда тортди отнинг белидан
Ун саккиз қуббали чағатой пуштан.
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон —
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан.
Абзалининг бари ола қайишдан.

От абзаллаб Соқи шундай қувонди,
 От бошига солиб тилла юганди.
 Отлантирсам деди бу валломатни,
 Соқи шундай абзаллаб қора отни,
 Жунатсам деди-ку, шундайин бекни,
 Гарданига солиб умилдириқни.
 Ун икки ой бу таблада боқилган,
 Гарданига тилла қўтос тақилган.
 Оёғига абжуш нағал қоқилган —
 Тегса тошлар ёнғоқдай буп чақилган,
 Букун бундан кетар Оқтош бекзоди,
 Юз аалвон уйнайди араби оти,
 Минганларнинг ҳақдан етгай мақсади,
 Балки бордир қултиғида қаноти.

Шунда Соқи бу сузларни айтиб Қора отни Муродхон-
нинг отланатурғон ерига қараб етаклаб олиб бораётир:

Йилки ичинда ўзи келган синлиди(р),
 Тубичоқ туёқли марол беллиди(р),
 Қиммат баҳо эрмиш бекнинг бедови.
 Сени минар бугун эҳдан адашиб,
 Хонинг кетар бугун ақли шошиб,
 Не юртларга борсанг гузаринг тушиб.
 Соқи: сени кўп парварниш қилади
 Кокилингни тараб, кўзинг силади,
 Не юртларнинг ўти тақдир қилади,
 Оқтош хони кетган ёрга боради.
 Соқи ўйнатади бу тулпорини,
 Оталиққа бериб Оқтош шаҳрини,
 Сенинг эганг излаб кетар ёрини,
 Курарсан, жонивор, сонсиз парини.
 Неча баланд дарбанд тоғлардан ошиб,
 Парилар юртига гузаринг тушиб,
 Бориб олсин хоним кетган ёрини.
 Омон-эсон кўрсин Оқтош шаҳрини.

Соқи бу қора тулпорни етаклаб олиб бориб, пойтахт
 остида Муродхонга туғри қилди. Муродхон яхши сарполар
 кийиб, шамшир-пулатларни белига бойлаб, уруш яроғини
 гамлаб, отланди. Шунда Муродхон олисдан кўринган ёвга
 керак булар деб, парли ёйини йўқлади, ёйни топмади.
 «Оббо баччағар, менинг ишимни қилган экан, бу керакли

ейни ҳам олган экан», деб жунамоқчи бўлди. Оталиқ хон Муродхонга қараб бир суз айтиб турган экан:

Остингда уйнайди араби отинг,
Сен кетасан, энди қолмас тоқатим,
Бизларга топшириб бу мамлакатинг,
Неча вақтда сенинг келар муҳлатинг?
Бир келар мулжалинг сендан сўрайин,
Неча вақтда мен йўлингга қарайин?
Олис юртга сафар қилиб борасан,
Одамзод кўрмаган ерни кўрасан,
Хабар бергин неча вақтда келасан?
Ёлғизсан, худойим сақласин омон,
Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон,
Хабар бергин, неча вақтда келасан?
Чечан бўлиб мен ҳам гапни улайин,
Ҳожатингни бир оллодан тилайин,
Кетган ёринг йулиқсин-да илойим,
Бир келар мулжалинг сендан сўрайин.
Ҳозир чул булгандай бу мамлакатинг,
Неча вақтдир айтиб кетгин муҳлатинг.
Илоҳим йулиқсин у паризодинг,
Учар қушдан ўтсин бу минган отинг,
Ёр изладинг тошиб сенинг ғайратинг,
Қулга тегсин дўғлаган паризодинг.
Қайта бошдан обод бўлсин элатинг,
Неча кундир сенинг келар муҳлатинг?
Йуқ савдога кетдинг, белингни боғлаб,
Айрилиқ ишларга бағрингни дўғлаб,
Қайси юртга сен борасан суроғлаб?

Бу сузни Оталиқ бекдан Муродхон ашитиб, Оталиққа қараб саволига жавоб бериб, бир суз деб турган ери:

Таваккални бир жудога қиламан,
Бетайин юртларга кетиб бораман,
Иза берган ёрга талаб қиламан,
Умримнинг борича излаб кўраман,
Ахир топсам, омон-эсон келаман.
Соғ-саломат жатта-кичик кўраман,
Ёрим эмас, номус-орга бораман,
Азаматлар олмос бойлар дастига
Душман тушар кам давлатнинг қасдига,

Қулоқ солсанг бу гапим пайвастига,
 Тақдир тортиб борсам ёрнинг устига,
 Майдоида ғайратим сарфлаб кўрарман,
 Душман бўлса, қайтмай саваш қиларман;
 Тақдир этса, мен ёримни оларман,
 Дуода бўнг¹, омон-эсон келарман.
 Қулоқ солинг мендай марднинг додига,
 Ер ахтариб минди бедов отига,
 Мен бораман париларнинг юртига.
 Эсимга олганда кўнглимни бузиб,
 Кетсам зор учмаган чўлларни кезиб,
 Қулоқ соп эшитинг айтган нидора,
 Улим навбат етар шоҳу гадога,
 Ишимни солганман қодир худога,
 Дуода бул амалдорлар садақа.
 Бу сўзларни айтди Муродхон номдор,
 Қул кутариб дуо қилди амалдор.

Ҳамма турган беклар, Оталиқ хон бари, шоҳу хуррам
 булиб фотиҳани бетига тортиб, омонлашиб, жунатиб юбор-
 ди. Оталиқ беклар турган жойида Муродхоннинг кетишига
 қараб хафа булиб қола берди. Муродхон отини уйнатиб
 бораётиб эди, унинг сингиси сайр боғ қилиб, қирқин қиз-
 лар билан келаётиб эди, шунда сингиси Муродхон-
 ни кўриб қолди. Қараса акаси от, яроғ-асбобин шайлаб,
 йўл яроғини олиб бораётир. Сингиси кўзини ёшлаб, оти-
 нинг жиловидан ушлаб, бир сўз сўраб, турган экан:

Чечанни сўзлатган қизил тил бўлсин,
 Узундир, қисқадир, тунинг мул бўлсин,
 Душман кўриб², жиловингда қул бўлсин,
 Эмикдошим, ака, сенга йўл бўлсин?
 Ярашиққа бедовингни минибсан,
 Нор кесар олмосни белга чолибсан,
 Бир шаҳарга, ака, талаб қилибсан,
 Йўл бўлсин, акажон, қайда борасан?
 Бошимда пир-пирлар ловдан желагим,
 Қарчиғай чангаллим, йўлбарс билаклим,
 Кўрар кўзим, акам, жоним, чироғим,
 Йўл бўлсин, акажон, қайда борасан?

¹ Бўлинг.

² Йўлиққан душман.

Юришингдан менинг йуқдир хабарим,
 Қайси юртга булди сенинг сафаринг?
 Эсингга тушдими, ё кетган ёринг?
 Борар жойинг хабар бергин, шунқорим!
 От-асбобинг, ака, шайлаб минибсан,
 Оша юртга, ака, сафар қилибсан,
 Оқтош юртни билмам кимга берибсан,
 Йул бўлсин, бек ога, қайда борасан?
 Қариганда хафа қилма энангни,
 Кунглин булиб турган мендай санампи!
 Ярашиққа понза рўмол ўрадим,
 Тарзинг кўриб, юришингни сўрадим,
 Нима ишда сенинг талаб-муродинг,
 Гул тарзим сарғайиб сенга қарадим.
 Тукаман кузимдан сел кип ёшимни,
 Хафа қилма мендай эмикдошингни.
 Изладингни кетган гул бувишингни
 Йул булсин, хон ога, қайда борасан?
 Эсингга тушибди гул юзли жонон,
 Ёринг излаб, ака, бўлиб саргардон,
 Сен кетган сўнг бизларга охир замон,
 Ростин де, бек ога, қайда борасан?
 Мен мунглигман, эшит сўзлар тилимдан,
 Куп қурқаман ноҳақ қелган зулмдан,
 Сен отланиб, чиқдинг Оқтош элимдан,
 Хабар бер, бек ога, қайда борасан?
 Ҳамроҳ қилиб юрдим қирқин қизларни
 Излаб чиқиб кетган сарвинозларни,
 Йиглатиб кетма, сен, ака, бизларни,
 Йул бўлсин, бек ога, қайда борасан?
 Тайини йуқ сенинг борар юртингни,
 Бежой билдим, ака, сендай мардимни,
 Ахтарибсан кетган паризодингни.
 Ҳар шаҳарман шу шаҳарга борасан,
 Жаҳонни тай уриб излаб курасан,
 Қайтгин, ака, бекор ҳалок бўласан,
 Гумон қилдим: шу хизматга борасан,
 Йул булсин, бек ога, қайда борасан?
 Хазон бўлиб борда гуллар сўлмайми,
 Сўлган гулга булбул келиб қўнмайми,
 Сен кетган сўнг юртинг сабил қолмайми,
 Сендан бошқа бу элга хон булмайми,
 Мамлакатинг талон бўлиб қолмайми,

Адолатман сўраб турсанг бўлмайми,
 Шу юртдан қизини биров бермайми?
 Майдон кўрса бедов отлар чопилар,
 Қўп чопилса, хоса тулпор совилар,
 Қиз изласанг, бу шаҳардан топилар.
 Булак юртга, ака, қилма ихтиёр!
 Сендан савол сураб синглинг муштипар,
 Юришингдан, ака, бергайсан хабар,
 Бир кўриниб сени галлаб парилар,
 Бир гап билан влдан чиқиб борасан,
 Армон билан элдан жудо бўласан
 Сўнгра сен ҳам қўп пушаймон қиласан,
 Ололмасанг, элга қандай келасан?
 Бу юришда қўп ишларни қиласан,
 Оқтош юртин сабил қилиб борасан,
 Ростини де, бек оға, қайда борасан,

Бу сўзни Муродхон синглицидан эшитиб:— Бундайчоқ
 аҳмоқ бўлма, кўнглингни бўлма, жilовимдан олма.
 мени кетди деб, хаёлингни булма, қўя бер, мендан
 ҳадик қилма!— деб синглицини алдаб, билдирмаган киши
 бўлиб, синглицига қараб бир-икки оғиз сўз айтиб ту-
 рибди:

У сабабли мен ҳам миндим бедовга,
 Бошимда йўқ менинг ҳеч турли савдо,
 Хозир мен талаб қилганман овга,
 Овдан келсам, сўнгра тилагин совға.
 Беклар билан суҳбат қуриб турганман,
 Коса тутиб, мен гуноҳкор бўлганман,
 У мажлис аҳди шу, ваъда қилганман,
 Шу сабабдан овга бормоқ бўлганман.
 Қўя бергин, овга кетиб бораман,
 Бундан борсам, Ойна кулни кураман,
 Суна-суқсур, ғозни отиб келаман,
 Суқсурни излаган лочин бўламан.
 Эрта қайтиб омон-всон келаман,
 Келиб бу бекларга чулон бераман,
 Гуноҳкорман, синглим, озод бўламан.
 Насиб булса, дол бедовни елайин,
 Тоғу тошнинг онгин отиб келайин,
 Элу халққа туй-томоша берайин,
 Қўя бер, мунглигим, бориб келайин.

Куп гапларни хаёлингга олмагин,
 Нодонлик қип мени йўлдан урмагин,
 Урдага бор, ўзинг халок бўлмагин,
 Куп айланиб бу ерларда турмагин.
 Мени билсанг, овга бориб келаман,
 Подшо бўлиб элда доврон сураман,
 Нодон синглим, бекор, қайда бораман,
 Чошка борсам, мен пешинда келаман.
 Остимда ўйнаса араби отим,
 Мен кетсам кимга қолар давлатим.
 Бунда турсам ободди(р) мамлакатим,
 Жиловлама, қолмади-ку тоқатим,
 Мени куриб, ёшинг кўздан тизасан,
 Шумлик ўйлаб, мунглув кунглинг бузасан,
 Мен келганча дуода бўл, муштипар,
 Ҳар нарсага хафа бўлмоқ не даркор?
 Бек оғангинг айтган сўзи шу бўлар.
 Мажлисда бек оғанг бўлди гуноҳкор,
 Не сабабдан; синглим; кунглингни бузиб,
 Душман курсам; тандан бошини узиб,
 Мен келаман қулу чулларни кезиб,
 Сен тармашдинг менинг бағримни эзиб.
 Хафа бўлма, уйнаб-кулгнн шаҳарда,
 Мендай аканг омон юрса ҳар ерда,
 Жазойил, мнлтиқлар бекнинг қўлида,
 Мен ҳали подшоман. Оқтош элида.
 Отланиб чиққаним сеи ҳам кўрасан,
 Мунглиқ синглим, мендан гумон қиласан,
 Овга борсам, кечгачайин кўрасан,
 Энамнинг қошига сен қам борасан,
 Шу сўзим энамга маълум қиласан.

Бу сўзни Муродхондан эшитиб, синглиси акасининг сўзига ишонмай айтган сўзи:

Утар дунё утарини ўйладинг,
 Қиёмат деб, танда жонни қийнадинг,
 Рост турганда ёлғон сўзни сўйладинг,
 Овга борган одам сендай бўлмайди.
 Бу айтган сўзингга кунглим тулмайди,
 Мендай синглинг жиловингни қўймайди.
 Хазон урса, бовда гуллар сулмасми,

Сўлган гулга булбул келиб қунмасми,
Овчиларнинг олғир қуши булмасми,
Овчи одам тарлон қушни олмасми,
Шу сабабли сўзинг ёлғон булмасми?
Оша юртга чиқдинг ўзингни чоқлаб,
Минибсан бедовни оша абзаллаб,
Сен борасан кетган ёринг суроқлаб,
Шу сабабдан мендай синглинг кўп йиғлаб,
Қайси юртга чиқдинг ўзингни чоғлаб,
Ҳали ҳам, бек оға қайтгин элингга,
Утрик сўз сўзламагин синглингга
Подшо бўлиб мамлакатни сўрасанг,
Синглингни бетига, ака, қарасанг,
Бегумон, ёрингни излаб борасан,
Мени алдаб, ёлғон сўзлаб турасан,
Қайтгин, оға, бекор сарсон бўласан,
Паризодди (р) сендай акамнинг ёри,
Кўп қолди-ку сендек бекнинг губори,
Тайини булмаса, турган шаҳари
Улиб кетма, Оқтош элнинг шунқори,
Синглинг, энанг булур сенга интизор,
Сенга йўлиқди-ку парию айёр,
Ёлғон гапман алдамоқлик не даркор?
Қўйинг, оға, элга қайтинг, муқаррар,
Овга борган одам шундай бўларми,
Подшолик давлатда шундай юрарми,
Оқтош мамлакатди (р) акамнинг жойи,
Олдингда от чопар, қанча сиқойи,
Овчилар олади анжомли жойи,
Қайтинг-а, не бўлди Оқтошнинг шойи,
Мени алдаб, элдан чиқиб борасан,
Ғариблик элларда сарсон бўласан,
Пушаймон қип элга қандай келасан?
Бир кўрган айёрни йўқлаб турасан,
Бир йўлиқибди сенга кашмири айёр,
Қайтинг, меҳрибоним, бормоқ не даркор,
Паризод одамга вафо қиларми?
Кўрса сенга ҳеч бир раҳми келарми,
Ёр бўлса, шундай ишни қиларми,
Қурисин бадбахи, ака, қарама!
Остингда бедовинг ўйнар юз алвон,
Олмос, пўлат қўлда, эгнингда қалқоқ,
Бекор ҳалак бўлмай қайтгин, акажон,

Утирндан менинг ақлим оласан.
 Овчиман деб, менга лофни урасан,
 Подшолик кийим билан борасан,
 Овга боришингни мунглиг билмасми,
 Хизматингда неча маҳрам турмасми,
 Миришкорлар олғнр қушни олмасми,
 Овчи аслаҳаси бошқа бўлмасми?
 Халойиқ подшога хизмат қилмасми?
 Овчиларда този гуржи бўлмасми?
 Подшонинг шавкати шундайин бўлиб,
 Подшолардан кейин юрар йўл олиб,
 Овга чиқса, шоҳнинг ишини қилиб,
 Синглиннга, ака, ёлғон гапириб.
 Бошқа тус абзаллаб минибсан отни,
 Бойлабсан белиннга шамшир пулотни,
 Ов деган сўзларинг ёлғон буп кетди -
 Қайтгин, ака, бу сўз сизга уятди,
 Беҳуда ўзингни ҳалак қилмагин,
 Эл оғзида, ака, гап буп юрмагин,
 Халойиққа кулги бўлиб юрмагин,
 Қайтгин, ака, зинҳор унда бормагин,
 Беҳуда ўзингни ўтга солмагин,
 Бу сўзингни сира қабул қилмайман,
 Улдирсанг ҳам жиловингни қўймайман.

Шунда Муродхон бу сўзни эшитиб, кунгли бузилиб,
 кўзининг ёши тизилиб, юрак-бағри эзилиб: «Хайр энди,
 менн сен қўймадинг, ростини айттайин!»— деб, бир суз деб
 турган экан:

Фалак менинг баҳоримни хуш этди,
 Адо бўлмас куп савдога дуч этди,
 Билмайман, кутохлик бу мендан ўтди,
 Бу кашмирнинг иши мени ҳоритди.
 Уйлаб турсам чидамайман дардига,
 Қараёлмай қолдим юртнинг бетига,
 Ҳеч замонда шундай ишлар буларми,
 Хотин буп эрини шундай қиларми,
 Бу ишларга одам тоқат қиларми,
 Уз элида киши тирик юрарми?
 Фикр қип уйладим, сира бўлмади,
 Оқтош элда юргулигим қолмади.
 Қандай бўлса мен бормасам бўлмади,

Куп йигладим менда тоқат қолмади.
Нима булса, майли, излаб кўрайин,
Ажал етса, ёр йулида ўлайин,
Не кўйларни тангрим солса билайин,
Қайтарма, мунглиғим, энди жўнайин.
Аргумоқ бедовга қамчи ураман,
Мен қайтмайин, кетган ёрга бораман,
Ёрим эмас, номус-орга бораман,
Ахтарсам ахири топиб оламан.
Таваккални бир худога қиламан,
Тахти жаҳонимни ташлаб бораман,
Мен топиб олмасам сил буп уламан,
Мен қасамёд қилдим, мунглиқ бораман,
Оталиқни элга катта қилганман.
Сени кўриб кўнглим бўлиб турибман,
Олис юртга, синглим, юриш қилибман,
Ёр ахтариб талаб қилиб юрибман.
Мен ҳам элда кўп сўзларни ўйладим,
Кетган ёрга, синглим, талаб айладим,
Ғаним кўрсам жигар-бағрини тузлаб,
Ўйласам, кетаман бутадай бузлаб,
Мен кетарман кетган ёримни излаб,
Ҳозир мен ҳам бор эканин билмадим.
Айёрнинг ишига тоқат қилмадим.
Ўсган юртин бирор сўраб қолмадим,
Ул қурғурдан бир яхшилик кўрмадим,
Тутаниб ишига тоқат қилмадим,
Агар топсам, билганимни қиламан,
Ул ишига тоқат қилмай бораман.
Шархи дилим билан мен кимга ёзиб,
Тай уриб изларман дунёни кезиб,
Бу ишни ўйлайман кўнглимни бузиб,
Кетай бу эллардан умидим узиб.
Подшолик давлатдан бу кўнглим совиб
Кўзиксам, етарман кейинидан қувиб.
Бир йўлиқса, билмаганин билдириб.
Ханжар урмай, бағрин қонга тўлдириб,
Бир йўлиқса армон билан ўлдириб,
Шу ишни қилмасам ғуборим қолиб,
Ул сабабдан мен ҳам чиқдим отланиб,
Одамзоднинг юрган ерин қарарман,
Ҳар подшонинг давлатига борарман,
Кимни кўрсам, мен ҳам шундан сўрарман,

Юрт эмасми.— сўрай берсам биларман,
Таваккал айладим, энди жўнарман.
Қилган иши кўнглимда жой тутиб,
Ёрнинг дарди учун мен ҳам қон ютиб,
Неча шаҳар, неча эллардан ўтиб,
Қаерларга кетсам насибам тутиб.
Паризод юртига энди борарман,
Дев парига аралашиб қўрарман,
Лашкар бўлса, қайтмай саваш қиларман,
Дуода бўл, мунглиғ синглим, бораман,
Қўлимдадир Оқтош деган вилоят,
Топмасам бўлмайди бир зарра роҳат.
Мендан ўлжа бўлиб кетди тўриқ от,
Кўп ишларни солиб менга паризод,
Бўлиб қолди билсанг менга қиёмат.
Вилоятда шундай гаплар бўларми,
Ёрдан жудо бўлган киши юрарми?
Жиловимни қўя бергин йиғлама,
Шу иззаман аканг алда турарми?
Заррача кўринмас тахти жаҳоним,
Бежой кулфат солди парию золим,
Қўя бергин шундай бўлди аҳволим.
Мен кетарман энди йўлларга кириб,
Тоғу тошни, неча чулларни кўриб,
Бораман ўлмакни бўйнимга олиб,
Айёр қилган иззасига ўртаниб
Мени тақдир шундай кулфатга элтди,
Аввал овда сарчашмада йўлиқди,
Сўнгги аҳмоқлик ўзимдан ўтди,
Ул паризод неча (бор) менга айтди,
Писанд қилмай аканг ёнбошлаб ётди.
Шу ётишим ёр кўнглини қабартди,
Бу ишга кўтоҳлик ўзимдан ўтди,
Пари сўнгра айёрлигин кўрсатди,
Мени маст қилди-да, бу элдан кетди,
Оту яроқ, аслаҳани оп кетди.
Чошгоҳ вақтда эсим ўзимга келиб,
Мендай аканг кўп шарманда бўлибди,
Пари иш кўрсатиб йўлга кирибди.
Шул ишига мендан бормоқлик даркор,
Қилган иши мени кўп ёмон ўртар,
Бари бир йўлиқмаса, бу ишлар бекор.
Пари акан, билдим, кашмири-айёр,

Чури деб, бек аканг қопти беҳабар,
Қандай бўлса мендан бормоқлик даркор,
То кўргунча омонда бўл, муштипар.

Синглиси бу сўзни эшитиб:— Бечой бупсан, борма-
санг бўлмас, онт ичибсан, энди билдим, борасан экан!—
деб бир сўз деб турибди:

Тоғлар азиз булар туман турмаса,
Йуллар азиз бўлар карвон юрмаса,
Мулки хароб булар султон бўлмаса,
Эшитса, энангда тоқат қолмаса.
Гул кетар бўлса, гулистон эмранар,
Мулки вайрон бўлса султон тебранар
Давлат борда ҳамма одам дўст булар,
Сен кетган суыг мунглиғ энанг не булар?
Елгизсан, сен элни сураб турибсан,
Бир гап билан энди кетиб борасан,
Юришинг бетайин, қачон келасан?
Азамат мард эдинг, бўлибсан ночор,
Кетар бўлсанг, жоним акам, яхши бор!
Кетган экан, билдим, ёринг ўпкалаб,
Сен борасан шундай ёрингни қараб,
Эл кучириб Ола тоғдан оширдинг,
Сиринг айтмай душманлардан яширдинг.
Бошингдан кетсин-да қайғуман кулфат,
Боринг, оға, юринг соғу саломат.
Хафа қилдинг мендайин жигарингни,
Омон-эсон кўргин ўсган шаҳрингни,
Вафосини кўрсанг кетган ёрингни,
Обод қилсанг Оқтошдай шаҳрингни.
Муштипарман эшит сўйлар тилимдан,
Қайтайин¹ қайтмадинг борар йулингдан,
Бор энди, бек оға ҳаққа топширдим.

Шунда Муродхон синглисидан бу сўзни эшитиб, синг-
лиси билан хушлашиб, бир сўз деб турган экан:

Мен кетарман ёрим излаб,
Бу жароҳат бағрим тузлаб,
Елгизман, бўтадай бўзлаб,
Мунглиғ синглим, хуш қол энди.

¹ Қандай қилайин.

Мен ҳам турмай бундан юрсам,
Излаган ёримни кўрсам,
Соғ-саломат элга келсам;
Дунёни ахтариб кўрсам,
Душман булса, додин берсам,
Ёрим олиб ўйнаб-кулсам,
Энам хизматида булсам,
Келиб юртни қўлга олсам,
Яна бурунгидай булсам,
Жоним синглим, хуш қол энди.
Сел булади кўзда ёшим,
Элда қолар қариндошим,
Йўқдир ёнимда йўлдошим,
Бирга бўлган тенгу тўшим,
Сенсан менинг эмикдошим,
Дуогўйим, хуш қол энди.
Мен ҳам бундан кетар бўлдим,
Елгизлик ихтиёр қилдим,
Тақдирда борин кўрдим,
Рози бўлгин йўлга кирдим;
Тенги-тушдан жудо бўлдим,
Абгори афтода бўлдим,
Ёр кўйида адо бўлдим,
Дуогўйим, хуш қол энди.
Ташлаб кетдим шаҳримни,
Чўл қилиб кирдикоримни,
Бу кўнгилда губоримни,
Ахтарибман дилбаримни,
Очилган гули зоримни,
Хазон бўлган боғларимни,
Мунглиғ синглим, хуш қол энди,
Эмикдошим, хуш қол энди.

Осмоннинг остини кезсам,
Душманларнинг буйинини узсам,
Ғанимларнинг йўлин тўссам,
Мен қочган ёримни тутсам,
Бир кун ўлмай элга етсам,
Дуода бул, хуш қол энди.

Минибман араби отни,
Ахтарибман паризодни,
Бировга бердим давлатни,

Оша қилдим ориятни,
Жунат мендай валломатни
Солиб бошима кулфатни,
Тағи курсам қолган юртни,
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Кул бўлганди устихонлар,
Танимда титрайди жонлар,
Бизнинг билан меҳрибонлар,
Бир-бирига хуб ҳамдамлар,
Қирқин қизлар, хуш қол энди.

Қистаб минсам араби отди,
Бу юришим қабоҳатди (р).
Олиб келсам паризотди,
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Олис элга қилдим сафар,
Сафарим бўлмасин хатар,
Дуода бўлгин, муштипар,
Мунглиғ синглим, хуш қол энди.

Меҳнат тортиб бундан борсам,
Излаган дилбарим олсам,
Улмай бир кун элга келсам,
Бу дунёда даврон сурсам,
Шуйтиб умримни ўткарсам,
Жоним синглим, хуш қол энди.

Ешга тула жоду кузинг,
Қаватингда қирқин қизинг,
Қулдан кетди сарвинозим,
Жоним синглим, хуш қол энди.

Бундан кетсам ўйнаб-кулиб,
Ҳамманг қолгин дуо қилиб,
Қолган юртга эга бўлиб,
Меҳрибонлар, хуш қол энди,
Кетди менинг номус-орим,
Ҳаққа етса айтган зорим,
Беэгадир кирдикорим.
Дуода бўл мунглиғларим,
Кетган менинг гажакдорим,

Эмикдошим, хуш қол энди.
Тар очилиб гулим сўлди,
Бизга қисмат шундай бўлди,
Жоним энам билмай қолди,
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Ҳозир диққатман, кулмайман,
Борар юртимни билмайман,
Бош олиб кетдим, қолмайман,
Жоду кузлар, хуш қол энди.

Баринг қолгин ўйнаб-кулиб,
Холисолло дуо қилиб.
Топсам ёрни даврон суриб
Кетдим мен бундан ахтариб;
Неча манзиллар йўл юриб,
Излаган дилбарин куриб,
Ёр савдоси бўлди голиб,
Кетарман тинмай йўл олиб,
Сендай синглим кўнглин булиб,
Баринг бирдай рози бўлиб;
Хафа бўлмай дуо қилиб,
Мен топсам ёрни ахтариб,
Қайтадан сизларни куриб,
Оқтош юрти обод булиб,
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Жафо тиғи жондан утиб,
Ёр ханжари бағрим йиртиб,
Мени йиглатди бузлатиб,
Ёр қўлида отим кетиб,
Қилган иши менга ботиб,
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Юрагимда купдир алам,
Мени доғлади бир санам,
Қолди бунда кулба хонам,
Оқ сут берган мунглиғ энам;
Шу бўлди мен айтган сўзим,
Бор, хушлашдик, кетмоқ лозим.

Ана шундай қилиб, Муродхон синглиси билан хушлашиб, ҳамма қирқин қизлар билан омонлашиб, йўлга тушиб жунай берди:

Синглисидан дуо олиб,
Чақмоғига қув олиб,
Метарага сув олиб,
Бек Муродхон жунади.

Кирди йўлга дўланиб,
Синглиси бунда қолди.
Қўл кўтариб дуо қилди,
Муродхондан рози бўлди.
Ёрин излаб йўлга кирди.
Қолди энди элатим деб,
Курсам ул паризодим, деб.
Санолар айтиб тилидан,
Энди жунаб мазгилидан,
Мурод ўғлон йўлга кирди,
Чиқиб Оқтошнинг шаҳридан.
Қулоқ солинг бу сўзнинг мазасига,
Душман титрар бекнинг овозасига,
Томошамон ҳар кўчада тўлибди,
Муродхон отланган андозасига;
Остидаги тулпорини ўйнатиб
Яқинлади Оқтошнинг дарвозасига.
Шундай бўлиб бу Муродхон жунади,
Қизу жувон кўчаларга тўлади,
Кўрмаганлар жуда чопиб келади:
«Биз ҳам тезроқ бораёйик деб,
Муродхонни кўрайик деб,
Бекни дуо қилаёйик деб,
Жамолини кўрайик» деб,
Бир-бирига сўз айтади.
Мурод илгари утади.
«Опа, тез-тез юришинг деб,
Муродхонни кўришинг» деб.
«Кўрган вақтда кўнглим ҳуш-да».
Одам тўлади ҳар тушда,
«Менинг билан ваъда қилди
Оламан, деб кеча тушда».
Йўлга кирди занাগалар,
Қиз-жувонлар кўп йиғилар.
Кийгани гулгун қирмизи,
Ақлин олар жоду кўзи,
Оқтош юртин сарвинози,
Ўлиб кетган шоҳнинг қизи,

Эшитиб, энтикиб чиқди,
Қараб Чўлпонойнинг ўзи;
Ойдай тўлган икки юзи,
Қуралайдай жовдиллайди,
Термулади наргис кўзи.
Бораётган бекнинг ўзи,
Чўлпонойнинг баданида
Сулқиллайди олма билан нор қирмизи,
Орқасидан эргашганди
Ҳаммаси ширин тамизи.
Бу Муродхон жўнаб кетди,
Чўлпоной хуноба ютди.

Айрилнққа бағрин доғлаб,
Муродхон ёрини йўқлаб.
Оша юртга узин чоғлаб,
Ёр йўлига белни бойлаб,
Шунқор жўнади ҳай-хайлаб.
Неча гапни йўлда уйлаб,
Дубулға бошда дункиллаб,
Беллиги белда иркиллаб,
Тилла поянак урилган
Узангиларга ширқиллаб.
Олғир қушдайин чарқиллаб,
Бедов отлари диркиллаб,
Фаранг милтиқлар ярқиллаб,
Пўлат тиг найза сулқиллаб,
Хон кетган ёрини йўқлаб,
Урди отини қулочлаб
Олиб қочар сувлиқ тишлаб,
Бораётибди анғишлаб,
Изғор чўлда яшин ташлаб,
Муродбекнинг кўнглини хушлаб,
Бедов отга қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди,
Парқинидан купик сочиб,
Муродхонни суриб кетди.
Кунма-кун нчин тортди,
Жонивор бўйнин узатди,
Изғор чўлни тўзон тутди.
Никтаб оёғин босганда,
Қора ерни уйиб кетди,
Туёғидан тупроқ отди,

Чулларнинг танобин тортди.
Излагандир паризодди,
Чулда қистар минган отди,
Қилиб Муродхон шиддатди,
Чулларда ёлғиз йул тортди
Ур келса умганлатди,
Қир келса, қирпиллатди.
Арна келса ирғитди,
Шуйтиб Муродхон йул тортди.
Бедовга қамчи босди,
Бекнинг ақли шошди,
Бисбон чўлга тушди;
Туман тушиб шу чўлда,
Юрар йўлдан адашди,
Ададсиз чўлга тушди,
Излар кетган бувишди.
Эшитинг айтган сўзни
Ногаҳон чўлда юриб,
Мурод кўрди бир изни.
Ғайрат билан йул юрди.
Бу изга назар солди:
Отининг изин билди,
Кетган ёғини билиб,
Бу Муродхон суюнди.
— Қолмас қичаб тоқатим
Улжа буп кетган отим,
Изин кўриб танидим,
Яқинми паризодим?
Хар тарафга қаради,
Отга қамчи уради,
Етарман деб Муродхон
Изғор чўлда боради.
Остидаги қора от
Суриб кетиб боради.
Муродхон:— чу, ҳа,— деди.
— Ҳа, жонивор, тулпорим,
Чу ҳа, чу, бўл, ҳа,— деди.
Муродхон йўлни тортди,
Қамчисин отга чотди.
Елиб кетиб боради.
Қора тулпор жонивор,
Елдан ўтиб боради.
Шундай сувсиз чўллардан,

Босиб ўтиб боради.
Муродхоннинг кўнглини,
Хушлаб кетиб боради.
Чулда қурган қорага,
Дарров етиб боради.
Шамолдайин ангишлаб,
Кесиб ўтиб боради.
Елпиллатиб кокилин,
Ташлаб кетиб боради.
Чулдаги изни кўзлаб,
Бошлаб ўтиб боради.
Неча бузуқ чулларни,
Ташлаб ўтиб боради.
Туман кучиб далани,
Кўриб, утиб боради.
Чуллардаги тузангни,
Билиб ўтиб боради.
Бу ададсиз чуллардан,
Чопиб ўтиб боради.
Елғизлиги асар қип
Чулда кетиб боради.
Мурод кўнглини бўлади...
Ўнгу сулга қаради,
Чулда кўрган бу издан,
Адашмайин боради.
Ҳар ёғига қарайди,
Бу жонивор тулпорнинг,
Кокилини силайди.
Шундай кетиб боради,
Жонни сотиб боради,
Ситам ўтган Муродхон,
Шердай бўлиб боради.
Қия, бузуқ йўл келса,
Ҳатлаб утиб боради.
Ҳавода ёруғ юлдуз,
Дарёда ўйнар қундуз,
Йўл юриб кеча-кундуз,
Шуйтиб кетиб боради,
Остидаги бедови,
Суриб утиб боради.
Ангишлайди осмонга,
Чопиб кетиб боради.
Юлдуздайин жонивор,

Оғиб ўтиб боради,
Бу чулдаги изини,
Босиб кетиб боради.
Чўлдан ўтиб кўлларда,
Кўриб ўтиб боради,
Тўрғай билан қамишни,
Босиб ўтиб боради.
Адашмай дейди издан,
Оқшом бўлса — юлдуздан,
Тўғри кетиб боради,
Шундай қилиб йўл юриб,
Чарчай деса, оҳ уриб,
Борар ёрин ахтариб,
Изни тавалло қилиб,
Муродхон ўз кўнглида,
Йўлиққандайин бўлиб,
Ётсам деб умид қилиб,
Ҳар замон қамчи уриб,
Юриб, ишин битириб,
Ўтиб кетиб боради.
Ўнгу сулга қаради,
Қора тошга яқинлаб
Энди Мурод боради.
Муродхон қилиб ғайратти,
Ўн беш кеча, ўн беш кундуз
Тинмай Муродхон йўл тортди,
Қоратош деган жойга етди.
Отдан тушиб кўринг бу валломатти,
Манглайин силаб бу қора отди,
Айил билан пуштанини бушатди,
Ўзи ҳам бушаниб Муродхон номдор.
Юрагида бекнинг шундан дарди бор,
Кеча-кундуз йўл тортган жонивор,
Бул издан адашмай албатта еткар
Тери қотди шу замон қора отди,
Силаб, қашлаб, отнинг терин ушатди.
Айил, пуштанни қайтадан тортди,
Худо деди, минди бу тулпор отди,
Ўзи яхши хоназотди.
Қоратошдан энди қичаб йўл тортди,
Чўлдан чиқиб адир йўлларга кетди.
Изни қувиб боради,
Мурод шундай юради,

Қандай катта беллардан,
Қичаб ўтиб боради.
Мурод йўлда туташди,
Неча газадан ошди,
Катта тоғларга тушди,
Хар бир белга чиққанда,
Изни тусмол олади,
Тошлоқ бузуқ ерларда,
Хон адашиб қолади.
Дала, майдон, йўлларда,
Тағи шунқор кўради,
«Назаркарда сен тулпар,
Мени дилбарга еткар,
Хонинг ёрга интизор.
Ғариб бўлсам тоғларда,
Мени йўқлар кимим бор?»
Бораётир Муродхон,
Ой қоройғу, кун ғубор,
Қистаб юрса бедови,
Баланд йўл ҳамавор,
Бир тоғнинг дарасида,
Параққос қип жонивор,
Кишнай берди бу тулпар.
Из қувган бундай беклар
Ойим исин олди деб,
Қувонади зурабор,
Кишнаб парвоз қилганди,
Энди яқин қолганди,
Таблада бирга турган,
От исин олганди,
Шундай тоғда юрганди,
Ҳабаш, бевош жонворни,
Бу тоғларда курганди,
Мурод умид қилганди,
Топарман, деб жононди,
Шуйтиб Мурод йўл тортди,
Неча тоғлардан утди.
Тоғ устида қаради,
Этак бети ётган чўл,
Чулга назар солади,
Куз айирмай қаради,
Бир қорани кўради.
Шу қора менинг отим деб,

Топилди мақсадим деб,
Шу паризодим деб,
Қистаб кетиб боради.
Отга қамчи уради,
Етгир, жонивор, деди,
Шундай шиддат қилади,
Рустамдай қиб ғайратди,
Отига қамчи чотти.
Етқиз, жонивор, дейди,
Тоғларни гумбурлатди,
Чулда кўрган қорага,
Муродхон яқин етди.

Шунда Муродхон бу қоранинг қорасини олиб, яқинлаб борди. Кўрган ҳамон таниди. Қараса, уша узини алдаган паризод тўқмол ёлли турнқ отни мнииб, неча кундан бери уйқудан қолган эмасми, мункиб, қалқиб, минган оти йўлдан чиқиб, тенгсалиб, терваниб, оти бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан. Муродхон буни кўрди, яхши таниди. (Паризод) уйқудан қолиб, уйқуси келиб, нима қилишини билолмади, отнинг устида ухлаб, кўзини очолмай бораёттир.

(Муродхон) қараса, бу паризод эркак либосини кийган Муродхоннинг қундуз суюган қиш телпаги бошида, эркаклар киядиган тундан кийиб, ўзини шаҳзодалардай қилиб, безаб олибди. Муродхоннинг ёйини эгарнинг қошига солиб олиб, қайқайиб бораёттир. Муродхон буни хўп кўриб, таниб: «Қўйма жоним, қўйма жоним»,— деб қувиб бораётган эди. Бир вақт бу отнинг дубирини жонивор тўқмол ёлли тўриқ от билиб, бошини кўтариб парвоз қила берди. Паризод кўзини очиб, буни кўриб, ақли шошиб қаради.

«Бу от нимага ангишлайди?» — деб қараса, орқасидан Муродхон бораёттир: «Етарман! Ушлаб олиб, йўлни тута қилиб, шу ердан қайтарман»,— деб.

Паризод Муродхонни кўргандан кейин уйқуси очиб, отнинг жиловини силкиб, кўнглида бу сўзни айтиб кета берди: «Мен сўз қотганда писанд қилмаган, мендай ойимнинг қадрини билмаган: энди бекорга аҳмоқ булиб, мендан умид қилиб, ўзини одам билиб, баҳодирлик даъвосини қилиб, балки ажал етган, ҳисоби йнтган, бу чулда, одам йўқ ерда бу қон тортган Мурод менга дучор бўлди»,— деб бораёттир.

Шунда Муродхон отига қамчи уриб, парига қараб бир
сўз айтиб бораётир:

Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Отингнинг тиэгинин тортгин, газанда,
Ҳийла билан кетднг бедовни миниб,
Армон билан энди бўлдинг шарманда.

Мендайн қайсарнинг кўнглин буласан,
Бекор қичаб энди қайда борасан,
Бошин тортгин манжалақи уласан!
Қочган билан энди қайда борасан?

Дод деганда эшитмайман сўзингди,
Уярман, паризод, икки кўзингди,
Банди қилиб олиб кетай ўзингди,
Бу қилган ишингга ўлим лозимди(р).

Бедов отга қамчи урсам етаман,
Оқтош элга сени олиб кетаман,
Ҳийла билан миндинг бедов отима,
Қутулиб кетмайсан ўсган юртингга,
Олиб қайтай Оқтош мамлакатима,
Беҳуда сан қамчи урма отингга.
Қочган билан қутулмассан,
Ҳеч манзилга етолмассан.
Қувиб мен сенга етарман,
Бошингни кесиб кетарман,
Суякларинг қоқ этарман,
Ҳар алвонда доғ этарман,
Тўхтаб тур, олиб қайтарман,
Ўлжа қип олдинг отимни,
Кўролмайсан сен юртингни,
Хафа қилмагин мардингни,
Оларман сендан лотимни,
Билгин мендайн мардингни;
Белда кескир пўлатимни,
Қистама минган отингни,
Тўхта, паризод, тур энди,
Муродхон дейдилар мени,
Фалак урди, билтил сени.

Остингда подшонинг оти,
Олис йулда мамлакати,

Хон йўлиққан паризоди,
Қочма тур энди, тур энди.

Бу сўзни Муродхон айтди,
Пари отга қамчи чотди,
Бедов жilовин бушатди,
Бу сўзни паризод айтди:

— Бекорга сен аҳмоқ бўлма,
Яқинлаб олдима келма,
Қайт, одамзод, энди ўлма,
Сарсон буп элдан айрилма!

Менга кўп изза берасан,
Қайт, одамзод, сен ўласан!
Эргашиб нима қиласан?
Беҳуда нобуд бўласан!

Кўзингдан тўкилар ёшинг,
Элинггадир қариндошинг,
Ёнингга йўқдир йўлдошинг,
Йиглаб қолар эмикдошинг,

Қарға-қузғун ейди гушинг,
Муродхон, сенга айтаман,
Сасиб қолар сенинг лошинг,
Қайтгин, одамзод, ўласан!

Биров сени аҳмоқ қилган,
Эл кулдириб юрган нодон,
Умидинг борми худодан?
Қайтгин, одамзод, ўласан!

Паризодман раҳбар билма,
Мени ўзингга дўст кўрма,
Ушларман деб умид қилма,
Хали ҳам йўлингдан қолма,
Бир жонингга зулм қилма,
Қайт, одамзод, йўлдан қолма!

Узоқ чўлларда маконим,
Чўлда қолар сенинг танинг,
Қўлимда-ку балки жонинг

Қайтгин, одамзод, ўласан!
Ўйлаб турсанг кўпдир қойим,
Бандам десин-да худойим,
Йулдан қайтмас меңдай ойим,
Кўпдир, одамзод, гунойинг,
Сира йўқдир сенинг ўйинг,
Қайтгин, одамзод, ўласан!

Бу паризод айтди
Мурадхон тутаниб кетди.
Мурад отга қамчи чотди,
Паризод отни суябди
Қўлга оп олмос пўлатди,
Мурадхон ҳам яқин етди.
Кўринг шундай паризодди,
Отнинг жilовин бушатди.
Шамолдай ғувиллаб кетди,
Чўлларнинг танобин тортди,
Мурад анча кейин қопти.

— Чу, жонивор, мен етайин,
Ширин жонимни сотайин,
Яхши сўйлаб, сўз қотайин,
Нодон кўнглин эритайин,
Алдаб элга қайтайин,
Омон-эсон мен етайин,
Қўлга тушса бу паризод,
Юртима олиб қайтайин.

Бул сузни айтади шунқор,
Букилиб иргийди тулпор.
Қуёндай иргиган вақтда
Ларзон берар изғор чўллар,
Қўлга келса шундай дилбар.
Бораётди жонивор,
Етолмайди бу тулпорга.
Мурадхон бўлди кўп ночор,
Баланд ерга чиқиб қарар,
Аста-секин бораётир,
Писанд қилмай пари дилдор
Жафо тиғи жондан утиб,
Неча кун орадан утиб,

Муродхон яқинлаб етиб,
Бораётир сўзлар айтиб:

— Сўз айтади мендай шунқор,
Хуснингга бўлдим гирифтор,
Мени қилмагин итизор,
Кўнглимда кўпдир ғубор.
Паризодим, қараб тургин,
Ҳоримасин яхши тулпор,
Кўнглингдан гинангни кўтар,
Бир аҳмоқлик мендан ўтар.
Каромат қип кулиб қара,
Мендан кетсин чери ғубор.
Мен ҳам сени дўст биларман,
Сени кўрмасам ўларман,
Сенга ошиқ интизорман.

Богда очилган тўза гулим,
Қара, дейман, жони дилим,
Чаманда сайрар булбулим,
Мени оша ҳалак қилдинг,
Дилбар, қурисин ҳазилинг,
Кўнгила бериб ўзинг бординг,
Менинг жоним ўтга солдинг,
Қулоқ солгин нолишимга,
Қойил бўлганман ишинга,
От жиловин, дилбар, тортгин.

Банда бўлдим туришинга,
Яқин борай мен қошинга,
Қулим солай оқ тушинга,
Кўнглим кетар кулишинга;
Қойил эмасман юришинга,
Телпак ярашган бошинга.
Қийилган қалам қошинга,
Неча ёшингда камолинг,
Мени оша балқитади,
Текканда эпкин шамолинг;
Қаердадир ўсган юртинг,
Нима дейди дилбар отинг,
Баён айла зурриётинг,
Қайда шаҳар, мамлакатинг?
Кўрмасам, қурийди дармон,

Туриб пари назар солсанг,
 Кетар юрагимдан армон;
 Сенинг билан булсин даврон,
 Сенинг учун бўлай қурбон
 Бизни қўйма, пари, доққа,
 Теккансан мендай гўччоққа.
 Қайтгин, пари, бизнинг ёққа,
 Уйнашармиз кенг чорбоққа,
 Қулоқ сол сўйлаган сўзга,
 Қиё боққин, пари, бизга,
 Танингни бағишлаб бизга,
 Ошиқман-ку сарвинозга.
 Бизман, пари, Оқтош борсанг,
 Сардор қилай сонсиз қизга,
 Оқтош борсак даврон даркор,
 Хизматингда бўлар қизлар,
 Ковушбардоринг канизлар,
 Қайт энди, қаддингдан, дилбар.

Ана шунда Муродхон яқинлашиб паризодга етди. Паризод узоқдан Муродхоннинг сўзини эшитиб келаётган эди. Паризод отнинг жиловини тортиб, отни кундаланг қилиб, эгарнинг қошидан парли ёйни олиб, Муродхонга қараб: «Муродхон яқинлашиб кела берсин, қани кураёйин»,— деб мўралаб турди.

Муродхон ҳам яқинлаб келди. У паризоднинг тарзига кўзи тушди. Қараса, парли ёйини қўлига олиб, ёйнинг гиришига ўқини солиб, отини кундаланг қилиб, қараб турибди. Шунда Муродхон ҳам паризоднинг туришини кўриб, сесканиб, отнинг жиловини суяб: «Нима гап чиқар ёкан?» — деб турди.

Шунда Муродхонга қараб, паризод бу сўзни айтиб турди:

Сендай одамзодни писанд қилмайман,
 Сенинг учун мен йўлимдан қолмайман,
 Мурод, сени мен кўзимга қилмайман,
 Паризодман, сенга вафо қилмайман,
 Улдириб, қонингга зомин булмайман.
 Беҳуда сен мунча аҳмоқ бўласан,
 Сен ёлғизсан, армон билан уласан,
 Кет, одамзод, бунда нима қиласан?
 Кўп хафа бўласан чўлда мугайиб,

Улиб кетсанг юртинг булар бесоҳиб,
 Энанг, синглинг қолар сочини. ёйиб,
 Булмагин элингдан сен тирик ғойиб.
 Сабил қилма сен ҳам мамлакатингни,
 Тухтатгин, юргизма минган отингни,
 Чулда сарсон қилма бу жасадингни,
 Куролмайсан уйнаб-ўсган юртингни.
 Фалак урмай боғнинг гули сўлмайди,
 Сулган гулда булбул уйнаб кулмайди,
 Умид қилма, кетабергин Муродхон,
 Одамзодга пари вафо қилмайди.
 Бир гап билан булбул тушди қўлингга,
 Алдаб-сулдаб сололмадинг йўлингга,
 Қайта бошдан қунмас боғда гулингга,
 Келган йўлга кета бергин, ёш ўғлон,
 Бормайдн паризод сенинг элингга.
 Йулиққаида менинг ҳолим билмадинг,
 Сен сирлашиб, менга дамсоз булмадинг,
 Кўп қол дедим, сен ҳам қайтиб қолмадинг,
 Менинг сирри аҳволимни билмадинг,
 Кўп эргашиб, ўларингни билмадинг.
 Мана чулда бедов отлар чопилар,
 Кўп чопилса, хоса тулпар собилар,
 Аҳмоқ бўлмай кета бергин, Муродхон,
 Хотин олсанг, мендан бошқа топилар.
 Бир гап билан шердил бўлиб келасан,
 Аччиғлансам, йигит, нобуд бўласан,
 Сўз айтади сенга мендай гажакдор,
 Уйлансанг юртингда Чулпоной дилбар,
 Йигитсан, қовирғам сенга қайишди,
 Кўп эргашиб сенга бунда нима бор?
 Энди сенга яхшилигим шу бўлар:
 Ҳали ҳам ўлмагин, қайтиб элга бор.

Бу сўзларни паризоддан эшитиб Мурод: «Ҳарчанд бўлса, аёл-да, бунга бир сиёсат қилиб кўрайин, сиёсатдан ақли шошар, бугини бўшар, бу дамидан тушар»,— деб паризодга қараб Муродхон бир сўз деб турибди:

Сузимни, паризод, олдинг қиёма,
 Қўлингдан келганин қилгин, аяма.
 Сўз сўзладинг неча алвон фалони,
 Катта сўйлаб бошга олдинг балони.

Қўлимда тўкилар нечанинг қони,
Мен бўламан Оқтош юртнинг султони,
Сен тилингни тортиб сўйла, бемаъни!
Қиз бўларми эр йигитнинг душмани?!
Чангалимдан қутулмайсан саломат!
Кўп сўзларни лоф урмагин, паризод,
Соларман бошингга ваҳми қиёмат.
Сўз сўйлайсан, мени шердил қиласан,
Сен тилингни тортиб сўзла паризод.
Қаҳрлансам, армон билан ўласан!
Ҳали душман билганим йўқ ўзингни,
Ҳурмат қилдим илгариги сўзингни.
Бедов миниб чўлда юрмоқ не даркор?
Бунча сўзни кўп гапирма, гажакдор,
Ўз сўзини билмас сендай аҳмоқлар,
Мен сўйласам, сенинг тенгинг топилар.
Миниб опсан бедовимнинг устига
Лоф уриб, сен, катта гапирма, дилбар!
Билсанг армон билан тушдинг қўлима,
Кўрқиб душман чиқолмайди йўлима.
Тухта, ойим, етолмайсан элингга,
Ҳали ҳам тавба қил қилган феълингга.
Тўриқ отимни ўлжа қилиб минибсан,
Ўғри, айёр, менга дучор бўлибсан,
Армон билан ўларингни билибсан.
Сиёсат қип мен ҳам сенга етарман,
Танинг ташлаб, бошинг олиб кетарман.
Мен ҳам эдим Оқтош элида қайсар,
Қайси элдан келган сендай ҳийлагар?
Вақтин топиб, бўлдинг сен менга дучор,
Қувиб етди, билсанг, мендайин шунқор,
Лочиннинг чангига бўлгансан дучор.
Бу юришдан сенга ўлмоқлик даркор,
Бу сўзларни айтиб шундайин қўчқор,
Бу сўзларни билинг Муродхон айтди,
Паризод қошига яқинлаб етди.
Парининг ғайрати тошиб ҳам кетди,
Кўнглида паризод бу сўзни айтди:
«Қон тортиб, одамнинг ажали етди». !
У паризод қурамтага қўл солди,
Қурамтадан ўн тўрт тутам ўқ олди.
Ейнинг гиришига ўқини солди.
— Ўлдинг, одам! — дебди, аччиғи кепти,

Сари ёйни шундай қўлга олди.
Ўтдайн паризод тутаниб кетди,
От устида шиқирлатиб ёй тортди.
Букланиб ёй, гириши — гиришга етди,
Ўйлаб туриб: «Одамзод ўлмасин» деб,
Муродхон отини у кўзлаб отди,
Отдан туйраб ўқи утиб ҳам кетди.
Парининг зарбидан оти букилди,
Ўқ ўтиб, Қора от кишнаб йиқилди.
Қийғир деган қуш ўтирар қиёда,
Оти ўлиб, шунқор бўлди пиёда,
Бурунгидан дарди бўлди зиёда.
Пари раҳм қилмай отини отди,
Оқтошнинг хонини йўлда йиғлатди.

— Кўп насиҳат қилдим сенга, одамзод,
Билсанг, манманлигинг бошингга етди..
Ёлғизлигинг тушиб менинг эсима,
Раҳм қилдим, жонинг қолиб турибди.
Сен, одамзод, бунча лoфни урасан,
Ҳолинг билмай, шердай бўлиб келасан,
Қаҳрлансам бир ўқ билан ўласан,
Паризодман, қайдан топиб оласан?
Оқтош хони, изза бўлиб энди ўл,
Куринмас кўзимга ҳеч бир мазгил,
Фалак гардишиман тушсам қўлингга,
Сийламагин қўлингдан келганин қил!
Қувиб етиб, мендай пари эл бўлди,
Билсанг ойим сени кўп ҳурмат қилди.
«Қайт!» деган сўзларим беҳуда қолди.
Куролмассан ўйнаб-ўсган мазгилни,
Оқтош хони, сенинг ҳолинг шу бўлди.
Билсанг энди мен ҳам кетиб бораман,
Ғариб бўлиб қолдинг мана чўлларда.
Сўраб борсанг сенга қойил бўламан,
Шу вақтда нима десанг кўнаман.

Бу сўзларни паризод Муродхонга изза бериб айтди:
— Ажалинг етмаса, бир кун борарсан, ажалинг етса, шу сарсончилик билан ўларсан. Энди нима булса, тақдирингдан кўрарсан. Жой ораста. Ўрдада мен сенинг раъйингга қарадим. Сен мени одам қаторида кўрмадинг, сўзимни, ўзимни ҳурмат қилмадинг, у вақтда мени иззат қилма-

динг, қадримни билмадинг, изза қилдинг, ҳолингни билма-
динг, менга алам қилиб от ярогингни олиб, сени келар,—
деб умид қилиб, йўлда тенгсалиб юрдим. Булмаса, мазги-
лимга етиш кўлимдан келмасмиди! Ҳар нима бўлса, бир
кўриб қолсин, деб юрган эдим. Шу ўрдангда қилган из-
занга бу менинг қилган иззам тўғри келди, икковимизни-
ки ҳам баробар бўлди. Энди икковимизнинг бошимиз бир-
бировимиздан очиқ қолди. Ана энди кўнгилдаги гап шу
бўлди. Энди бизнинг мазгилимиз узоқ йўлдир, кўп гапи-
риб йўлдан қолдик. Энди биз сизники бўлдик. Машаққат-
сиз ҳеч иш бўлмайди. Машаққат тортмаса, (киши) қадри-
ни билмайди, биз сизга ўз оёғимиз билан бордик. Унча
мазаси бўлмади. Энди пича излаб бориб, хотин олар бўл-
сангиз, оларсиз, бўлмаса, ўпкангиз ўзингиздан қолсин,—
деди.— Биз ҳам борармиз, сиздан бўлакни демай, йўли-
нгизга қараб турармиз, бу менинг қилганим ҳазил, кўнг-
лингизга оғир олманг. Сиздан бўлакни биз нима қиламиз,
албатта боринг! Йўлингизга қараб тураман,— деб туриқ
отга бир қамчи уриб, орқасига қараб:— Қолдингиз, омон
бўлинг, тўрам,— деб жўнаб кетди.

Муродхон паризоддан изза кўриб, кўнгли бузилиб,
отидан, юртдан айрилиб, яёв бўлиб, ер бағирлаб қола
берди. Ўпкаси тўлиб, дийдаси гирён бўлиб, кўздан ёши
тизилиб, юрак-бағри эзилиб, хафа бўлиб, бу чўлда қандай
бўларини, нима қиларини билмай, бир сўз деб турган
экан:

Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёшима,
Қаба фалак оғу қўшди ошима,
Етдим, деб эдим-ку гул бувишима,
Бу чўлларда лочин қўнар гушима.
Учқур бўлсам қанотимдан қайрилдим,
Югрук бўлсам туёғимдан тойрилдим,
Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим.
Бу чўлларда ўлдим пойи пиёда,
Бурунгидан бўлди дардим зиёда,
Энди қайда борай пойи пиёда?

Оти ўлиб, номдор чўлда йиғлади,
Йиғлаганман нима илож қилади,
Парининг ишига қойил бўлади.
Шу замонда этагини қайтариб,
Муродхон шу замон туриб жўнади.

Яёв бўлиб чўлда кетиб боради.
Оқтош хони уввос тортиб йиғлади,
Талабини бир худодан тилади.
Тоққа қараб отнинг изи боради,
Шу отнинг изидан тушиб жунади.
Кўрган тоғни бетга тутиб боради.
От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси,
Олидан кўринган тоғнинг қораси,
Яёвлаб жунади Оқтош тўраси.
«Шул кўринган тоққа чиқиб борай деб,
Тоққа етсам унгу сўлга қарай деб.
Бир тарафда шаҳар бўлса кўрай деб,
Мамлакат кўринса шуйга борай»,— деб,
Дардли қул дардини кимга ёради?!
Айрилиқ ўтига бағри ёнади.
«Худо!» — дейди, чўлда кетиб боради.
Даврон сураб эди Оқтош элларда,
Чўлдан ўтиб, не бир қия йўлларда,
Азоб тортиб оша сувсиз чўлларда,
Оёғи қабариб тошлоқ йўлларда,
Тоққа яқин адир билан чўлларда,
Шу замонда тоққа етиб боради.
Мурод (юриб) тоғни ўрлаб жунади.
Қарамайди (йўлнинг) баланд-пастига,
Душман тушар кам давлатнинг қасдига,
Чиқсам деб боради тоғнинг устига...
«Елгизман, тоғларда ҳолим не бўлар,
Бу тоғда кўп бўлар ваҳший жонивор»,
Яёвлаб боради, қўлда шамширлар.
Не жондорлар бунга ҳамла қилади,
Бир нечасин шамшир билан уради.
Кескир яроқ тушди Мурод қўлига.
Йулиққанди кўп жондорлар мўлига,
Етолмайди одамзод мазгилига,
Чиқсам дейди юриб тоғнинг белига.
Тушгандай бошига қайғули туман,
Жондорлар қўйдаин сурлигиб келган,
Ҳеч бир одам у тоғларга бормаган,
Борган одам қайтиб юртин кўрмаган.
Жуда ҳам йиғилган жондорлар зурн,
Адади йўқ бунда тоғларнинг қори,
Олис юртда қолган усған шаҳари,

Бу жафони солди ул олган ёри,
Улиб кетган миниб юрган тулпори,
Йуқдир Муродхоннинг сабри қарори..
Борар қаландар бун дунёни кезиб,
Елгончи дунёдан умидин узиб,
Ер эсига тушса кўнглини бузиб,
Йўл тортади тоғда бадани қизиб,
Боради Муродхон худога ёзиб,
Кузидан ёши кетар кўнглини бузиб..
Йўл юради кетган ёрин ахтариб,
Кеча-кундуз йиғлаб, кунин утқариб
«Худо мени шу ерларга етказиб,
Ҳожатимни раво қилса қутқариб».
Бу сўзни айтиб Мурод кетиб боради,
Тоғ бошига энди яқин қолади.
Узин Мурод жондорлардан қутқариб,
Бир чуққи устига узин олади,
Бу баланд чуққига чиқиб қаради.
Этакда кўринди дарёйи хунхор,
Шундайин мавж уриб ётган куп сувлар.
Кўринмас кўзига, мамлакат, шаҳар,
Бузуқ ер-да, чиқолмади жондорлар
Бир кеча-бир кундуз турди барқарор.
«Энди қаён борай ёрим ахтариб,
Мен кимга борайин дардимни ёриб?»
Яёв юриб оёқларим қабариб,
Бу чуққи бошида ҳолим танг булиб».
Тоғ бошида фикр қилиб туради,
Қай тарафга борарини билмади,
Туриб ўйлаб кўрди, тоқат қолмади.
«Кел-э, бу дарё билан борайин,
Сувчи одам бўлса ундан сўрайин,
Ёрим кетган тарафига борайин,
Энди бундай тоғдан тушиб жунайин».
Шу замонда тоғдан тушиб жунади,
Муродхондир пастга кетиб боради.
Елғиздир, жонига жабр қилади,
Паризодни топсам, дейди, боради.
Шундай қилиб, тоғдан тушиб йўл юрди,
Тўқайистон, ётган қамишни кўрди,
Мазмуни дарёга яқинлаб қолди,
Қамишни оралаб Муродхон борди,
Тўқайдан чиқди-ю, дарёни кўрди,

Бу сувни кўрди-ю, кўп ҳайрон қолди.
 Дарёнинг бўйига бориб утирди,
 Юрар йўл йўқ, ҳисобини йитирди.
 Ётган сувнинг ададини билмади,
 Сўрагани ҳеч жондорни кўрмади,
 У ерларда одам насли бўлмади,
 Қай тарафга борарини билмади.
 «Шу йўлларга келдим мен ҳам йўл юриб»,
 Хафа бўлди Мурод уларин билиб,
 Юрар йўл йўқ, уз ҳолига тенгсалиб,
 Ҳар тарафга қараб бул назар солиб...
 «Бу ерларда ҳеч бир одам бўлмаса,
 Қалайсан, деб менинг ҳолим сўрмаса...
 Уз юртимда қолди шаъну шавкатим,
 Қўлимда йўқ ул анжому давлатим,
 Кунма-кун зиёда бўлиб ҳасратим,
 Энди улсам, қолар бунда жасадим,
 Уз юртимда мен ҳолимни билмабман,
 Элдан одам-огир лашкар олмабман,
 Ҳеч беклар билан ҳамроҳ қилмабман,
 Энди ўлар аҳволимни билмабман,
 Энам билан розилашиб келмабман.
 Етарман, оларман дедим, йўл юрдим,
 Неча муддат қувиб, ёримни кўрдим,
 Бир кунлари етдим ёримни топиб,
 Ердан «роҳат» кўрдим, жаззамни топиб»,
 Йиқилди Муродхон қумларни қопиб.

Шунда Муродхон неча тун, неча кун йўл юриб, чўлдан утиб, чўлдаги неча бир одамзодга душман жондорларни қўлидаги кескир шамшири билан уриб, улдириб, бир катта тоққа етди. Тоғдаги ваҳший жониворлар Муродхонни кўриб, унга ҳамла қилди. Уларни ҳам кескир шамшир пулати билан уриб, улайин-улайин, деб базур тоғнинг бошига — чуққисига чиқди. Чуққининг бошида у ёққа-бу ёққа қараб бир дарё кўрди, у дарёнинг бўйига қараб Муродхон жунаб борди. Бориб қараса, бу дарёнинг бошининг, охирининг, сувидан ўтмоқнинг ҳисоби йўқ. Муродхон: «Улди деган шул бўлди. Билганимда юртимдан огир лашкар олиб келар эдим, билмабман», — деб уларини билиб, кўзидан ёши тизилиб, юрак-бағри эзилиб, энди қандай қиларини билмай, дарёдан ўтмоқнинг иложини қилолмай, хафа бўлиб, беҳуш бўлиб йиқилди. Шу ётгандан бир кечаю

бир кундуз беҳуш бўлиб ётди. Сўнг Муродхон ҳушига келиб, кўзини очиб қаради. Қараса, дарё бўйида бир ўзи ётибди: «Бирор жонивор еб қўймабди. Энди бундай ётмоқнинг маънисини йўқ. Иложини қилиб дарёдан утмоғим лозим»,— деб шу дарёнинг олдидаги турган қамишлардан қилнчи билан ўриб олди.

Йиғиштириб, кўп қамишни олиб келиб, қамишни бураб, эшиб, қамишларни бойлаб, луқча-сол қилиб, ўзи хўп яхши жой бўлгудай бир сол ясади. Ҳамма тўғарагини ўраб, маҳкамлаб, бир ўзига яраша яхши сол қилди. Аслаҳа-анжомини билан бу солга кирди. Туқайнинг ёқасидаги ёғочлардан кесиб олиб, қилич билан чопиб, қайиқни ҳайдайдиган бир белкурак қилди. Уни қўлга олди. Жонини худога топшириб, солни сувга солиб, устига қайқайиб миниб олди. «Кемачининг пирини ё, Ҳубби бобо, энди ўзини биласан, бу жонини сенга топширдим»,— деб солни миниб, ададсиз сувга кириб, қайиқнинг жиловини бушатиб, жўнаб: «Менинг қўлим эмас, кемачиларнинг қўли»,— деб қамишдан жилов қилиб олган; дарёга тушиб, унгу сулни билмай, қаёққа борарини ҳам уйламай: «Еримнинг йўлини топиб бер»,— деб жўнаб кета берди. Дарёнинг суви тўпаланг бўлиб, боши-кети билинмай мавж уриб оқиб бораётир. Дарёнинг қавосатига бу сўзларни Муродхон айтиб кета берди:

Жонима раҳм айла дарёйи раҳмат,
Сендан чиқсам бир кун ўлмай саломат,
Ақлимни лол қилди бежо қавосат,
Мени босиб бунда ваҳми қиёмат.
Ёқам йиртиб мен йиғларман дод-дод,
Қул кутариб ўқир эдим бу абёт,
Бу дарёдан, тангрим, чиқар саломат!
Оша юртда қолди ўсган маконим,
Шу гурбатга солиб бу гўзал — золим.
Қавосатдан забун бўлиб аҳволим,
Танимда омонат бу ширин жоним.
Бу сўзни айтиб борар оқшому кундуз,
Кўнглига келганда айтади ҳар сўз.
Ёр йўлига маҳкам белин бойлади,
Еримни олсам деб, яхши уйлади.
Ёр учун Муродхон ўзин қийнади,
Солини тўғрилаб сувда ҳайдади.
Бағримни ўртади менинг дарду ғам,

Ер юртини билмай булдим саргардон.
 Кеча-кундуз юриб дарёда кетди,
 Неча ой, неча кун орадан ўтди.
 Ҳисобласа уч ой, ўн кун юрибди,
 Бу сувнинг меъерин билмай турибди.
 Кунглидан ўтибди мамлакат, юртлар,
 Кунглидан кетмайди жилва қип паризодлар.
 Еридан умидин узмай бу шунқор,
 Бир қизнинг ҳуснига бўлиб гирифтор,
 Отидан, юртидан айрилиб шунқор,
 Дарёнинг четига яқинлаб борар.
 Кунглида етгандай бўлиб қолади
 Бир мазгилга боргандай бўп туради.
 Дарёнинг тўққини солни уради,
 Сувнинг зарби билан бу соли кетди,
 Ақли шошиб Мурод ҳушин унитди,
 Қуринган ерлари қуринмай кетди,
 Сол айланиб бир зўр гирдобга етди.
 Уюримда сол айланиб турибди,
 Гоҳи вақтда соли ботиб кетади,
 Муродхоннинг оша ақлин элтади.
 «Бу уюрим мени такка тортади,
 Мендайн бекларни бу сув ютади».
 Энди мен ҳам чиқолмайман омон-а
 Бўлибди бошима бундай замон-а.
 Шу кунги гирдобда бу йиғлаб ётди,
 Қоронғилик бўлиб хуфтонга етди.
 Бир турли жондорлар пайдо бўлибди,
 У жондорлар Муродхонни қурибди.
 Кулиб у дарёга кириб кетибди.
 Қуриб Муродхон ҳайронда қолди.
 «Бир аломат»,— деди, кунглини булди.
 «Одам оби»,— деди, кунглига келди.

Муродхон: «Уз мамлакатимда одамлардан эшитар
 ғдим, шу қуринганлар «одам оби» деб.

Уюримнинг бир тарафи баланд жар, бир тарафи кат-
 та уюрим сув. Сол айланиб жарга борди. Муродхон шу
 жарда осилиб турган янтоқлар томирини ушлаб қуруқ-
 лиққа чиқмоқчи бўлиб; қўлини узатди. Қараса, янтоқ то-
 мирини бир каламуш тиши билан қирқиб турибди. Унинг
 устида бир йўлбарс Муродхонга қараб, шу одам дарёдан

чиқса, ушлаб олиб олмадай отиб, ўйнаб юраман, деб ҳайбат билан қараб турибди.

Муродхон бунни кўриб, нима қиларини билмай туриб эди, шу вақтда уюримда ётган катта бир балиқ қўзғалиб тувлиқсиди, сув ургач, сол қўзғалиб, Муродхон кўрқиб, кўзини чирт юмиб, сол устида ўтириб қолди. Сув шундай қаттиқ тувлиқсидики, сол кўтарилиб пастга тушди. Муродхон солнинг сув тагига тушиб кетганини ҳам, юқори чиққанини ҳам, ёки сувда юзиб бораётганини ҳам билмади.

Шул туполондан ўзини қутқариб, кўзини очиб қараса, сол сув юзида бораётир. Уюрим йўқ, курган гирдоблари тушида кўргандай бўлиб қолди. Кейин кетганини, илғари кетганини ҳам билмай юрибди...

Муродхоннинг кўзи уйқуга кетди,
Кўзини очса тонг отиб қолибди.
Ҳеч кими йўқ солда ўзи турибди,
Сол дарёнинг ёқасига келди,
Бир қорага етгандай буп қолибди,
Яёв бўлиб тағи йўлга кирибди.

Душман кўрсам, мен тортинмай савашдим,
Мамлакатдан, ўсган юртдан адашдим,
Мен билмайман қаерларга етишдим,
Бир кун кўриб, суяр ёрдан адашдим.

Неча беклар билан шароб ичардим,
Инъом бериб, танга-тилла сочардим.
Бир ёрнинг кетидан ёлғиз тушардим,
Ёр азобин мен ҳам дунёда кўрдим.

Ёрим деб ўйладим, дунёни кездим,
Топарман деб, юриб бағримни эздим,
Ахтариб чулларда кўнглимни буздим,
Гоҳ вақтларда ёрдан умидим уздим.
Кел эй етарман деб меҳрибонима,
Чаманда очилган ул гулшанима.

Булбулдай сайраган ул меҳрибонима,
Ўлмасам етарман кетган ёрима,
Борсам раҳм қилар кўзда ёшима,
Қўл соларман етсам қордай тушина,
Қойил бўлдим дилбар қилган ишина.

Шунда Муродхон дарёдан чиқиб, уз-узидан уйлаб, ёрнинг юртига етгандай бўлиб, кўзини очиб: «Энди ўлма-сам, яқин қолди, паризодимга етдим»,— деб ўрнидан туриб, этагини қайтариб, шамширнини қўлига олиб, яёв-лаб йўлга тушиб: «Паризодим, қайдасан?»— деб кета берди.

Шу юрганича Муродхон ўн беш кеча-кундуз йўл юриб, очқаб, ҳориб-чарчаб, сувсиз чўлда сувсаб, бир Кўлқудуқ деган ерга борди. У очликдан ҳалокати кетиб, буралиб, аси кетиб, беҳуш бўлиб йиқилди.

Кўлқудуқ шундай ер эди, шу ерлардаги мамлакатлар элининг қирқин қизлари ўйнайдиган ер эди. Бир вақти шу Кўлқудуқнинг олдига ҳамиша келадиган қизлар ўйнашмоқ учун келган эди. Шундай йиғилишиб келиб қараса, бу қудуқнинг олдига бир ёш ўғлон — норкалла ётибди. Бир хиллари Муродхонни бойлаб олмоқчи бўлди. Бир хиллари:— Қўйинглар, билайик, кўрайик, бу ҳушсиз бўлиб ётган экан, бунга дахл қилманглар,— дейди. Бир хиллари:— Бу яхши дилбар экан, бунинг бу юрган юришида бир иш бор!— деб хўб фаросат қилди.

Бир хиллари Муродхонни яхши кўриб:— Шу дилбар билан ўйнасак, кулсак, олса — тегсак, ҳеч бўлмаса, бир гаплашиб кўрсак,— деди. Бир хиллари:— Озор берманглар, буни кўрайик, сўрайик,— дейишиб, Муродхоннинг бошига жам бўлишиб, камардан балиқ топиб олган овчилардай буп шибирлашиб-ғобирлашиб ётди. Бир хиллари:— Шундай ёрим бўлса, бундан ёмон бўлса садқайи сарим, бундай йигит ҳар кимга ўнғай кела бермас, деб кўнглини хушлаб, лабини тишлаб, Муродхонни ўртага олиб, бари Муродхоннинг қадди-жасадига қараб, шўхлиги келиб, қизлар ўртага олиб айтади:— Шундай бўлиб турсак ҳушига келар, бизни кўрар, баримизни ҳам хафа қилар, биздан ким хабар олар, бизларга бир ноқулай иш солар,— деб Муродхоннинг ётган ерида қўлини орқасига тортиб бойлаб олди. Қизлар Муродхонни туртиб:— Жонинг борми?— деб уйғотди.

Муродхоннинг ҳуши ўзига келиб қараса, кўп қизларнинг ичида ўзини кўриб: «Бу кўрганим тушимми, ўнгимми?»— деб сесканиб ўрнидан турди. Қўли бойловли. Шунда Муродхон қизларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Паризодлар сўрамадинг ҳолимни,
Не сабадан боғладинглар қўлимни?

Гул юзли дилбарлар, бери кел энди,
Ҳазил қилма, келиб ечгин қўлимни.

Не иш қилиб сенга бўлдим гуноҳкор?
Ҳолимни сўрагин, гул юзли дилбар.
Кейин турмай бери келгин, санамлар
Нима иш қилиб бунда бўлдим гуноҳкор?
Қўлим ечгин, мен бўлайин миинатдор.

Мени сўрсанг оша юртдан келаман,
Қизларнинг зарбидан зулм қураман,
Жафо тортиб бир ёр излаб бораман,
Бойлабсизлар, мен гафлатда қолибман.

Меҳрибонлик қилиб сўра ҳолимни,
Қандай бўлса, қилманглар ҳеч зулмин.
Келиб ечгин, қизлар, менинг қўлимни.
Кўп жафо қилгандир у парнзодим,
Кўп булди бошдан ўтган кулфатим:
Сендай қизлар булди бунда улфатим,
Гуноҳкор бўлмасин бунда бекзотинг,
Ечиб юбор, санам қизлар, қўлимни.

Баринг бирдай ҳурдай бўлиб турасан,
Мен сўзласам; кулиб мазах қиласан,
Мени қизлар оша гариб биласан,
Беҳуш вақтда бежой шўхлик қиласан;
Қизлар, мендан нега ҳадик оласан?

Сенга қурбон мендай хонингнинг жони,
Оша юртда бекнинг ўсган макони,
Сизлар ҳам қайси бир элнинг гулшани,
Санам қизлар, келиб ечгин қўлимни.

Оша юртга юрдим ўзимни чоғлаб,
Олғир қушман, мен кетарман чарқиллаб,
Учирган суқсурим бу ердан йўқлаб,
Жамоллари менинг ақлим олибди,
Парвоз қилиб қайда учиб борибди,
У суқсурим қандай кулга қунибди?
Унинг ишқи мени абгор қилибди,
Ёнган ўтга менинг жоним солибди.
Жилваси жудаям ақлим олибди,

Ул сабадан ёр савдоси голибди(р),
Тақдир тортиб бу ерларга келибман,
Санам қизлар, келиб ечгин қўлимни.

Бу сўзни қизлар Муродхондан эшитди. Бир Оққиз,
Урта бўйли чоқ қиз, насияси йўқ нақд қиз Муродхонга
қараб бир сўз айтиб турган экан:

Бир гафлатда, хоним, бойлаб олганмиз,
Сизни ечсак ўсал бўлиб қоламиз,
Шоҳ қошига сизни ҳайдаб борамиз,
Хоним, ечиб бизлар нима қиламиз?

Қизларни, бегижон, нодон билмагин,
Қўлинг ечсак, қабоҳат кун солмагин,
Қандай бўлса, бизни аҳмоқ билмагин,
Бу қизларнинг юзин тубан қилмагин.

Қора зулфим эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас дунё мол,
Қандай душман келса бўлади поймол,
Бу сўзга бойловли хоним, қулоқ сол.

Биз элтармиз сени шоҳнинг қошига,
Кўп савдолар тушар марднинг бошига,
Бизлар сўрамаймиз сенинг ҳолингни,
Дод айласанг биз ечмаймиз қўлингни.

Билмаймиз, кўнглингда нима гапинг бор?
Олиб борсак, кўрар ул моҳи анвар,
Жамоли оқшомни қилар мунаввар,
Шуъласига ёруг кўшки айвонлар.
Сен борсанг, ҳолингдан булар хабардор,
Ҳозир сенинг қўлинг ечмоқ не даркор?
Гапингни эшитмас бу турган қизлар,
Шоҳ қошига сени элтмоқлик даркор.

Ой туққандай жамоллари балқ урар,
Не гўзаллар унга бўлган харидор.
Адо бўлмас ишққа бўлиб гирифтор,
Шоҳ қошига сени қилай сазовор.
Шоҳ қошига сени оп бормоқлик даркор,
Албатта ҳолингни сўрар гажакдор.
Беамр қўлингни ечмайди қизлар,

Кулқудуқда банди бўлиб муқаррар,
Муродхонни энди ҳайдади қизлар.

Давлат қунса бир чибиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига.
Кулқудуқда бекнинг қўлини бойлади,
Муродхонни кўп канизлар ҳайдади.
Хайдаб бораётир бу сарвинозлар,
Атрофида кўпдир ул санам қизлар.
Муродхон шундайин бўлиб хизматкор,
Қизларнинг қўлига бўлиб гирифторм.
Олдида боради шундайин шунқор,
Кўзига кўринди кушқу айвонлар,
Ярқиллаб кўринди ул мазгил жойлар,
Ярқиллаб туққандай осмондан ойлар,
Ҳар алвонда сайраб тўти, булбуллар,
Намойишга шундай очилган гуллар,
Жуда обод қизлар юрган мазгиллар,

Шу қизлар қўлига бўлиб гирифторм,
Дарвозага етиб давлатли шунқор,
Дарвозани очди шундай канизлар,
Кўзи тушди ажойиб сарвинозлар,
Ичкарига бирга-бирга киради,
Кетган ёрга етишдим, деб боради.

Муродхон шунда канизлар билан ҳайдалиб бориб, бу шаҳарнинг ичига кириб, кўнглида: «Бу шаҳар кетган менинг ёримнинг макони экан. Шундай қилиб, бу қизлар шўхлик қилиб мени бойлаган»,— деб ўйлаб қаради: олмалар пишиб, остига тушиб ётир. Гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учуриб ётир, тутилар сайраб турибди. Шундай йўл билан бора берди, йўлнинг икки томони боғ, гуллар экилган, йўлларга майда қумлардан тукилган, устига сувлар сепилган. Шундай жойлардан бораётир эди, олдидан бир олтин кушқу ярқиллаб кўринди. «Албатта кетган ёрим шундай жойларда бўлади-да, булса»,— деди. Шу ерда кушқудан зулфига баҳосиз гавҳарлар таққан бир қиз чиқди. Муродхон курди: ойдайдиган юзи бор, қурайдиган кўзи бор. «Шу кўринган менинг ёриммикан?»— деб хаёли қочди. Шунда у қизнинг ҳам Муродхонга кўзи тушди. (Муродхон) кушқунинг айвонига келиб, канизларга қараб бир сўз айтиб турибди:

Не сабабдан марднинг қўлини бойладинг,
Нега, қизлар, бекни изза айладинг,
Кунглини чўғариб бекни ҳайдадинг?
Е сизларга беадаблик қилдими,
Бировингдан муччи-қучоқ олдими,
Душман бўлиб сенинг йўлини тўсдими,
Ғаним бўлиб кўкайингни кесдими,
Гуноҳкор бўп қўлларингга тушдими?

Нега бундай беадаблик қиласан,
Яхшиларнинг қадрин билмай борасан,
Гуноҳкор қип, қизлар, ҳайдаб келасан?
Оқилхон қизларга айтиб сўзини:
— Сен эшит оймнинг айтган сўзини,
Сарғайтибсан бекнинг қизил юзини.

Бу ишингга гуноҳкор бўп ўласан,
Қизлар, менга югуриб хизмат қиласан,
Бир мардни сарғайтиб, ҳайдаб келасан,
Чорвадорлар ёйлар тоғнинг адрини
Яхши одам билар марднинг қадрини.
Япасқи канизлар изза берибсан,
Бир мардни бундаин хафа қилибсан.

Шўхлик билан бойлаб эди канизлар,
Оғзига келмайди айтса бу сўзлар,
Савол сўраб турди гул юзли дилбар,
Айтар сўзин йўқотди қирқин қизлар.

Ечиб қўйгин, бекнинг кунглини билайик,
Бу кўшкига бугун меҳмон қилайик,
Кунглида не гап бор, хондан сурайик,
Олтин косаларда шароб берайик.
Эр йигитни ечиб қўйинг, халойик,
Адашса бошқариб йўлга солайик,
Нима ишда юрган экан, билайик,
Ечиб қўйинг, бугун хизмат қилайик.
Нима учун бунча жафо қилдинглар,
Қўлини бойлаб, бекни хафа қилдинглар?

Бу сўзни қизлар эшитиб, Муродхоннинг қўлини
ечиб:— Бизлар сизга ҳазил қилиб эдик!— деб кунглини

хушлаб, кушкига бошлаб олиб бориб, остига палос ташлаб, қирқин қиз бекнинг хизматида турдилар.

Оқилхон деган қиз бу мамлакатнинг подшоси эди. Муродхоннинг олдига келиб, қул узатиб кўришиб, сўрашиб, дастурхон ёзиб, ҳар турли таомлардан тортиб, куп сийлаб ташлади.

Муродхон буни кўриб кўнглида уйлаб: «Бурунги кўрган кулфатларим кетди, тақдир-насибаларим шу юртга тортди»,— деб ўйланмаса ҳам ўйлангандай бўлиб ётди. Канизлар югуриб қилиб ётир хизматди, бу дам ғаниматди. Шунда бир хил қизлар кўнглида айтади. «Бул бувишим шундай ўнғай йигитни тополмай улиб юрган экан»,— деб гаплашади. Бир хили айтади: «Бунга бунча яхшилик қилса бугун иккови топишади. Эрта билан бу йигит эзланг бун қаққайиб туради». Бир хили айтади: «Бувишим бу йигитни жуда яхши кўради, ҳали замон иккови топишиб қолади»,— деб куп қиз бир-бири билан шу хил гапларни айтишиб, маслаҳат-хангомани қила берди.

Муродхоннинг олдига писта, руста, бодом — ҳар хил алвонда нозу неъмат нарсалардан тортиб, олтин косаларга шароб сузиб, Муродхоннинг кўнглини хушлаб зиёфат устига зиёфат, асал устига шарбат тортиб, майлисни қизитиб ўтира берди. Ҳаммаси зарли-зарбоф кийимлардан кийиб, Муродхонга жилвалар қилиб, кўнглини олиб, нозлар билан гапириб турди. Муродхон ҳам буларни кўриб кўнглидан қайғу ғамларининг барини кутариб, шердай бўлиб: «Излаган ёримча бордир, бу ҳам унинг ўзи бўлмаса ҳам шунча хизмат қилар, ёрим бўлмаса ҳам ёримдан зиёд иш қилар, нима десам, менинг ихтиёримга кунар, нима қилсам, қиларман»,— деб кўрган кулфатлари йўқ бўлиб ўтира берди. «Гул юзли, ширин сўзли, жоду кўзли, куп соҳибтамизли, нима бўлса ҳам одамнинг кўнглига урмайдиган бир дилбар экан. Бу қиз ширин сўз билан менинг ақлимни олди, хафа кўнглимни шодмон қилди. Мурод-мақсадим топилди, обрўйим ёпилди, ҳар нима бўлса йўлда кўнглимдаги топилди»,— деб димоғи чоғ бўлиб, ўйнаб-кулиб ҳар ёқдан гаплашиб, қирқин қизлар ҳар турли сўзларни айтиб, вақти хушлик билан бу оқшом ўтди.

Эрта билан тонг отди. Оқилхон қиз: «Меҳмон энди дамани олди. Энди бундан нима ишда юрган экан, сўрайин»,— деб Муродхондан гап сўраб, Муродхонга қараб бир сўз деб турибди:

Сузла, хоним, қай чаманнинг гулисан,
Қайси боғнинг сайраган булбулисан,
Отанг билан энанг жону дилисан,
Бу юртларда кимни излаб юрасан?

Тақдир тортиб бунда меҳмон булурсан,
Сузла, хоним, қайси юртдан келурсан?
Қайси юртда қолди ўсган элатинг?
Аҳволингдан хабар бергин, бегзодим!

Оҳ урсанг чиқади фалакка дудинг,¹
Кўп бўлади бошдан ўтган меҳнатинг,
Аҳволингни билдир, жоним, бегзодим,
Кўринмайди сенга қилган хизматим.

Бир уядан парвоз қилган сен лочин,
Йўқдир сенинг парвоз қилган сайёдинг,
Уялмагин жавоб айла бегзодим.

Яёвлаб чиқдингми усган элингдан,
Қаҳрлансанг ҳар иш келар қўлингдан,
Бир гап билан чиқибсан манзилингдан.
Хабар бергин сен ҳам сирру ҳолингдан.

Остингда йўқ миниб юрган араби от,
Бир юртни сураган сендайин бекзот.
Хоним, сенга йўлиқдим паризод,
Хабар бер, мард ўғлон, қайдан келасан?

Мард йигит эшитгин айтган тилимни,
Жафо тортиб абгор қилиб ҳолингни,
Сен билдиргин ҳамма кулфатларингни,
Дардликсан сурайин хоним, ҳолингни.

Оқилхон дер:— Кулфатингни сурайин,
Кимни излаб чиқдинг, мен ҳам билайин,
Жасадингга жоним қурбон қилайин,
Сузла, навжувоним, қайдан келасан?

¹ Қўлёзмада «тутинг».

Номард қизлар кулиб баҳринг очдими,
Биз қизнинг гузари шунда тушдими,
Жамолини кўриб ақлинг шошдими,
Гал бериб олдингдан туриб қочдими?
Хабар бер бегижон қайдан келасан.
Ҳозир келиб кўрдинг ўсган юртимни,
Хафа қипти сендай валломатимни,
Бир кеча қилибман хизматингни,
Хабар бергин ўсган мамлакатингни,
Билсам, дарак берай паризодингни,
Яёвсан-ку, миндираман отимни,
Кўп қиларман, хоним, таърифотингни.
Ёр ахтариб ғариб бўлиб келасан,
Кўлқудуқда сен кўп изза бўласан,
Кўлларинг боғланиб бунда келасан,
Сенга қилган меҳрибонлигим биласан.

Оқилхон дер:— Жоним қурбон қилайин,
Бошдан утган кулфатингни сўрайин,
Кунгилда бор сузларингни билайин,
Кўлдан келган яхшилигим қилайин.

Не сабабдан бунда бўлдинг афтода?
Кўриб сени бўлди дардларим тоза.
Фасли кишинг сира бўлмайин ёз-а,
Бу қадди камолинг юртга овоза,
Сўзла, навжувоним, қайдан келасан?
Жавоб этгин менинг сузим биласан.

Бу сўзни Муродхон Оқилхондан эшитиб, у қизнинг сўзига шод-хуррам бўлиб, бошидан утган кулфатини гапириб, Оқилхонга қараб бир сўз деб турибди:

Очилган баҳорда боғнинг гулиман,
Мен чаманнинг сайраган булбулиман,
Оқтош элда Аввалхоннинг ўғлиман.
Подшолик даврида отам жой тутди,
Вақти етиб, отам дунёдан ўтди,
Сағирлик даража бизларга қопти,
Булак подшо бўлиб юртни сўрабди,
Бунинг ҳам бир кунни даврони утди.
Оқтош юрти бунда эгасиз қолди,
Мендай мард у вақтда камолга етди.

Давлат қуш учирди, парвоз қилибди,
Давлат қуши келиб бошима қунди,
Отамнинг тахтига мени миндирди,
Октош элга мени подшо кутарди,
Мамлакатга юриб берди хабарди,
Амалдор, сардорлар шикорни қилди,
Мендай бек шикорда ҳамроҳ бўлди,
Шундай вақтда олғир қушим давр олди,
Бир чашма бўйида чинорга қунди,
Мендай бек от чошиб у жойга келдим,
Хуру филмон сифат бир қизни кўрдим,
Жамолига ошиқ — шайдои бўлдим.
Қушим кетиб, шунда отдан йиқилдим.
Қушим келиб тағи тахтимга миндим,
Сулувман деганни мен йиғиб кўрдим.
Чурисифат бир қизга дучор бўлдим,
Шу қизни мен ўз никоҳимга олдим,
Аввал писанд қилмай иркилиб турдим,
Сунгра мен урдада жамолин кўрдим,
Кўриб, ёрдан армон билан айрилдим,
Шу дилбар эканин билмайин қолдим,
Ҳам ёримдан, ҳам отимдан айрилдим.
Чошгоҳ вақтида турдим аклим шошиб,
Тушда кўргандай буп, ёрдан адашиб,
Бир бедовни миниб кейинидан тушиб,
Мен ҳам келдим Қоратошда етишиб.
Қусини кўрмадим паризодимни,
Танидим остида туриқ отимни.
Яна менга меҳрибонлик қилар деб,
Яқинладим элга қайтиб борар деб,
Қилган ғуноҳимни ўтил қилар деб,
Эркак либос кийган зулфакдор ёр деб,
Мени танир шу кўрган дилбар деб.
Унинг кўнглидаги сўзни билмадим.
Қайт, деди, қайтмадим паризодим деб.
Меҳрибонлик қилар валломатим деб,
Телпак кийган менинг паризодим деб,
Шундайин олдиға яқинлаб бордим.
Меҳрибонлик қилар кўнгил шодим деб
Неча лофи сўзларни мен унга айтдим.
Яхшилик қилар деб аътиқод этдим.
Кўрганда қолмайин менинг тоқатим,
Кўнглига оғир олди у паризодим,

Уққа тутиб менинг отимни отти.
 Минган бедовимни чўлда сулатти.
 Яёв қилиб менга қарамай кетти,
 Армон билан мендай мардни бўзлатти.
 Вафосин билмадим ул паризотти,
 Изза бериб менга паризод кетти,
 Бошима орттириб қайғу-кулфатни.
 Кейнидан ахтариб яёв йўл торттим,
 Яёвлаб неча кун чўлларда юрдим,
 От изидан мен ҳам кўп тусмол олдим.
 Бир тоғдан ошдим-да, дарёни кўрдим,
 Дарёга кеп отнинг изин йитирдим,
 Қамишдан сол қилиб дарёга кирдим.
 У дарёда юриб кўнглимни буздим,
 Вомиқдай айрилиб, кўз ёшим тиздим,
 Узродай ахтариб дарёни юздим,
 Уч ой ўн кун умрим сувда ўтказдим,
 Омон-эсон юриб дарёдан чиқдим.
 Кеча-кундуз бир худога зор уриб,
 Ўн беш туну куни билан йўл юрдим.
 Беҳол бўлиб Қўлқудуқда йиқилдим,
 Ўзимни бойловли, қизларни кўрдим.
 У гафлатда қизлар қулим боғлади,
 Паризоддан ёмон изза айлади.
 Банди қилиб канизларинг ҳайдади.
 Мен келдим қошинга бўлиб гуноҳкор,
 Бир яхшилик қилдинг, гул юзли дилбар.
 Юрган жойим Оқтош деган шаҳарди,
 Ахтариб топмадим кетган дилбарди.
 Сабил қилиб чиқдим ўсган юртимни,
 Отини билмайин паризодимни.
 Девона бўп келдим бунда йўл юриб,
 Мен сенга йиғлайман дардимни ёриб.
 Қайта борай кетган ёрни ахтариб?
 Сўз сўрар Муродхон сенга ёлбориб,
 Жафо кўриб юрдим азобли чўлда.
 Муродхоннинг сенга саволи шулди:
 Излаб топарманми очилган гулди?
 Охири оқибат аҳволим шулди(р)
 Юрсам топарманми шундай булбулди?
 Билмайман паризод, ул юрган элди,
 Билмайман аҳволим менинг не бўлди?
 Бетайин савдога бошимни солди,

Бу ишларди менга тангрим бошқарди.
Ўз элимда шоҳлик шавкатим қолди,
Паризод эшитгин сўйлаган тилди.
Ёр ахтариб менинг ҳолим не бўлди?
Ёрим куриб бунда шодмон бўлмасам,
Сураб бораё десам, шаҳрин билмасам,
Шундай қиздан нишон олиб қолмасам,
Бу юриш поёнин ўзим билмасам.
Ўйлаб турсам менга мотам-қиймат,
Сўзимни эшитган қилар маломат,
Бу сўзларни англаб билгин, паризод,
Шаънимга ёзилди шундайин қисмат.
Гадо бўлдим, қулдан кетганди давлат,
Ёр юзидан топиларми паризод?

Шунда Оқилхон қиз Муродхондан бу сўзни эшитиб, Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Сўз айтади, хоним, мендайин жонон,
Излаб борган ундан қолмайди омон,
Бежо ишққа дуч бўлибсан, бегижон,
Ҳуснин курсанг, офтоб талъат-хиромон.
Сендайин нечовлар югуриб юрган,
Афсарнинг қулида не беклар ўлган
Излаб бориб ундан ким-да қутулган?!
Афсар дев у қизнинг хизматин қилган.
Не бекларнинг у дев бошини юлган,
Бизлар билан ёринг қадрдон бўлган.
Неча марта бизнинг маконга келган,
У қизнинг ишқида нечовлар ўлган,
Ҳеч ким йўқдир унга дуч бўп қутулган,
Шаҳрининг отини сўрсанг Гулистон,
Юрар манзилдир боғу бўстон,
Оти Орзигулдир, ўзи хиромон,
Ҳар ким курса, қилар жонини қурбон.
Кеча-кундуз юрти бозор бўп турган,
Пардасин кутарса, қушлар йиқилган,
Жамолин нурига эл бозор қилган,
Жамолин кўрганлар тентак бўп қолган.
Кўп одамлар ҳисобини йитирган,
Усал ишққа дуч бўлибсан, бегижон.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратган найза яраси,
Сўзимни онглагил Оқтош тўраси,
Уч ойлик йўл қолди бунинг ораси.

Насиб бўлса бу манзилдан жўнарсан,
Афсар девдан омон қолсанг, оларсан,
Бадбахтга дуч бўлсанг, нобуд бўларсан.

У қизнинг жамоли ақлини олган,
Нима деса югуриб, хизматин қилган,
Сулувлик бобида ҳусни барқ урган,
Сулув хизматида Афсар деб юрган,
Афсар дев ҳам сендай гирифтор бўлган,
Не хизмат буёrsa югуриб қилган,

Афсар девни билсанг жуда зўрабор,
Зарб қилганда тоғлар бўлади талқон.
Сендайин нечовларга ул дучор бўлган,
Армон билан ўсган юртдан айрилган,
Кўролмай шу девнинг қўлида ўлган,
Афсар девдан хабардор бўл, бегижон.
Узоқ элдан жафо тортиб борасан,
У бадбахтга дучор бўлсанг уласан.
Ҳар на қисмат ёзилганин кўрасан,
Армон билан қаттиқ кунга қоласан,
Уч ой юрсанг, ёр юртига етасан,
Орзигулнинг вафосини кўрасан,
Олсанг, омон-эсон қайтиб келасан,
Бир кеча қайтадан меҳмон бўласан.
Ҳозир тангрим олган сендан давлатни,
Миндирай остинга бир тулпор отни.
Қадринг билиб, шундай қилай хизматни,
Меҳмоним, яёвлаб кетмоқ уятдир,
Узатиб қайтсангиз у паризодни,
Ёр билан бошқатдан қилиб суҳбатни,
Кунгилдан чиқариб ғубор, кулфатни.
Муродга кўрсатди бу мамлакатни,
У паризод шундай қилди хизматни.
Муродхон шул куни ул жойда ётди,
Муродхонни шаҳрига оралатди,
Ғазнадаги зарин унга кўрсатди,
Кўрсатганди қатор-қатор норини,

Нор устига боз юклаган зарини,
 Кушки айвон мунаққаш манзилини,
 Оралатди боғи, чорбоғларини.
 Билдирди хизматкор хонга барини,
 Томоша қилди-ку шунқор шаҳрини,
 Хизматида турган қанча парини,
 Меҳри тоблаб шундай гажжакдорини,
 Ҳозир қилди қанча хизматкорини.
 Чиқарди қошига қизлар, барини,
 Тонг отгунча қуриб суҳбатларини.

Оқилхон шаҳрининг ярмини Муродхонга кўрсатиб, паст кўча, тор кўча, рост кўча — барини кўрсатиб, гулистон-чорбоғларига ияртиб, шундай димоғини чоғ қилиб, шул кечани ўткарди. Шу кеча ўтди, ҳўб яхши қилди хизматди. Оқшом ётди. Тонг отди. Кун чошка ҳаддига етди. Шунда Оқилхон қирқин канизларига буюрди:— Қора қашқа тулпорни эгарлаб олиб келинглар!— деди. Қизлар бу сўзни эшитиб, югуриб қилди хизматди: «Бу йигитдан бувишим айрилмай ётди, жуда қилди эътиқодди. Бир неча қизлар айтади: «У йигит писанд қилмай юрибди, хаёлимда «бувишингнинг ақлини олгандай, бу йигит билан мудом ўйнаб кулгандай. Шунга йўлиққандан бери бувишингнинг оёғи оёғига тегмайди. Жуда йўли бўлиб, дунё топиб олгандай, кўп сўзлашади. Илгаридан бир-бирини кўриб юргандай хаёлимизга келади. Бу иккови бир-бири билан ваъда қилгандай, кўрс кулиб ақлини олади. Бувишимнинг ҳам кўнгли бор. Шуйтиб бу йигитга отини беради. Қайтарда икки бошдан мени олади, деб умид қилади... Қизлар бу сўзни кула-кула сўйлашиб боради:— Бувишимизнинг айтганини қилайик, етагига юрайик, бу йигитни куёв қилиб олайик, бу йигитга юрт эгасин берайик, сен билан биздан бир нима кетарми? Ҳар нима бўлса томошасини кўрайик. Икковини бир-бирига яқинлаштириб турайик,— дейишиб, кулишиб, ўйнашиб, бу қирқин қизлар ҳаммаси жам бўлишиб, отнинг олдига борди. Яланғочлаб, қашлаб, супуриб-сидириб, кўп канизлар отни ўртага олиб: «Ундай қил, бундай қил!»— деб шовкин қилиб, кулиб, отнинг устига тилла, зарли-зарбоф абзалларни солиб, турли пўпак-тилаларни тақиб, отни безаб, тилла юганларни уриб, ҳар хил каштали тилланинг сувини югуртган давирларни солиб, тилла эгарни отнинг белига уриб, яхшилаб, ҳамма анжом-

абзалларни уриб, безаб бўлиб, отнинг жиловини ҳаммаси ушлаб, бу тулпор отни уртага олиб, етаклаб, сошлаб бора берди. Бу тулпор от бундай безалганини кўриб, жонивор от билиб: «Мени бир шунқор минар экан», деб осмонга қараб ангишлаб сапчиб, думини тикка қилиб, ўйноқлаб, ҳар турли қилиқларни қилиб бора берди. Бу отнинг уйнаганини қизлар, канизлар кўриб: «Қўйма, хабардор бул!»— деб бариси отнинг жиловиغا тармашиб олиб, етаклаб, шундай қиз билан Муродхон утирган кўшкнинг олдига олиб борди. Шунда Муродхон бу отни кўриб, вақти хуш бўлиб, димоғи чоғ бўлди.

Шунда Оқилхон хазинасини очдириб, подшолик дағдаға билан турли сарполар олиб келиб, яхши сарпо — бош-оёқ кийимлардан Муродхонга ёптирди. Сафарнинг камчилик асбобларидан Муродхонга бериб, ҳар нима ёвга керак бўлса, ҳаммасини тайёрлаб, қулига яхши тилла дастали қамчини, яхши испихон шамширларни ҳам берди.

Шунда Муродхоннинг обрўйи ёпилиб, кўнглидаги топилиб, қизлар билан бирга-бирга отнинг қошига келиб, отнинг парвоз қилиб турганини кўриб, манглайини силади. Қизлар узангини босиб, Оқилхон қиз Муродхоннинг қултиғидан суяб, Муродхон узангига оёқ қўйиб, «бисмилло», деб отга минди. Отга миниб, Оқилхондан димоғи чоғ бўлиб: «Ўлмасам, Орзигул ойим — паризодга етдим!»— деб кўнглида ўйлаб турди. Шунда Муродхон Оқилхонга қараб: — Фотиҳа беринг, — деб бир сўз айтиб турибди. Ана энди Муродхон билан Оқилхоннинг бир-бирларига айтаётган сўзи:

Муродхон

Созандалар созин чертар қўл билан,
Ёмон одам куйдиради тил билан
Бошқаватдан, дилбар, сендан сўрайман,
Мен кетарман энди қайси йўл билан?

Оқилхон

Жилва қилиб, марднинг ақлин олади,
От белига минган сиздай туради(р),
Хоним, сенинг ақлинг шошиб боради,
Тарбият қип қизлар йўлга солади.

Муродхон

Мендай эрлар Оқтош элдан келади,
Қайта бошдан менга давлат қўнади,
Қани, йўлга солгин гул юзли дилбар,
Қани, менга йўл бошқаргич куп қизлар?
Тараҳҳум қип йўлга солсин канизлар,
Адашган ошиқлар бир-бирин излар.

Оқилхон

Хоним, бунда сабр қилиб турарсан,
Ўлмасанг дунёда даврон сурарсан,
Кечга қолмай, кичов тортиб борарсан.
Насиб бўлса, сен ёрингни оларсан,
Ёринг билан бирга ўйнаб-куларсан,
Хафа бўлма, хоним, энди жўнарсан.

Муродхон

Фурсат йўқдир, турмай бундан жўнайин,
Олмос пулат қайраб белга чолайин,
Душман кўрсам, қайтмай саваш қилайин.
Кечга қолмай, кетган ёрга борайин,
Жавоб бер, гул юзли, энди жўнайин,
Шу шавкатман бориб ёрни кўрайин.

Оқилхон

Миндирдим остингга бу тулпоримни,
Оралаб кўрсатдим кирдикоримни,
Бориб кўрсанг сен ҳам кетган ёрингни,
Унутмагин мендайин дилбарингни.
Эътиқодман қилган хизматларимни,
Ёринг олсанг келиб кўргин шаҳримни.

Муродхон

Хафа бўлма, дилбар, бундан борарман,
Ёрим олсам, ҳаялламай келарман,
Сенинг амринг билан элга борарман,
Бу қилган хизматинг урин қиларман.

Хафа бўлма, дилбар, ўзим биларман,
Йўл бошла, нозанин, энди жўнарман.

О қ и л х о н

Тарахҳум айлади гул юзли дилбар,
Жиловини тутинг турган канизлар,
Хонимга йўл бошланг, соҳиб тамизлар
Шаҳардан чиқариб йўлга солинглар.

Ана шунда Муродхон от устида туриб, Оқилхондан жавоб сўради:— Фотиҳа беринг,— деди. Оқилхон бош бўлиб, Муродхонни жўнатиб:— Омон бўлинг, хоним,— деб фотиҳа берди. Муродхон отининг бошини буриб жунамоқчи бўлди. Шунда Оқилхонинг амри билан Муродхонни бошлаб, шаҳар дарвозасидан чиқариб, йўлга солиб, омонлашиб, қирқин қизлар Муродхонга йўлни кўрсатиб бир суз деб турибди:

Унутма бувишим қилган ишини,
Яхши йўлга солдик сиздай кишини,
Остингда уйнайди араби тулпор,
Бўлиб кетдинг сен бировга харидор.
Қайтиб келсанг Оқилхоннинг иши бор,
Шунда булар бу канизлар хизматкор.
Уйнаб-кулиб, хоним, турмай яхши бор.
Сен кетдинг, бувишим бунда беқарор,
Келгунча йўлингга булар интизор,
Қайтадан қуйилиб келгин сен шунқор.
Бундан борсанг, сен ёрингни оларсан,
Ярқиллаб, султоним, бир кун келарсан,
Олғир қушдай бир чагасга қўнарсан,
Ададсиз давлатга эга буларсан,
Рости шулдир: Оқилхонни оларсан,
Ойимнинг кўнглини шунда биларсан.
Шундай бордир сипоҳилик шавкатинг,
Ёр ахтарсанг тоша келар ғайратинг!
Қўлга текса излаган парнзодинг,
Бувишим билан бўлсин келиб суҳбатинг.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин,
Сўлган гулга булбул келиб қўнмасин,
Хаёлингда бошқа сузлар бўлмасин,
Ўзга шумлик ҳеч кўнглингга келмасин.

Сен эшитган қирқинларнинг додини,
 Сенга миндиргандир тулпор отини,
 Хафа қип кетмагин паризодини
 Ойим бўлсин сиздай бекнинг хотини.
 У паризод яхши кўриб қолганди(р),
 Сизга айтолмайин ибо қилганди(р),
 Кўнглидагин бу канизлар билганди(р),
 Улганча йўқлайди сиздай султонди,
 Отлангирдик бугун сиздай жононди,
 Миниб кетинг сиз ҳам қашқа ғунонди.
 Канизлар айтади бу арзи додди,
 Меҳмон қилди сиздайғача¹ бекзоодди.
 Аслаҳа-анжоминг беааб тузатти,
 Шаҳардан чиқариб қизлар узатти,
 Юрар йўлни Муродхонга кўрсатти,
 Тимсол қип канизлар кўп сўзни айтти.
 Хўшлашиб шу замон қайтмоқчи бўпти,
 Давлатли бегим,— деб иззатлар қипти,
 Қўл кутариб дуо қилиб турипти,
 Улуғланиб, остонанга бош урдим,
 Сирим айтмай бир нечадан яширдим,
 Боринг, хоним, бир оллога топширдим.
 Қўл берган пирларинг бўлсин мададкор,
 Хўшлашиб шаҳарга қайтди канизлар.

Шунда Муродхон қирқин қизлар билан омонлашиб, қизларнинг кўрсатган йўли билан жўнаб кетди. Қирқин қизлар орқасига қайтиб, Муродхондан гаплашиб, бир-бирига таъриф-тавсиф қилиб, шаҳарга қайтди. Дарвозадан кириб Оқилхоннинг олдига бориб:— Хоним, бизлар меҳмонни жунатдик, меҳмоннинг сиздан кўнгли тўлди, ахтарган ёрини омон-эсон олса, қайтиб келмоқчи бўлди, сизни келиб кўрмоқчи, бир-икки оқшом бунда суҳбат қилмоқчи, кўнгли бордай бўлиб орқасига қайрилиб қарагандай бўлди. Меҳмонингиздан бизларнинг кўнглимиз тўлди.— деб Муродхонни мақтаб гапирди.

Шунда Оқилхон канизлардан бу сўзни эшитиб: «Муродхон абгор бўлиб келганда шундай тарбия қилдим. Бу яхшилигимни билар, улмаса, тайин келар!»— деб пардоз бериб, шардоз тақиб ёта берди. Бу қирқин қиз. Оқилхон ойим Муродхоннинг димоғи чоқлиги билан вақти хуш бў-

¹ Сиз каби.

либ: «Яхши бўлди, меҳмонни яхши кутиб жўнатдик»,—деб бир-бировлари билан ўтган сўзларни гаплашиб ўз шаҳрининг сариштасини қилиб ёта берди.

Ана энди Муродхон йўлга тушиб: «Орзигул ойим, паризодим, қайдасан?»—деб жўнаб кета берди. Муродхоннинг йўлга тушиб кетиб бораётгани:

Ох урганда кўздан оққан ёш энди,
Эсон бўлсак иелар кўрар бош энди,
Адашганман, ёрни излаб бораман,
Йўлга солган қирқин қизлар, хуш энди,
Оқил ойим оша қилди хизматни,
Кўтариб бошимдан гаму кулфатни,
Яёвликда миндиргайдир бу отни,
Неча кунлар қилди у тарбиятни.
Мени шодмон қилиб бундан жунатти,
Шаънига айтарман кўп таърифотти,
Бизга шундай қилиб дилбар хизматти,
Емон кунда менинг қадрим билибди,
Хизмат қилиб, менинг ақлим олибди,
Кўп қирқинлар яхши йўлга солибди.
Зар қадрини заргар билар дегандай
Биз билан қадрдон бўлиб қолибди.
Остима минганим — қиз белли тулпор,
Сафар қип отландим, кўп узоқ йўллар,
Барча қизлар Оқилхонга хизматкор,
Менинг излаганим пари зулфакдор,
Мен келганча дуода бўл, санамлар,
Оқилхонга салом айтгин кўп қизлар.
Қилган яхшилиги кўнглимда турар,
Бу сўзни айтиб йўлга кирди зурабор,
Адашган ошиғин излайди бекаар.
Остимда паризод берган тулпорим,
Кўнглимда бир зарра қолмай губорим,
Қўлга келгандай бўп кетган ёрим.
Ёрнимни ахтариб йўлга кираман,
Тахти жаҳонимдан кечиб бораман.
Кетган ёрни, насиб қилса, оламан,
Оша юртга ёрим излаб бораман.
Баҳорда очилиб энди тоза гул,
Гулни кўрса, маст бўп сайрайди булбул,
Ёрнинг оти экан, билдим, Орзигул,
Сурамабман қандайин шоҳнинг қизи.

Устида кийгани кимхоб қирмизи,
Мени эритади сўзлаган сўзи,
Чўлда бораётир Муродхон ўзи,
Кеча-кундуз қистаб йўлни олсам деб,
Гулистон шаҳрини бориб кўрсам деб,
Орзигулман унда даврон сурсам деб,
Шундай ёрнинг шакар лабин сурсам деб,
Ўнғай келса, мен бағримга олсам деб,
Шердай чалқиб мен ҳам шунда юрсам деб,
Шунча йўлдан излаб келдим, билсанг деб,
Сарсон қилдинг шунча йўлдан келсам деб,
Бораётир сағрисига қўнсам деб,
Гулистон шаҳридан уни олсам деб,
Афсар девнинг тандан бошин юлсам деб,
Ёр кўринса, шундай ғайрат қилсам деб,
Душман йўлда бўлса, додин берсам деб,
Зўрлигим юртига маълум қилсам деб,
Бу йўлларда қичаб кетиб боради.
Олис йўлни балки яқин қилсам деб,
Кеча-кундуз қистаб бунда юрсам деб,
Кўз кўрмаган кўп юртларни кўрсам деб,
Душман бўлса мен оримни олсам деб,
Чиқса ғаним, қилич билан солсам деб,
Баҳордирлигимни маълум қилсам деб,
Жаҳонни сайр этиб, ўйнаб-кулсам деб,
Худо деб, чўлларда қистаб кўрсам деб,
Бу дунёни мен ҳам барбод қилсам деб,
Чўлда Мурод қичаб кетиб боради.
Ёр йўлида жоним сарфлаб кўрсам деб,
Бедовига аччиқ қамчи уради.
Ҳайвонзот чўлларда қичаб юрсанг деб,
Безабонсан менинг кўнглим билсанг деб,
Биз кўрган юртларни сен ҳам кўрсанг деб,
Кеча-кундуз бизга йўлдош бўлсанг деб,
Мендай бекнинг ўйнаб кўнглин олсанг деб,
Ёр шаҳрига мени йўлга солсанг деб,
Бу сўзни айтиб қайсар кетиб боради
Неча тоғдан шунқор утиб боради.
Муродини яратгандан тилади,
Бедов отнинг кокилинни силади.
Ғамли қуллар гапни гапга улади,
Худо, дейди, чўлда кетиб боради,
Муродхон чўлларда қилди ғайратти,

Кеча-кундуз қичаб чўлда йўл тортти,
 Мурод излаб Гулистондай бир юртни.
 Ахтариб у гўзал паризодини
 — Чу, ҳа,— деди қайсар йўлда йўл тортти,
 Тошиб келар Муродхоннинг ғайрати,
 Юрагидан кетган доғди,
 Қистар минган тубичоқди.
 От бошини қўйиб олар,
 Яқин қилмоққа узоқди.
 Тоза бўлган менинг дардим,
 Кўзга дори пойи гардинг,
 Қайда булар, дилбар, юзинг,
 Излаганман паризодим,
 Чулларнинг танобин тортгин,
 Назаркарда тулпор отим.
 Оқилхон сени миндирган,
 Сенсан менга ҳамдам бўлган,
 Ер йўлига меҳнат қилган,
 Мен адашсам йўлга солган,
 Қизлар тарбиятин қилган,
 Қирқин қизлар сайис бўлган,
 Ем ўрнига кишмиш берган,
 Таблада шамлар ёқтирган,
 Абжуш нағаллар қоқтирган,
 Неча қизларга боқтирган,
 Ҳурмат қилиб бизга берган,
 Олис юртга йўлдош бўлган.
 Кокил тайлаб юрин ҳайвон,
 Сўз сўзладим неча алвон.
 Бу давлатни берди Раҳмон,
 Кўп қизлар бўлиб меҳрибон,
 Бу сўзларни айтди Муродхон.
 Бир тоғ қуринди шу замон,
 Излагани пари жонон,
 Мен билан булса қадрдон.
 Бу тоққа яқинлаб етди,
 Қурган йўқдир элу халқди.
 Тўққиз кеча, тўққиз кундуз
 Сувсиз чўлларда йўл тортди.
 Муродхон қилиб шиддатти,
 Тоғни ўрлаб бек йўл тортти.
 Тоғ бошига кўз югуртти,
 Курсам деб, Гулистон юртни,

Қия йўллар билан кетти,
 Неча адирлардан утти.
 Куп излаган паризотти.
 Бузуқ ердан чопиб ўтти,
 Ўрга қараб қистар отти,
 Муродхон қилиб ғайратти,
 Тоғ бошига яқин етти.
 Шу тоғнинг бошида турсам,
 Излаган юртимни кўрсам,
 Дилбар ёрга яқин бўлсам,
 Ҳар тарафга назар солсам,
 Нарӣ ёқ-бери ёғини кўрсам,
 Баланд ердан қараб турсам,
 Шаҳарлардан нишон билсам,
 Бу сўзни Муродхон айтти,
 Баланд тоққа чиқиб кетди.

Энди Муродхон тоғнинг бошига чиқиб: «Қандай булар экан?— деб нари ёқ-бери ёққа қараб, муртини бураб, узангига оёғини тираб, оғзи анграйиб, бурни шанграйиб,— қайси йўлга юрсам осонроқ бораман экан?»— деб ўйлаб, суқсурдай бўйлаб, ҳар ёқни пойлаб, ҳўб фаросат билан қараб, отининг бош-кўзини силаб, қушдай тилаб, йўлнинг ўнғайини қараб, шундай қараса, бир йўл кетди: бир ёғи чулистон, бир ёғи тукайистон. Шу йўлнинг бир ёғида тўполон-тузон кўриниб турибди. Муродхоннинг (кўнгли) шу йўлга мойил бўлиб, шу йўлга тушиб кетмоқни ихтиёр қилиб, тоғдан энқайиб, пастга тушиб кета бориб, йўлда бу сўзни айтиб бораётгани:

Муродхон кўнглида шундай ўйлади:
 Шу тўзон устига отин ҳайдади.
 «Таваккал» деб, белин маҳкам боғлади,
 Қиёмат деб танда жонини қийнади.
 Ҳаво ёғмай, ҳалқоб ерлар лойлансин,
 Ҳар ерда душманнинг қули бойлансин,
 Кокилингдан мендай хонинг айлансин,
 Ҳаволаниб учган суқсур шайлансин.
 Етқиизгин тузонга назари тулпор,
 Билмаган чангғийда йўллар бозингар.
 Албатта, тузонда бирор ҳикмат бор,
 Албатта, сен мени етқииз жонивор.

Нима гап борини бориб билайин,
Душман бўлса сирини фош қилайин.
Бежо қора тутун чиқар осмонга,
Не гап бор эканин бориб билайин.
Қистаб юргин мен ҳам унда борайин,
Дев, пари маконини кўрайин.

Кўргунча бўлмайин сабру қарорим,
Қаватимда йўқдир ҳеч ғамгузорим,
Сен ҳам менга йўлдош бўлган тулпорим,
Шу тузонга мени еткар тулпорим.
Қабо фалак кунда алвон дунаман,
Хилидан айрилган лочин буламан,
Қайда губор бўлса, бориб қунаман,
Девми, паризодми, бориб биламан,
Ер йўлида бошим бериб бораман,
Кўз кўрмаган кўп юртларни кўраман,
Кўринар кўзимга губорли туман.
Қистаб сен йўлларни олгин безабон.
Бу сўзни айтиб йўлда кетиб боради,
Туқайистон кўлда кетиб боради.
Гоҳи чўлға, гоҳи кулға қаради,
Худо килган ишга банда кўнади.
Кўнмаганда нима ишни қилади?
Шердай бўлиб йўлда кетиб боради.
У тузонга энди яқин қолади,
Қора тутун мамлакатни олади,
Қавосатли ерга кетиб боради.
Шундай бўлиб Мурод уғлон йўл тортди,
Тузоннинг қошига яқинлаб етти.
Аломатли туполон буп етишти.
Бу ажойиб ишни Муродхон кўрди,
Бедов отга ғайратман қамчи урди,
Оти ботмай кейин иркилиб турди,
Муродхон шу вақтда ҳайрон қолди.
«Чу!»— дейман, жайрағир, бир бало булди,
Мен билдим, кўнглингга бир шумлик келди.
Паризоднинг берган оти, не булди?
Муродхон отига қилди шиддатти,
Ботмади, бедов от кейинга кетди.
Муродхон бу ишга ҳайрон қоп ётди:
— Э жайрағир, сенга бир гап бўлибди.

Маъмуни йўлингни душман олибди,
Жабр қилиб тулпор отга, турипти,
От ботмайин кейинга иркиликти,
От иркилди, шунқор ҳайрон қолибди.
Не сабабдан, бедов, бундай қиласан;
Иркилиб, жонивор, кейин борасан,
Йуқ балони ҳақдан тилаб оласан,
Қандайин душмандан ҳадик оласан?
Қулоқ солиб юргин анди йулингга,
Исфиҳон пўлатни олдим қўлима,
Сен қара, жонивор менинг ҳолима,
Паризодлар миндирганди белингга.
Иркилиб йўлларда гариб қилмагин,
Мендайин мардларни номард билмагин,
Душман бўлса, зинҳор ҳадик олмагин,
Сен ҳайвонсан, юрар йулдан қайтмагин,
Бу йўлларда менинг кунглим хушлагин,
Иркилмагин мени йўлга бошлагин,
Кунглингдан гинани сен ҳам ташлагин.
Душман бўлса тоқол қилмай бошлагин.
Қулоқ солгин мендай марднинг тилига,
Мени еткар бу тузон манзилига.

Бу сўзни бедовга Муродхон айтти,
Оёғини борлаб, бедов йул тортти.
Ўйлантирди устидаги валломатни.
Муродхон кунглида бир аломатти (р).
Гоҳ юрганда оти кейин кетти,
Шуйтиб борлаб аста-аста йул тортти,
От иркилиб турди кузин юбортти,
Бир ажойиб чўққи бунга кўринди,
Ен-атрофи бари тузон қуюнди (р).
Юрмоқлик бедовга оша қийинди,
Сағал гап деб Мурод ўғлон суюнди.
Мурод ўғлон аломатни кўради,
Ҳарчанд бедов отга зурқиб туради.
Урган билан бирор қадам босмади,
Бу қора тулпорда тоқат қолмади,
Нима эканин Мурод билмади,
Муродхонда анди тоқат қолмади,
Қийғир деган куш утирар қиёда,
Не кўриб кечирдик фони дунёда,
У дарднинг устига бу дард зиёда,

Отдан тушиб Мурод бўлди пиёда.
— Қани, бу тўзонга ўзим борайин,
Қандай жондор экан, англаб билайин,
Сўнгра мен сирингни фошлаб курайин,
Одатинг бормиди сени синайин.
Яёвлаб бормоқни шунқор уйлади,
Бедовини йўл устига бойлади.

Муродхон яёв бўлиб исфихон пўлатини қўлга олиб, тўзонга қараб бора берди. Муродхоннинг излаган ёри: «Муродхонни келар»,— деб умид қилиб, Афсар девни шаҳардан чиқариб, бу тўқайистоннинг четига тайинлаб қўйган эди: «Шундай бир одам келади. Йўлдан бу ёққа утказгали қўймагин. Балки ўлдириб юборгин»,— деб. Бу Афсар девга одат эди. Бир юрса, олти ой юрар эди. Бу ухласа, олти ой ухлар эди. Неча вақт анғиб юрар, муддатидан утиб, уйқусининг вақти келиб, неча кундан бери ухлаб ётган эди. Оғзи-бурнидан чиққан буғ осмондаги тутундай бўлиб, тўрт тарафга тўзон бўлиб кетган эди. Муродхон ҳам яқинлаб борди, Афсар девни кўрди. Муродхон бу девни кўриб, девнинг ҳайбатидан қўрқиб, сесканиб турди. Унинг уйқуда ётганини билди.

Муродхон кўнглида айтди: «Бу шу вақтда турса, мени кўрса, бу билан урушсам, бунга қўлимдаги яроғлар кор қиладиганга ўхшамайди. Илгари ота-бобомиздан қолган нақл бор: «Балонинг ташида бўлгунча, ичида бўл!» Тез юриб борайин, ё қолайин, ё бундай сарсон бўлиб юргунча ўлайин»,— деб тез-тез юриб, Афсарнинг олдига бориб колди. Бориб кўрса, дев хурракни баланд тортган, хуррагига оғзидан чиққан дамига кўлдаги қамишлар таппа тушиб ётган, Муродхонни девнинг дами тебратган; танаси тепадай, калласи қападай бўп ётган. Муродхон ўйланиб, фикр қилиб турди. Агар туриб қолса, баравар бўлолмаслигини билди.

Муродхон қараб кўрди: дев дамини олганда, бир кўк каптар оғзидан чиқади, дамини тортганда ичига уриб кетади. Муродхон айтди: Бурунги қариялар айтар эди: «Девнинг жони танасида бўлмайди. Бир урсанг ўлмаса, тағи бир урсанг, тирилиб қадимги тарзига кела беради. Ерга қони томса, ҳар қонининг қатрасидан дев пайдо бўла беради». Бу девга қилич солмайин, шу ўйимдан қолмайин, балонинг олдини олайин, бир гафлатда қолиб, бунинг чангалига дучор бўлмайин, шунча юртдан ёр излаб келиб ғариб-

гуристон бўлиб ўлмайин, эҳтиётимни қилиб, ўз билганимдан қолмайин, қандай бўлса, беғам турмайин»,— деб ўйлаб турди. Шундай қараса, Афсар дев тоза қаттиқ ухлаб ётибди. Еттита калласи бор. Бир калласини кўрган одам тоқат қилолмайди. Хуб тикилиб қараса, чидамас; дев даммини тортса, пўталар дамига чолиб кириб, чиқиб бориб ётибди. Қумрон қолиб, бурни қирқ йилдан бери ётган эски ғордай бўлиб, бир бахайбат ёмон дев экан.

Муродхон: «Бунга чини билан уринмасам бўлмайди»,— деб билагини шибаниб, этагини қайтариб, абжир бўлиб, бурнига тиклаб, халиги каптарга қараб:— Қачон чиқар экан?— деб турди. Шунда девнинг жони оғзидан каптар бўлиб чиқди. Муродхон даф қилиб шул каптарга қул узатди. Оғзига етар-етмас вақтда каптарни ушлаб олди, бағрига босди. Дев тебраниб, бурнини уқалаб, кўзини очди. Муродхонни кўрди, Муродхон каптарни қўймай, қисиб ушлаб турди. Девнинг ақли шошиб қолди. «Бошим, юрагим!»— деб Муродхоннинг оёғига йиқилди. Муродхон буни кўриб вақти хуш бўлди. Шунда дев бежон бўлиб, улар ҳолига етиб, дами қайтиб, Муродхонга ялиниб, бир сўз деб турибди:

Жон борида яратганга рост бўлдим,
Бу ғафлатда чупу хасдан паст бўлдим,
Худони уртага солдим дўст бўлдим.
Армон билан билмаганим билдирма,
Ханжар уриб, бағрим қонга тўлдирма,
Мен ҳам кераклиман, дўстим, ўлдирма!
Қайга амр қилсанг, ўзим борарман,
Қандай хизмат бўлса, ўрин қиларман.
Сен кимга буюрсанг олиб келарман,
Мушкул ишларингни урин қиларман,
Жон борида хизматкоринг буларман,
Мушздай каптар бўлиб қулда турарман,
Бир қисиб юборсанг, дарров ўларман,
Ўлдирмагин, хизматкоринг буларман.
Одамзодсан, менинг ҳолим биласан,
Хабар бергин қайси юртдан келасан,
Жон дўстим, сен кимни излаб юрасан.
Хабар бергин, қайси юртга борасан?
Сен сўйласанг, мен тушаман тилингда,
Ғафлатда тушдим сенинг қўлингга.
Етказарман сўраган манзилингга,
Тулки, шағал кулар менинг ҳолимга,

Миннатдор буп, сўз айтарман шаънингга.
Азоб берма қўлингдаги жонимга.
Вақтни топиб жоним қўлга олибсан,
Мени ўлдирсанг, кўп пушаймон қиласан,
Сунгра менинг қадримни сен биласан,
Мен ўлган сўнг кўп пушаймон қиласан,
Мен йиглайман аҳволимга зор-зор,
Жоним дўстим, сенга айтар арзим бор,
- Не савдога, дўстим, бўлдинг гирифтор?
Сен буюргин, мен бўлайин хизматкор.
Утар дунё ўтарини ўйлагин,
Ёлгон қуйиб, рост сўзларни сўйлагин,
Кунглингда борини баён айлагин,
Шумлик қилмай, менга тўғри сўйлагин.
Бир гап билан менинг ақлим оласан,
Қайси юртни сўраб турган тўрасан?
Хабар бергин қайси элдан бўласан?
Афсар девни хизматингга соласан.
Жоним, дўстим, хаёлингни бўлмагин,
Албатта, жон дўстим, нобуд қилмагин,
Дўстим, мени тағи номард билмагин,
Парвариш қил, каптарни нобуд қилмагин;
Кунглингда борини айтмай турмагин,
Сен мени ўзингга душман билмагин.
Афсар дўстинг, билсанг, бунда зўрабор,
Ғайратимдан тоғлар бўладир талқон.
Деву одам келса зарбимдан яксон.
Бек дўстим, мен сира бўлмайман душман.
Гумон қилдим, сен бўлмагин Муродхон!

Буюрсанг кўп мендай дўстинг хизмати
Ўлганча қиларман, дўстим, хизматди,
Қаттиқ ушлама юрагим оғриб кетди,
Бош айланиб, кўзим туман бўлибди,
Атрофини барин гирбин олибди,
Бу ғафлатда дўстинг забун бўлибди,
Сендай беклар аҳволимни кўрибди,
Гумон қилсам бировни излаб келибди,
Хабар бергин, қайси юртдан бўласан,
Ростин де, бек дўстим, қайдан бўласан?

Дев шурли буйруни ушлаб, улайин деб инқиллаб турди.
Шунда Муродхон дев Афсардан бу сўзни эшитиб, сир-

ри ҳолини дев Афсарга хабар бериб, девга қараб бир сўз деб турибди:

Оқ урсам, тўкилар кузимнинг ёши,
Кажга айланган шум фалакнинг гардиши,
Илойим қурисин бир қизнинг иши,
Ақлмни олган бир шаҳарнинг бувиши.

Мени сурасанг, Оқтош элнинг султони,
Унга қурбон мендай мардларнинг жони,
Оқтош дейди, пойтахти маконим /
Гулистон шаҳрини суроб бораман,
Орзигулнинг харидори буламан.
Ул сабабдан меҳнат тортиб бораман,
Тушарсанми мендай марднинг тилига?
Сендай девлар дучор бўлди йулига,
Етарманми мен ҳам ёрнинг элига?
Кузим тушса дилбаринг манзилига.
Қани, сенинг хизматингни билайин,
Гулистонга бошлаб боргин, кўрайин,
Ёр йулида, курсам бошим берайин,
Хизмат қилиб мени еткар, турайин;
Ишонтиргин, сунгра сени қўяйин,
Ишонмасам, сени мен улдирайин.
Мен ҳам уз юртимда юрган валломат,
Чап соб йулни доғлаб кетган паризод.
Дуст отини тутдинг Афсар дев менга,
Холисландан қани қилгин бир хизмат.
Бундай кунда ҳаққа фиғон этарман,
Қиличимга қирмиз қонлар қотарман.
Бошинг кесиб, тананг ташлаб кетарман,
Узим юрсам, Гулистонга етарман.

Ёр азобин узоқ йулда тортарман,
Ёрни топиб, элга олиб қайтарман,
Сенинг билан аҳду паймон этарман.
Сунгра билиб, жонингни бушатарман.

Бу сўзни Муродхондан дев Афсар эшитиб, кўнглига келди: «Бу, Гулистон шоҳининг қизига ошиқ бўлган, бу менинг уйқуда — гафлатда ишмни қилган экан. Бу, менинг ошиқ бўлган паризодимга ошиқ бўлиб, излаб келган экан. Нима қилай энди, менинг паймонам тўлган экан»,—

деб Муродхонга Афсар дев сирри ҳолини айтиб бир сўз
деб турган экан:

Ёр ахтариб, йўл азобин кўргансан,
Оқилхонга келиб меҳмон бўлгансан,
У манзилдан бир бедовни мингансан,
Насиб тортиб бу ерларга келгансан
Сени билдим — Оқтош юртнинг тўраси,
Олис йўлдир бу шаҳарнинг ораси,
Беҳуда отланиб ҳалак бўлмагин,
Наша чекиб, аҳмоқ бўлиб кулмагин.
Бир ёбини сен ҳам улов билмагин,
Бу йўлларда сарсон бўлиб ўлмагин,
- Етолмайсан, бекор ҳалак бўлмагин,
Бундан кейин бу ерларга келмагин.
Сўзлаган сўзимни ҳазил билмагин,
Аё шоҳим, сўзим ёлғон билмагин.
Боролмайсан Гулистоннинг элига,
Хатарли ер купдир ёрнинг йўлида,
Тушиб қолма айёрларнинг қўлига,
Бир яхшилик, дўстим, сенга қилайин,
Мени ҳурмат қилсанг, мен ҳам билайин,
Бир фаланг отим бор, сенга берайин.
Шу билди Гулистоннинг йўлини,
Миниб борсанг, қилар ёрнинг корини.
Девларнинг устаси йиғилиб келган,
Неча ой, неча йил хизматим қилган,
Усталигим жаҳонга маълум бўлган,
Тут ёғочдан уни қийиб эндирган,
Усталик ҳунарин менга билдирган.
Пулатдан қилгандир унинг мурватин,
Тилладан югуртиб қилган қанотин,
Фаланг отда бордир илму ҳикматим,
Шуни минсанг куп бўлади қувватинг,
Сунгра келар қўлга у паризодинг,
Ўз отингдан ҳосил бўлмас мақсадинг,
Шу бўлди, бек дўстим, сенинг ҳурматинг,
Минсанг яқин бўлар Гулистон юртинг,
Қўлга келар гал берган паризодинг.

Бу сўзларни Муродхон билан дев бир-бирига айтиб:
«Бир-бирига шумлик қилмасин, бир-биридан хафа бўлмасин,
ҳар нима утганини уйламасин», — деб иккови бир-бири би-

лан жон аяшмас дўст бўлди. Бир-бирининг гапига кўнгли тулди. Сидқи қасамлардан онт айтиб, ваъдани қаттиқ қилиб дўст бўлди.

Дев айтди:— Дустим, энди мени ҳалок қилмагин, мени шарманда қилиб, эргаштириб бормагин, Оргизул паризоддан уяламан. Менинг фаланг отимни минсанг Гулистон шаҳрида вояга етган бир катта тут бор. Шунинг шохини усталар қирқиб олиб, фаланг от қилган. Шохи йўқ бўлиб, тутнинг танаси зинкийиб турган. Ундан бошқа у юртда катта дарахт йўқ. Узоқдан шул кўринади. Фаланг от бориб шунга қунади. Бўлак ерга қўнмайди. Ёрни олсанг, булак ерга кетмайди, менинг олдимга олиб келади. Агар орқангдан лашкар тушиб келса, унинг ишини бу ётган дўстинг қилади. Менинг уйқум ҳали чала. Сен келгунча, бу дўстинг ухлаб бўлади. Отингни ҳам бу ерга олиб келиб бойлаб қўй, ўтлаб туради,— деди. Девни яна уйқу элитди, ётган ери тўзон бўлиб ётди.

Муродхон ҳам каптарни бушатди. Нима бўлса ҳам Муродхон дўст отини ҳурмат қилди. Шунда Муродхон бориб, тулпор отини олиб келиб, Афсар девнинг олдига яланғочлаб қўя берди. Тулпор от ўтлаб қолди. Афсарнинг манзили Муродхоннинг ўз манзилидай бўлди. Девнинг анжом-аслаҳаларини ҳам томоша қилиб кўрди. Афсарнинг фаланг отини ҳам юргизиб келиб у ёқ-бу ёғини кўрди, пастдагн мурватларини ҳам билди. Муродхон хўп айлантриб томоша қилди. Бурун Муродхон бундай ишларни кўрган йўқ эди. Шундай гаплар кўнглига келди: «Афсар дев билан боришли-келишли бўлиб юрсам, дев усталарига шундай отни мен ҳам қилдирсам, шуни миниб ўз юртимда шоҳлик шавкатини сурсам, кўп кайфу сафоларни кўрсам»,— деб ўйлади. Фаланг отнинг олдига бориб ҳамма мурватларини тоблаб кўрди. Юқори мурватини бураса, юқорига қараб учади, пастки мурватини бураса пастга қараб тушди. Димоғи чоғ бўлиб фаланг отга минди, қулоғин бураб, юқори қараб учиб кета берди:

Фаланг отда шундайин кўкка учди,
Мурод кўнглида ёрга етишди.
Уиг қулоғин бураб шундайин номдор,
Фалакда булутман бўлди баробар,
Кузига кўринар дунё, иқлимлар.
Булут билан аралашиб боради,
Не юртларни у осмондан кўради.

Тажриба қип ҳар тарафга қаради,
 Муродхон Оқилхон юртин кўради,
 Хизмати эсига тушиб боради,
 Гулистон шаҳрини бу от билади,
 Осмонда гувиллаб кетиб боради,
 Мурод кўнгли хаво талаб бўлади.
 Юлдузнинг остида шундай зўравор,
 Дев отини бериб, бўлди хизматкор.
 Қуриб ўтиб кетди неча шаҳарлар,
 Вақтин хушлаб бораётир, муқаррар,
 Шундай зўр дев билан топишиб шунқор,
 Қўлга келар деб хор этган гажакдор,
 Фаланг бошлаб у юртига етказар.
 Осмонда боради шундайин қайсар,
 Яқинлашиб қолдими Гулистон шаҳар?
 Хеч ким билмас бораётган мардини,
 Англамайди ҳали ёрнинг юртини,
 Юлдузнинг остида учиб боради.
 Йўлида бир қанча лашкарлар борди(р),
 Душман бари бундан беҳабар қолди,
 Осмон билан ўтиб топса шаҳарни
 Афсар дев дўстига раҳбарлик қилди,
 Меҳрибонлик шул-да, отини берди,
 Жодугар, ҳийлагар беҳабар қолди,
 Булутнинг устидан Мурод йўл солди,
 Дилбарнинг шаҳари яқинлаб қолди.
 Қурган билан билмас қайси шаҳарди(р),
 Неча шаҳарлардан ўтиб боради,
 Муродхонга Афсар берган хабарди,
 Фаланг билади, деб кўнглида борди(р).
 Яна бир тўпланган юртни кўради,
 Шу шаҳарга фаланг мойил бўлади.
 Гулистон юрти деб, гумон қилади,
 Фаланг отнинг чап қулоғин буради.
 Шу шаҳарга фаланг қуйилиб келади,
 Каллак тут бошига келиб қўнади.
 Афсар девнинг айтган сўзи бўлади,
 Кўнглидаги ҳақиқатин билади.

Муродхон фаланг отини тутнинг бошига қўндириб, отдан тушиб, қайга боришини билмай, қараб туриб эди. Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, шу ерга бир кампир келиб қолди. Муродхон ҳам бу кампирни курди: манглайлари

чўтдай, кўзлари ўтдай, ияги эгарнинг қошидай, бурни хамакдай. Кампир келиб Муродхондан: «Қайдан келасан?» — деб сўраб турибди:

Қайси юртдан, қайси элдан бўласан?
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг улсан?
Сен ҳам бир кимсанинг жони дилисан,
Искаб кўрсам, тоза боғнинг гулисан!
Хабар бер, жон болам, қайдан бўласан?
Юртинг айтгин, қайси элдан келасан?

Жамолинг менгзайман осмонда ойга,
Жасадинг ўхшайди буз қарчиғайга.
Қошингни менгзадим эгилган ёйга,
Ўзингни ўхшатдим минг қўйли бойга.
Қайдан келдинг бу Гулистон — саройга?
Сендай бек келган йўқ бу манзил жойга,
Бойвачча сифатлим, қайдан келасан?

Сени кўрганларнинг кетар дармони,
Сени туққанларнинг борми армони?
Аслинг одам деса беҳишт ғулмони,
Беҳиштнинг ғулмони қайдан келасан?
Бино булдинг қайси гавҳар донадан?
Парвоз қилдинг қайси манзил хонадан?
Сендай йигит бино булмас энадан,
Хабар бер, мард ўғлон, қайдан келасан?

Менга теккан эронларнинг назари,
Ҳаргиз келмас ота билмас, безори.
Сени кўрдим, бир шаҳарнинг шунқори,
Бу ерларга қандай тушган гузари?
Гузар солган болам қайдан келасан?

Менга хабар бергин исми — зотингни,
Нима дейди ўсган мамлакатингни?
Нима дейди, қўзим, сенинг отингни?
Хабар бер, жон болам, қайдан келасан?
Сен, мусофир, қайси юртдан бўласан?
Қандай ишда, не хизматда юрасан?
Аҳволингни момангга билдирасан.
Ростин сўзла, болам, қайдан келасан?

Бу ерга келдингми пойи пиёда?
Ғайратинг бор Рустамдан ҳам зиёда,
Не ишинг бор бу Гулистон арода?
Тарзингга қарайман: абгор — афтода!
Хабар бер, жон болам, қайдан бўласан?
Оҳ урганда кўзда ёшинг сел булар,
Аҳволингдан мендай моманг беҳабар,
Сирри ҳолинг маълум қилмоқлик даркор,
Яхши йўлга сени моманг бошқарар.
Сенга айтган менинг сўзим шу бўлар,
Жавоб айтгин, узингдадир ихтиёр,
Ростин сузла, болам, қайдан келасан?
Хабар бергин, жоним, қайдан бўласан?

Бу сўзни Муродхон эшитиб, сирри ҳолини кампирга айтиб бир суз деб турган экан:

Куриб келдим юриб неча шаҳарлар,
Отим Йўлчи, ўзим юрган қаландар.
Борарга манзилим йўқдир, муштипар,
У шаҳардан бу шаҳарга юрарман.
Бо шикаста шўрман қайда бораман?
Ўғилсизга ўғил, қизсизга қиз бўламан.
Кўнгилда борини айтиб тураман,
Мома, меҳрибонлик қилдинг, биламан.
Фалак уриб боғнинг гули сулмаса,
Ғарибликда ҳеч ким ҳолим билмаса,
Борай десам уйим, ватан бўлмаса,
Бу шаҳарда ҳеч ким мени билмаса,
Ҳеч ким менга сендай савол қилмаса,
Асли ўзим бенаводан бўламан.
Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор,
Кўп савол сурадинг мendan, муштипар,
Юрт устида юрган мен ҳам қаландар.
Мома, қаландарга макон не даркор?

Қаландар буп юриб жаҳонни кўрдим,
Бу шаҳарга, мома, яқинда келдим.
Борар йўлим билмай, ҳайрон буп қолдим,
Бенаволар маконини ахтардим.
Жоним мома, бир қаландар боламан,
Мени сўрсанг, юрт овора бўламан.

Ҳеч кимни билмасам, қайда борайин?
Бир йўлга бошқаргин, энди борайин.
Қаландархонага бориб қўнайин,
Банг уриб ул жойда кайфин сурайин.
Ўзимдайни топиб йўлдош бўлайин,
Беҳуда сулайиб момо қолмайин,
Фарзанд қилса биров, ўғил бўлайин.
Кўнгилда борини сўйлаб турайин,
Сўз сўзладинг, ихтиёринг кўрайин,
Мома, айтган сўзинг қабул қилайин,
Яхши йўлга бошқар, энди кўрайин.
Азамат мард эдим бўлганман ночор
Кулоҳ кийсам мен бўламан қаландар.
Энамдай бўб мендан сўз сураб ётдинг,
Бошимдан ўтган кулфатим айтдим.
Туз насиба тортиб бу юртга етдим,
Ғариблик кўйида ўзим ҳоритдим,
Қай шаҳардир бу турган мамлакатим?
Сўз сўзладинг, қолмади-ку тоқатим,
Шундай менинг мажнун сифат одатим,
Қунарга йўқ менинг манзил — работим.
Ғариблик кўйида хуноба ютдим,
Сўйла, момо, ҳар на кўрганим айтдим.

Бу сўзни кампир эшитиб, Муродхонга қараб бир сўз
айтиб турган экан:

Юр манзилга, бирга олиб борайин,
Илик бериб сени ўғил қилайин,
Бир оллога етди сўйлаган нолам,
Сен борсанг ободдир ул кулба хонам.
Мен бўлайин сенинг туққан уз энанг,
Ўғил бўлсаг, узимга бул, жон болам.
Устимга кийганим, болам, яшил — кук,
Бу шаҳарда менга бўлгин кўнгил туқ.
Ўғлим тугул, мени сўрсанг қизим йўқ,
Юр манзилга, олиб бирга бораман.
Жон болам суяниб сенга юраман,
То ўлгунча хизматкоринг бўламан.
Манзил, маконимни обод қиламан,
Юра кўр, жон болам, бирга бораман,
Кеча-кундуз сенга ҳамдам бўламан.

Болам, ҳазил билма айтган сўзимни,
Олмадай сулдирма гулдай тарзингни,
Шоду хуррам қилай сендай қўзимни,
Мен хафа қилмайман, болам, ўзингни.
Саргайтмагин, қўзим, гулдай юзингни,
Кўзимга суртарман босган изингни,
Мендайин энангдан хизмат лозимдир,
Юр манзилга бирга олиб борайин.
Хар шаҳарда бекор юрган қаландар,
Беҳуда сен бўлиб юрма дарбадар,
Қаландар ишни қилма ихтиёр,
Манзилимга бирга бормоқлик даркор.
Энанг сенга бўлиб турар интизор,
Ҳуснинг кўрдим сен бировга харидор,
Сўз сўрасам савол қилдинг қаландар,
Кўнглингда муддаонг, болам топилар.
Сен беҳуда хаёлингни бўлмагин,
Менинг сўраганим ёмон билмагин,
Елгон сўзлаб, шумлик қилиб турмагин.
Сўзим шул, жон болам, шундан қолмагин,

Бировнинг йўлида бўлибсан абгор,
Қизлар қилар эр-йигитни қаландар,
Елгон айтиб, сўздан қайтмайди мардлар,
Ҳолингни сўради мендай муштипар.
Ер ишқида сен қаландар бўлдингми?
Шоҳнинг қизин бунда излаб келдингми?
Жон болам, сен мени айёр билдингми?
Ёмон билиб, мендан ҳадик олдингми?
Кўнглиннга шундайин шумлик солдингми?
Кўп сўзладим, болам, ҳолинг не бўлар?
Сенинг юришингдан ҳамма беҳабар,
Шоҳим билса, сени элтиб ўлдирар.
Гулистон, дейдилар ажойиб шаҳар,
Кўзга тушиб йўлда турмоқ не даркор?

Менинг гапим сенга ҳазил бўлмасин,
Бадбахт синчи, айёр сени кўрмасин.
Қўлинг боғлаб бунда банди қилмасин,
Нодонликман сендай қўзим ўлмасин,
Душман билиб, кўзингни тўрт қилмасин.
Бу момангнинг сўзи ерда қолмасин,
Юр манзилга, бирга олиб борайин.

Ана шунда Муродхон бу сўзни кампир момасидан эшитиб, таваккал қилиб, момаси билан бормоқчи бўлди.

Кампир шунда Муродхонни аргаштириб, уйига олиб бориб, утирмоққа жой кўрсатиб, ўзига яраша зиёфат қилиб: «Сут бермасам ҳам, сут бергандай бўлайин, бунга бир илик берайин, буни ўзимга ўғил қилиб олайин!»— деб бир иликни ошга солиб пишириб, Муродхонга берди. Уни, илик бериб, ўзига ўғил қилди.


Муродхон кампирнинг угли бўлиб юрди. Беш-турт кун орадан ўтди. Муродхон бир кеча ўйлаб, фикр қилиб, уйқуси қочиб, нашаси учиб, ўрнидан туриб; «бу юришдан ҳеч бир фойда бўлмади»,— деб шундай ҳовлининг юзига чиқди. Қараса, бир шовқин овоз келаяпти. «Бу нима экан»— деб томга чиқди. Қараса, катта бир шаҳар. (Худди) ой туққандай бўлиб, оқшом ёруғ бўлиб, олган олиб, сотган сотиб, нечовлари анграйиб, осмонга қараб ётиб, нечовлар бозор қилиб, кетган кетиб ётир. Муродхон бу ерни кўриб, томнинг бошида хўп томоша қилиб, номоз вақти яна келиб қурпага кириб ётди. Эрта билан тонг отди. Муродхон энасига қараб бу сўзни айтди:

Бир сирни кўриб, эна бўлдим ҳайрон,
Ҳай десам, келурми сўзлар фаровон?
Кунгил қаласини қилмагин вайрон,
Бу сўзимга жавоб бергин, энажон.
Элингни расми шундай бўларми?
Кундуз ётиб, оқшом бозор қиларми?
Бу шаҳарда оқшом бозор бўлибди,
Мамлакат айвонин ёруғ қилибди.
Одамлар осмонга қараб турибди,
Савдогарлар молин бозор солибди,
Олган олиб, сотган сотиб юрибди.
Ер юзида шундай шаҳар бўларми?
Кундуз ётиб, оқшом бозор қиларми?
Чечан бўлиб гапни гапга улайман,
Бу бозор маъносин сендан сўрайман,
Элатингнинг расми шундай бўларми?
Ажойиб иш экан, бунда кўрибман,
Кўриб бу савдога ҳайрон қолибман,
Поёнига етмай, сўраб турибман,
Ҳеч замонда шундай шаҳар бўларми?
Эшитдим, шаҳарнинг оти Гулистон,
Манзил жойи ажойиб боғу бўстон,

Бу ишни сўради ўғлинг Муродхон,
 Бу бозор маъносин айтгин, энажон.
 Бу шаҳарлар одамзодга тўлибди,
 Бир нечалар маст бўп йўлда қолибди,
 Бу сирларни мендай ўғлинг кўрибди,
 Оқшом барча бозор қилиб юрибди.
 Ҳар шаҳардан ободлиги қолибди,
 Расталарга тоза одам тўлибди.
 Бир шуъла ҳамманинг ақлин олибди,
 Мендай ўғлинг кўриб ҳайрон бўлибди.
 Бу бозор маъносин, эна, сўрайман,
 Давлатимда шоли шолдам ўрайман,
 Мусофирман, расминг недир билмайман.
 Ул сабабдан мен сўрадим, энажон,
 Тортинмайин жавоб бергин бу замон.
 Менинг сўзим олма, эна, қиёма,
 Мард йигитлар айтган сўздан тоярми?
 Қандай бўлса сўйла, эна, аяма,
 Кундуз ётиб, оқшом бозор қиларми?
 Ой туққандай элга шуъла урибди,
 Ҳамма одам бунда гангиб юрибди.
 Шуълага одамлар тиклаб турибди,
 Кўриб, мендай ўғлинг ҳайрон қолибди.

Муродхон бу сўзни айтди. Энаси Муродхондан бу сўз-
 ни эшитиб, узини билмаганга солиб, бошқа бир йўлларга
 ўтиб: «Туш кўргандирсан, болам»,— деб Муродхонга қараб
 бир сўз айтиб турган экан:

Хаққа етгай мендай энангнинг зори,
 Кунглида кўп бўлган энанг ғубори.
 Бозор эмас, ажинанинг бозори,
 Деви жинлар оқшом йиғилиб келади,
 Кундуз ётиб, оқшом бозор қилади,
 Ҳар ким борса, болам, нобуд бўлади.
 Бу сўзимни кунглингга оғир олмагин.
 Қурсин, у бозорга назар солмагин.
 Бозор деб, бозорга зинҳор бормагин,
 Бориб дев-жинларга дучор бўлмагин,
 Армон билан, жоним қўзим ўлмагин,
 Бир қизиқ бозор деб, кунгил қилмагин,
 Сўз сўзласанг, энанг бағри силинар,
 Душманларнинг юрган йўли билинар,



Қоронғуда бозордайин кўринар,
Кўп қизиқ қилади у деу жинлар.
У қизиқ бозор деб, ақлин элтади,
Борсанг, деу жинлар уриб кетади.
Сендай қўзим бу дунёдан ўтади,
(Еш) умрингни хазон қилиб кетади.
Унда деу жинлар оша ҳийлагар,
Йўлиқиб бўлмагин у ерга дучор.
Бориб қолсанг, болам, сени ўлдирар,
Зинҳор, болам, бўлма у жинларга гирифтор.

Жин деганинг шундай кашмир ҳийлагар,
Одам насли бўлмас унга баробар.
Кўзингга шундайин ишлар кўринар,
Ой туққандай бўлиб сенга билинар.
Ҳийла билан сенга кўрсатган жинлар,
Ҳаммаси ўйинчи, жодугар жинлар,
Қандай одам борса, уни ўлдирар.
Мендайин энангни раҳбар билибсан,
Бемаҳалда сен бозорни кўрибсан.
Кўриб, жоним болам, ҳайрон қолибсан,
Ҳайрон қолиб, қўзим, толиб бўлибсан.
Борсанг, кўрар эдинг сен ҳам зулми,
Борсанг, ўлдирарди сендай ўғлимни,
Нобуд қилар сендай жону дилимни.
Қарамагин бу манзилда тур энди,
Ноқулай ишлардан ҳазар қил энди.
Қарамагин бу жойимда тур энди,
Назар солмай маконимда юр энди.

Бу сўзларни энаси Муродхонга айтди. «Хайр!»— деб
ётди. Эрта мертан тонг отди. Кундуз қаради; кечаги бо-
зорларни кўрмади. «Энамнинг айтгани рост экан»,— деди.
Тагин оқшом бўлди. Кечаги ерга чиқиб қараса, бугун
кечагидан ҳам қизиқ бозор бўлиб турибди. Фикр қилиб
қаради, қараса, шаҳар бозорининг ўртасида бир олтин
кўшк турибди. Кўринган кўшкнинг ичидан бир шуъла чи-
қади. Шу тилла кўшкнинг ичидан чиққан шуъласига шаҳар
ёруғ бўлиб, олган олиб, сотган сотиб ётибди.

Муродхон «шу кўшкда бир воқеа бор!» деб томма-том
юриб кетди, кўшкка бориб етди. Бориб қараса, бир ажо-
йиб паризод, ниқобини тушириб, чалқаромон бўлиб ух-
лаб ётибди. Шу қиз юзининг ёруғлигидан шаҳар ёруғ

булиб, олган олиб, сотган сотиб, шаҳарда бозор булиб ётибди.

Муродхон қизнинг қадди жамолини кўриб, ақли шошиб, такбиридан адашиб, жамолига буғинлари бушашиб, бари ери қалтираб, кўзи ялтираб, мазаси кета берди. «Йиқилсам, мени кўрар, сўнгра ишим қаттиқ бўлар»,— деб, ўлай-ўлай деб ўзини базур тўхтатди. (Қизнинг) бошида бир товоқ ош турибди. У, қизга ҳеч даҳл қилмай ошидан еб, худога шукур деб, гулларидан олиб искаб: «Бугун шунчалик бўлдим, эртан жамолини кўрсам, яна дурустроқ ўзимни тўхтатиб оларман, ўрганиб қоларман, сўнгра шундай ётганида йўлиқсам, буни бир сошлаб кўрарман»,— деб бориб қайтиб тағи ҳалиги кампирнинг кўрпасига намоз вақти аста кириб ётди. Янги ётиб эди, Муродхонни кўрпага ўраб, кампир қўш қўллаб муштлай берди. Муродхон кўрпани кўтариб, энасига қараб ҳайрон булиб: «Нимага мени урасан?»— деб бир сўз деб турди:

Сўзимга қулоқ сол, эна, муштипар,
Не сабабдан ўғлинг бўлди гуноҳкор?
Нега бундай қилдинг мендай болангни,
Феълинг ёмон билдим сендай энамни(нг).
Мендайин болангнинг кўнглин буласан,
Нимага сен кўрпага ўраб урасан?
Нон ўринга эрта билан муштлайсан,
Ҳар нарсадан эна, ҳадик оласан.
Мана элда сен ҳам қари балосан
Кўнглинг булиб мени қандай урасан?
Болам дединг, менга бўлдинг меҳрибон
Калламини гувлатиб, қилмагин сарсон,
Ҳеч гуноҳ қилган йўқ ўғлинг Муродхон,
Қимирламай мен кўрпангда ётибман.
Бир нечук номардга кўнгил берманглар,
Бировнинг энасин эна қилманглар.
Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар банда олгани билан қарисин.
Илоҳим, энажон, муштинг чирисин,
Тугри юрган ишинг қийшиқ булади,
Жун юрган одамдан ҳадик олади.
Жуда мени уриб гаранг қилади.
Мендай боласига озор беради.
Хаёлингга, эна, не гап келади?
Ура берсаиғ ёлғиз боланг ўлади,

Курпага ураб кўп урма, энажон,
Жуда менинг дамим қайтиб боради.

Бу сўзни энаси Муродхондан эшитиб, аччиғи келиб:
«Сен жувонмарг менинг бошимга бало бўлдинг, тинч ёт-
май, бир ерга бориб келдинг!»— деб Муродхонга қараб
бу сўзни айтиб турган экан:

Тинч ётмадинг бунда менинг қошимда,
Хайрон қолдим мен ҳам сенинг ишингга,
Болам деб куяман кўп койишингга
Сен жувонмарг, энди етдинг бошимга.
Қулоқ сол энангнинг айтган сўзига.
Бориб келдинг сен ҳам шоҳнинг қизига,
Нега бординг Қироншоҳнинг қизига?
Кўзи тушар газанданинг изига.
Қоровуллар ундан хабар олмасми?
Эрта билан юрган йўлинг кўрмасми?
Из қувишиб бу маконга келмасми?
Банди қилиб сени боғлаб олмасми?
Ундан кейин мендай энанг ўлмасми?
Ҳолинг билиб тўғри юрсанг бўлмасми?
Жон қутулмас Қироншоҳнинг қулидан,
Сен мусофир қайси элдан бўласан?
Қутулмайди душман унинг қулидан,
Ким йўликса умид узар жонидан.
Ҳар душман йиғлайди кўриб зор-зор,
Мусофир ҳолингман сенга нима бор!
У Қироншоҳ, билса, сени ўлдирар,
Ким бўлади улар билан баробар?
Қанча лашкар утдай ёнган анжомдор,
Юришингдан ҳозир булдинг гуноҳкор.
Ҳолинг билмай ундай жойга борасан,
Ҳолинг билмай бундай ишни қиласан,
Энангнинг урганин оғир оласан,
Бу ишингга кўп иззани кўрасан,
Энанг насиҳатин ёмон биласан.
Жун юрмай, мени ҳам олиб ўласан,
Бу энангни сен ҳам душман биласан,
Тўғри юргин, болам, нобуд бўласан.
Сезиб қолса, билмаганинг билдирар,
Сўзинг қабул қилмас, сени ўлдирар.
Ханжар чекиб, қора бағринг тилдирар,

Мусофирсан жўн юрмаклигинг даркор.
Сен ёзгонга¹ ул маконда нима бор?
Сенга айтган насиҳатим шу бўлар.
Ким бўлади подшо билан баробар?
Юришингдан ҳозир бўлдинг гуноҳкор,
Сенга айтган насиҳатим шу бўлар,
Билиб қолса кўзда ёшинг сел бўлар.
Билиб қолса, сени олиб кетади,
Бошинг кесиб, сени дорга тортади.
Сендай қўзим бу дунёдан утади,
Жоним болам, тўғри юрсанг қайтади?

Бу сўзни Муродхон энасидан эшитиб, энасига қараб
бир сўз деб турган экан:

Эна, қулоқ солгин айтган тилима,
Жаллод тармаштирма мендай ўглингга.
Энам деб, суяниб келдим қўлингга,
Хуб биламан, кўп қайишдинг ҳолима.
Муродхон қўзғолмай шу ерда ётди,
Эна, қила кўрма бундай тухматди,
Элатинг эшитса жуда уятди,
«Нон бердим» деб, эна, қилма миннатди.
Еш тулар ўглингнинг наргис кўзига,
Эна, борганим йўқ шоҳнинг қизига.
Мендайин боланги аҳмоқ биласан,
Беҳуда сўзлари лофи урасан.
Сўз билан, энажон, изза берасан,
Хаёлингни ҳар тарафга бўласан.
Жоним эна, мендан ҳадик оласан,
Бир хаёлда мендан гумои қиласан.
Эна, борганим йўқ шоҳнинг қизига.
Кўрганим йўқ, унинг номин эшитдим,
Қонлар ютиб, кўкайимда мен тутдим,
Эшитгандан мен ақлимни унутдим,
Жамоли бор эмиш ҳуру паридай,
Жамолини кўрган сарсон бўлгудай,
Ошиқ қилиб одам ақлин олгудай,
Борганим йўқ, эна, шоҳнинг қизига.

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмасин,
Бу тухматдан мендай боланг ўлмасин,

¹ Қўлёзмада жозгон.

Кунглинга сира губор келмасин,
Борганим йўқ, ана, шоҳнинг қизига.
Жафо тиғи, қайтай, жонимдан ўтди,
Айрилиқ савдоси багримни йиртди,
Мусофир савдоси жонимдан ўтди.
Туз-насиба бизни бу ерга тортди,
Тақдир ҳайдаб мендай ўғлинг келибди,
Энажон, қилмагин менга тухматни,
Борганим йўқ, ана, шоҳнинг қизига.

Дусту душманлигинг, ана, синадим,
Қўлингдан, ҳосил бўлса муродим,
Шу тухматни, ана, сендан тиладим,
Кун хурлигим келиб мен ҳам йиғладим,
Борганим йўқ, ана, шоҳнинг қизига.

Гап эшит, энажон, айтган тилимдан,
Мен ёлғизман, не иш келсин қўлимдан,
Сабар олиб тургин, ана, ҳолимдан,
Сира гумон қилма жону дилингдан,
Яхшилик қил, агар келса қўлингдан,
Борганим йўқ, ана, шоҳнинг қизига.
Бориб кўрдинг, дединг, шунда санамни
Хафа қилдинг, ана, мендай болангни,
Обод қилиб юрган маконгинангни,
Энам деймап, мен ҳам бирга юраман,
Олдинда югуриб хизмат қиламан.
Мени билсанг, оша юртдан бўламан,
Хизмат қилиб сенинг ақлинг оламан,
Хизмат десанг жуда абжир¹ бўламан,
Нима буюрсанг, ишлаб келаман.
Борганим йўқ, ана, шоҳнинг қизига.

Бу сўзни Муродхон айтди, кампир энаси эшитди.—
Ундай бўлса, яхши, тинч юргин, болам! Тинчлик яхши,—
деди. Кун кеч бўлди, оқшом бўлди. Муродхон ётди. Кам-
пир Муродхонни кетиб қолади, деб бармоғини тишлаб,
онгиб ётди. Муродхон ҳам кампирни ангиб, кутиб ётибди.
«Кампир ухласа туриб бораман,»— деб ичида ўйлапти.

Шоҳнинг қизи ҳам «бу кеча биров келар!»— деб
онгиб ётди. «Кеча биров келган экан, бу ошлардан ебди,

¹ Қўлаёзмада абжил.

гуллардан олибди. Бугун тагин у келади, уюр бўлганди, келса, ушлаб оламан!»— деб чалқаромон ётди.

Муродхон билди: кампир хуррак тортди. «Бу энди ухлайди»,— деб Муродхон ўрнидан туриб, жўнаб кетди. Чопқиллаб бориб бояги каллак тутга етди. Тутнинг устига чиқиб, фаланг отни миниб олди. Унг қулоғини буради. Қизил-яшил бўлиб, ўтдай тутаниб ҳавога кўтарилади. Кўшкнинг устига етди. Чап қулоғини буради. Кўшкка қараб қуйилди. Кўшкнинг устида найза бўйи баландда фаланг отни тўхтатди. «Биров келса ушлаб оламан!»— деб паризод ухламай ётиб эди. Қараса, кўшкнинг устида бир нарсга қизил-яшил бўлиб ўтдай ёниб турибди. Парининг хаёли қочиб, нашъаси учиб кетиб: «Бу қандай аломат бўлди!»— деди. Шунда унга қараб, чалқаромон ётиб бу сўзни айта берди:

Устихон эмраниб бағрим силинди,
Бундай ишлар бемаҳалда кўринди.
Бундай ишлар мен мунглиққа қийинди,
Деву жиндан аломат иш кўринди.
Паримисан, ё бир юрган жодугар,
Башар-одаммисан бергайсан хабар?!
Бемаҳалда менинг ҳолим танг бўлар,
Қандай жонсан, аҳволингдан бер хабар!
Бу сирни кўрдим-да, қолмади тоқат,
Ўтдай ёниб, бундай қилдинг сиёсат.
Кимсан, минган фаланг отга?
Қандай келдинг бизнинг юртга?
Башармисан, паримисан, хабар бер!
Қайси элдан қилиб ғаза,
Йигит ўлса, тутар аза,
Шаҳар дема бедарвоза,
Оламга қилдинг овоза,
Қишинг бўлсин сенинг ёз-а
Кўриб бўлди дардларим тоза.
Башармисан, ўзгамисан, хабар бер?!
Одаммисан, девданмисан, хабар бер?!
Менда қолмади-ку маза,
Нима қилиб, турибсан бемаза.
Қабо фалак солма зулм,
Забун бўлмасин аҳволим,
Хазон бўлмай тоза гулим,
Танг бўлгандир менинг ҳолим.

Бемаҳалда келиб бунда,
Менга солдинг бежо зулм,
Бемаҳал етмасин ўлим,
Беҳабардир қирқинларим,
Қандай жонсан, хабар бергин?!

Бу сўзни у қиздан эшитиб, Муродхон ҳам бир сўз
айтиб турибди:

Ҳақнинг амри билан сенга келаман,
Азроили меҳтор саринг буламан.
Омонат жонингни бугун оламан,
Ер қўйнига гулдай танинг соламан,
Сен билмадинг ўйнаб чоқтингни,
Сабил қилай кушқу равоқ, тахтингни,
Бузарман-ку булбул қўнар рахтингни,
Тўқарман кўздан селоб ёшингни,
Кўролмассан қавму қариндошингни.
Ғажир бўлиб тортиб ейман лошингни,
Йиғлатарман элда тенгу тушингни.
Оқтош хонин кўп йиғлатиб келгансан,
Отин отиб, чўлда ғариб қилгансан,
Яқин фурсат уларингни билгансан,
Элда қолайин деб мунда келгансан.
Шундай хонга беадаблик қиласан,
Шул қилган ишингга энди ўласан!
Мана, турган Азроилии кўрасан!
Ҳақнинг рашқи келди, жонинг берасан!
Қочган билан, гул юзли, қайга борасан?
Излайди Азроил сендай санамни,
Кўп торттирдинг Муродхонга аламни,
Ерга соларман-ку гулдай танангни,
Сабил қилай сенинг кулба-хонангни.
Азроилман, сенга чангал соламан,
Танинг ташлаб, сенинг жонинг оламан
Ҳақ буюрган хизматини қиламан,
Тангрига жонингни олиб бораман,
Ҳаддан зиёд булар сенинг кулфатинг,
Вайрон бўлиб кетар бундай элатинг,
Илон-чаён билан бўлар суҳбатинг,
Муҳлат етди, энди қайтди давлатинг.
Аччиғланиб қаттиқ чангал ураман.
Мен Азроил ҳайбат билан келаман,

Кечиктирмай, дарров жонинг оламан.
 Дод, деганда эшитмайман сўзингни,
 Термултарман сенинг икки кўзингни,
 Саргайтайин бунда қизил юзингни,
 Улдириб қайтаман сенинг ўзингни.
 Белимга боғладим зарли пўтамини,
 Худо кечирмайди қилган хатонгни,
 Кўролмайсан юрт сўраган отангни,
 Мен Азроил, ҳақнинг амрин тутаман.
 Кимнинг куни битса, дарров етаман,
 Ташлаб танин, жонин олиб кетаман.
 Бу дунёда не ишларни қиласан?
 Сулувлик даъвосин қилиб юрасан?
 Кунинг битди, энди хоним, ўласан,
 У қоронғу гўрда ёлғиз қоласан.
 Гўр ичида нима жавоб берасан?
 Тайин билгин, энди бувиш, ўласан!
 Ҳар турли жонворни шунда кўрасан,
 Сўнгра сен ҳам кўп пушаймон қиласан,
 Бу ишингдан наф топмайин юрасан
 Муродхонга нега озор берасан?!

Бу сўзни қиз эшитиб, ақлини йитириб, ҳисобини битириб, шошиб қолди. «Ҳа, одамлар айтар эди, Азроил жон оладиган бўлганда шундай сиёсат билан, ҳайбат билан келади, деб. Одамларнинг айтгани келган экан, менинг паймонам тўлган экан, энди ўлар вақтим етган экан, нима бўлса ҳам мен Азроилга бир миннатдор бўлайин, ялиниб-ёлвориб кўрайин, эрталабгача муҳлат сўрайин!»— деб, Азроилга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Худо дейин, яратганга йиғлайин,
 Азал, қисмат ишга нима қилайин?
 Эртагача сиздан муҳлат сўрайин,
 Эрта келинг, мен жонимни берайин.
 Еру жура мўйинсомни кўрайин,
 Бунча ҳам йиғлатманг мендай санамни,
 Менга солиб бунча доғу аламни,
 Розилашиб кўриб келай энамни,
 Эртагача муҳлат беринг, Азроил!

Билмай қолдим мен ҳам қилар ишимни,
 Эгам гангитгандир менинг бошимни,

Йиглатиб келганман шунқор кишимни.
Мен ўтарман бу дунёда қон йиғлаб,
Хоним келса бир кунлари суроқлаб,
Оқтош хони келар ёрим деб йўқлаб,
Эртагача муҳлат беринг, Азроил!

Меҳнат тортиб жафо чекиб келади,
Келса, менинг ўлганимни кўради,
Розилашмай ноумид бўлиб қолади,
Мени излаб кўп юртларни кўради,
Мен ўлган сўнг келиб нима қилади?!
Худо, деди ўз ҳолига йиғлади,
Азроилдан ойим муҳлат тилади.
Кўролмадим Оқтошдаги хонимни,
Меҳнат тортган шундай меҳрибонимни,
Эрта чошқа келинг берай жонимни,
Бир куни энтикиб ёзган келади,
Олтин қўшқи вайрон бўлган кўради,
Менинг пано бўлганимни билади,
Сунгра ўз элига қайтиб боради.
Азроилдан ойим муҳлат сўради,
Чираниб Азроил ҳали туради.

Э Азроил, билмаганим билдирма,
Ханжар чекиб, қора бағрим тилдирма!
Чангал уриб айтганингга кўндирма,
Эртанга қўй, букун мени ўлдирма!
Эртагача муҳлат беринг, Азроил!
Бу куни қиш бўлиб баҳорли ёзим,
Жаҳонни тутгандир менинг овозим,
Сизга етармикан сузлаган сузим,
Эртагача муҳлат беринг, Азроил!
Сиздан қочган билан қайга бораман?
Мен бандаман, худо амрин қиламан,
Эрта чошқа келсанг жоним бераман.

Бу сўзни паризоддан Муродхон эшитиб, Муродхон ҳам паризодга қараб бир сўз деб турган экан:

Асал билан болча лабингнинг учи,
Азроилга аввал берсанг бир муччи,
Эртагача муҳлат берсам берайин.
Дардли қул, дардимни кимга ёрайин?

Ҳасратингда элдан эл ахтарайин
Ҳар ерлардан дарагингни сўрайин,
Эртангача муҳлат берсам берайин.

Азроил жасади келганди гуччоқ,
Майдон кўрса минар эди тўбичоқ,
Азроилга аввал берсанг бир қучоқ
Эртагача муҳлат берсам берайин.

Азроилман, ҳақ амрини тутаман
Муччи, қучоқ берсанг, қуйиб кетаман,
Булмаса, жойингда яксон этаман,
Мен сенинг қасдингда бунда келаман.

Умид узгин турган боғу бўстондан,
Ажал етса, жон айрилар бу тандан,
Сенинг учун тушиб келдим осмондан.
Эшитмайман сенинг айтган сўзингни,
Кўнглиннга олмагин қирқин қизингни,
Жонинг керак, йўқлаб келдим ўзингни,
Арзингни айтолмай тенггу тушингга,
Жонинг ваҳми тушди сенинг бошингга,
Эртангача муҳлат берсам, берайин.

Қабул қилсанг, борайинми қошингга?
Дилбар, қойил бўлгин қилган ишимга,
Кўп сўзлар этма дилбар ўзингга.
Сўз сўзладим энди сенинг юзингга,
Не гузаллар етолмаган изингга.
Не бекларнинг сен ҳам додин берасан,
Охир Азроилга дучор бўласан.
Азроилнинг айтганини қиласан,
Қош қайтарсанг, дарров ўзинг ўласан.
Азроилдан муҳлат сўраб турасан,
Қилмасанг паризод, ҳалок бўласан!

Ўйни ўйлаб хаёлингни бўлмагин,
Бўлакнинг айтганига, хоним, кўнмагин,
Бир топишсанг Азроилдан қолмагин.
Бу Азроил узоқ ердан келади,
Сендай сулув ҳар шаҳарда бўлади,
Ҳуснини Азроил ҳурмат қилади.
Улар ҳам сендайин бўлиб қолади,

Азроилни кўрса ақлидан шошиб,
 Нима деса айтганига кўнади,
 Кўнмагани шу замонда ўлади.
 Бир худонинг амрин тутиб келади,
 Азроил зарбидан ҳар ким йиғлади.
 Кўздаи ёши қолармиди тизилиб,
 Йиғлашар сўнгра бағри эзилиб,
 Не бир қўрғон, манзил-жойлар бузилиб,
 Бари келиб, чангима дучор бўлиб.
 Шунча турдим мен сени изээт қилиб,
 Сулуvsан-ку, қайтайин ҳурматинг қнлиб,
 Қўяр адим айтганима кўндириб,
 Кўнсанг мен қайтарман муҳлатни бериб.

Бу сўзни қиз эшитиб: «Бу иш қулай бўлди. Бу Азроил билан танишганим яхши бўлди. Бурунгилар айтар эди, у дунёда ҳам Азроил одамзодни қийнар эмиш, деб. Бу қулай бўлди. Бу дунёда Азроил билан танишиб қўйсам, у дунёда ҳам риоя қилади. Энди бунинг айтганига кўна-йин, ишқилиб ақлин олайин, бу билан танишиб қолайин. у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам менга нафи бор»,— деб паризод Азроилга қараб, бир сўз деб турган экан:

Кел, Азроил, айтганингга кўнаин,
 Нима деб амр атсанг, шуни қилаин,
 Қандай бўлса ихтиёринг, кўнаин,
 Э Азроил, сенга қурбон бўлайин!
 Зарбингдан ларзон еб тахти-жаҳоним,
 Сени кўриб оша титради жоним,
 Улар вақтда ҳамроҳ бўлсин имоним,
 Кел Азроил, менинг азиз меҳмоним!
 Мен ҳам сенинг сўзинг тутиб турарман,
 Қандай бўлса айтганингга кўнарман,
 Тонг отгунча бунда меҳмон қиларман.
 Қойил қолдим бунда сенинг ишингга,
 Ҳайбат қилмай келгин менинг қошимга,
 Кел, Азроил, ҳар на бўлсам бўлайин,
 Нима десанг, айтганингга кўнаин.
 Сўз айтиб турибди мендай гажакдор,
 Қавму қариндошлар мандан беҳабар.
 Сен Азроил, ойм бўлди миннатдор,
 Сенинг сўзинг бунда қулоққа тутар.
 Кўп ишлар ўтди, мен ҳам гуноҳдор,

Охири аҳволим менинг шу бўлар.
Ҳар гап бўлса ўзингдадир ихтиёр,
Кел, Азроил, ҳарна бўлсам бўлайин,
Сабил бўлар Гулистондай шаҳарим,
Қиш келиб қайтди-ку ёзу баҳорим.
Бундай ишдан бўлмай менинг хабарим,
Утиб кетди, эссиз юрган кунларим.
Қаҳр қилдинг менга парвардигорим,
Сарсон бўлиб қолди Муродхон ёрим.
Кўп бўлди Азроилга айтган зорим,
Кел, Азроил, ҳар на десанг бўлайин.
Сен Азроил, тушинаман тилинга,
Кўнглим битди келдинг менинг элима.
Тулки, шағал кулар бундай ҳолима
Хаялламай келгин менинг ёнима.
Кел, Азроил, ҳарна десанг бўлайин,
Жоним билан сенга хизмат қилайин.
Мен турибман ойдаи бўлиб,
Сен келибсан шердай бўлиб,
Сени кўриб ўпкам тўлиб,
Беҳиштдаги ҳурдай бўлиб,
Тишим гавҳар дурдай бўлиб,
Янги очилган гулдаи бўлиб,
Не қизларни ҳамроҳ қилиб,
Ҳаммамиз ҳам бирдай бўлиб,
Оқ баданим қордай бўлиб.
Келабергин нордай бўлиб.
Нечаларни ошиқ қилиб,
Боз устига маъшуқ қилиб,
Кўрганларнинг кўнгли тулиб,
Оқ юзима банда бўлиб,
Кел, Азроил, қабатима,
Ета бергин бирдай бўлиб.
Менинг ўзим ой боламан,
Асли ўзим бой боламан,
Мен ҳам асов той боламан,
Кўзи қуралай боламан.
Мен ҳам тақдирга тан бердим,
Шу бугун ўларим билдим,
Сўзинга ихтиёр қилдим.
Кел, Азроил, турмай энди,—

деб паризод Муродхонни чақирди.

Муродхон бу сўзни эшитиб, фаланг отнинг чап қулогини бураб, кўшкнинг устига тушиб кела берди. Паризод Азроилдан қўрқиб, ваҳм босиб «кўнглим чўрмасин, ҳайбат, сиёсатидан танамда жоним чиқиб кетмасин»,— деб кўзини маҳкам юмиб чалқаромон тушиб ёта берди. Муродхон фаланг отини кўшкнинг устига қўндириб қўйиб, ўзи отдан тушиб, аста-аста паризоднинг қошига бориб кўнглини хушлаб, ёнбошлаб ётди.

Паризод ҳали ҳам қўрқиб, кўзини маҳкам юмиб, суратини кўрмайин, мабодо кўрсам кўзидан, ҳайбатидан қўрқиб қолмайин, деб ётди. Паризоднинг кўнглига келди: «Азроил фариштаннинг қўли ҳам одамзоднинг қўлидай. Жасади, афти қандай экан? Энди ўлсам ҳам бир кўриб олайин»,— деб аста-аста қиялаб кўзини очиб қаради. Қараса, Азроил одамзодга ўхшаган кўринди. «Азроил ҳам одамга ўхшар экан, бундан қўрқмасам ҳам булар экан»,— деб туриб, ўзини ростлаб утирди. Дамини олиб, шундай қаддини ростлаб, таниди: Оқтошнинг хони — Муродхон. Қилган ишлари эсига тушиб, уялиб, қилган ишларига пушаймон қилиб, бекор қилган эканман, аҳмоқ бўлган эканман, мени тақдир тортган экан, тадбир қиламан дедим, бўлмади. Энди тақдирга тан бермоқ даркор, деб қилган ишларига пушаймон қилиб, Муродхоннинг кўнглини овлаб:— Мендан гуноҳ ўтди, хоним, кечиринг,— деб бир сўз деди:

Аввалинда ошиқ бўлдим догингга,
Мен номардлик қилдим сенинг шаънингга.
Аввал ўзим кўнгил бериб борганман,
Донғу жамолингга ошиқ бўлганман,
Оту тўну абзалингни олганман,
Бўйин товлаб бир кун йўлга солганман,
Не сўзларни ўйлаб аҳмоқ бўлганман;
Отинг отиб, сени сарсон қилганман.
Оқилхоннинг манъалига келганман,
Кўп сўзларни унга тайин қилганман.
Мен шаънингга беадаблик қилганман,
Гуноҳимни ўтинг энди тўражон!
Ўйнаб-кулсанг, мана манзил, жой, даврон,
Шукр қилай, сизни кўрдим бу замон,
Бошимдан кетгандир қайғули туман,
Гуноҳ қилдим, ўтинг энди, бегижон!
Бу сўзларни айтар мендай хиромон,
Мендан кўрманг, жоним тўрам, худодан.

Сизники бўлади бу тахт жаҳон,
Уйнаб-кулинг, энди ўтмасин даврон.
Омон-эсон етиб кебсан элимга,
Булбул бўлиб қўнгин боғда гулимга,
Мендай ойим энди сенинг қўлингда,
Менинг қўнглим сенинг Оқтош элингда.
Сен келмасанг, ўлар эдим йўлингда,
Уйнаб-кулинг, мана даврон сизники!

Отам Қирон, манов юртнинг подшойи,
Утириш манзили — Гулистон жойи;
Бизнинг юртнинг қўшқ айвони, саройи,
Қўп бўлди мендайн ойим гунойи,
Уйнаб-кулсанг, мана даврон сизники!

Ерим деб, ахтариб қўнглини бузган,
Узродайин сен ҳам дарёда сузган,
Вомиқдай ахтариб умидин узган,
Келинг, хоним, мана даврон сизники!

Мени излаб жафо тортиб келибсан,
Афсар девни ўз йўлингга солибсан,
Билмайман қандайн ақлим олибсан,
Афсар девман аҳду ваъда қилибсан.
Афсар девнинг фаланг отин минибсан,
Бегим, аэроиллик даъво қилибсан,
Хайбат билан жон олмоқчи булибсан,
Ахир келиб бу қўшққа қўнибсан,
Кела бер, хон ўғли, мана, даврон сеники!

Мени излаб қайғу-ғамда қолгансан,
Мажнундайин қўп чўлларни кезгансан,
Лайли деб, ахтариб бунда келгансан,
Адашган ёрингни бугун кўргансан,
Бу ерларда ҳасрат тортиб тургансан,
Кела кўр, бегижон, даврон сеники!

Паризод айтди: — Бегижон, шундай булар экан, ўзингиз меҳнат тортиб олмасангиз, менинг қадримии билмас экансиз, мен ўзим борганда, сиз ҳам мени назар қилмадингиз, сизнинг қилган ишингизга меники пича зиёдлик қилган эди. Бўлмаса икковимизники ҳам баробар бўлган эди. Энди бошқа ишдан гап бошланг, — деди.

Шундан сунг иккови бир-бири билан сўзлашиб, ўтганлардан гапириб, кулишиб ҳол-аҳвол сўрашиб, янги очилган оқ гул билан қизил гул бир бўлгандай чирмовуқгули бир бирови билан чирмашгандай бўлди. Паризод айтди:— Эй беғижоним, меҳрибоним, сиз — бизники, биз — сизники бўлдик. Тонг отиб кетмасин, бировлар билиб қолмасин, бугун бориб ўз жойингизда туринг. Эртага оқшом келинг, отам билса, сизни гуноҳкор қилиб, бойлаб олар. Сизни айириб оламан дегунча кўп ишлар бўлар,— Муродхон бу сўзни паризоддан эшитиб:— Мен сендан айрилмайман, сен бор ерда, мен борман, йўқ ерда йўқман. Сен турсанг тураман, турмасанг, ўлиб гаранг бўлиб юрман,— деди.

Муродхон паризоднинг сўзига кириб, фаланг отни миниб, ҳалиги тут устига қўндирди. Ўзи кампир энасининг уйига авайлаб бориб намоз вақтидан илгари бориб кўрди. Кампир энаси қумрон қовуб улгандай бўлиб, ерга бағрин бериб, хуррак тортиб ухлаб ётибди. Муродхон ҳам кундагидай аста-аста кириб кўрпани бошига олиб ётди. Муродхон ётар-ётмас кампирни қўрғур уйғониб қолди. Шундай қараса угли Муродхон.— Ҳа йигит ўлгур, келдингми?— деб тура солиб Муродхонни кўрпага ўраб, ҳадеб қўш қўллаб муштлай берди. Муродхон ўрнидан турди:— Эна, сенга бир гап бўлдимми? Сенга эрта билан туриб урмоқ расм бўлдимми?— деди. Кампир айтди:— Сен жувонмарг, энди тониб қутула олмайсан. Сендан мушки иси келаётир. Сен бир ўзинг ўлмай, мени ҳам олиб ўласан! Кун айланмай жаллод келади. Кийимларингни ечиб бер!— деди.

Муродхоннинг кийимларини ечиб олиб, бўлак кийимларни бериб кийгизиб қўйди. Кампир чаққонлик билан тандирга ўт ёқиб, Муродхоннинг кийимларини куйдириб, кулини йўқ қилайин, деб бир турвага солиб кўтариб, шаҳарнинг ташқарисига чиқариб ташлайман, деб бораётир эди.

Энди кампир бу ташвишда турсин, турвани кўтариб юрсин. Эндиги сўзни бозор қоронғилик бўлиб, нарсасини олдирган одамлардан эшитинг: Шу оқшом бозор қоронғилик бўлди. Қанча савдогарлар, боққол, косиблар молларини олдириди, абгор-абгашта бўлиб, шоҳнинг давлатхонасига арзга борди. Шунда бўлган воқеани (подшога) маълум қилиб, олдирган одамлар Қирон шоҳга қараб, арз қилиб бир сўз деб турган экан:

Аё шоҳим, сизга дейман сўзимни,
Йиғлаб келдик, тингланг менинг арзимни,
Шуъласи урмади суяр қизингни,
Қизингнинг қўйнига биров келибди,
Шаҳар халққа қоронғилик бўлибди,
Газандалар бундан хабар олибди,
Билсанг, бу мамлакат талон бўлибди,
Олдирган одамлар сенга келибди,
Сиздай шоҳим, буни билмай турибди.
Биров билан қизинг ваъда қилибди,
Таланиб, қанча одам сизга келибди.
Эшит, шоҳим бугун айтган сўзимни,
Ишонмасанг, опкеп сура қизингни.
Биров билан кушкида давронни сурди,
Шуъласи бозорга урмай не бўлди?
Армон билан шаҳар халқи талашиб,
Халойиқ барчаси бу арзга келди.
Бир нечалар молу ҳолдан айрилди,
Гумон қилдик, суҳбат қурди у дилбар,
Бўлган ишдан сиздай шоҳим беҳабар,
Оёқ ости бўлди қанча одамлар,
Олиб кетди қанча ўғри-каззоблар.
Умид тортиб, сизга арзга келамиз,
Қоронғуда нима илож қиламиз?
Ёзилган давлатни қўлдан берамиз,
Мамлакат бузилди, сизга келамиз.
Бу ишни билмадинг, давлатли шунқор,
Талон бўлди Гулистондай кенг шаҳар,
Йул топмай одамлар мамлакат губор.
Ҳисобини топмай қолди амалдор,
Олиб кетди, ҳабаш-бебош одамлар,
Бу ишлардан сендай шоҳим беҳабар.
Халойиқнинг сенга арзи шу бўлар,
Бир нечанинг кўзда ёши сел бўлар.
Оқшом бузилгандир бу мамлакатинг,
Сен борингда обод эди элатинг,
Халқ учун қўп эди (сенинг) хизматинг,
Қоронғилик бўлди бу мамлакатинг.
Молимиз олдириб сенга келамиз,
Сизни подшо билиб арз қип турамиз.
Сурамасанг, шоҳим, қайга борамиз?
Бор давлатдан жудо бўлиб келамиз,

Қизингнинг ишига ҳайрон қоламиз,
Билмаймиз, султоним, нима қиламиз?

Бу сўзни эшитиб, Қирон шоҳнинг аччиғи келиб, ўрнидан туриб, сиёсат қилиб ўрдага борди. Қизини чақиртириб келиб, қизига қараб бир сўз деб турибди:

Жоним болам, қулоқ солгин тилима,
Қандай одам келди манзил элима?
Барча одам сендан гумон қилибди,
Болам, сендан ҳамма ҳадик олибди.
Бу шаҳарга шуъланг урмай қолибди,
Молини олдириб бунда келибди.
Давлатим бор шоли шолдам урайман,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
Келган одамзодни сендан сўрайман.
Хазон уриб боғда гуллар сўлибди,
У олтин кўшкка биров келибди,
Биров келиб сенинг ақлинг олибди.
Қанча халойиқлар уни кўрибди,
Келиб у кўшқингда даврон сурибди.
Қанча одам ўз молидан ажрабди,
Билсанг, болам, ҳолинг танг бўп турибди.
Кечираман агар қилсанг хатонгни,
Хафа қилма, болам, мендай отангни,
Агар билсанг хабар бергин фарзандим,
Кўп талон бўлибди бу мамлакатим.
Сўзлар бўлсам, оғзимдаги сўзимсан,
Парво қилган, балки икки кўзимсан.
Сен ҳам менинг болам, ёлғиз қизимсан,
Келган одам қандай жондир, биласан.
Овозамиз кетган тахти фалакка,
Қандай одам борар кўшқингга якка?
Боролмайди у айвонли чорбоққа.
Аввалдан сен билан бирга юргандир,
Овлоқда йўлиқиб ваъда қилгандир,
Сенинг тилинг билан, болам, боргандир,
Шу сабабли қоронғулик бўлгандир.
Азоб кўриб ширин жонинг бу танда,
Ваъда қилиб, бўлиб юрма шарманда.
Мендай отанг аччиғланиб боради,
Ғазаб қилсам, гуноҳқорлар улади.
Ёмоннинг қадами қандай келади?

Бу ишлар ўзингдан бўлган балоди.
 Тўкарман кўзингдан селоб ёшингни,
 Аччиғлансам, мен кесарман бошингни.
 Аччиғлансам, армон билан ўласан,
 Эл ичида қандай бўлиб юрасан?
 Отангининг одатин ўзинг биласан,
 Жувонмарг, юзимни туман қиласан,
 Нега биров билан бундай қиласан?
 Кимни кўрсанг ҳамроҳ бўлиб борасан?
 Ростин де, жувонмарг, тайин ўласан!

Бу сўзни қиз отасидан эшитиб, унга қараб бир сўз
 деб турибди:

Мендан ўтгани йўқ, бу ишлар хато,
 Белинга боғлабсан курмали пўта,
 Хоҳи ўлдир, хоҳи куйдир, жон ота!
 Айтгин, мендан не хатолик ўтгандир?
 Гафлат уйқу мени олиб кетгандир,
 Ул уйқуда ағдарилиб ётгандир.
 Очилар баҳорда боғнинг бодоми,
 Бизлар бу шаҳарнинг деган одами,
 Бу ерга етади кимнинг қадами?
 Бекор билмай арзга келган одамлар,
 Бу сиёсат, ота, сизга не даркор?
 Тўгри юрган сенинг қизинг гажакдор,
 Бу ишга фарзандинг изза бўлибди,
 Кўнглига боланг оғир олибди,
 Бизнинг юртга қандай [одам] келибди?
 Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасми?
 Бошқа юртдан келса банди бўлмасми?
 Амалдор, қоровул уни билмасми?
 Ушлаб об қошинга ҳайдаб келмасми?
 Армон билан бу шаҳарда ўлмасми?
 Шундай сўзлар хаёлингга келмасми?
 Бундай қилсанг ёлғиз қизинг ўлмасми?

Бу сўзни Қирон шоҳ қизидан эшитиб, ҳарчанд сўра-
 с ҳам бўйнига олдиrolмай, қизи айтганига кўнмай турди.
 Қирон шоҳ қизига жавоб берди. Қизи тагин кушкига
 бориб турди. Канизақлар ҳаммаси сўради.— Нима гап
 бўлди?

— Ҳеч нима бўлмади, отамнинг феъли озди, пок бўл-

маса ўлдирга ёзди,— деб канизлар билан суҳбат қуриб ўтирди.

Қирон шоҳ жаллодларни чақиртириб, қирқ жаллодга буюрди:— Уйма-уй, ҳовлима-ҳовли; растама-раста юриб қаранглар, кимнинг устидан мушкнинг иси чиқса, сўрамай дарров ўлдиришлар!— деди.

Қирқ жаллод бу сўзни Қирон шоҳдан эшитиб, ҳар томонга жўнаб кетди. Уйма-уй, растама-раста юриб, ҳар кимникига кириб, кимни кўрса, айлангириб кўрди. Рост кўча, паст кучаларни ахтариб юрди. Ҳеч нима топмади. Жаллодлар кучаларни қараб юриб эди, турвани орқалаб, ҳалиги кампир жаллодларнинг орқасидан чиқиб қолди. Жаллодлар сўради:

— Мома, нима кутариб келаётирсиз?

Момаси айтди:

— Болам, рўзғор-да, тезак териб кўтариб келаётирман,— деди. Тезакми?— деб бориб бир жаллод кўрди. Қараса, тезак эмас, кийимнинг кули. Қўзғотса, мушк иси чиқиб бораётир.

— Бу нима? Бу кийимнинг кули-ку! Бунинг эгаси бордир, қани?— деди.

Кампир шўрлининг дами ичига тушиб, ияги қалтираб, кўзи ялтираб, жаллодларга қараб аланглаб, қочайин деб жаланглаб, бели букрайиб, кулоғи тикрайиб, нима дерини билмай, тупугини ютиниб қолди. Шундай бўлса ҳам жаллодлар кампирни олдига солиб:— Бунинг эгасини топиб берасан. Уйингга борамиз. Бу кийимларнинг эгасини топиб оламиз. Топиб олмасак шу тўрванг билан кулни кўтартириб, сени Қирон шоҳнинг олдига ҳайдаб олиб борамиз!— деб сиёсат билан кампирни турткилаб, ҳайдаб бора берди.

Кампир ундай-бундай деса ҳам, жаллодлар кўнмай, кампирни турткилаб, уйига ҳайдаб олиб бордилар.

Бориб қарасалар, ажаб суратли бир йигит ўлтирибди. Устидаги кийимлари ўзига муносиб эмас. Бир жаллод айтди:— Бу кампир ҳийла қилган. Бу кийим шу одамнинг кийими. Бу жасаддаги одам, бу кийган кийимларни киймайди. Кампир бунинг кийимларини куйдириб, эски кийимларини кийдириб қўйган экан,— деди. Яна бир жаллод айтди:

— Булмаса, шу йигит бу оқшом шоҳнинг қизи — паризод қошига бориб, хўп майлис қилиб, ўз ишини битириб келиб, билмаган киши бўлиб ўтиргандир,— деди.

Буни кўриб, кампирнинг соли сувга кетиб қолди, ни-
ма қиларини билмади.

Жаллодлар Муродхонни тортиб боғлаб олди. Мурод-
хон армон билан жаллодларнинг қўлига банди бўлди.
Шунда Муродхон энасига қараб, кўнгли бузилиб, кўзидан
ёши тизилиб, юрак-бағри эзилиб, бир сўз деб турибди:

Жоним эна, хабар олгин ҳолимдан,
Дод айладим мунда жаллод золимдан,
Мен боғловли зулм билан ўлимдан,
Уз жонимга ўзим қилдим зулмни,
Иложи йўқ, боғлатганман қўлимни,
Кимга айтай энди ўлар ҳолимни?

Ғарибликда қўлим боғли ўлдим ман,
Оёгимга кирса эди бир тикан,
Жоним энам қилиб қолди юз фиғон,
Аҳволимдан титрар ер билан осмон.
Қўлим бойли, зулм билан ўлдим ман,
Бандадан умиддир, худодан раҳмат,
Балки махшар бўлди менга қиёмат.
Бошимга тушибди бундай аломат,
Қутулмоғим мушкул бундан саломат.
Қочган билан бу чоқ қайда эл энди,
Оҳ урганда, кўзда ёшим сел энди,
Ғарибликда кўрган куним шул энди,
Мен ғарибдан хабар олар ким энди?
Қўлим боғли, зулм билан ўлдим ман.
Кўзда ёшим минчоқ-минчоқ тизилди,
Елғончи дунёдан ризқим узилди,
Кўролмаймиз ўйнаб ўсган, биз эли,
Мусофир юртларда ҳолим шу бўлди.
Ғариблик юртларда ҳолим не бўлди?
Эна, сенинг бунда кўнглинг бузилди,
Бу дунёдан туз-насибам узилди.
Махшарда кўрарсан мендай қўзингни,
Кўп еб эдим, эна, сенинг тузингни,
Эна, рози бўлгин берган тузингга,
Хўп қайтариб, раҳбар бўлдинг улингга.
Қайишгансан, эна, менинг жонима,
Неча сўзлар айтиб эдинг шаънима.
Энди йиғлаб келма менинг ёнима,
Маймун кулар кўрса, менинг ҳолима,

Банди бўлиб тушдим жаллод қўлига.
Бу жаллодлар мени ҳайдаб кетади,
Қонхур жаллод хон амрини тутади.
Бошим кесиб, мени дорга тортади,
Мендай қўзинг қонлар йнглаб утади.
Бу сўзларни энасига айтади:
Бизга шоҳдан ҳукм етди,
Ажал кеп ёқамдан тутди,
Жоним эна, хуш қол энди,
Аввал қўшган бош ҳамроҳим,
Мустафо пушти паноҳим,
Йўқдир бунда қиблагоҳим,
Улсак бўлсин жаннат жойим,
Сен бўлгансан дуоғўйим,
Жоним эна, хуш қол энди,
Қолмади сабру қарорим,
Қулдан кетди ихтиёрим,
Йўқдир менинг ғамгузорим,
Белимда йўқдир мадорим,
Муродхон дер:— эшит эна,
Умрим бўлди букун адо,
Ғарибликда етди қазо.
Эна, эшит каломимни,
Қулоққа тут паёмимни,
Ҳар кимсага саломимни,
Юракдаги аламимни,
Жоним эна, хуш қол энди.
Фарзандим деб тўкма ёшинг,
Фалакка етар нолишинг,
Куп бўлди, эна, койишинг,
Жаллод кесар менинг бошим,
Қарға қузғун қураш лошим,
Жоним она, хуш қол энди.
Ғажирлар тортар гушимни,
Яхшига ўнгар тушимни,
Қуролмадим бувишимни,
Жоним эна, хуш қол энди.
Ҳолим танг қилди жаллодлар,
Зулм билан ҳайдаб кетар,
Бу сафарим бўлар хатар,
Мендай бек дунёдан утар,
Сендай энам бузлаб қайтар,
Жоним энам, хуш қол энди.

Беҳуда ўзинг урмагин,
Жонингга зулм қилмагин,
Болам, деб йиглаб келмагин,
Ғамхур энам, хуш қол энди.
Сўз айтганди алвон-алвон,
Зор йиглаб энаси қолган,
Хунхор жаллод бойлаб олган.
Йиглаб турган Мурад полвон,
Жаллодларга банди бўлган,
Дуо қилиб энаси қолган,
Энди жунади Мурадхон.
Кўнганди худо ишига,
Бу дунёнинг ташвишига,
Ғам-савдо тушди бошига,
Чора йўқ тақдир ишига,
Фалак титрар нолишига,
Тушди жаллоднинг қошига,
Қули бойловли Мурадхон.
Жаллод урар бошига,
Мурадхон, дер банди бўлди,
Худо қилганига кўнди,
Расталар одамга тўлди.
Қанча одам мол олдирган,
Ҳаммаси ҳам кўриб қолди,
Кўп касофат шундан бўлди:
Бозор қоронғилик бўлиб,
Шундай бало элга келиб,
Шоҳнинг қизига чанг солиб,
У баччағар банди бўлиб,
Не одамлар изза бериб.
Ғарибликда буни кўрди.
Ўзини ҳаққа топширди:
Азалда тақдирим шулди,
Уларман,— деб гумон қилди.
Томошабин кўп йиғилди,
Бу юртга овоза бўлди:
— Шоҳ қизига борган кишин,
Олармиш бунда бошин,
Қилармиш бунинг ишин.
Мурад шундай банди бўлди,
Даста-даста одам келди,
Барча халойиқ йиғилди.
Дор ости одамга тўлди,

Муродхон кўнглини бузиб
 Жонидан умидин узиб,
 Бораётир шундай ўйлаб,
 Фикрини ўзига сўйлаб:
 — Ҳақдан беамир иш бўлмас,
 Ажал етмай чивин ўлмас,
 Ажал етса жон қутилмас,
 Булар қилар ишин билмас,
 Ҳозир мени кўзга илмас,
 Кўнглимда шул ўлдиролмас.
 Мурод шундай ўйлаб борди,
 Кўнглидагин сўйлаб борди.
 Кўрди ул қурилган дорни,
 Муродхонни ваҳм олди.
 Бу шаҳарда йўқ раҳбари.
 Эсига олиб бораётир.
 Оқшомги кўрган дилбарди:
 — Қазом етиб ўлиб кетсам
 Улар вақтда кўриб кетсам.

Ана шунда Муродхонни жаллодлар уриб-сўкиб, неча бир сиёсатларни қилиб, ҳайдаб шоҳнинг қуриб қўйган дорининг остига етди. Бу қўрган дори Гулистон шаҳрининг четида эди. Қаллақ тутга яқин эди. Муродхон жаллодларга ялиниб, арз-дод қилиб:— Мен шоҳнинг қизига борганим йўқ. Бир туҳмат билан ўлиб бора ётибман. Бир соат сабр қилиб сақлаб турсанглар, ўлар вақтда шу тутнинг бошига чиқиб, бу дунёнинг ўнгу сўлига қараб кўриб ўлсам!— деди.

Жаллодлар айтди:— Биз сенинг аҳмоғинг эмасмиз. Қўлимиздаги бандига жавоб бериб, тутга чиқариб, пишакни қувиб толга чиқарган кучукдай бўлиб «туш-туш!» деб тураминми?

Муродхон айтди:

— Унчалик бўлса, менга ишонмасанглар, бир арқон топиб мени белимдан боғлаб олсанглар, мен тушмасам арқон билан тортиб юборсанглар, ҳамма ўлим бир ўлим-да, мени тутдан йиқитиб ўлдирсаларинг ҳам бўлади, ундан кейин дорга тортсаларинг ҳам бўлади, мен сизлардан рози бўламан,— деди.

Жаллодлардан бири айтди:

— Бу банди рост айтади, подшонинг қизига боргани ростми, ёлғонми, билмаймиз. Ҳайтавор бир кампир шурли-

нинг ё меҳмоня, ё ўғли. Олиб келиб боғлаб, гуноҳкор қилиб, дорга тортмоқчи бўлиб турибмиз. Бу шўрлининг ҳам айтгани бўлсин, [майли], арқон олиб келинглар, бу бандининг армони қолмасин. У дунёда бизлардан ўпкалаб юрмасин,— деди.

Шундан сўнг жаллодлар бориб, подшоҳлик дўкондан, регистондан, соф қирқ қулочлик арқондан қирқта узун арқонни кўтариб келди. Муродхоннинг белига битта-битта қирқ арқоннинг учини боғлаб олдилар. Булар ишонмай: «Бизлар билмаймиз, бу бола ҳийлагарми, ё зўрми? Тағин қочиб кетмасин»,— деб қирқ жаллод ҳам арқонни ўз белига боғлаб олди. «Тушмаса тортиб олиб ўлдираемиз,»— деб турди.

Муродхон ақли шошиб, тирмашиб тутга чиқди. Сўнгра у ёқ-бу ёққа қараган киши бўлиб, битта-битта арқонни ешиб, фаланг отнинг белига боғлади. Жаллодлар пастда:— Дунёни кўрганинг бас-да, бунча қилмагин ҳавасди! Тушгин ишинг ҳали пастда, арқонни тортиб юборсак, ажалингдан илгари ўласан. Бошинг билан тортиб юборсак майда-майда бўласан!— деб Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ўз элингда шоҳнинг ғамин еб эдинг,
Биз ҳам бунда сенга раҳбар бўб эдик,
Бул кўрса, дунёни кўрсин, деб эдик,
Тушгин энди, армон билан ўласан!
Жаллодларни бунча маҳтал қиласан?
Агар тортсак армон билан ўласан!
Ер юзида майда-майда бўласан!
Тезроқ тушгин, армон билан ўласан.
Ўнгу сўлга қараб дунёни кўрдинг,
Улар вақтинг яқин, хўб энди билдинг.
Нега ҳам сен бачча кўп тоқол¹ қилдинг?
Сўз сўзлаб, бизларни йўлингга солдинг,
Қутулмоқ пайида бўлиб иркилдинг,
Бу тутнинг бошида сен ҳам кўп турдинг,
Жаллодман-ку, кўнглингдагин биламан,
Аччиқландим, сени тортиб оламан,
Қўйдайд қиб бошингга ханжар соламан,
Гуноҳкорнинг кушандаси бўламан,
Бошинг кесиб, сени дорга иламан,
Тезроқ тушгин энди, нобуд қиламан.
Жон ширин, у ерда кўнглинг бузилди,

Тақдирингга шундай қисмат ёзилди.
Жаллод билан оша қилма ҳазилни,
Уйла, бачча, сенинг ризқинг узилди.
Мард йигит, деб сенга жавоб берибмиз,
Пастда туриб кўп миннатдор бўлибмиз.

Бу сўзни айтади сенга жаллодлар,
Бу ишларни шоҳга биров етқарар,
Гуноҳкорга жавоб бермоқ не дарқор!
Шоҳ қошида биз бўлмайик жавобгар.
Аҳмоқ бўлди қон ялаган жаллодлар,
Ҳаялламай пастга тушгин, гуноҳкор.

Усган мамлакатинг олганди туман,
Бизлар сенга сира бермаймиз омон,
Жон қутулмас жаллодлардан бу замон,
Жаллодларни бунда қилмагин ҳайрон,
Маҳтал қилма, тушгин энди, мард ўғлон!
Сўз сўзласанг нур томади юзингдан,
Қарасанг, қўрқамиз икки кўзингдан,
Ҳеч бир умид узмайсан-ку ўзингдан,
Жаллод тушган, билсанг, сенинг изингдан.

Уларман деб сира парво қилмадинг.
Сўздан қайтиб, айтганингда турмадинг,
Бизлар жавоб бердик, бўлди муродинг,
Қанча борди ўғлон сенинг қувватинг?
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
Ҳаёлингга бошқа гаплар келдими?
Йўқса сени фалак уриб қолдими?
Қирқ жаллод шунга ҳам ҳалок бўлдими?
Жавоб олиб бунча сарсон қиласан?
Узинг туш, анағар, тайин ўласан.

Бу сўзни Муродхон жаллодлардан эшитиб, уларнинг
сўзларига яраша бир сўз деди:

Менинг ишим ола бердинг қиёма,
Қўлингдан келганин қилгин, аяма.
Мард йигит сўзлаган сўздан тоями?
Жаллодлар, айтганинг сенинг бўларми?
Қирқ жаллодлар, қанча келар қувватинг?

Балки битди, ажал етиб муҳлатнинг!
Энди майда булар сенинг жасадинг,
Йиғлаб қолар угил, қизу фарзандинг!
Жаллод, менга куп таадди қиласан.
Сен беҳуда менга лофни урасан,
Дор остига мени ҳайдаб келасан,
Йиғлай бер, жаллодлар, тайин ўласан.

Жаллодлар, эшитгин менинг зоримни,
Гапириб (қол) кўнглингдаги борингни,
Кўролмайсан бориб рўзгорларингни,
Томоша қиб кўриб қолгин шаҳрингни,
Кунинг битти ўлдирамиз барингни,
Бизлар мардмиз, бу шаҳарга келамиз,
Қасд қилсак подшонгинг бошин оламиз,
Жаллод сенга қандай омон берамиз?
Бу сўзларни шунда Муродхон айтди,
Пастдаги жаллодлар буни эшитди,
Қирқи ҳам чираниб арқонни тортди.
Кўринг энди Муродхон валломатни,
Фаланг отнинг унг қулоғин бурабди.
Фаланг от ҳам у замон қузғалибди.
Жафолар солганди тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар қунар гулшанга,
Бу фаланг от кутарилди осмонга,
Билмай қолди Муродхоннинг ишини,
Олиб кетди бунда қирқта кишини.
Муродхон ҳам ўз юртида тўради.
Фалак уриб жаллод кетиб боради.
Иш кўрсатди Муродхондай зўрабор,
Булутларга чиқиб кетди жаллодлар,
Шаҳар халқи бари кукка қаради,
Кўрган одам бари ҳайрон бўлади,
Булутнинг устига чиқиб боради,
Қирқи ҳам типирлашиб қолади,
Шаҳарнинг устида Мурод юради,
Шаҳар халқи саросима бўлади:
Бундай бало қайси элдан келади,
Бир нечалар қочиб бундан жўнади,
Хар ким қўрқиб бошпанасин қилади,
Қойил қолди бекнинг қилган ишига,
Йиғилишиб подшонинг қошига,
Подшога кўрганин айтади,

Осмонга қарангиз, энди қайтади.
Қизил-яшил ўтдай ёнган жодугар,
Қайси элдан келган экан, ҳийлагар?
Остида ажойиб учқур оти бор,
Бир ёқда тўқишиб юрган жаллодлар,
Ҳаммамиз қолибмиз бундан беҳабар.
Ҳар ким ҳолин гапиришиб одамлар,
Бизнинг элга шундайин айёр,
Қайси гурдан, жаллод бўлганди дучор?
Жаллодларни армон билан ўлдирар,
Остида ажойиб учқур оти бор.

Шунда шаҳарнинг одамлари буни подшога бориб айтди. Подшо ва ҳамма одам осмонга қараб қолди. Кўрганлар кўрмаганларга хабар бериб, барча халойиқ йиғилиб, туп-туп бўлиб, бир-бирига кўрсатиб, маъқуллатиб билмаганларга тушунтириб «Бу қандай бало эди?» деб бир-бировига айтишиб юра берди. Подшо ҳам ҳайрон бўлди. Ҳамма осмонга термилиб қолди. Бир нарса булутнинг остида ўтдай ёниб юрибди, унинг тагида қирқ жондор бир-бири билан тўқишиб, ҳалинчак учиб юрибди. Бу бир аломат, деб ҳамма ҳайрон қолиб турибди. Шаҳарнинг устидан нари кетмайди, булутдан нари ёққа учиб утмайди.

Шоҳ қизининг қирқин қизлари ҳам буни кўрди, шоҳ қизига хабар берди. «Бу аломат қандай бўлди?» — деди. Қиёмат қойим бўлгандай бўлиб қолди. Шоҳнинг қизи кўриб, парво қилмай:— Бу тангрининг Азроили, Азроил шундай, элнинг устида юради, ҳаммани кўради, ажали етгани ўлдирди,— деди.

Шунда канизлар айтди:— Ё нарига, ё берига кетмайдими? Азроил шундай бўладими? Қирқ кишини осилтириб боғлаб оладими? — деди. Шоҳнинг қизи айтди:

— Азроилнинг одати шундай бўлади. Азроилга тегинган кишини шундай қилиб боғлаб олади. Осмонга кўтариб чиқиб сарсон қилиб юради. Ажали етганини ўлдирди. Ажали етмаганини ўлдирмаса ҳам бир ўнгмайди-ган қилиб қўяди,— деди.

Қизлар паризоддан бу сузларни эшитиб, «тавба-е, тавба-е!» деб қолди.

Муродхон шунда бу қирқ жаллоднинг бировини ҳар замонда ечиб ташлаб юборди. Қирқ қулоч арқонни судраб, гоҳ боши пастга, гоҳ оёғи пастга бўлиб қуйилиб келаётир.

Буни кўрганлар қўрқиб қолаётир. Узини пана ерларга, тегиб кетмасин, деб олаётир. Тагин Муродхон буни қўйиб, тагин бирини бўшатди. Жаллодлардан бири иккинчисига: «Туравор, мен орқангдан етдим, мендан илгари сен уласанми? Мен сендан илгари тушиб ўлайин»,— деб боши тубан, оёғи юқори, чархфалак бўлиб, қирқ қулоч арқонни судраб, икки жаллод олдинма-кейин ерга тушиб ўлаётир. «Бизга тегиб кетмасин»,— деб кўрган одамлар қочаётир. Муродхон тагин бировини қўйиб юборди. Бу ҳам ерда бир нимаси қолгандай бўлиб, боши пастда, ерга тушмоққа ҳавасда бўлиб осмондан тушиб келиб, бировнинг мўрисига кириб кетди. У бечора ўлиб қолди. Ул уйнинг хотини қозон-товоқ қилиб ётиб эди. «Бу нима бало эди»,— деб қўрқиб узини билмай йиқилди. Бугоз экан, боласини ташлаб қўйди. Шундай қилиб, Муродхон қирқта жаллодни биринкетин шаҳарнинг қирқ томонига ташлади. Буни кўрган одамлар: «Шаҳарга осмондан қуйруқли одам ёғиб келаётир»,— деб шаҳардан чиқиб қочди. Қочмаганлари ерларга маҳкам писти бўлди, шаҳар шундай талатуп бўлди.

Муродхон фаланг отнинг бошини кўшкка қараб бурди. Буни бир неча канизлар кўрди, шоҳнинг қизига хабар берди:

— Хоним, бояги Азроил бизнинг кўшкимизга қараб келаётир! — деди. Паризод айтди:

— Ичкари кириб турунглар. Унда сенларни кўрмас. Кўрса, сенларни бир нима қилмай қўймас! — деди. Қизлар буни эшитиб ўзларини пана ерларга олди.

Муродхон келиб кўшкнинг устига қўнди. Қизлар буни кўриб, ҳаммаси ҳайрон бўлиб, қараёлмай турди.

Шоҳнинг қизи Муродхонни кўриб, қилган ишларига ҳайрон бўлиб, бурунгидан ҳам меҳри ортиқ бўлиб, Муродхоннинг кўнглини хушлаб, билагидан ушлаб:— Ҳеч бир одамзод қилолмаган ишларни қилдингиз, мен учун куп жафо кўрдингиз,— деб утириш жойига, майлиسخонага олиб кирди, остига зарбоф кўрпачалар тушаб ўтқазиб қўйди.

Шунда канизлар мўралаб кўриб:— Азроил эмас экан, одамзод экан,— деб билиб, битта-битта келиб:

— Э бувишим, бу киши ўзингизнинг одамингиз экан, бизларга ўтрук айтган экансиз. Азроил осмондан тушиб, меҳмон бўлиб ўлтирадимми? Сизникига келадими? Кимнинг ажали етса, жонини олиб, ўзи одамларга кўринмай кетади. Уйда бундай қилиб, бағдош қуриб утирмайди. Бу

сўзларни айтиб каниз:— Биз неча замондан бери хизматингизни қилиб юрганмиз. Биздан сирингизни яшириб, бекнинг бизга берадиган тиллаларини кўзингиз қиймай, ўзингиз авлоқ ерларда топишиб, гаплашиб юрган экансиз. Бир дам бўлса ҳам энди ҳаммамиз йиғилиб хизмат қилиб, куёв билан танишайик, сўзлашайик. Бирда бўлмаса, бирда бизнинг юртимизга келар. Куёвни танитай турсак қандай бўлади. Шундай қилиб, ҳаммаси йиғилишиб, Муродхоннинг олдига битта-битта таъзим қилиб кириб келди. Шунда Муродхон қирқин қизлар олдида паризодга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Биздан қолиб бундай нишон,
Элу юртинг бизга душман,
Кўп ўтириб манзил жойда,
Сўнгра қилмайик пушмон.
Қулоқ солгин арзи додга,
Мингаш энди, фаланг отга,
Биз кетармиз ўсган юртга.
Сўз сўзларман алвон-алвон,
Юрагимдан кетсин армон,
Оқтош элда бўлсин даврон,
Кўнглингда қолмасин армон,
Мингаш, дилбар, фаланг отга.
Мен кетарман сени олиб,
Ота-энанг бунда қолиб,
Мурод бўлган сенга толиб,
Қордай тушингга қўл солиб,
Мингаш, дилбар, фаланг отга.
Кетармиз юрган элатга,
Қулоқ солгин айтган тилга,
Менинг билан юринг бирга,
Худо ўнглаб берди қўлга,
Мингаш, дилбар, фаланг отга.
Не ҳийлалар Мурод қилди,
Ишқингдан кўп юртни кўрди,
Шаҳрингдан қирқ жаллод ўлди,
Олиб кетай сендай гулди,
Мингаш, дилбар, фаланг отга.
Кетмоқни ихтиёр қилгин,
Кечаги сўзингда тургин,
Сен турмасанг ншим кўргин,
Мингаш, дилбар, фаланг отга.

Сенсан бир паризод дилбар,
Элатинг қолсин беҳабар,
Қилмасни бизни гуноҳкор,
Бунда турмай кетмоқ даркор,
Мингаш, дилбар, фаланг отга.

Бу сўзни паризод Муродхондан эшитиб, айтди:—Муродхон рост айтади, бировнинг билгани яхши, бировнинг билмагани яхши,— деб маъқул қилди.

Паризод Муродхонга меҳрибонлик қилиб: «Жунасақ жўнайик!» — деб ўрнидан туриб, тарадди қилиб, канизлар билан хушлашиб, ўзига керакли кийимларини олиб, кетарини билиб, кўнгли бузилиб, канизларига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ешга тўлиб бунда жодугар кўзлар,
Айрилиқ савдоси бағримни тузлар,
Кеча-кундуз хизмат қилган канизлар,
То кўргунча, канизларим, омон бўл!
Кеча-кундуз хизматимда бўласан,
Кўп югуриб менинг ақлим оласан,
Неча йилдан бери бирга бўласан,
Мен кетарман, хизматкорлар, қоласан,
То кўргунча, канизларим, омон бўл!
Шундай бўлди бугун ҳақдан фармонлар,
Кўнгилда қолмасин зарра армонлар,
Сирли устун, бунда кўшқу айвонлар,
Бунда қолар ўйнаб-ўсган маконлар.
Ўтиб кетди сизман кўрган давронлар,
То кўргунча, канизларим, омон бўл!
Айрилиб тукаман кўздан ёшимни,
Сизлар билан бўлган ўтиришимни,
Оқтошга мусофир қилдим бошимни,
Хушлашмай бораман қариндошимни,
То кўргунча омонда бўл, канизлар!
Ҳечкимнинг фарзанди мендай кетмасин,
Кўзни Гулистондан узиб кетмасин.
Мен ҳам энди бу эллардан кетаман,
Юрган кунлар эсга тушса қайтаман?
Неча йиллар сизман даврон этганман,
Тақдир шудир, Оқтош элга кетаман.
Оқтош хони билан бирга кетарман,
Хизмат қилган канизларим, омон бўл!

Бундан жўнатинглар мендай санамни,
Юрагимга қўйма, сўзлаб аламни,
Менинг учун сизлар сўранг энамни,
Хизмат қилган, канизларим омон бўл!
Кетарман юртимдан хуноба ютиб,
Оқтош хонни мен ҳам этагин тутиб.
Кўнглингдан қўйма мени унутиб,
Неча шаҳар, неча дарёдан ўтиб,
Бир кун борсак Оқтош шаҳрига етиб,
Хизмат қилган канизларим, омон бўл!
Сизлар қолиб, энди кетиб бораман,
Тақдир тортса, нима илож қиламан?
Бу юртда ҳаммангга қатта бўлганман,
Паризодлар билан бирга юрганман.
Парилар дуосинг ўқиб билганман,
Учар қушдан мен ҳам улги олганман,
Илгаридан хонга кўнгил берганман,
Бу мард билан қаттиқ ваъда қилганман,
Сўзлаган сўзимдан қайтмай юрганман,
Хизмат қилган канизларим, омон бўл.

Олтин кўшку манзил-жойларни солдим,
Сизлар билан бу жойда майлис қилдим,
Шу бугун юртимдан кетарим билдим,
Шундай қилиб, канизлар, хўшлашиб турдим.
Энди билгин, фаланг отга мен миндим,
Мен ҳам хотин, эрнинг амрини қилдим,
Ҳар на деб сўзласа сўзига кўндим,
То кўргунча, канизларим, омон бўл!

Муродхон фаланг отига миниб турди. Канизлар бувишига оро-торо бериб, яхши кийгизиб, тоза кийимларга ўраб, ўсма-сурмаларни қўйиб, тилла мунчоқларни тақиб, бетига упали қирмизлардан жоғиб, паризодни Муродхоннинг орқасига мингаштириб, бир пўта билан қизни — Орзигул ойимни маҳкам қилиб Муродхонга боглаб қўйишди. Шу вақтда канизлар бувиши билан хайрлашиб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ошиқнинг фаҳмидир қоронгу кеча,
Йигласам, ҳолимга йиглар бир неча,
Сизни олиб кетар бундан бекбачча,
Омон бўлинг, то кўргунча, ойимча.

Хизмат қилдик ўн ёшингда,
Ловдан румолинг бошингда,
Овозанг кўп хон қошинда.
Еқут маржонлар тўшингда,
Оқтош хони йўлдошинг-да,
Сендай ойим бувишим-да!
То кўргунча, омон бўлинг, ойимча.
Боғларда бўлар тоза гул,
Чаманда сайрайди булбул,
Бувишим оти Орзигул.
Сўз сўзлашиб бунда қирқин,
Сабил қилиб ўсган юртин,
Ташлаб кетар мамлакатин,
Энди излаб бек элатин.
Боролмасмиз сизни излаб,
Қолармиз бутадай бўзлаб.
Ҳар замон сайри боғ бориб,
Юрган ерларингни куриб,
Йиғлаб умрни утказиб,
Кетарсан жонинг қутқариб,
Канизларинг бунда қолиб,
Эр-йигитга бўпсан толиб.
Мингашибсан сен буралиб,
Бундан бурун йўлга кириб,
Сен кетмоққа ҳиммат қилиб,
Кўзга суртиб, топсак изинг,
Бунда қолар қирқин қизинг,
Омон бўл, жўнасанг ўзинг.
Бизларни эсингга олгин,
Ўз юртим деб, йўқлаб келгин.
Ҳар замонда бизни кўргин,
Келиб биздан хабар олгин.
Раҳбар бўлиб ҳолим сўргин,
Бурунғидай бўлиб юргин,
Саломат Оқтошга боргин.

Олиб кетар сени шунқор,
Хон отанг қолди беҳабар,
Сенинг ишинг қандай бўлар?
Канизларинг бари ўлар.
Омон бўлгин паризодим,
Эсингда бўлсин бу хизматим.



Ана шунда канизлар Орзигул ойим билан омонлашиб қолди. Орзигул ойим ҳам булар билан омонлашди. Муродхон фаланг отнинг бошини буриб, ўнг қулогини тоблади, осмонга қараб парвоз қилиб учиб кетди. Канизлар то булар кўринмагунча қараб қолди.

Шунда Муродхон:— Ниқобингни торт, орқамиздан келганларга маълум бўлмасин, душманлар орқамиздан юриб келмасин,— деб ойимга қараб, бир сўз айтиб бораётир:

Бунда кўнглин хушлашганлар,
Бу шаҳарда тишлашганлар,
Торозини ушлашганлар,
Бир-бири билан муштлашганлар,
Бу элда уйнаб-кулганлар,
Шоҳга амалдор бўлганлар,
Бекнинг инъомин олганлар,
Мен кетарман, хуш қол энди.

Сенга етгай марднинг сўзи,
Тўрт бўб бир нечанинг кўзи,
Орқамдаги шоҳнинг қизи,
Қўлга теккан сарви нози,
Миндирган Муроднинг ўзи,
Қува беринг энди бизни,
Чувлаб қолган кўп канизи,
Устида ипак қирмизи,
Ҳеч кимнинг етмас арзи,
Беклар, хонлар, хуш қол энди.

Афсар девнинг ақлин олдим,
Фаланг миниб бунда келдим,
Шоҳ қизига ошно бўлдим,
Айтган сўзима кўндирдим.
Дилбар ёримни миндирдим,
Қилган ишимни тиндирдим,
Бу элдан кетмоқ бўлдим,
Қизу жувон, хуш қол энди.

Келган қўлимга давлатим,
Қўлга теккан паризодим,
Обод булар борсам юртим,
Чувлашганлар, хуш қол энди.
Муродхонни банди қилдинг,

Қирқ жаллодингдан айрилдинг,
Билсанг мендан изза кўрдинг,
Амалдорлар, куш қол энди.

Бу сўзни Муродхон айтди,
Гулистон шаҳридан ўтди,
Девни Афсарга йўл тортди.
Бир-бирига ҳазил қилиб,
Ёрнинг тўшига қул солиб,
Борар ҳавода йўл олиб,
Икови ҳам уйнаб-кулиб,
Бир-бирига кўнгли тўлиб,
Фаланг миниб кулги қилиб.
— Сендай дилбар, кўп иш қилдинг,
Мени бунча ҳалак қилдинг?
Мени. ойим, синаб кўрдинг,
Энди сен. дилбар, тан бердинг.
Бу ишима қойил бўлдинг,
Азроил деб, кўнгли қилдинг,
Нега хаёлингни бўлдинг?
Акли хушингни олдирдинг,
Фаланг отга эрмак бўлдинг,
Сўнгра дилбар мени кўрдинг.
Сўзингга уялиб турдинг.
Бу сўзни Муродхон айтди.
Кўкка учиб жунаб кетди.
Дев Афсарга яқин етди,
Неча шаҳарлардан ўтди.
Келиб бир манзилга етди,
Афсар дев маконига етди.
Кўндиргондир фаланг отди,
Кўрди девни баҳайбатди,
Ҳали ҳам ухлаб ётибди.

Шунда Муродхон Афсар девнинг маконига етди. Фаланг отининг чап қулогини тоблаб, Муродхон дев Афсарнинг олдига фаланг отни қўйиб, ўз уйига келгандай бўлиб, яхши, тоза палосларни солиб, паризодни меҳмон қилиб ўтқазди.

Паризод Муродхондан сўради:

— Дев билан ошна бўлган экансиз-да, девнинг ўзи фаланг отини сизга берган экан-да,— деди.

Муродхон айтди:

— Бу дев билан ошна бўлганман. Бу девнинг жонига раҳм қилганман. Бўлмаса, бу қоровул девингни ўлдирар эдим. Сени ҳурмаг қилганман!— деди.

Муродхон Орзигул ойим билан суҳбат қуриб, димоғи чоғ бўлиб ўтирди.

Афсар дев шундай дев эди; бунинг уйқуси қонмаса, бировнинг тур дегани қулоғига кирмас эди. Нима бўлса: юрса, гаплашса, билмас эди. Шундай қилиб, бу дев ҳеч нарсани билмай ёта берди. Бу иккови вақти хушликни қила берди.

Буларнинг кетганини Гулистон шаҳрининг одамлари кўриб, ҳамма халойиқ биалиб қолди. Шундай ҳам бўлса, қирқин қизлар ўйлаб: «Отаси эшитгани йўқ. Унга хабар бермасак, бугун кеч бўлди, оқшом қоронғилик бўлса, эрта бизларни олиб бориб сўрар, подшо-да, сунгра гуноҳкор қилар. Билдирмай тургандан кўра, бориб айтганимиз яхши»,— деб улар маслаҳатни бир қилиб, Қирон шоҳнинг давлатхонасига қараб жўнади. «Бу деймиз, у деймиз,— деб ҳаммаси неча сўзлар ўйлаб:— кетган қиз подшонинг қизи, подшонинг юзига айтмоқлик қийин, нима бўлса борайик. Овсин ўлғир, бир хил сўзинг ёмон; тагин бир нима билмай, ўйламай, подшонинг олдида гапириб қўйма: сунгра гапириб пушаймон қилиб турма!» деб бир хили бир хилига насиҳат қилиб бораётир. Бу сўзларни айтиб канизлар жиловхонага етди. Амалдорлар қизларни кўриб, шоҳнинг қизи келаётир, деб «пушт-пушт» қилиб, йўл устида турганлари узини панага тортиб, йўл бўшатди. Канизлар Қирон шоҳнинг қошига етиб, сен гапир, деб бир-бирини туртиб, подшонинг сиёсатини кўргандан кейин кўпи айтадиган гапини йўқотиб, қалтираб, титраб, нима дерини билмай турди.

Подшо буларни кўриб:

— Нимага келдиларинг? Нима арзларинг бор?— деб сўради. Буларнинг ичида энг каттаси Гулчехра деган бир канизи бор эди. Гулчехра Қирон шоҳга қараб, арз қилиб бир сўз деди:

Аё шоҳим, сизга айтар арзим бор,
Ҳозир бўлиб келдик сизга гуноҳкор.
Қизинг кетиб бизлар қолдик беҳабар,
Давлатингга йиғлаб келди канизлар.
Ҳазон булмай боғда гуллар сўлмади,
Сулган гулга булбул келиб қунмади,

Қизинг кетди, ҳеч бир нишон қолмади.
 Ҳеч кимса бизлардан хабар олмади,
 Қизинг кетиб, ному нишон қолмади.
 Султоним, эшитгин айтган сўзимни,
 Биров олиб кетди сенинг қизингни.
 Билмаймиз биз, қайси шаҳардан келган,
 Усталар йиғилиб ёғочдан қилган,
 Бизлар кўрдик ҳавода учиб юрган,
 Лочиндай қуйилиб келиб чанг солган,
 Бир суқсур дилбарни чангига олган,
 Сиздайин отаси беҳабар қолган.
 Армон билан тушди зўрнинг қўлига,
 Биз билмаймиз, кетган кимнинг элига,
 Кетди дилбар, ному нишон қолмади,
 Меҳмон бўлди мусофир манзилига.
 Қайси юртга, қайси шаҳарга борганди?
 Усган юрти ул эсига келганди,
 Канизлар хаёлида турганди,
 Эли, юрт-давлати бунда қолганди.
 Танимадик бунда келган уғлонни,
 Гулчеҳра, дер сизга сўзлаб турганни.
 Армонман қизингни қўлдан берганди
 Ойим кетди ному нишон қолмади.
 Шоҳим сўроқласанг шундай қизингни,
 Биров тубан қилиб кетди юзингни.
 Сен ҳам подшо, бу шаҳарда анжомдор,
 Маслаҳат бергувчи саркардалар бор.
 Ҳозир ўзинг қолган бўлсанг беҳабар,
 Сенда ҳам бор эди урушга қайсар.
 Давлатингга тобе неча шаҳарлар,
 Уйласа, канизлар кунгли бузилар,
 Ёлғиз кетди ойим, бағри эзилар,
 Нишонидан сўраб топмасанг хабар.
 Бу сўзларни сизга айтар канизлар,
 Излаганда сенга йўлдош диловор.

Бу сўзни эшитиб, Қирон шоҳ канизларга жавоб бериб,
 Ўрдага бориб, ойимлардан сўраб кўриб, ҳеч қайсиси хаба-
 рини билмай, шунда амалдор, туғдор, жиғадор, бекларини
 чақиртириб, ҳаммасини жам қилиб йиғиб, бу ўтган воқеа-
 ларни сўради. Ҳеч қайсиси бу ишларнинг паёмини бил-
 мади.

Шунда шаҳардаги ўзи буюрган жаллодларни чақирди. У жаллодлардан ҳам ном-нишон бўлмади.

Бир киши хабар берди:— Жаллодлар бир одамни банди қилди. Уни дорнинг остига олиб борди. Шунда қирқ жаллод бирдан осмонга кўтарилди. Осмондан жаллодларни битта-битта ташлаб, ўлдирди. Остида ёғочдан бўлган оти бор. Гоҳ осмонга учса, гоҳ ерга тушар, зарбидан шаҳар ғала-ғовур бўлди. Қизинг шу одам билан бирга бўлар,— деб турди.

Қирон шоҳ фикр қилиб: «Бундай (от)-анжом Афсар девда бор. Бошқа одамларда йўқ. У девнинг таърифини неча марта эшитганмиз, Кухиқоф мамлакатидан бориб, саф уста девларни йиғдириб, фаланг от қуйдириб, шундай ёғочдан от қилдириб олган. У аслаҳаман бу ерга келган бўлса, Афсар дев билан гапи бир бўлган экан. Афсар девнинг ё кўнглига шумлик келган. У борса, Афсар девнинг маконига боради. Бу ишлар Афсар девдан бўлади. Афсар дев маконига борган одам (уни) топиб олади, ё бир хабарини билади. Ундай одам Афсар девнинг сўзи билан келади»,— деб бекларидан маслаҳат сўради. Афсар девни шафе келтиргандан кейин ҳаммаси ҳам иркилиб қолди. Шоҳнинг сўзини ҳар ёққа қараб жуъверди. «Афсар девнинг ўзи ҳам шоҳнинг қизига хуштар, у бир баҳайбат, зўр дев. У билан ҳеч бир одам баробар бўлмайди. (Унга) боришлик даркор бўлади. Афсар девнинг устига борган одам тайин ўлади. Қизни олиб бориб, ўзи томоша қилиб юргандир.

Бизлар борамиз, деб Афсар девнинг қўлида ажалдан беш кун илгари ўлиб кетганмиз — нима қилганимиз?» — деб ҳаммаси шоҳнинг сўзини, фикрини ҳар ёққа бўлиб гапирди. Қирон шоҳ айтди:

— Шоҳлик шаъну шавкатига, подшолик давлатга «Қирон шоҳнинг қизи бетайин йўқолибди», деган ланқа яхши эмас. У дев ҳам бизга беҳуда ёмонлик қилмас,— деди.— У Афсар дев илгаридан келиб-кетиб юрар эди. Ўзимизга синамол эди. Бу юртда шу вақтгача ҳеч бир ёмонлик қилгани йўқ эди. Биз ҳам унга ёмонлик қилганимиз йўқ эди. Бу сирда бир ҳикмат бордир. Нима бўлса бормогимиз даркордир.

Бу сўзни эшитиб ҳамма беклар «борсак борайик», деб амалдорларга маъқул бўлиб: «Беҳуда бориб у билан уруша берамизми? Бор бўлса сўраб дарагини биламиз, бўлмаса тагин қайтиб келамиз»,— деб ҳаммаси гапни бир

жойга қўйиб бормоқчи бўлди. Шунда Қирон шоҳ ўзига қарашли шаҳарлардан одам тўплаб йиғдирди; бутун амалдорлар, сипоҳилар ўзига қарашли одамларни йиғиб, жам қилди. Ҳамма элдан келган беклар, амалдор, сипоҳиларни кўриб, Қирон шоҳ уларга қараб бир сўз айтиб турибди:

Менинг сўзим бунда маъқул билинлар,
Олмос, пулат, белга боғлаб олинлар,
Амалдорлар, бедов отни мининлар,
Тобе лашкарларни жам қиб туринлар.
Амалдорлар, туғ кутариб юринлар,
Пулат тиг найзани қўлга олинлар,
Қирон шоҳга шундай хизмат қилинлар.
Саркардалар, бизга ҳамроҳ бўлинлар,
Қирон шоҳнинг тузин ҳақлаб юринлар,
Афсар дев устига сафар қилинлар.
Билмайман, бировдан ситам қилибмиз,
Афсар дев устига бормоқ бўлибмиз.
Менинг амрим баринг тутиб туринлар,
Хабар қилиб лашкарни жам қилинлар,
Афсар дев устига бирга юринлар,
Амалдорлар, эшит менинг сўзимни,
Тўйинин билмадик ёлғиз қизимни.
Афсар манзилига бундан бораёйик,
Дарак солиб шундан сўраб кўраёйик,
Бу кун ётиб, эрта туриб жунаёйик,
Лашкар жамлаб Афсар девга бораёйик.
Қолмасин бу элда бир номдор полвон,
Бетайин кетгандир бундан хиромон.
Мендай шоҳдан инъом олган беғу хон,
Ҳозир қаллам ғувлаб, бўлганман сарсон,
Афсар дев устига борсак бу замон.
Баринг шердай бўлиб қилгин ғайратни,
Сайлаб мининг элдаги илдам отни,
Қараб қолмоқ биздай шоҳга уятдир,
Жами беклар туриб қилин ғазотди,
Бу сўзларни Қирон шоҳ айтади,
Қулоқ солиб амалдор эшитади.
Эшитмаганларга хабар етади,
Ҳар ким одамни жам қиб кўради.
Оломонлар саф-саф бўлиб туради,
Гулистон шаҳрига, одам тўлади.
Подшонинг лашқари бошлаб жунади,

Байдоқ-байдоқ элдан чиқиб боради.
 Сибзиқ гоҳи найин тортиб жунади,
 Лашкар жунаганин эли кўради.
 Қирон шоҳ бош бўлиб бормоқ бўлади,
 Қизини ахтариб бундан жунади.
 Амалдорлар қолмас бунда юртига,
 Хоннинг бағри эзилиб фарзандига,
 Чндай олмай айрилиқнинг утига
 Туполон бўп Гулистоннинг юртига
 Айрилиқ утига бағрини доғлаб,
 Афсар девнинг маконини суроғлаб,
 Кеча-кундуз шоҳга хизмат қилганлар,
 Қирон шоҳнинг инъомини олганлар,
 Оту сарпо олиб даврон сурганлар,
 Туғ кутариб бошлаб кетиб боради,
 Дев манзилин ҳар кимсадан сўради,
 Лашкарнинг кетидан подшо боради,
 Қизига қурбонди бу шоҳнинг жони,
 Шоҳлар кетиб чўл бўб қолди макони.
 Ун икки минг лашкар билан жунади,
 Шу замонда Гулистоннинг султони.
 Бош бўлиб шу замон йўлга чиқади,
 Ҳар шаҳардан лашкар кеб қўшилади.
 Ўзига қараган юртлари борди,
 Бари ҳам эшитган шоҳдан хабарди,
 Қирон шоҳга ёрдам бериб келади,
 Ҳар қайсисин озроқ одами борди.
 Оз-оздан қўшилиб йўлда кўпайди,
 Шу замон жам бўлиб лашкар мавж урди.
 Изгор чўли тўзон бўлиб йўл юрди,
 Бундайин чўлистон лашкарга тўлди,
 Афсар дев манзилин излаб йўл юрди.
 Лашкарга бош бўлайин,— деб,
 Душман бўлса кўрайин,— деб
 Жазосини берайин,— деб,
 Афсар девдан сўрайин,— деб,
 Ажратиб олайин,— деб,
 Тандан бошин юлайин,— деб,
 Қайтмай сабош қилайин,— деб,
 Ушлаб олсам урайин,— деб,
 Билганимдай қилайин,— деб,
 Қичаб йўлда юрайин,— деб,
 Тезроқ шунга борайин,— деб,

Хаёлламай кўрайин,— деб,
 Фарзандимни олайин,— деб,
 Отга қамчи урайин,— деб,
 Оқшом ётмай юрайин,— деб,
 Юртим обод қилайин,— деб,
 Қайтсам элга келайин,— деб,
 Афсар кунглин билайин,— деб,
 Дев иложин қилайин,— деб,
 Манзилини сурайин,— деб,
 Душман додин берайин,— деб,
 Қистанг беклар, борайин,— деб,
 Мен ҳам шердай бўлайин,— деб,
 Худо деб, қизил тилидан,
 Чиқиб кетган манзилдан.
 Қайтмайди юрар йўлдан,
 Ҳар иш келади қўлидан.
 Қўшин жўнаб баланд-пастда,
 Бораётир чапа раста,
 Йўлга кириб даста-даста,
 Ботир урушга ҳавасда.
 Кўрқоқлари бўлар хаста,
 Нечови чарчаб шикаста,
 Бораётир лашкар босиб,
 Бир-бирига хўп муносиб,
 Елкасига милтиқ осиб,
 Қовосати ерни босиб.
 Хар замонда милтиқ отиб,
 Тоғни, тошни гумбурлатиб,
 Кўп юриб, чуллардан ўтиб,
 Бораётир шабгир тортиб.
 Гоҳ кечалар қўниб ётиб,
 Эрталаб лашкар жўнатиб,
 Бораётир йўлни тутиб,
 Йўлда тўзон, тупроқ ютиб.
 Гулистон шаҳридан чиқиб,
 Кетган подшо бундан кучиб,
 Неча адир, белдан ўтди.
 Елғиз қизни излаб кетди.
 Бир кечада йўқотганди,
 Ойдаи тўлган паризодди,
 Болам,— дейди, жафо тортди;
 Қилиб чулларда ғайратди.
 Қирон шоҳдай валломатди,

Лашкарга қиб сиёсатди,
Болам,— деб ахтариб кетди,
Чўлларда хуноба ютди.
Неча адир, белдан ошди,
Гоҳда ўттайин туташди.
Бир кечада билмай қолиб,
Елғиз қизидан адашди.
Билмайди ким олиб қочди,
Ул сабабдан йўлга тушди,
Боради қизини излаб,
Амалдорга билдирмайди
Йиғлайди бутадай бўзлаб:
— Қаерларга кетди қизим?
Элга қараёлмай ўзим,
Тўрт булади икки кўзим,
Хозир менга ўлим лозим.
Билмам қайси юртга етди,
Мусофир қиб термилтди,
«Отам» деб қандай бўлибди,
Йўлима тўрт бўб қолибди.
Бу йўлда ақлим шошиб,
Кетганди элдан адашиб,
Кимларнинг қулига тушиб.
Қамчи уриб бедов чопсам,
Мен излаб қизимни топсам.
Фарзандим,— деб раҳбар бўлсам,
Мунглиғнинг кунглин сўрсам.
Кофир, мусулмонин билсам,
Ўзидайга дучор бўлса,
Никоҳ қиб қизим берсам.
Душман бўлса, бошин юлсам,
Ажратиб элга келсам,
Тенги бўлса топиб берсам,
Шундай деб, Қирон жунади,
Қулочлаб отин уради.
Лашкарга қилиб сиёсат,
Қирон шоҳ йўл босади.
Бу сўзни айтиб йўл тортди,
Неча ой, неча кун ўтди.
Афсар девга энди яқинлаб етди,
Афсар девнинг манзилини курибди
Босиб боролмайин Афсар устига
Бойдоқ-бойдоқ лашкар бунда қунибди.

Шунда Қирон шоҳ лашкари неча кун, неча ой йўл юриб, Афсар девнинг маконига яқин етди. Бирдан босиб бормоққа қўриқиб, шу ерда тушиб қолмоқни Қирон шоҳ амр этди.

Қирон шоҳнинг амри билан ҳамма лашкарлар шу ерда, катта бир чўлда қўниб ётди. Бу ернинг бир тарафи чўл, бир тарафи кўл эди. Шу ерда ҳамма қўшин, лашкарлар қўнди. Оқшом ётди. Эрта билан тонг отди. «Афсар девга элчи юборсакмикин?»— деб қилди маслаҳатди. «Е ўзи келса, ё келсин деса, бизлар борсак»,— деб ўйлади.

Шунда бу борган лашкарни шоҳнинг қизи қўрди. Муродхонга: — Отамнинг лашкари келибди, ҳеч нима ғайратинг борми?— деб турибди.

Муродхон айтди:

— Менинг ҳам ўзимга яраша ғайратим бордир. Ҳозир улар менга синамол эмас, ҳали бизларнинг бир-биримизга душманлигимиз бор. Қўлга туширса мени ўлдирар. Ҳеч омон қўймас. Биз ҳаракат қилмасак, улар ҳам бундай қилиб қараб турмас, босиб келар. Бехавотир ўтирганда бизни банди қилар. «Эсинг борида этагингни ёп!»— деган экан, эсимиз борида буларга (қарши) бир ҳаракат қилайик. Буларга ўзимизни маълум қилайик,— деди.

Муродхон бу сўзларни гапириб, ўйлаб, қора отни абзаллаб, чоқлаб, девнинг керакли анжом-аслаҳаларидан олиб, ёв-яроғини қилиб, ўзини безаб, телпак кийиб отланди.

Муродхоннинг Афсар девнинг маконидан отланганини Қироншоҳнинг сардор, амалдор, лашкарбошилари билиб, бу лашкарлар ҳам қўзғалди. Лашкарбошилари хабар бериб, саф-саф бўлиб, булар ҳам уруш яроғини ғамлаб турди.

Муродхон девнинг маконидан чиқди. Лашкар кўриб айтди:

— [Бу] — Афсар девнинг ё тоғаси, ё оғаси. Бу билан қандай одам сабиқо қилиб юради. Афсар дев қандай одамни меҳмон қилади. Бу сиёсатдан келаётир. Бунга дуч келган одам ўлади, бу — лашкарлардан ғам эмас. Афсар девдан кам эмас. Одамзод бу девнинг маконига келмас. Келганини бу дев сира ҳам қўймас. Эси бор одам билади. Албатта, бу келаётган девнинг қариндоши, балки Афсар девнинг сирдоши. Уёққа-буёққа юрганда манзилида қоладиган йўлдоши. Бу борса, Афсар қолади. Афсар дев борса бу қолади. Афсар девнинг сирини билади. Жаллодларни осмонга олиб чиқиб ўлдирган шу балоди. Қирон

шоҳнинг қизини ҳам булар олиб келади. Бу келаётир, бир бало қилади, худо билади, турган одам тайин ўлади,— деб ўйлади. Лекин Муродхон, буларнинг бу гапини билмади. Муродхон шу сўзни айтиб бора берди:

Кийгани гулгуи қирмизи,
Ақлим олар жоду кузи,
Асли мусулмоннинг ўзи,
Қўлга теккан шоҳнинг қизи,
Кел майдонга, савашайик.
Қулоқ солинг айтган дурга,
Ошиқ эдик Орзигулга,
Булбулдай қўшилиб гулга,
Шоҳ қизиман бизлар бирга,
Талаб қилсанг кел майдонга,
Кел полвонлар, савашайик.
Ошиқ эдим паризодга,
Миниб бордим ёғоч отга,
Ғалоғул солдим элатга,
Дилбар теккан валломатга
Баҳодирлар, савашайик.
Келдинг бунда мени излаб,
Жароҳатда багрин тузлаб,
Кетарсан бўтадай бузлаб,
Баҳодирлар, савашайик.
Майдонга қилдим юришни,
Сизларга қилдим хуружни.
Рустамдай қилдим урушни,
Сизлар қилинглар туришни.
Ногоҳон гузарим тушди,
Олибман шундай бувишди,
Бу қайсар сенга етишди.
Майдонда кесарман бошди,
Ботирман, дарёдай тошди,
Сулатарман бунда лошди.
Бир-бириман кенгашди.
Баҳодирлар савашайик.
Сен келибсан саваш излаб,
Мен бўлганман майдон талаб,
Йўлиқмай баринг ўпкалаб,
Кел майдонга савашайик.
Муродхон дер:— Мени билгин,
Ёлғиз-ёлғиз булиб келгин,

Менинг урушимни кўргин.
 Биров қўрқсанг иков келгин,
 Қўрқмасанг майдонда тургин,
 Икков қўрқсанг тўртов келгин,
 Ҳозир менинг ўзим ёлғиз,
 Уруш қилай кеча-кундуз,
 Қулима теккан шундай қиз,
 Кел, ботирлар, савашайик.
 Менинг айтган сўзим билгин,
 Унта-унта бўлиб келгин,
 Менинг билан саваш қилгин,
 Қўрқсанг агар ёппа келгин,
 Кел полвонлар савашайик.
 Бу сўзни Муродхон айтди,
 Отни суриб яқин етди,
 Дев ҳали ҳам ухлаб ётди,
 Кел, ботирлар, савашайик.

Муродхоннинг бу сўзини эшитиб, Қирон шоҳнинг лаш-
 каридан бир ботир отлаиб, у ҳам келиб суриб, сафдан
 илгари чиқиб, Муродхонга баравар туриб бир сўз деб ту-
 рибди:

Биров қилиб сени аҳмоқ,
 Нега бунча лофлар урмоқ?
 Беҳуда элни кулдирмоқ.
 Бу сўзингдан ҳеч гап емас,
 Қоварбек сендан кам эмас!
 Нечовларнинг олиб жонин,
 Тукканман ерларга қонин,
 Сен бўлдингми менинг душманам?
 Мана урушсанг майдонинг,
 Ботир бўлсанг, кел майдонга,
 Зарбимдан дучор имонинг.
 Менам қилай сени сарсон,
 Танангни ер билан яксон.
 Менга ботди сенинг сўзинг,
 Тентак бўлиб юргин ўзинг!
 Унғай келиб ола қобсан
 Меҳнат қилмай шоҳнинг қизин.
 Беҳуда сўз аҳмоқ булар,
 Қиз деганни ҳар ким олар,
 Аҳмоқ одам кутарилар.
 Қон тўкнлар мана майдон,

Ботир майдонда айрилар.
Сен ўзингни осмон қилма,
Айтар сўзинг билмай турма.
Тагин ҳам лашкаринг борми?
Танҳо ўзинг зўравонми?
Сен ёлғизга мен ҳам ёлғиз,
Сенинг билан баробарман.
Сенга баҳодирнинг сўзи:
Қолса қолсин шоҳнинг қизи,
Сен ҳам бировнинг ёлғизи,
Аҳмоқ бўлиб кўп лоф урма,
Ғарибу ғуристон ўлма.
Умид тортиб олиб кебсан
Шоҳ қизини сарсон қилма.
Шу ишингман бунда турма!
Еш экансан — жабр кўрма!
Ёлғизсан, майдонга кирма!
Армон билан қўлимда ўлма!
Элу юртинг сабил қилма!
Қайт ҳали, майдонга кирма!
Хўб бир баҳодир номим бор,
Зарбимдан титрашар душманлар.
Гулистон шаҳарга бож берар,
Неча бир шаҳар, маконлар.
Не полвонларни ўлдирдим,
Шаҳарларни тобе қилдим,
Қирон шоҳдан инъом олдим,
Сен ўлдинг — майдонга кирдим.

Бу сўзни Мурод эшитди,
Ўтдаин тутаниб кетди;
Қамчи уриб бедов отга;
Қўл солиб кескир пўлатга,
Кўрингиз қайсар етишди,
Кўп сўйлаган валлоMATга.
Иккови майдонга кирди,
Қовар полвон найза солди,
Найзага шунқор рад берди,
Бу найзадан омон қолди.
Муродхон аччиги келди,
Қайтадан отини бурди,
Бу полбонга қилич солди,
Қилич билан сермаб ўтди.

Қиличига бу рад бериб,
От енбошига ўзини олди,
Муродга ханжар узатди,
Шундай бошга сипар тутди,
Сипар, қолқонини кесмай,
Дубулғага базур ботди.
Ботирлар савашиб ётди,
Лашкар тамоша кўрибди.
Муродхон найзасин олди,
Вақтин топиб найза солди.
Солган найза туйраб ўтди,
Кутариб лашкарга отди.
Кўринг шундай валломатни,
У полвон дунёдан ўтди.
Қарамай баланд-пастига,
Бу лашкар пайвастига,
От солди лашкар устига,
Чувиллаб от қўйди лашкар.
Карвон кучгандайин бўлди,
Юлдуз учгандайин бўлди,
Ҳар тарафни тўзон олди,
Куп лашкар жовлик от солди.
Муродхон ёлғизди, турди,
Ушлаймиз деб, бу интилди,
Ярашиққа тегиб ётир,
Еппалашар сатта ботир,
Ўлганлар майдонда ётир.
Муродхон дарёдай тошди,
Чапа раста кесиб бошди.
Қайтмай қилади савашди,
Қўрқоқлари йиғлаб қочди,
Ботирман майдонда турушди,
Бир аломат уруш бўлди.
Ўлик деган қийраб қолди,
Тоғ аскарин туман чолди,
Бир нечанинг ҳоли не бўлди?
Баҳодирлар қайтмай турди,
Шердай бўлиб урушда юрди.
Отлар чопиб алвон-алвон,
Шу сифатда бу Муродхон,
Бош кесар майдон ичинда.
Бедовда заррин айиллар,
Шабгам милтиқ, жазойиллар,

Тўп бузар майдон ичинда,
Тинмай оқар кўзнинг ёши,
Шулди Муродхон саваши,
Нечовнинг кесилди боши,
Сулаб қолди гавда лоши,
Бежой бўлди, бекнинг иши.
Майдонда хоннинг туриши,
Купга ёлғиз шулдир иши.
Қилич келиб алаб-ялаб,
Истар кўнглим қилар талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичилди майдон ичинда.
Бир нечалар кетар қочиб,
Ботир юрар жондан кечиб,
Остидаги минган оти,
Почасидан қонни кечиб,
Нечани найзаман санчиб,
Нечовларни босиб, янчиб,
Кўринг майдонда султонни.
Билмайди дусту душманни,
Бир нечага найза солди,
Бир хили отдан оғиб қолди,
Жазосини топиб қолди.
Нечовлар ерга йиқилиб,
Куп тупроқни қовуб қолди.
Бир неча қилар пушаймон.
Ёлғиз одам шундай қилган,
Ботирга-де уруш, майдон.
Номардларга қаттиқ булган,
Бир одам шундай иш қилган.
Баҳодирлар уртага олган,
Муродхонга найза солган,
Муродхон ярадор бўлган,
От қизувман билмай қолган.
Бу дунёни барбод этиб,
Хаста кўнглини шод этиб,
Майдонда отин тўхтатиб,
От қўйди тагин шу замон,
Остида Оқилшоҳ оти,
Кўлига теккан паризоди,
Мен ҳам Оқтош валломати,
Бизга теккан ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди

Учраса ёри қобил,
Ҳар маҳал ваъдадан тобил
Майдон бўлса тилла довул
Туяр майдонда Муродхон,
Майдонда кечади жондан,
Юз қайтармайди майдондан.
Мурод саваш қилиб ётди,
Бир нечаларни бўзлатди.
Тезлар энди минган отди,
Муродхонга тўғри бўлиб,
Куп ботирлар ўлиб кетди,
Нечовларни бу қулатди.
Қочганлари қочиб кетди,
Қочганларга қувиб етди.
Ботирин найзаман санчиб,
Нечовин шундай сулатди.
Тоб бермай бўлган савашга,
Қочаётир тоғу тошга,
Йўликқанди шундай шерга,
Қочиб кирар тўқай кўлга,
Урушда тоб бермас эрга,
Йўликқанди шундай зўрга.
Юролмас бу билан бирга.
От чопади овут-овут,
От қўйганда ярқиллайди,
Карк қуббалик олтин совут.
Биз билмаймиз мард ўғлонни,
Қай юртдан келган аждаҳор?
Шоҳнинг қизин излаб келиб,
Ҳалок бўлди куп одамлар.
Бунда турган ўлар, деди,
Танимайди юрган эрди,
Оқтошдан келган қайсарди,
Дуст қилиб деви Афсарди,
Олганди гажакдор ёрди,
Кунглидан кетган губорди,
Уйнашади майдонли кун,
Миниб Муродхон тулпарди,
Изиллатиб куп лашкарди,
Ҳар тарафга тўплаб олди,
Қўйга бўри теккандай бўб,
Нечовларга қилич солди.
Муродхон юрганди майдон.

Ерга тукилиб қизил қон,
Бедовларнинг тузонига,
Куринмайди еру осмон.
Ҳеч бир қайтмайди савашдан,
Тўғри келса, ўлар душман,
Қирон шоҳ бу ишни кўрди,
Муродхонга кўп тан берди,
Бу ҳам ёлғиз юрган эрди,
Кўп лашкарни ёлғиз қирди.
«Шу қизимни олган бўлса,
Менинг кунглимдаги бўлди,
Мурод-мақсадим топилди.
Танишиб билайин, кимдир»,—
Бу сўзни ўйлаб карнай тортди,
Шу замон чодирга етди
Урушиб ётган лашкар қайтди,
Муродхон манзилга қайтди,
Келиб кўрди паризодди,
Кўп терлатган Қора отди,
Ойимча қилиб хизматди.
Теккан ярани билмай Мурод,
Қизиқиб қибди ғайрат,
Унга текканди жароҳат
Кузи тушиб кўрди бунда,
Шу замон бундай паризод,
Бу майдонда ёлғиз юрган,
Ким ўлган, кимлар қолган,
Қизиқиб билмайди султон
Жони кузга куринмаган,
Улсам, қайтаман демаган,
Ер ишкида шердил бўлган,
Қирон шоҳи қойил қолган,
Ер қошига Мурод келган,
Унда дев дўсти билмаган,
Ҳали ҳам у ухлаб қолган,
Бекнинг урушин билмаган,
Чулда ўликни кўрмаган,
Ҳеч кимдан хабар олмаган,
Дунёман иши бўлмаган.
Шундай девман дўст бўб қолган,
Манзилига меҳмон бўлган,
Дилбар билан ҳамдам бўлган.
Ўз юртига султон бўлган,

Кўп лашкарни танҳо қириб,
 Ярадор бўлган билмаган
 Ёлғизман, деб кўпни писанд қилмаган.
 Душманга омон бермаган,
 Дўстга зарар етказмаган,
 Шоҳнинг қизин ақлин олган,
 Югуриб-елиб хизмат қилган,
 Омон келганди Мурадхон.
 Суяр ёрин янги кўрган,
 Бир-биридан кўнгли тўлган,
 Дилбар кўнглин хушлаб турган,
 Ярасини энди кўрган,
 Мард эканин ойим билган.
 Зарбидан кўп одам ўлиб,
 Майдон қилиб бунда келган.
 Бу гаплар кўнглида турган:
 «Кўпдир менинг қилган хатом,
 Бул майдонда омонмикан,
 Менинг учун келган отам?
 Бир-бирини сўрамаса,
 Таниб бир-бирин билмаса,
 Урушли кун аямаса,
 Ул ёв-да қараб турмаса,
 Бир-бирини сира кўрмаса,
 Сўраб у билан танишмаса,
 Бу майдонда дучор келса,
 Шундай кунда бўлур майдон.
 Тукилиб ётса қизил қон,
 Дўст-душманин билмаган,
 Бир-бирин англаб турмаган.
 Билса шундай қилармиди?
 Шундай ишлар бўлурмиди,
 Отасини аямаган?»

Ана энди шунда Қирон шоҳ урушни қўйдирмоқ ноғорасини чалдирди. Ногоранинг товушини эшитган ҳамма лашкар урушдан қўлини тортди. Улар ўз чодирларига келиб қўнди.

Қирон шоҳ амалдор, туғдор, сипоҳиларига буюрди:—
 Кўринглар, ким ўлган, ким қолган?— деди.

Сипоҳилар бу сўзни эшитиб, ҳамма аскарларни айла-
 ниб кўрди.

Бошлиқ-катталари ўлган одамларни йиғиб олди. Ярадор, жони борларни чодирга олиб келиб, дору дармон қилди. Ўлганларни йиғдириб кўмди. Шунда саркардалар бундай қиришни кўриб: «Бир одам шунча ишни қилади-ми?»,— деб ҳайрон қолиб, Муродхонга тан берди. Шундай қилиб, гаплашиб, ҳаммаси келиб ўз чодирга кириб ўтирди. Қирон шоҳга кўрган-билганларини айтди. Ҳаммаси Муродхоннинг қилган ишига қойил бўлди. Қирон шоҳ қойил бўлиб, Муродхонга элчи юбормоқчи бўлиб нома ёзиб турди.

Шундай қилиб турсин. Муродхоннинг ярасини Орзигул ойим кўриб, хизмат қилиб, ярасини дори йўқлигидан ювиб, бир латта билан боглаб қўйди. Шоҳнинг қизи шундай хизматни қилиб айланиб юрди.

Шу вақтда Афсар девнинг уйқуси битиб, ўрнидан турди. Муродхон билан фаланг отини кўрди. Муродхонни кўриб, вақти хуш бўлиб:

— Гулистон шаҳрига ҳали борганинг йўқми, дўстим?— деди.

Муродхон айтди:

— Гулистон шаҳрига бориб келдим, шоҳнинг қизини олиб келдим. Мамлакат юртларини билиб келдим, кўп ишларни қилиб келдим!— деди.

Бу сўзни эшитиб Афсар дев:

— Мен кўп ухлабман-да. (Сен) бора солиб қайтибсан, Гулистон шаҳридан ҳаялламай қайтибсан. Ишинг ўнг келган экан, йўлинг яқин бўлган экан, шоҳнинг қизи ҳам йўлга чиқиб турган экан,— деб ул дев қаддини ростлаб, ўрнидан туриб, Муродхоннинг найза теккан ярасини кўриб, дору дармон қилиб туриб, кўзи шоҳнинг қизига тушди. Бу дев қизнинг жамолига ошиқ бўлиб, Қўҳиқоф мамлакатидан келиб, шу ерда макон қилиб, Орзигулнинг унча-мунча хизмати бўлса қилиб юрарди. Кўнглида фикр қилиб айтди: Дўст отини тутганман, худони ўртага солиб дўст бўлганман. Бу қизни мен олмасам дўстим олибди. Менинг энди олар вақтим ўтди, кўп қилганман бу билан шартди. Шунда Муродхонга қараб, Афсар дев бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Кўҳиқоф юртидан бунда келганман,
Ўртачўл манзилда қўрғон солганман.
Сендан бурун мен ёрингни кўрганман,
Сенинг ёринг учун шунда турганман.

Жамолини кўриб ошиқ бўлганман,
 Гулистон шаҳрига неча борганман,
 Гулистон чулларин бўстон қилганман,
 Энди олдинг, дўстим, сенга берганман,
 Мен ҳам сенинг хизматкоринг бўлганман.
 Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
 Сўлган гулга булбул келиб қўндими?
 Борганингни Қирон шоҳи билдими?
 Билса ҳам бир парвойи қилдими?
 Бунда келиб подшо қизин кўрдими?
 Бу сенинг олганинг маълум бўлдими?
 Шоҳнинг қизи сенга кўнгил қўйдими?
 Ер устида қаттиқ саваш бўлдими?
 Хабар бер, орада одам ўлдими?
 Бир-бирингни билмай уриш қилдингми?
 Сенга айтай кўнглимдаги боримни,
 Яхши олиб кебсан зулфакдорингни,
 Кўнгилдан чиқариб чер-губорингни,
 Билдирайин газнадаги заримни,
 Томоша қил, дўстим, анжомларимни,
 Табладаги турган тулпарларимни,
 Таг заминда ўшшатган жойларимни.
 Муродга Афсар дев бу сўзни айтди,
 Муродхон ҳам девнинг сўзин эшитди,
 Муродхоннинг ушлаб қўлидан тутди,
 Ичкари маконга бошқариб кетди.
 Ҳарна борин, давлатини кўрсатди,
 Жон аяшмас бўлиб шундай дўст тутган,
 Анжомдор Афсар дев йиғиб ётган,
 Ҳар на борин Муродхонга кўрсатган.
 Кўрсатди ул макони, юртларини,
 Исфиҳони кескир пулатларини.
 Кўрсатади бисотида борини,
 Тамошо қилдириб кирдикорини.

Бу маконларини Афсар дев кўрсатиб, тамошо қилди-
 риб (юрди). Афсар дев Муродхонга хизмат қилиб, кўйлар
 сўйиб, шўрвасига тўйиб, гуштини пишириб, корсонга со-
 либ, Муродхоннинг олдига қўйиб, кўп зиёфат қилиб, Му-
 родхонни сийлаб ташлади.

Шу вақтда Қирон шоҳнинг элчилари нома олиб келиб
 қолди. Келганлар сипойи табиат одамлар эди. Муродхон
 буларни танимади.

Қирон шоҳнинг бу ерда қизининг брқасидан қувиб келиб қушин қилиб ётганини Афсар дев билмас эди. Бу девнинг маконига бундан илгари одам насли келмаган эди. Афсар девнинг кўзи [буларга] тушиб: «Булар қандай одамлар экан? Ҳисоби етган, куни битган, ажали етган, қон тортиб келган экан»,— деб ўрнидан туриб, буларга рупара бўлиб, бир сўз сўраб турган экан:

То улгунча сўйлаб қолган тил бўлсин,
Узундир-қисқадир тунинг мўл бўлсин,
Куни битган одам, сенга йул бўлсин,
Ўз юртингда менинг номим биласан,
Ажал ҳайдаб қай шаҳардан келасан?
Бу манзилга қандай тўғри бўласан?
Афсар дев қўлида сен ҳам ўласан.
Шаҳарингни, юртингни олдим туман?
Мен ҳам сенга сира бермайман омон.
Сен қутилиб кетолмайсан қўлимдан,
Қон тортиб келдинг ўсган элингдан,
Айрилдинг, одамзод, сен манзилингдан.
Қабо фалак кунда алвон дўнасан,
Хилидан айрилган ғариб сўнасан.
Гулни кўрсанг, сен ҳам бир кун қўнасан,
Одамзодсан девга емиш бўласан,
Девдан қўрқмай қандай бунда келасан?
Хабар бер, одамзод, қайдан бўласан?
Ҳали мен билмайман сенинг ишингни,
Тукарман қўзингдан селоб ёшингни,
Кесарман танангдан сенинг бошингни,
Одамзодсан ерман сенинг гўштингни.
Хабар бергин менга бу юришингни,
Ростин айтгин, қай шаҳардан бўласан?
Қандай шоҳнинг хизматини қиласан?
Ростин дегин, армон билан ўласан.
Юришингга мен ҳам ҳайрон қолибман,
Одамнинг гўштига толиб бўлибман,
Ҳозир, дўстим — одам, ҳурмат қилибман,
Шул сабабдан мен ҳам сўраб турибман.
Ҳеч одамзод бу ерларга келмайди,
Келган қайтиб ўз юртини кўрмайди,
Сендайларни ўлдирмасам бўлмайди,
Сенларни емасам кўнглим тўлмайди,
Хабар бер, одамзод, қайдан келасан?

Уяла, энди ширин жонинг қолмайди,
Афсарнинг жойида одам бўлмайди.

Бу сўзни Афсар девдан элчилар эшитиб, сирру аҳво-
лини билдириб, бир сўз айтиб турган экан:

Отга солиб арпа билан ийирни,
Қор ёққанда қарвон солар чийирни,
Бизни сенга Қирон шоҳим буюрди.
Бизни сўрсанг, Гулистондан келамиз,
Ўртачўлда кўп жабрни кўрамиз,
Савашли кун биз азобда қоламиз,
Кирон шоҳдан келган элчи бўламиз.
Шовқинга иргийди араби тулпор,
Бир неча кўрмакка ани интизор,
Гулистон шаҳрида ўсган маконлар.
Бизлар бўлиб келдик шоҳга хизматкор,
Қирон шоҳнинг сенга айтар арзи бор.
Қўлидан олдирган ёлғиз қизи бор,
Кўп йиғлайди ғамли қулла зор-зор.
Бизлар — элчи, шоҳнинг берган хати бор.
Қиргин топиб қолди чўлда кўп лашкар
Яшиндай қуйилиб борди бир шунқор,
Ғайратидан ўлиб кетди полвонлар.
Билмади лочиннинг қилар ишини,
Ёлғиз бориб қирди қанча кишини,
Қирон шоҳим сендан сўрар лочинни.
Болам, — дейди ёлғиз қизин, қарайди,
Дарагини топмай шоҳим йиғлайди,
Ҳар шаҳардан сўрогини сўрайди.
Қизин йўқлаб қовогини уюбди,
Бор кучини билагига йиғибди,
Элу халққа шундай хабар қилибди,
Амалдорлар бари йиғилиб келибди.
Қизим, — деб сўраса, жавоб берибди,
Биров билиб, биров билмай қолибди,
Осмонда учиб биров борибди,
Оти ёғоч, пўлат мурват қилибди,
Шу шаҳарда кўп айланиб юрибди,
Армон билан сўнгра банди бўлибди,
Шаҳар халқи кўп йиғилиб келибди.
Дор остида барча одам кўрибди,
Ўлдиролмай жаллод ҳайрон қолибди.

Армон билан қирқ жаллод ҳам ўлибди,
 Одам бари шундан гумон қилибди,
 Подшонинг қизини шуйтиб олибди,
 Қизин йўқлаб Уртачўлга келибди,
 Биров бориб кўп одамни қирибди,
 Ҳозир шоҳим дилтанг бўлиб турибди.
 Босиб келолмайди, элчи юбориб,
 Қирон шоҳим шуйтиб арза қилибди.
 Қирон шоҳнинг сенга арзи-доди бор,
 Бизлар — элчи, подшо берган хати бор,
 Элчига ўлим йўқдир, хон Афсар!
 Элчини ўлдирмоқ қандай гап бўлар?!
 Хат келтириб, хизмат қилдик, муқаррар,
 Хатни бериб, билиб кетмоқлик даркор.
 Юришимни сен кўнглингга олмагин,
 Шумлик қилиб хаёлингни бўлмагин,
 Мард бўлсанг, номарднинг ишин қилмагин,
 Элчиларнинг тандан бошин олмагин.
 Ўқитиб кўр, Қирон шоҳнинг сўзини,
 Билса тўй қиб берар у ҳам қизини,
 Ўлдирмагин элчиларнинг ўзини.

Элчилар бу сўзни айтиб, хатни чиқариб Афсар дев-
 нинг қўлига берди. Афсар дев олиб:— Бу нима?— деб
 Муродхонга берди. Муродхон ўқиб кўрди. Хатда: шундай
 тайин қилибди. «Бир одам келиб, ўзини билдирмай, маъ-
 лум қилмай, кўп баҳодирларни ўлдириб, ҳолимиз танг
 бўлиб, қандай одам эканини билмай ҳайрон қолиб, у одам
 Афсарнинг маконига бориб, бизлар Афсар девдан гумон
 қилиб, қизимизни сўраб, бу нима воқеа, қизимиз қаёқда,
 ким олиб кетганлигини билмай сиздан сўраб турурмиз!»—
 деб ёзиб юборибди. Унда шунча иш қилганини Муродхон
 қизиқ билан билмай қолган экан. Бу хатни ўқиб кўриб,
 анча шердил бўлиб: «Елғиз ўзим кўпнинг ишини қилиб,
 шоҳнинг қанча полвонларини ўлдириб келган эканман»,—
 деб Муродхон кутарилиб: «Шунча иш ўтгунча ҳеч бир
 одам сиримни билмабди, «э фалончи-да», демабди, тавак-
 кал худога, деб юришим менга фойда қилибди»,— деб бу
 сўзни айтиб, Афсар девга билдириб, Қирон шоҳнинг хати-
 га жавоб қайтариб, шу хатни ёзди:

Номард билан суҳбат қурманг ҳар ерда,
 Сирин айтиб ҳарна ҳолин билдирар.

Азаматлар олмас бойлар дастига,
Нодон билан борманг душман устига,
Қия чопиб ҳарна ҳолин билдирар.
Бебаҳра гиёҳдан яхшидир япроқ,
Муҳаббатсиз гулдан ортиқдир тупроқ,

Беақл йўлдошдан яхшидир таёқ —
Қур кишига юрар йўлин билдирар,
Дўстим Афсар англамайди, улдирар,
Хату хабарингни бу дев на билар?
Бу сўзларни айтиб энди Муродхон:
Бу ҳимматни бизга бергандир Раҳмон.
Беҳуда бўлмасин шоҳинг саргардон,
Қайтиб бориб турсин, жойи — Гулистон.
Хат қилибди бу Афсар дев душмани,
Девдан ақл сурамоқлик бемаъни,
Турмай кетсин бундан Гулистон хони.
Муродхонман — Оқтош элнинг султони,
Оқтош юрти — шоҳ қизининг макони.
Гаранг бўп юрмасин Гулистон хони,
Афсарни дўст билса, чўлдир макони,
Беҳуда хаёлин нодон бўлмасин,
Қизим, — деб, Қирон шоҳ хафа бўлмасин.
Оқтош элдан излаб келиб ёримни,
Қизи кўрар бориб Оқтош шаҳримни.
Йлгари Оқтошда бирга юрганман,
Қизин тўйлаб, никоҳ қилиб олганман,
Бир гапман қочириб бунда келганман.
Афсар девни ўз йўлимга солганман.
Шундай қилиб шоҳ қизини олганман.
Кетсин Қирон шоҳинг, хафа бўлмасин.
Шоҳ эшитсин Муродхоннинг сўзини,
Дўст билмасин Афсар девнинг ўзини.
Бундан буён изламасин қизини,
Мен олганман Орзигулнинг ўзини,
Муродхон қўймайди сарви нозини.
Мен ҳам турмай, энди Оқтош қайтаман,
Билган сўзларимни хатда айтаман,
Мендан ёрдам шулдир энди шоҳингга:
Афсарга кўп сўзни айтиб қайтаман.
Афсар девни ўзига дўст билмасин.
Вақтин топса, бу дўстликни қилмайди,
Афсар девнинг етагига юрмасин,

Девдан қўрқиб, бундай сирни бермасин.
Афсар дев сўйласа сира кўнмасин,
Девмисан деб уни писанд қилмасин,
Хуп уйласин, билганидан қолмасин.
Муродхон дер, шулдир айтган сўзларим,
Қолмасин юракда гаму армоним,
Шулдир шоҳга айтган менинг паёмим.
Элчидан берайин тўғри каломим.

Бу хатни келган элчиларга ўз хатига қўшиб берди. Нима гап эканин билмай, элчилар бу хатни қўйнига солиб қайтди.

Муродхон элчиларни «Хуш келибсиз!» деб жунатди. Элчилар шоҳнинг қизини ҳам кўрди, бир оз Орзигул ойим ҳам Муродхон билан бирга шу ерда димоғи чоғ бўлиб, ўйнаб-кулиб ўлтирибди. Буни кўриб, таниб, шоҳнинг қизини ҳам шу ерда эканини билиб, элчилар қайтди. Муродхон элчиларни иззат-икром қилиб қайтариб, ўзи Афсар билан ўтириб қолди. Шунда элчилар Қирон шоҳнинг қошига бориб, салом берди. Қирон шоҳ:— Нима гап, нима хабар олиб келдиларинг?— деб сўради.

Элчилар айтди:— Бизларни Афсар дев кўп қўрқитди. Баччағарнинг феъли озди, оз бўлмаса еб қўяёзди. Сиз битган хатни қўлига бердик. Ақлимиз шошиб, нима деганини ҳам тушунмай қўрқиб қолдик. Лекин қизингизни ҳам шу ерда кўрдик. Олдида ажаб суратли бир йигит ўлтирибди. Қадди-жасадига қарадик: қараганини қўрқитган, ушлаганини беркитган, зуваласи тошдан ўтган. Бизлар билмай юрган эканмиз, ҳар мамлакатга ҳам донғи кетган экан. Афсар девни ҳам қўрқитган, ўз йўлига солган, ҳар нима деса, шундай зўр дев эрбанглаб хизмат қилган, югуриб айтганини қилган, ул йигит бир хат битиб, сизнинг хатингизга қўшиб берган. Лекин қизингиз ҳам жаҳон мулкидан кечиб, ўшани ихтиёр қилган, у билан юрганига димоғи чоғ бўлган. Бир нима топиб олгандай бўлиб қолган. Иккови бир-бирининг айтганига кирган, ўйнаб-кулиб, яхши бўлиб, ҳеч нимадан хабарсиз, ўз вақти хушлигини кўрар экан. Шу йигит бу хатни ёзиб берди,— деб Қирон шоҳнинг қўлига [хатни] чиқариб берди.

Қирон шоҳ индамай хатни ичида ўқиб кўрди. Ҳар нима деганини билди. Меҳрибончилик қилганини кўриб, шоҳнинг вақти хуш бўлди.

— Бу нима гап экан?— деб сипоҳилар сўради. Қирон

шоҳ:— Бир яхшилик хат!— деб билдириб. сипоҳиларга қараб бир сўзни айтиб турган экан:

Оқтош хони бизга куёв бўлибди,
Нома ёзиб, меҳрибонлик қилибди,
Афсар девни ўз йўлига солибди,
Бу сўзни номада маълум қилибди.
Қизим Оқтош юртига кетмоқ бўлибди,
Ўзи бориб, унда бирга юрибди,
Илгаридан йўлиқишиб кўрибди,
Аигламай бизларни душман билибди.
Савашли кун кўп одамни қирибди,
Шу ишига кўп уялиб қолибди,
Иzza бўбди, хатда маълум қилибди,
Қизимни олибди Оқтош султони,
Дуст бўлибди Афсар девдай душмани,
Энди йўқдир шоҳингнинг пушаймони,
Не зўрларни уриб додин берибди,
Асли шердир, йўлбарс излаб келибди.
Шундай қилиб, Орзигулни олибди,
Энди Оқтош юртга қайтмоқ бўлибди.

Давлат қунса ундай эрнинг бошига,
Афсар дев хизмат қилар қошида,
Қойил булдим мард йигитнинг ишига,
Омон-эсон борсин тенгу тушига.

Шундай сўзни хатда маълум қилибди,
Сўйлаган сўзидан кўнглим тўлибди.
Шукур қилай, менинг қизим олибди,
Энди менда нима армон қолибди?
Амалдорлар, энди қайтиб жунайик,
Беклар, энди қайтиб элга борайик,
Омон-эсон бўлиб юртда турайик,
Гулистон шаҳрини обод қилайик.
Хон сўзига кўнглинг тўлсин, халойиқ.
Бирга-бирга энди элга жунайик.
Омон бўлсин Оқтош қайтар фарзандим,
Қайта бошдан обод бўлсин бу юртим,
Кўпдир менинг шундай хондан умидим.
Гулистон шаҳрини сураб тураман,
Ҳар кеча уларни дуо қиламан,
Қайтинг, беклар, Гулистонга бораман.

Юрагимдан кетди гуссаи доғим,
 Обод бўлсин юртда боғу чарвоғим.
 Минайин сувора бу тубичоғим.
 Қайтинг, беклар, Гулистонга борамиз,
 Битган хатин бунда ўқиб кўрамиз,
 Бу сўзни эшитиб кўнгил тўлади,
 Энди қайтинг, ўсган юртга борамиз.
 Сузима қулоқ солинг, саркарда беклар,
 Бу сўзимни билгин энди мухтасар,
 Лашкаримга юриб бергайсан хабар,
 Элга қайтсак бунда турган амалдор.
 Бундай бўлиб чўлда турмоқ не даркор?
 Бизлар билан юриб ҳамдам бўлганлар,
 Гулистон шаҳрига бориб кирайик,
 Хабар шулди энди бундан жунайик.
 Бу сўзларни айтди у замон шоҳи,
 Олдида бор эди сонсиз сипоҳи.
 Эсига тушди-ку у манзил жойи,
 Булар бўлган илиқ гапнинг гадойи,

Шоҳнинг бу сўзини эшитиб ҳамма турган сипоҳилар ҳар қайси ҳар мамлакатдан келган, шоҳнинг хизматида турган, айтганини қилган, даркор бўлиб, чақирса келган, бир нечаси ўлган, бир нечаси қолган, бир нечаси ярали, ярадор бўлган. Табиб топганлари дори қўйган, яраси ёмонроғи ўлган, бир хили тузалган, юрмоққа, отга яраб қолган. Ҳаммаси ҳам Муродхондан қутилиб кетмоқни ихтиёр қилган. Уэлари ҳам Қирон шоҳни ташлаб кетолмай, ноилож қочиб кетаридан уялиб, Қирон шоҳнинг юзига қараб турган. Уэларининг ҳам ҳоли жуда танг бўлган экан. Қирон шоҳнинг бу сўзини эшитиб ҳамма сипоҳилари, амалдорлари Қирон шоҳнинг олдидан чиқиб уз чодирларига бориб «куч!» деган карнайни чалиб, унинг амри билан ҳаммаси чодир чаманларини бузиб, қуртдай қимирлаб, юртни тўзон тутиб, чодирларини бузиб, ҳамма лашкарга Қирон шоҳ бошлиқ бўлиб бу чўлдан жунаб йўл тортди. Шу юришда бир неча кун, бир неча ой орадан ўтди. Қирон шоҳ эсон-омон уз шаҳрига бориб кирди. Ҳар юртдан келган сипоҳи, амалдорларга жавоб берди. Улар ҳам уз юртларига кетдилар.

Қирон шоҳ қизини олиб келаман деб, қанча қўшин, ботирларидан айрилганига хафа бўлиб, хафа бўлса ҳам: «Қизим Орзигул яхши, узига тенг подшоҳни топиб олибди,

бу менинг қўлнимда бўлганда ҳам охири бировга тегиб, эр қилар эди. Ҳар нима бўлса ҳам яхши, ботир, баҳодир, ўзига яраша куёв топиб олибди»,— деб Орзигул қизи билан Муродхонни дуо қилиб ётди.

[Қирон шоҳ] кўрган-билганларини урдасига бориб ойимларига айтди. Улар ҳам Қирон шоҳдан бу гапларни ашитиб, димоғи чоғ бўлиб:— Яхши бўлибди. Ундай бўлса, бизлар, номаълум бир одамга тегиб, бир ёмон билан кетдими? Ё бир дев олиб қочиб кетдими?— деб хафа эдик. Ундай бўлса яхши бўлибди. Қирон шоҳга қуллик бўлсин!— дедилар.

Қирон шоҳнинг келганини Орзигул ойимнинг қирқин канизлари эшитиб, булар ҳам Қирон шоҳга саломга келиб, Қирон шоҳ уларга ҳам Орзигулни Муродхон келиб олганини айтди.

Канизлар ҳам бу сўзни эшитиб, димоғи чоғ бўлди. Элда битта-яримта бирга юрган, Қирон шоҳнинг суҳбатини кўрган кишилар ҳам келиб, шоҳга кўриниш бериб, булар ҳам шоҳдан сўради. Буларга ҳам ўтган сўзларни Қирон шоҳ айтди. Булар ҳам «Бинойи бўлибди»,— деб шоҳнинг кўнглига қараб, «яхши-яхши» деди. Қирон шоҳ Гулистон шаҳрини сўраб ётди.

Энди навбат Афсар девга етди. У Муродхонга қараб бу сўзни айтди:

Ёр ишқида кўп юргансан чўлларни,
Олдинг, тақдир тортиб, шундай дилбарни,
Бу табладан сайлаб мингин тулпарни,
Тамоша қил манов ётган кўлларни.
Бунда келиб билмай кетма хабарни,
Кўрсатайин ўзим турган шаҳарни,
Ҳали кўрганинг йўқ баланд тоғларни.
Менинг билан, дўстим, ҳамдам бўларсан,
Ёринг турсин, бирга-бирга юрарсан,
Эрта қайтсанг, кечга қолмай келарсан.
Кўриб қайтгин деғу макон, йўлларни,
Бир ерларга сени олиб борайин,
Борсам, кечга қолмай тагин келайин,
Подшо бўлган юртларимни кўрайин,
Дев, парини сенга маълум қилайин.
Шу қиз жамолини кўриб келганман,
Аҳмоқ бўлиб бунда макон солганман.
Неча вақтлар бунга хизмат қилганман,

Мен ҳам ўз юртимга кетмоқ бўлганман.
 Ер ахтариб кўп тортганман зулмни,
 Бирга бориб кўргин менинг элимни,
 Кўрсатаман сенга деуу паримни,
 Подшоликда турган анжомларимни,
 Кўҳнқоф юртида шаҳарларимни,
 Мен сузладим кўнгилдаги боримни.
 Кеб қоласан қуйиб кетсанг ёрингни.
 Мен учарман, бедов миниб кетарсан,
 Бир соатда неча тоғдан утарсан,
 Мен турган шаҳарга шунда етарсан.
 Адади йўқ девлар менга хизматкор,
 Тамоша қиб кўриб кетмоғинг даркор,
 Афсар девнинг сенга сўзи шу бўлар,
 Бизнинг элда қизу жувон мўл бўлар,
 Айланиб турибди неча шаҳарлар,
 Бизнинг юртнинг айёрлиги шу бўлар,
 Бирга бориб кўриб қайтмоғинг даркор.
 Одамзод наслидан биров бормаиди,
 Девлар у одамзодни кўрмаиди,
 Одамзод борини кўпи билмаиди,
 Одам деганингни писанд қилмаиди.
 Бизлар билан шунда бирга борасан,
 Кўп девларни хўп тамоша қиласан,
 Кўрганиннг юртингга айтиб борасан,
 Ҳар майлисда сўзлаб таъриф қиласан,
 Юргин, дўстим, кечгачайин келасан.
 Сенга шунда хўп яхшилиқ қиламиз,
 Кечгачайин дўстим бориб келамиз.
 Сен жунайсан, биз ҳам нима қиламиз!
 Тариқин шаҳрима биз ҳам борамиз,
 Девларнинг сардори булиб турамиз,
 Келгандан сўнг, дўстим, жавоб берамиз,
 Юргин дўстим, бирга-бирга юрамиз.

Бу сўзни Муродхон эшитиб, Афсар девга қараб бир
 сўз деб турибди:

Элдан чиқдим, бундан кўп кун ўтибди,
 У юртим эсимга тушиб ётибди,
 Шаҳаримда биргаиди қадрдон беклар
 Ҳозир безгадир Оқтошдай шаҳар.
 Фарзандим,— деб энам йиғлаб зор-зор,

Фарзандим деб, улар йўлга интизор.
Бошқа юртда сарсон бўлмоқ не даркор?
Қўлимга теккандир Орзигул дилбар,
Кунда йўлга қараб мунгсайиб беклар,
Худайчи, ясовул қанча амалдор,
Менда бордир бедов минар навкарлар,
Энди туриб бундан кетмоғим даркор.
Ёрим излаб муродимга етарман.
Дилбар ёрни мен ҳам олиб қайтарман.
Кеча-кундуз куп йўлларда юрарман,
Хунхор дарёсидан ўтиб қўнарман.
Ўлмасам Оқтошга бир кун борарман,
Оқтош бориб тахт устида турарман.
Кўп хизматлар қилдинг, эсга оларман,
Туз-насиба тортса, излаб борарман.
Тариқин шаҳрингни шунда курарман,
Ҳозир жавоб шулдир, элга жўнарман.
Сен эшитгин менинг айтган зоримни,
Сунгра кўрай мен ҳам сенинг шаҳрингни,
Тамоша қиларман, девлар, барингни.
Ҳозир эгарлайин бу тулпаримни,
Олиб қайтай энди суяр ёримни,
Кўнгилга олма, чиқарган губорингни.
Бизни билсанг бундан кетиб борармиз,
Сайр этиб дунёини даврин сурармиз.
Насиб бўлса, Оқтош юртин кураармиз,
Жавоб бергин, дўстим, элга жунаармиз,
Афсар дўстим, мени номард билмагин,
Бормади деб, мендан гина қилмагин,
Менинг сўзим сен ҳам оғир олмагин,
Зинҳор, дўстим, Гулистонга бормагин.
Қирон шоҳ юртига зарар қилмагин,
Менинг бу сўзимни ҳазил билмагин,
Менинг сўзим қулоғингга олгайсан,
Курсанг Қирон шоҳга раҳбар булгайсан.
Дўстингнинг тайинин, дўстим, билгайсан.
Бебош юрган девни йигиб олгайсан,
Бек дўстингнинг ҳурматини қилгайсан,
Айтган сўзин қулоғингга олгайсан,
Бу сўзларни сенга айтди Муродхон,
Қирон шоҳга сира бўлмагин душман.
Ул ҳам бизман томир бўлди мусулмон,
Бунда турмай кетай энди бу замон,

Худо қилди сен ҳам бўлдинг меҳрибон,
Омонда бул, анди кетар Муродхон.

Афсар дев Муродхондан бу сўзни эшитиб:— Дустим, сен ҳадаҳа қайтмоқчи бўлибсан. Борсанг яхши буларди. Бормасанг анди ўзинг биласан!— деб бари нарсаларни йиғиштириб: Сен кетсанг, мен ҳам кетаман, мен бир илинж билан келиб эдим. Гулистон шаҳарига яқин экан, бориб-келиб турарман деб эдим. Энди кетсанг мен бу ерда нима қиламан? Ўз юртимга бориб Тариқин шаҳримни сўраб тураман. Беҳуда аҳмоқ бўлиб бу ерда нима қиламан? Элимга бориб катталик қилиб юраман. Бориб давлатимга мен ҳам ага бўламан. Сен керакли нарсалардан олганингча ол! Хоҳлаб, менинг тулпоримдан бировини сайлаб ол. Жунамоқ бўлсанг яхши бор. Ихтиёр ўзингда!— деди.

Муродхон Афсар девга айтди:

— «Ўзи йўқнинг кузи йўқ» деган гап бор. Сен ҳам бизнинг ёрга хуштор бўлган экансан. Мен кетгандан сўнг: «Мени қўйиб, қизингни Муродхонга бердинг»,— деб таадди қилиб, Қирон шоҳни гуноҳкор қиб юрма! Ҳарна бўлса айтадиганингни айт, менинг сўзимни ҳазил билма! Ҳеч бир таадди қилма. Кўнглингда оғир олма!— деди.

Бу сўзни эшитиб Афсар дев айтди:

— Менинг кўнглимда ҳеч бир гина йўқ. Мен ўз юртимга бораман. Шунда ҳам сени эсимга олиб юраман. Сендан умид қиламан. «Келар» деб кунда йўлга чиқиб қарайман. Нима яхшилиқ бўлса, сенга хабар қиламан. Мендан ҳеч гуноҳ ўтмас, дўстлик ҳаёлимдан кетмас,— деди.

Бу сўзни Муродхон эшитиб дўстидан кўнгли тўлиб, иккови бир-биридан рози бўлиб, Муродхонга дев бир тулпар от берди.— Дўстликнинг нишони шу, дўстим, бу отни сенга бердим, миниб кет!— деди. Дев у ёқ-бу ёқда юриб мол-дунё жийиниб қолган эди. Йиғилган аслаҳалардан яхши сарполар берди. Яроқ турган манзилга олиб кирди.— Биздан сенга нишона, ўзинг яхши пулат асбоблардан танлаб ол,— деди. Муродхон девларнинг устаси ишлаган, заҳарнинг сувини ялатган бир пулат исфиҳон, тиниқлиги томни ёруг қилиб турипти, шу яроқни Муродхон хоҳлаб олди.

Дев шоҳнинг қизига ҳам меҳрибонлик қилди:— Сенга ҳам даркор,— деб дурру жавоҳир, қиммат тошлардан берди.

Афсар дев:— «Орзигул ойим қўлимга тегса бераман»,— деб девларнинг ҳамма усталарини йиғиб қилдирган тилладан яхши қиммат баҳодан бўлган хотинларнинг баргак, исиргалари бор эди. «Дўстим, кўнглингга келмаса, буни ҳам сенинг ёрингга берайин, бу нарсаларни нима қиламан, бу нарсаларни ҳам сенинг юз-хотиринг учун бераман»,— деди. Тагин бир яхши тилладан бўлган сарпўтўнни Муродхонга, бир мурсакни Орзигул ойимнинг устига ёпди. Тилла узуклардан берди. «Бу буюмларнинг ҳаммасини, дўстим, девларнинг устасига қилдирган эдим»,— деди.

Бу дўстининг бунча қилган кийимларини Муродхон кўриб, «берган худога ёқипти» деб, ойими иккови Афсар девнинг сарполарини олди. Афсар девдан кунгли тулди. Шунда Муродхон билан Орзигул ойимни эргаштириб, таги:— Жўрам, дўстим, бу ёққа юринглар,— деб бир ернинг остидан ковлаб қилган бир томи бор экан, унга олиб кирди:— Дўстим бу менинг хазинам. Йўлда керак бўлар, сен уйланиб хотин олиб бораётибсан. Булардан ҳам ол! Сенга сепи-сириқ бўлар, қариндош-уруғларинг бўлса келар, «чечамдан бир нарса оламиз деб, умидвор бўлар. Шунда берарсизлар!»— деб куп ёқут, тилла узук, маржон, лаъл, дурларни кўрсатди.

— Каттасидан олсаларинг, сизларнинг юртларингда булардан кам бўлади, буни олинглар керак бўлади,— деб айтди.

Муродхон бундан чиқиб, бу дўстидан димоғи чоғ бўлди.

— Энди, дўстим, жавоб бер, кетамиз,— деди.

Дев:

— Унда жунасаларинг, мен ҳам жунайман!— деди.

Бу девнинг бундай дегани, бу дев паризод Орзигул ойимга хуштор эди. «Мен ахир Орзигулни олиб келиб, косагул қилиб юраман. Менга ҳар замонда ароқ-шароб сузиб берса бўлади?»— деб юрган эди. «Энди бу Орзигул бундан кетса, мен бунда қолиб нима қиламан. Ҳар нима бўлса, бу мен билан ошна бўлди, бунга берайин. Бу бўлмаса бу нарсаларни нима қиламан. Мен ҳам булар кетса кетаман, Тариқин шаҳарга бориб подшолик қилиб ётаман. Булмас иш бўлди. Орзигулни дўстим олди. Бу иккови қўша қарисин, ҳар нима бўлса бир замонда, мени булар йули тушганда, ўтганда-кетганда сўраб келар, менинг ишим тушса, мен ҳам сўраб борарман!»— деди.

Муродхон девнинг газнахонасидан чиқиб «энди жу-

наймиз», деб жавоб сўради. Ҳалиги дев берган оти тулпорини от-анжомлари билан эгарлаб шипириб, сидириб ҳамма анжомларини созлаб, тақиб, юганларини солиб бойлаб қўйди. Муродхон девнинг берган анжом-аслаҳаларини хуржунга солиб, Орзигул ойим ҳам эркакча кийиниб, киш телпак кийиб, шамшир пўлатни белига бўғиб, ҳусни илгаригидан ҳам зиёда бўлиб, созланиб, чоғланиб жунамоққа тайёр бўлиб турди.

Шунда Муродхон отланмоқчи бўлиб, дўстига қараб: «Дўстим, Қирон шоҳга бормагин, тагин азоб бериб юрмагин»,— деди. Афсар дев айтди: «Бормайман, сенинг юзингдан ўтолмайман, дўстим, меня жуда аҳмоқ билдингми? Бояги тайинлаганинг ҳам бўлади. Гап битта-да. Сира кўнглингга келмасин,»— деди.

Шунда буларни отларининг олдига олиб бориб, отини ушлаб, вақгини хушлаб отига миндирди. Эр-хотин иккови ҳам отига минди. Буларни отлайтириб, Афсар дев буларга қараб бир сўз деб турган экан:

Ойдаи тулган, дўстим, ёрингнинг юзи,
Сенга тақдир қилди Қирон шоҳ қизи,
Кўзлари ярқиллар — чўлпон юлдузн,
Устига кийгани тилла қирмизи,
Эл ободи, шоҳнинг қизи омон бўл!
Сенинг ҳуснинг кўриб банда бўлганман,
Ногаҳонда жамолингни кўрганман,
Подшоҳлик давлатин сабил қилганман,
Гулистон шаҳрига гузар солганман.
Неча йиллар пайровлигини қилганман,
Мен ҳам сенинг хизматкоринг булганман,
Сенинг учун ўз юртимдан келганман.
Уртачўлда макон қилиб турганман,
Ҳозир сени бек дўстимга берганман,
Гулистон ободи, дилбар, омон бўл!
Бундан кетдинг Оқтош элин сўроғлаб,
Мен қоламан бу манзилда куп йиғлаб,
Бек дўстим бир кун борса сўроғлаб,
Хизматим ҳурмати сен ҳам куп йўқла.
Ҳозир мен жунатай кўнглимни хушлаб,
Сени олиб кетар Оқтошга бошлаб,
Гулистондай бундай юртингни ташлаб,
Сизлардан айрилиб мен кўзим ёшлаб,
То кўргунча, шоҳнинг қизи, омон бўл!

Менинг бунда қолганимни биласан,
Хумоюндай бунда соя соласан,
Еринг билан Тариқинга борасан,
Дев, парини кўп сайл этиб кўрасан,
То кўргунча, Мурод дўстим, омон бўл!
Афсар дейди, қолди бу ерда бўзлаб;
Келасанми ўсган юртингни излаб?
Бир нечалар қолган бағрини тузлаб,
Турибсан остингда бедовни тезлаб,
Гулгун кийган шоҳнинг қизи, омон бўл!

Муродхон Афсар дев дўстидан бу сўзни эшитиб,
кўнглига оғир келиб қолди. Муродхон Афсар девга қараб
бу сўзни айтаяпти:

Афсар дўстим, нега бундай қиласан?
Бу сўзингга сен гуноҳкор бўласан,
Мен турганда ёрга сўзлаб турасан.
Об кетганим кўнглингга оғир оласан,
Шоҳ қизига сен ҳам ошиқ бўласан,
Бўлак хаёлларда инъом берасан.
Шоҳ қизиман розилашиб турасан,
Жуда ҳам дилбарнинг кўнглин оласан,
Сўз билмаган дўстим, қандай балосан?
Шу асингман не подшоҳлик қиласан?
Тариқинни қандай сўраб турасан?
Бир камфаҳм ўзинг аҳмоқ балосан!
Бу аҳмоқ сўзингга, дўстим, уласан,
Шоҳ қизига кулиб хизмат қиласан!
Сўз сўзлама, билсанг, шоҳнинг қизига,
Гап гапиргин, Муродхоннинг ўзига,
Бу ўртада бадфеъллик бўлмасни!
Хаёлингга бошқа сўзлар келмасин,
Тўғри сўзла, ҳеч бир гўбор бўлмасин.
Хотин тўғрисида бир гап келмасин.
Оқтош хони дейди, мени биласан,
Жамолини кўриб хуштор бўласан!
Гар қўлингдан келса, тортиб оласан!
Аҳмоқликдан нега савол қиласан?
Сўзни бундай сира лофин урмагин,
Мени ҳам ўзингдай аҳмоқ билмагин!
Шоҳнинг қизи мендай марднинг дилбари,
Мен ҳам бунда бир шаҳарнинг кўчқори.

Менга утди аҳмоқ девнинг сўзлари,
 Сузлаган сузидан йўқдир хабари.
 Мени писанд қилмай лофлар урасан,
 Тилинг тортгин, сен гуноҳкор бўласан!
 Аччиқлансам, армон билан ўласан.
 Бир худони сен ўртага соласан,
 Кашал бўлсанг, нега ҳам дўст бўласан?
 Дўст бўлиб аслаҳа-анжом берасан,
 Суз билмайин гап эшитиб турасан!
 Остимга миндирдинг шундайин тулпор,
 Менинг билан дўст бўлдинг сен дев Афсар.
 Зарбимдан титрайди неча шаҳарлар,
 Шоҳ қизнга сўзлаб, бўлма гуноҳкор!
 Яхшиликман айтган сўзим шу бўлар,
 Мендай беклар яхши сўзни ўйлади,
 Ёмонлик ишини шунқор тайлади.
 Киш телпакни кийиб дилбар бошига,
 Шунда дилбар шамшир пулат бойлади.
 Ҳусн бўлди бурунгидан зиёда,
 Қийғир деган қуш ўтирар қиёда.
 Мард йнгит майдонда ишин битирар,
 Номард одам сўзи ёмон келтирар.
 Бу сўзларни бежо айтдинг, дев Афсар,
 Эркак туриб, аёлга сўз недаркор.
 Бу сўзингга, дўстим, бўлдинг гуноҳкор!
 Дўстнингнинг мардлиги шудир — кечирар,
 Муродхоннинг айтган сўзи шу бўлар.
 Омонда бўл, дўстим, бўлма гуноҳкор!

Муродхондан бу сўзни Афсар дев эшитиб, уялиб, бир
 сўз айтиб турган экан:

Мен сўзладим, дўстим, огир олмагин,
 Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин!
 Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
 Дев деганинг гадак сўзли бўлади.
 Жон дўстим, кўнглингга огир олмагин,
 Бу сўзимдан сира хафа бўлмагин!
 Дев бўлсам ҳам мени номард билмагин.
 Инъом бериб, савлатингга қарадим,
 Мунглиғ деб, ёрингнинг кўнглин сўрадим.
 Сени мард йнгит-да, ўзи билар, деб,
 Сўйламасам, мунглиғ кўнгли қолар, деб,

Шундай десам, дўстим кўнгли тулар, деб,
 Нима бўлса, мендан кўнгли тинар, деб,
 Ул сабабдан ёринг кўнглин сўрадим.
 Аввал юрдим: Қирон шоҳнинг қизи, деб,
 Сўзладим дўстимнинг сарви нози, деб,
 Шундай десам дўстим мендан рози, деб,
 Бек дўстим, кўнглиннга оғир олмагин.
 Мен берарман ғазнадаги заримни,
 Топширганман бисотимда боримни,
 Кўтариб гапирдим дилбар ёрингии,
 Оғир олиб, дўстим, сенга не бўлди?
 Сен эшит бек дўстим айтган додимни,
 Шод-хуррам қилиб сендай мардимни,
 Дўстим деб берганман бедов отимни,
 Кўтариб гапирдим паризодингни.
 Омон-эсон бориб кўргин юртингни,
 Эгалик қил, уйнаб-ўсган юртингни.
 Жоим дўстим, мендан хафа бўлмагин,
 Мендан кўнглин оғриб йўлга кирмагин.
 Бир сўз ўтди мени номард биласан,
 Гулистон шоҳини тайин қилибсан,
 Дўстим сенинг ҳурматингни қиламан,
 Қизин олиб бундан кетиб борасан.
 Қирон шоҳга яхшилик қиб тураман,
 Сенинг ҳурматингни, дўстим, қиламан.
 Нима десанг айтганиннга кираман,
 Юр десанг, шаҳрингга, дўстим, бораман.
 Шунда хизмат бўлса, ўрин қиламан,
 Шунча сўзни сенга айтиб тураман.
 Кўп йиғлайди ғамли қўллар зор-зор,
 Бундан борсанг обод бўлар кирдикор,
 Афсар дўстинг сўзи сенга шу бўлар,
 Омон бўл, бек дўстим, энди яхши бор!
 Яқин бўлсин сенга у узоқ йўллар,
 Тахти равон бўлсин юрганда чўллар,
 Сендан хабар олсин қўл берган пирлар,
 Бу дўстингнинг сўзи энди шу бўлар.
 То кўргунча, жоним дўстим, омон бўл!

Бу сўзни Афсар девдан Муродхон эшитиб, унинг айтган сўзидан уялиб, қанча миннатдорлик қилиб, Афсар девнинг уялганини билиб, Афсар девга қараб:— Уялма дўстим,— деб бир сўз деди:

Оқ урганда кўздан туккан ёш энди,
Эсон булса, нелар кўрар бош энди.
Ўз юртим деб, бундан кетиб бораман,
Хизмат қилган Афсар дўстим, хуш энди.
Кўпдир сенинг менга қилган хизматинг,
Сенинг билан озроқ бўлди суҳбатим,
Эсимдан кетмайди ул ўсган юртим.
Остимга миндирдинг бир бедов отинг,
Баракалла, дўстим бўлди ғайратинг,
То кўргунча, Афсар дўстим, хуш энди.
Кеча-кундуз мен ҳам йўлни оларман,
Қилган яхшилигинг мен ҳам биларман,
Мен бўлмасам қайтсин сенга худодан,
Ҳамиша кўнглимга олиб юраман,
Сўзинг хато кетди, хафа бўлмагин,
Сен читиниб қовоғингни уймагин,
Нафсинг оғриб, мендан хафа бўлмагин,
Мен кетарман, Афсар дўстим, омон бўл!
Мен кетарман энди ёримни олиб
Кеча-кундуз усган юртим ахтариб,
Марол кезиб юрган тоғларни кезиб.
Мен кетган сўнг қолма кўнглингни бузиб,
Кетди, деб тагин ҳам умидинг узиб,
Қолган сўнг кўзингдан ёшингни тизиб,
Ўзингни абгор қилма бағрингни эзиб,
То кўргунча, Афсар, дўстим, омон бўл.
Насиб булса, дол бедовни еларман,
Нор кесар олмосни белга чоларман,
Хизматингдан вақтим хуш бўб борарман,
Не чулларни мен ҳам кезиб борарман,
То кўргунча, Афсар, дўстим, омон бўл!
Тепалар йиғилиб тоғ булмас,
Чангал йиғилиб бог булмас,
Гули райҳон боғда тоза гул булмас,
Кулнинг ҳам деволи булмас,
Кулдан том булмас,
Этакни кессанг енг булмас,
Азалги душман эл булмас.
Бир гапирдинг, дўстим, бўлиб шоғолмас,
Кечирдим, жон дўстим, кўнглима келмас,
Чулда юрган шоҳ кийикнинг,
Кўзидан бошқа яраси булмас,
Ҳар гап булса бир эгамдан,

Бандасида чора бўлмас.
 Кўп сўз айтдим, дўстим сенга,
 Хаёлингга ҳеч гап келмас.
 Белимга тақиб исфиҳон,
 Кезарман юриб кўп жаҳон,
 Сўз айтаман алвон-алвон,
 Кетади мундан Муродхон.
 Эшит, дўстим, Афсар полвон,
 То кўргунча, Афсар дўстим, омон бўл!
 Сенга етгай бу айтган сўз,
 Бизга йўлдош бу дилбар қиз,
 Мен кетарман, қолдинг ёлғиз,
 То кўргунча, Афсар дўстим, омон бўл!

Бу сўзни Муродхон айтиб, бир-бири билан хушлашиб, ўртадан гина-кудуратни ташлаб, иккови бир-бири билан омонлашиб-хушлашиб, Муродхон паризод ёри билан йўлга тушиб жунаб кетди.

Афсар дев то булар кўринмай кетгунча кейинидан қараб, кўнглини бузиб, кўзидан ёшини тизиб, юрак-бағрини эзиб, нам ерга бағрини бериб, хафа бўлиб, кунда хаёлни булиб, хаёлида Гулистон шаҳрида юргандай бўлиб, бир марта Гулистон шаҳарига ҳам бориб келди. Бу орада неча кун ўтди. Энди кўнгли сезиб Тариқин шаҳарига кучмакчи бўлиб ётди. Бунда қолган йиққанини маҳкам қилиб:— Тариқин шаҳардан хизматкор олиб келиб, олиб кетарман,— деб Афсар дев ҳам Тариқин шаҳарига жўнаб кетди.

Муродхон шу куни жунаб ёри билан йўлда бу сўзларни айтиб бораётибди:

Эшитгин бекнинг тилидан,
 Чикдик Афсар манзилидан,
 Қолмайик юрар йўлдан,
 Қутилиб девнинг қулидан.
 Ойдай бўлиб юзинг тулган,
 Муродхон дер ошиқ бўлган.
 Афсар дев жамолинг кўрган,
 У аҳмоқ дев сарсон бўлган.
 Жамолингни ҳурмат қилган,
 Сенга бир бедов миндирган.
 Афсар девга ҳийла қилган,
 Муродхонман бирга бўлган,
 Бедов отга қамчи урган,

Олис йўлга йўлдош бўлган,
Бу остида тулпор минган
Бошига киш телпак кийган,
Ёнбошига олмос олган
Йўлда бизга ҳамроҳ бўлган
Баҳодир сувратин қилган,
Эрта юр, қолмайик кечга,
Қойилмиз белда қиличга.
Қистанг энди, шоҳнинг қизи.
Интиқ қилманг жуда бизни,
Йўлларда айтамыз сўзни,
Худо берган сарви нози,
Юринг, энди, шоҳнинг қизи,
Уйнатинг тубичоқни.
От бошини қўйиб юбор,
Яқин қилмоққа узоқни.
Тай қилиб дашту даласин,
Кўриб айрилиқ балосин,
Билинг Оқтошнинг тўрасин,
Кеча-кундуз йўл юради,
Кўрсам,— деб элнинг қорасин,
Сувлуқ тишлаб уйнар оти,
Қабатида паризоди;
Келади бекнинг ғайрати,
Икковлари ўйнаб-кулиб,
Узаини бир-бирига уриб,
Гоҳ вақтларда аста юриб,
Гоҳда қичар отни уриб,
Боради чўлни тўзориб,
Кундуз юрса, оқшом ётиб,
Бир-бирига қўл узатиб,
Сўз сўзлайди бувишига,
Бу фалакнинг гардишига,
Койил бўб худо ишига,
Шўхлик қилиб қўл солади,
Ёрининг қордай тўшига.
Бошида понза рўмоли,
Ун тўрт ёшинда камоли,
От чопганда балқитади,
Тегса дўлбарнинг шамоли.
Шундай бўлиб чўлни олар,
Кўнглидан кетиб гўбор,
Хўрдай бўлиб бораётир,

Муродхонман шундай дилбар,
Муродхоннинг ақлин элтар,
Бу йулларда йўқдир хатар.
Боради шундай зўрабор,
Бирга булганди гажакдор.
Оламни гутиб шавкати,
Камчи урганда изгир чулда,
Афсар девнинг берган оти,
Бораётир ойдаи тўлиб,
От анжоми шай бўлиб,
Гоҳ ерларда тўлиб тошар,
Ёр жамолига бой бўлиб.
Муродхонда армон қолмай,
Юрагида дармон қолмай
Гоҳи қўнса, гоҳи юрар,
Чуллар гулистон кўринар,
Лайлидаин бўлиб дилбар,
Мажнун вақта ҳолин сўрар.
Кўринмайди тўқай, кўллар,
Ўтиб бораётир дилбар.
Ана ғайрат, ана ҳиммат,
Эгам бериб бизга давлат,
Қистаб юрингиз паризод,
Неча замон излаб юрдим,
Адашганман топиб олдим,
Олис юртга ҳамроҳ бўлдим,
Дардингдан кўп жабр кўрдим,
Неча вақт бўлдим овора,
Юрак-бағрим бўлиб яра,
Ишқингда бўлиб девона,
Мен сени олдим қувона,
Кийибсан гулгун қирмизи,
Ақлим олган ширин сўзи,
Пойтахтда даврон сурдик.
Билмай қолди қирқин қизи,
Аввал кўнгул берган ўзи
Жовдирайди жоду кўзи,
Ташлаб кетди сунгра бизни,
Қистанг, балли шоҳнинг қизи.
Кўплар интиқ қилиб бизни,
Қийқанглаган шоҳнинг қизи,
Бир-бирига ёқар сўзи,
Муродхонга тегишади,

Қирон шоҳнинг ёлғиз қизи,
Муродхонга купдир нози,
Оламга кетган овози.
Икковлари бирдай бўлиб,
Янги очилган гулдай бўлиб,
Чамандаги булбулдай бўлиб,
Паризод ҳам бораётир,
Ун тўрт яшар улдай бўлиб,
Муродхонман бирдай бўлиб,
Қулочлаб отин уради
Иккови ҳам эрдай бўлиб.
Бири бириман уйнашади,
Тоғдаги қулундай бўлиб.
Шундай қилиб баҳриг очар,
Остида мингани тулпор,
Парқинидан купик сочар,
Қушдай бўлиб чўлда учар,
Сувлуқ тишлаб олиб қочар,
Шундай бўлиб борар дилбар.
Чарчаганда ерга қунар,
Бир дам отига дам берар,
Қунган ерда уйнаб-қулар,
Овқатланиб, боз отланар.
Эли халқдан йўқди хабар.
Билинмайди юрган йўллар,
Гулзор бўлиб чўлу кўллар,
Кўнглида йўқди губор
Шуйтиб бораётир беклар.
Муродхонам шукур қилар,
Ўтиб кетди ёмон кунлар.
Бир-бириман ҳасрат қилар,
Куп қадирдон бўлиб булар.
Бир-бирин айтган сузин,
Кўнглига оғир олмайди,
Ўйин-хазилин қўймайди,
Йўл юрганини билмайди,
Бораётир от чопишиб,
Ҳеч кимман иши бўлмайди.
Кузга тушмай соғу суллар,
Кўринмас ҳеч манзиллар.
Бораётир иккови ҳам
Бир-бирига жону диллар.
Шулдир Муродхон роҳати,

Олган ёрнинг қуввати,
 Бошидан кетган кулфати,
 Бедови бўлди қаноти.
 Тоза вақти хуш буб кетди,
 Эсига келмай элати.
 Кўринг энди Муродхонни,
 Қистайди минган ҳайвонни,
 Ун беш кеча, ун беш кундуз
 Тинмай булар йўл юрганди,
 Бирор шаҳар, қора дарахт
 Икковига кўринганди.
 Шунча кунлар юриб келиб,
 Бир кун юрганча бўлганди.
 Келганин билмай юрганди,
 Мамлакат, юртни кўрганда,
 Муродхон ҳайрон қолганди,
 Паризоддан сўраб турди:
 — Қай ерларга келдик?— дейди,
 Е адашиб қолдик?— дейди.
 Энди сарсон бўлдик!— дейди,
 Қандай юртга келдик?— дейди.
 Бизга бўлмасин-да туман.
 Эгам қилсин бизни омон,
 Адашиб бўлмайик сарсон.
 Жавоб бергин, билсанг, дилбар,
 Бу кўринган қандай шаҳар?
 Бу сўзни сўради шунқор,
 — Жавоб бергин, жоним дилбар.
 Бу сузига берди хабар:
 — Хон турам сизга не бўлди?
 Юрибсиз ададсиз чўлди.
 Қора бўлиб кўришиб турган
 Оқила хонинг шаҳри шулди,
 Бир жойга қўйинг кўнгилди.
 Муродхон ҳайрон қолди:
 — Илгари юрганман бу йўлни,
 Кўп кўрганиман чўлу кўлни,
 Сағал вақтда қандай келди?
 Ёлғон гапирма, паризод,
 Бу кўринган булак элдир.
 — Мендай ойим йўлдош бўлди,
 Олис ерлар якин энди.
 Қочирманг хоним хаёлди,

Оқилхоннинг шаҳри шулди,
 Икковимиз сузман булиб,
 Билмай қолдик чўлу кўлди.
 Шуйтиб йўллар яқин бўлди,
 — Қандай, дилбар, сенинг ишинг,
 Ёйдай бўлган қалам қошинг,
 Гангидими менинг бошим,
 Рост гапир, дилбар бувишим!
 — Майдонда сотқонсиз жонни,
 Қистаб чопиб бу ҳайвонни.
 Бу сузима ишонмасанг,
 Сиз кўрарсиз Оқилани,
 Унинг юрти, билинг, шудир,
 Бу ҳам бизга бир манзилдир.
 Сайр этиб, уйнаб-қулармиз,
 Дунё даврини сурармиз.
 Бориб кириб бу шаҳарга,
 Қушкига меҳмон булармиз.
 Муродхон ҳам энди билди,
 Ёрга:— Сўзинг маъқул,— деди,
 Маст булиб йўлни олибмиз,
 Билмай бунда кеб қолибмиз,
 Қанча чўлдан утганимиз,
 Икковимиз билмай келибмиз.
 Хўб қистаб йўл юрибмиз,
 Адашмай яхши келибмиз,
 Бир гап бор англагил, дилбар,
 Кунглингга оғир олмагин,
 Сенга айтмоққа сузим бор.
 Қора тошда етдим санга,
 Неча сузлар айтдинг манга,
 Отим отиб зор бузлатдинг.
 Не сабабдан кунглинг қолган,
 Мендай тўранг яёв қолган,
 Ақли-ҳушидан айрилган.
 Бу сузни айтиб Муродхон,
 Энди келди бизга даврон,
 Хафа бўлмай, бўлинг шодмон.
 Бу сузни эшитиб дилбар,
 Табассум қилди гажакдор:
 — Хон тўрам, сизга арзим бор;
 — Булдим мен ошиқ-хуштор,—
 Йиғилншди сонсиз қизлар.

Олма олдим мендай дилбар,
Аввалига тақдир шу бўлар.
Мунаққашли у манзилар,
Аҳду никоҳ қиб муллалар,
Кунглингизга олманг губор.
Мен бўлдим сизга миннатдор,
Писанд қилмадиғиз қайсар...
Шунда:— Қадрим билмади,— деб
Кунглима шундай келди,
Узи кеп тегса хотинлар
Дилбарда нима қадр бор,
Шундай буп кунглима келди,
Мендай ойим туриб кетди.
Бирга ўйини қилмади,— деб,
Шумлик қилиб отнинг отдим,
Билдим мен сизни бузлатдим.
Улса йўлда ўлсин, дедим,
Охири қарамай кетдим,
Хунхор дарёсидан ўтдим,
Оқила манзилига етдим.
Сўнгра ишга пушаймон қиб,
Дўстимга тайинлаб кетдим,
Бир одамни шундай қилдим,
Аттанг, қадрин билмай келдим,
Сўнгра, кўп пушаймон қилдим
Оро йўлда ташлаб,
Яёв бўлиб йўлда қолди,
Билмай ҳоли не бўлди,
Оқила ойим мени кўрди,
Ишқибозлик қийин нарса,
Сўнгра кўнглим бузулди.
Нега мен бундаини қилдим,
Йиғлаб ойимга билдирдим.
Менинг учун жафо тортса,
Ул дарёдан омон ўтса,
Бир кунлари бунда етса,
Дўстим уни ҳурмат қил,— деб
Шу хонимдан хабар ол,— деб,
Албатта бир от миндир,— деб,
Мени изласа йўлга сол,— деб,
Оқилхонга тайин қилдим.
Сизнинг умидингизда бўлдим,
Неча кунлар йиғлаб юрдим,

Омон-эсон сизни кўрдим...
Неча вақт йулга тўрт бўлдим,
Афсар девга бир гапирдим,
Афсар сўзимни бад олди,
Ул кўнглига шумлик келди,
Сизни ўлдирмакчи бўлди,
Бузуқ ерда манзил солди,
Ахир сизга муҳтож қилди,
Сизга қўшди мендай гулди.
Боз иккови ўйнаб-кулди.
Ўтган ишга йўқ пушаймон,
Ҳозиргисин булар кўрди.
Бир-биримизни тақдир топган,
Кўнгилдан кўтаринг губор.
Икковимиздан ҳам иш ўтган,
Ўтган ишни гапирмайик,
Юрар йўллардан қолмайик.
Бу шаҳарга оралайик,
Кеч қолмай эрта борайик.
Биз бориб меҳмон бўлайик,
Оқилхонни биз кўрайик,
Бизларни билсин халойиқ.
Оқиладир унинг ўзи,
Одамга ёқимлидир сузи.
Хизмат қилар кўп канизи,
Сийлаб ташлар сизман бизни,
Шириндир сўйлаган тили,
Катта эмас кичик эли,
Жуда ободдир манзили,
Элу юртин жони дили
Мени билан дўст бўлган,
Гулистонни у ҳам кўрган.
Болаликда кўплар юрган,
Кўшки айвони мавж урган.
Атрофига қизлар тулган
Ҳамма сўзга қаратган,
Ғам емангиз, хон Муродхон,
Одамни мойдай эритган,
Бирга бўлсак йўқди армон,
Бирор кеча бунда даврон,
Сухбат қурсак қолмас армон
Бу сўзни айтиб, Муродхон
Яқинлаб келди бу замон.

Суриб бораётир отни,
Оралаб шаҳар боғотни.
Қараб ётир элу юртни,
Ҳамма кўрган йўлга қарар
Кўрмаганга хабар берар.
Қарар йўлда қиз-хотинлар:
«Бораётган қандай сардор?»
Хайрон қолар бу одамлар:
«Қайси юртдан келаётир,
Иккови ҳам бирдай ботир».
Ешу қари сурилишиб,
Жамолига қараб ётир:
«Бунда келди икки дилбар,
Қай шаҳардан қилган сафар?»
Энди келиб кирди шаҳар,
Янги кўриб қўрбошилар;
«Бу келганлар қандай беклар?»
Бир-биридан ҳусни голиб»,
Келаётир кўп иргалиб,
Кўрганларнинг ақлин олиб,
Юрган йўлин бошқариб,
Расталарга назар солиб,
Минган оти бир-бир босиб,
Иккови бўлиб муносиб,
Кўрганлар қилиб таассуб,
Енбошига қилич осиб,
Кейинидан одам эргашиб,
Кўп одамлар шошиб-пишиб,
Эргашади хабарлашиб.
— «Қани қаерга етади?
Е бу шаҳардан ўтади,
Қайда меҳмон бўб ётади?»—
Борганлар кўриб қайтади.
Бир нечаси бораётир:
— Қайга борса кўрамиз деб,
Бир тамошо қиламиз деб,
Кўриб қайтиб келамиз деб,
Бир дам бўлса ҳам турамиз деб.
Иши бўлмай булар кетди.
Регистондан булар ўтди,
Одам жуда чуваб кетди,
Пойтахтга яқин етди.
Шаҳар ғалоғул бўб кетди,

Оқилхон подшо эшитди,
Икки канизни жунади.
Қизлар пастга тушиб кетди,
У жиловхонадан ўтди,
Беклар отин бошини тортди;
Биров бизга келар-да деб
Биздан хабар олар-да деб,
Олдимизга чиқар-да деб,
Бу сўзларни ўйлаб турди.
Келган канизларни кўрди.
Югуриб келиб отин ушлаб,
Хизматкорга отин ташлаб,
Канизлар кўшкига бошлаб,
Бу бекларни вақтин хушлаб,
Одамларни пўшт-пўштлаб,
Паризодлар эргашади.
«Юринг»,— дейниб кенгашади,
Канизлари йўл бошлади
Баланд кўшкига жунади,
Саксон зинапоя кўшки,
Шу замон чиқиб боради,
Оқилхон шундан қаради,
Муродхонни хон таниди.
Орқасида биров борди,
Эокак либосини кийган;
«Бу жураси ким бўлади?»
Бу ҳам шундай валломотди,
Қандай топди бу бекзотди?
Излаб борган ёри йўқди,
Ололмапми паризодди,
Ўзи ҳам жуда тез қайтди?
Илгари бориб канизлар,
Оқилхонга бериб хабар,
Келаётир икки дилбар,
Миниб кетган сиздан тулпор,
Сиздан сарпо кийган шунқор,
Тагин ҳам бир жураси бор,
Ул ҳам узидай диловар,
Танимайди бу канизлар,
Ажойиб суратли дилбар,
Бошида киш телпаги бор,
Қайдан келган бекзот экан?
Мингани тулпар от экан,

Муродхонга ҳамроҳ бўбди,
 Бу ҳам бир валломат экан.
 Англамаймиз қайда юрти?
 Ёнида кескир пўлати,
 Ҳар кимча бор сиёсатн.
 Пастдан бошлаган канизлар,
 Чиқиб бизга етар,— деди
 Оқилхон билан кўп қизлар
 Қани, бунда чиқиб келсин.
 Меҳмон манзилда утирсин,
 Сўнгра «ким?» деб сўрармиз-да,
 Ким ҳам бўлса билармиз-да.
 Мартабали шоҳлар бўлса,
 Югуриб хизмат қилармиз-да...
 Аниқ билмай сўрамайик,
 Индамай туринг, халойиқ,
 Яқинлаб келсин кўрайик.»
 Бул яқинлаб бориб қолди,
 Жамолинн кўриб қолди.
 Оқилхон тиклаб қараса,
 Юзида ниқоби борди,
 Орзигулга келбат берди.

Шунда Муродхон Орзигул ойим билан бора берди. Узоқроқдан Оқилхон кўриб: «Бу келаётган Муродхон, орқасидаги қандай бегзода экан?» деб қараб турибди. Қараса, эркакча либос кийиб, киш телпак бошига қўйиб келаётганининг келбати Орзигул ойимга ўхшайди. «Бу Орзигул ойиммикин?» — деб қараб турди. «Келса кўрамиз, ким эканини биламиз, дўстим Орзигул бўлса, қувонишиб қолармиз, бошқа бек боласи бўлса, югуриб хизмат қиламиз, мартабасига яраша иш қиламиз», — деб турибди.

Шу вақтда Муродхон билан Орзигул ойим чиқиб борди. Оқилхон ҳам буларнинг нззатини қилиб олдиға келди. Муродхон билан кўришди. Орзигул ойим ҳам индамай, ўзини билдирмай кўришди.

Оқилхон бир хизматкор каниз қизни чақриб:— Отларни бир жойга бойламасин, меҳмонларнинг отини хўп совитиб, ярим оқшомгача етаклаб юрсин, бу меҳмонлар кўп узоқ йўлдан отини чарчатиб, ҳоритиб келган. Отлари чарчаган, бир ерга боғласа, оёғига қон тушади, кўп совитсин, терни ушатиб ёпсин, сўнгра ўтга қўйиб ем берсин, бориб сайисларга айт! — деб буюрди.

Орзигул ойим қаради. Оқилхон Муродхон билан сўрашди. Орзигул ойим билан бўш сўрашди. Аввал кўнглига келди: «Бу Муродхон билан қаттиқ ваъдалашган экан. Балки: «Муродхонга тегаман»,— деган экан. Шундай қилиб, Муродхонга отини берган экан. Шундай қилиб, мени Оқилхоннинг шаҳрига, кўшкисига эргаштириб келган. Буни аввалдан билганимда, буникига келмас эдим. Бу ниммага бундай гапирмай ўтиради? Буларнинг бир гапи бор!» — деб Орзигул ойим ниқоб ичида туси қочиб, аччиғи келиб: «Худо кўтарсин Оқилхон билан Муродхонни, ўлимнингни бергурлар!»— деб қаргаб ўтирди.

Шунда Орзигул ойим айтди: «Буларга мен туҳмат қилмайин. Оқилхон мени танитай ўтирган бўлмасин»,— деб қилич анжомини ечиб қўйди. Ниқобини кутариб, бошидан телпагини олди, ой туққандай, жамоли ярқираб кетди.

Буни кўриб, Оқилхоннинг ақли шошиб:

— Э, сиз экансиз, мен танимабман. «Муродхон ўзига бошқа бир йигитни йўлдош қилиб келибди-да»,— дебман. «Муродхон ёрини ололмабди, бунга бир гап бўлибди,— дебман. Дўстим, жоним, сиз экансиз!»— деб ўрнидан туриб кўришиб қучоқлашиб, ўпишиб, ой билан кун бир бўлгандай бўлиб топишиб: «Кечиринг дўстим»,— деб бир-бирови билан узр-маъзур айтишиб, иккови ҳазиллашиб, Оқилхон:— Хуш бўлсин,— деб кўнглини хушлаб, остига яхши либослардан ташлаб, жой тайинлаб ўтқизиб, дастурхон ёзиб, «ҳорманг-бор бўлинг» қилиб, хизматкорларига ҳархил таомларни буюриб, олиб келтириб зиёфат устига зиёфат қилиб, ўйнаб-кулиб, шўхлик қилиб, тепишиб ўтирди.

Оқилхон Орзигул ойим билан ҳазиллашиб:

— Бекни кўп ҳалак қилдингиз, қалай, бориб, ахири топиб олибдилар-ку! — деди.

Орзигул ойим ҳам шўхлик қилиб:

— Ўзи меҳнат қилиб олса, яхши бўлади. Ўзи ўз оёғи билан борганининг қадри-қиммати бўлмас экан. Шундай бўлса, одамнинг қадрини билар, меҳнат эсига тушиб, бир-бирини яхши кўрар,— деди.

Орзигул ойимнинг бундай сўзи илгари ҳам Муродхоннинг кулоғига тийган¹ эди. Ўзининг шаънига гапирганини билиб Муродхон:

— Хоним, сиз ҳам ўпкалаб, гина қилманг, ўзингиздан

¹ Тийган — етган.

бир кўтоқлик айб ўтди. Туй кечаси: «Ешиниб келинг»,— деганда сиз ҳам қарамадингиз,— деди.

Муродхоннинг кўнглига оғир олганини билиб, Оқилхон айтди: — Бу ўлгурининг парилар билан бориш-келиши бор. Бир хил дуоларни билади. Сиз бир кўриб танитай қолгансиз, мен бу дўстимни ҳамиша кўриб, чақчақлашиб юрардим. Мана, ҳозир танитай қолибман. Сиз ҳам шундай танитай қолгансиз-да, танимагансиз-да,— деди.— Ана энди айрилишмай таниша беринг, уйнашиб кулиша беринг, сиғишиб ётиша беринг,— деб Оқилхон бир неча сўзларни айтиб тегишиб кулишди.

Шу ўтириш билан Оқилхон бу икки барноларга зиёфат устига зиёфат қилиб, кўп иззат-ҳурмат қилиб, буларнинг думоғини чоқ қилди.

Эрта билан тонг отди. Оқилхон яна зиёфат қилди. Муродхон:— Энди кетамиз,— деди. Оқилхон айтди:— Бу кун ҳам турасиз. Фалакнинг гардиши билан бир келдингиз. Энди роса дамингизни олиб, ёрингиз билан боғларни тамоша қилиб, эртага кетарсиз!

Муродхон ҳам «хайр» деб қоладиган бўлди.

Шунда жами қизлар йиғилиб, Оқилхон Муродхоннинг ёрига қараб бир сўз деб турган экан:

Гулистон шаҳридан бунда келибсиз,
Бизнинг манзил жойга меҳмон бўлибсиз,
Жунамоққа толиб бўлиб турибсиз,
Жой умиринг, энди ойим, қолибсиз.
Сизга ёқар, менинг сузлаган сузим,
Устингда ярқиллар кимхоб қирмизинг,
Сизнинг билан йўлдош буларман ўзим,
Сизга хизмат қилар қанча канизим.
Бундан туриб, сайри боққа борамиз,
Сайри боғда хўп тамоша қиламиз,
Боғда очилган тоза гулдан оламиз.
Хонингизга кашал булсанг келамиз.
Эрта қайтсак кечга бунда буламиз,
Туринг, ойим, сайри боққа борамиз.
Оқилхон дейдилар менинг ўзимни,
Меҳмон бўлдинг, хизмат қилмоқ лозимди,
Туринг, ойим, қидиртайин ўзингди,
Юринг, ойим, сайри боққа борамиз.
Қора зулфинг эшилгандир тол-тол,
Душман кўрса, бўлиб кетади поймол.

Бу сўзга, гул юзли дилбар, қулоқ сол,
Сайри боққа бирга бормоғинг даркор.
Сайри боғда сайрар қумри, булбуллар,
Муродхонга сиз ҳам бўлиб интизор,
Ошиқ бўлсанг кечгачайин келасан,
Кундуз ичра тамоша қиб юрасан,
Оқшом келсанг хўп топишиб қоласан,
Бир-бирингни билганингни қиласан.
Бизлар билан ҳозир бирга юрасан,
Юринг, ойим, сайри боққа борайинк.
Бу сўзларни айтди шоҳи муқаррар,
Бу кўшқидан тушмоқ бўлди парилар,
Шикрлаб ўрндан турди зулфакдор,
Ковушини канизлари унгарар,
Ойим бўлди Оқилхонман баравар.
Қўлтиғидан ҳомий бериб канизлар
Бу кўшқидан тушмоқ бўлди парилар,
Пари сифат, ҳуру филмон бу қизлар.
Йўл бошлайди олдидаги кўп қизлар,
Шу замон кўнглини хушлаб,
Аста-аста қадам ташлаб,
Бир хил канизлар йўл бошлаб,
Сурликма,— деди пўшт-пўштлаб.
Бир нечаси белини ушлаб,
Нечовлари кокил ташлаб,
Оёғини бир-бир босиб,
Кўрганнинг кукайин кесиб,
Қоши-кўзига муносиб,
Мушки-анбар, йипор сасиб.
Бораётир ҳурдай бўлиб,
Боғда очилган гулдай бўлиб,
Кўп қизларнинг ўртасида,
Иккови ҳам бирдай бўлиб,
Шундайин бўлиб йўл бошлар,
Абжир қизлари йўл бошлаб,
Ирғалишиб бораётир,
Иккови ҳам энгин ташлаб.
Йўлга кирганди балқ уриб,
Жамоллари ойдай тўлиб,
Бир нечалар буни кўриб,
Ақлидан бегона бўлиб,
Ақлу ҳушини олдириб,
Кўрган одам ҳайрон қолиб,

Қараёлмайин йиқилиб,
Нечовлар шайтонлаб қолиб,
Нечовлар чинқириб қолиб.
Илгаридан кўрган йўқди,
Қайдан келди ҳусни қолиб?
Кўрганларнинг ақлин олиб,
Не одамлар тентак бўлиб,
Қолди кучада ирғалиб.
Қайдин келди, бунинг ўзи?
Билмам қандай шоҳнинг қизи?
Ен-ёғида шоҳнинг қизи.
Ғалаба бўлди юртнинг ўзи,
Атрофида кўп канизини,
Бош бўлганди шоҳнинг ўзи.
Ҳамроҳ бўлган сарви нозини,
Қирон шоҳнинг бу ёлғизини,
Балки айтсак кўрар кўзини,
Асалдан готлидир сўзини,
Ўзи соҳиб, хўп тамизини,
Борар ойимлар арсиллаб,
Тобони ерга дурсиллаб,
Оғзидаги машати сақич,
Чайнаса шундай қарсиллаб.
Ойим борар йўлни бошлаб,
Орзигул ойим кокил ташлаб.
Канизлари бораётир,
Ҳамма қизлар келаётир,
Шовқинлашиб кулаётир,
Кулиб, ўйнаб бораётир.
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Ўйнаб-кулган ёрдай бўлиб,
Бир хиллари булбул бўлиб,
Сўйлашади қумри бўлиб,
Гаплашади ширин тилман,
Бир-бирига жони дилман,
Лабин тишлаб кулишади,
Қийқонглашиб ўйнашади.
Бир-биридан сўзни сўраб,
Соч попуклари силкиллаб,
Бошидаги паранги рўмол,
Эпкини текканда пириллаб.
Ҳамма қизлар бораётир,
Баданлари дириллаб,

Оқ бадани қордай бўлиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Жаннатдаги хурдай бўлиб.
Неча ёшинда камоли,
Кунни хира қиб жамоли,
Одамларнинг ақли олар.
Эсганда эпкин шамоли.
Шундай бўлиб ойим кетди
Дарвозага энди етди.
Дарвозани очиб қизлар,
Сайил боққа кириб кетди.
Гулистон очилиб турган,
Ойимлар томоша қилган,
Сайри боғда кушки айвон,
Булбул-тути сайраб турган,
Тамошани булар қилган,
Бир ажойиб бўлиб даврон.
Сарҳовуз бўйига қўнган,
Ҳар қайсиси ўз бошига,
Эрақдан йўқди(р) қошида,
Тамоша қилинг ишига.
Бул чорбоғда сайр қилган,
Ҳар қайсиси гулдан олган.
Ажойиб чорбоғни кўрган,
Яхши либослар тушалган,
Тамоша қиб қайтиб келган,
Сарҳовуз бўйида турган,
Ўтиришиб суҳбат қўрган,
Кунлар иссиқ, туш бўлган.
Бу ҳовузга кирмак бўлиб,
Бир салқинлаб турмоқ бўлиб,
Бариси кўнглин хушлади,
Кийимин ечиб ташлади.
Чумилмоқчун бирдай бўлиб,
Энди ҳовузга ташлади.
Баданлари қордай бўлиб,
Бир соат ҳовузда юриб,
Чиқди сувдан салқин бўлиб.
Шул замон кийимин кийиб,
Шундай вақтда даврон суриб,
Кўп қизлар хизматин қилиб,
Подшолик давлати шулди.
Ҳамма нарса тайёр бўлиб,

Бир-бирига шароб бериб,
 Не бир қизлар коса бериб,
 Олтин коса қулга олиб,
 Орзигул ойим ўтирди,
 Ҳаммасидан ҳусни ғолиб,
 Икки бети ойдай тулиб,
 Одоб билан коса олиб,
 Косагуллар узатади,
 Нозик беллари буралиб.
 Оқилхон қилган ишидан,
 Орзигул ойим таълим олиб,
 Бу ойимнинг кунгли тулиб.
 Кун пешинга бориб қолди,
 Кунглидаги бўлиб қолди,
 Муродхонни эсга олиб,
 Энди бари қайтмоқ бўлиб.
 Бул ишимиз қандай бўлди?
 Ҳуда яхши ондай бўлди.
 Оқтош хони ёлғиз қолди,
 Бормоқ яхши, энди бўлди.

Ана шунда бу қизлар Оқилойхоним, Орзигулоийм шу куни пешингача боғда юриб, хўп тамоша қилиб, ҳамма боғларни кўриб, гуллардан олиб, энди қайтмоқчи бўлиб келаётибди. Неча бир кулгилар билан ўйнаб, боғдан чиқиб, бир-бирига тегишиб, кулишиб, ўйнашиб, «юринглар кетамиз»,— дейишиб, «сизлар қолдиларинг, улинглар»,— дейишиб жунаб, аста-аста юриб кела берди. Шаҳарнинг бир хил одамлари: «Буллар ҳали замон келиб қолар»,— деб, у ерда бу ерда писиб ётиб, «ҳеч бўлмаса буларни бир кўриб қолайик»,— деб қараб, кўриб, питирлаб, йиқилиб, ошиқ бўлиб қўлидан ҳеч нима келмай жойида: «Шундай ёринг бўлса экан?»— деб ҳавас қилиб қолаётир. Шунда Оқилхон ойим, Орзигул ойим қирқин қизлар, канизлар билан сайри боғдан қайтиб келиб, дарвозадан кириб, шаҳарни оралаб юриб, ясовуллар, қоровуллар «пушт-пуштлаб»: «Шоҳнинг дўсти келаётир, қочинглар!» — деб йўлни бўшатиб, қизлар ўтиб, кўшига етиб келиб қолди. Ҳаммалари юқори кўшига чиқиб келиб Орзигул ойимнинг қўлидан ушлаб, канизлар култиғидан суяб, Муродхонинг олдига иззат-ҳурмат қилиб олиб кирди. Ҳаммаси ўз жойида ўтирди. Муродхон Орзигулоиймининг келганини кўриб: «ҳорманг, бор бўлинг»

қилишди. Бул икки паризод ойимлар Муродхонга салом берди. Муродхон алик олиб, булар билан у ёқдан-бу ёқдан сўраб, гаплашиб турди. Оқилхон ойим шунда канизларига буюрди:— Кеча бу кишилар чарчаб-ҳориб келган эди, бугун жуда вақтини хушлайсизлар, жуда яхши базм-ҳангома қиласизлар,— деди. Бунинг сўзини канизлар эшитиб югуришиб, ҳар қайсиси ҳар тарафга чопишиб кетди: ошпази ошга, нонпази нонга, бир хили базмга, керакли созандаларга, бир хили яхши ўқийдиган ҳофизга, бир хили шаробга, бир хили кабобга, бир хили нозанин яхши ўйин қиладиган барноларга кетишди. Оқилхон Муродхон билан Орзигул ойимга тегишиб, ҳар хил яхши, ёқимли гаплардан гапириб вақтини хушлаб, дастурхон ташлаб, зиёфатлар қилиб, шаробдан олиб келтириб, Орзигулдойим косани олиб шароб бериб ўтирди. Кун кеч бўлди. Яхши тилла чироқлардан ёқиб, ўртага қандил шам ёқичдан олиб келиб, жойни ёруқ қилиб, машъалларни ёқиб жойни созлата берди. Шунда Муродхон Оқилхондан суради:— Жуда бундай ишни катта қила бердингиз, нима қиласиз? Туй қиладигандай чирогни кўп ёқдингиз,— деди.

Оқилхон айтди:

— Бегим, хоним, сизлар бу чулларда кўп хафа бўлиб кетгансизлар, сизларнинг думоқларингизни чоғ қилмоқ учун бир ўйин-кулги базм қилиб бермоқчиман,— деди.

Муродхон, Орзигул икковлари: «Бизларни сийлаб ташлади»,— деб ўтирди. Шу вақтда ҳалиги кетган канизлар борган ёғидан ҳаммаси келишиб, йиғилишиб қолди. Яхши қиз созандалардан, қиз ўйинчилардан олиб келди. Шу оқшом, оқшоми билан қилди катта базмни, бекларнинг ойимларидан, хонларнинг қиз ойимлари ҳам йиғилиб келиб тонг отгунча базм, кулги, ўйин қилиб берди. Ҳаммаси маст бўлиб, думоғи чоғ бўлиб ётишиб қолди. Кетганлари кетди, ётганлари ётди. Шунда Оқилхон Муродхон билан Орзигул ойимни ётқизмоқчи бўлиб, жой солиб берди, бошқаларни бу ердан чиқарди. Бу яхши жойда икки ошиқ-маъшуқлар ётишиб қолди. Ҳангома-базм соб бўлди, ҳаммалари тарқалиб кетди. Қолганлари ётиб, эрта билан тонг отди. Чой-таътилни қилиб улар жунамоқчи бўлди. Сайисларга отни қашлаб, сипириб, силаб-сийпаб эгарлаб бедов отни сипойи амалдорлардан ҳам чақиртирди, шунда улар қошига йиғилиб етди. «Нима хизмат?» деб сўраб турибди. Шунда ўз амалдорларига қараб Оқилхон бу сўзни айтди:

Сүзима қулоқ сол, амалдор навкар,
 Беклик қилиб, мендан инъом олганлар,
 Манов юртда шоҳлик даврон сурганлар,
 Баринг бирдай яхши отни олганлар,
 Уткир қилич белга боғлаб турганлар,
 Хар хизматга доим тайёр бўлганлар,
 Йиғилиб келиб, савол сураб турганлар!
 Бу йигитдир Оқтош элнинг султони,
 Орзигулдир бекнинг бориб олгани,
 Сизларни чақиртирдим жура қилгани,
 Куп йўлгача хонга йўлдош қилгани.
 Менинг сүзим паёмини билинглар,
 Яхши сийлаб бекни йўлга солинглар,
 Бекнинг ёри менинг дўстим бўлади,
 Жуда ҳам бир иззат-ҳурмат қилинглар!
 Бу айтган сүзимни ҳазил билмагин,
 Ҳеч қайсинг беҳуда савол қилмагин,
 Аҳмоқ бўлиб боз бировинг кулмагин,
 Армон билан гуноҳкор бўб ўлмагин!
 Бошлаб бекни тўғри йўлга солинглар,
 Яхши бошлаб бекнинг ақлин олинглар,
 Хунхор дарёсига бирга боринглар,
 Кемачига шундай сўзни айтинглар:
 Ҳазон бўлиб богда гуллар сўлмасин,
 Хаёлига бошқа гаплар келмасин,
 Булак жонзод бу кемага кирмасин,
 Иззат-икром билан парвариш қилсин,
 Бу тайин сүзимни кемачи билсин.
 Оқтошнинг хонини кемага солсин,
 Сизларни ҳам қўшиб ул бирга борсин,
 Яхши ҳайдаб у дарёдан ўтказсин!
 Хизмат қилиб бир қорага еткариб,
 Дарё мушкул ҳожатини биткариб
 Ул дарёдан омон-эсон ўтказиб,
 Бор амалдор шу хизматни биткизиб,
 Баланд сўзлаб бунча лофи урманглар,
 Аралшиб йўлда бирга юрманглар,
 Илгари юр, сира қараб турманглар,
 Кейин қолиб аралшиб қолманглар!
 «Бирга юрамиз»,— деб аҳмоқ бўлманглар,
 Гуноҳ ўтиб хон қулида ўлманглар,
 Баринг бирдай от абзаллаб мининглар.
 Хондан бурун йўлга чиқа беринглар!

Шунда Муродхонни отлантирди. Сипоҳиларини ҳам:

— Баринг отланинглар, кўчаларни одамлардан бўшатириллар,— деб Оқилхон буюрди.

Қирқин қизлар билан Оқилхон келиб Орзигулойимни ҳам отлантириб, йўлга тушиб жунамоқчи бўлдилар.

Орзигулойим отга миниб, Оқилхоннинг хизматидан кўнгли тулиб, вақти хуш бўлиб, бир суз айтиб турган экан:

Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди,
Эсон бўлса нелар кўрар бош энди.
Оша юртга мен ҳам кетиб бораман,
Подшоҳ бўлган, жоним дўстим, хўш энди!
Отам подшоҳ эди Гулистон элда,
Қиз бола тақдири азали шул-да.
Эркак бўлсам юрар эдим манзилда,
Кўп азоблар тортиб юрганман йўлда,
Сиз билан суҳбат қурганман бунда.
Оқтош элга бормоқ бўлиб тақдирда,
Уйнаб-кулиб даврон сурсам манзилда,
Шоду хуррам юрган дўстим, хўш энди!
Энди бизлар бунда турмай жунармамиз,
Жон дўстим, хушлашиб йўлга кирармиз.
Ярашиққа от кокилин ўрармиз,
Туз-насиба тортиб Оқтош борармиз.
Борсак Оқтош юртин обод кўрармиз,
Мана турган хонман, даврон сурармиз,
Гузаримиз тушса, излаб келармиз.
Султон бўлган жоним дўстим, хўш энди!
Ҳарчанд қилдим, менга табдил бўлмади,
Аввалидан энам, отам билмади,
Оқ сут берган энам рози бўлмади,
Хушлашиб, болам деб, йўлга солмади.
Бунда келдим мамлакатим билмади,
Тақдир тортиди, ҳарчанд қилдим бўлмади,
Ўрлаган оёғини шунқор бермади,
Хизмат қилган жоним дўстим, хўш энди!
Қулоқ солгин мендай ойим тилига
Миниб суз айтганман бедов белига,
Туз-насиба тортиб Оқтош элига,
Етармиз-да, бу жоннинг манзилига,
Мендай ойим мусофир, тақдирини,
Гоҳ айлаган фалакнинг гардишини,
Ошно қилар танимаган кишини,

Мунглиғлар тўкади кўздан ёшини.
Ет элларга мусофир қиб бошини,
Кўринг шундай, бир худонинг ишини.
Қўл кўтариб мени йўлга соласан,
Баринг келиб атрофимни оласан,
То кўргунча омонда бўл, жон дўстим,
Мен кетарман жоноларим, хўш энди!

Бу сўзларни Орзигулойимдан эшитиб, Оқилхон ҳам омонлашиб бир сўз деб турган экан:

Бошимда йўқ менинг қайғули туман,
Сен эдинг-ку менинг билан қадирдон,
Неча марта бу шаҳарга келгансан,
Не давронлар, уйин-кулги қилгансан.
Ҳамиша сен мени йўқлаб тургансан,
Меҳрибоним, жоним дўстим, омон бўл!
Отанг келиб отам билан дўст бўлган,
Отам ўлиб, юрти беэга қолган,
Ҳар ким бош кўтариб бу ерда турган,
Қадирдоним, жонажоним, омон бўл!
Меҳрибонлик қилиб у отанг келган,
Қанча сипоҳилар ёнида турган,
Бу шаҳарга келиб давлатли султон
Эгасиз шаҳарни ул босиб турган,
Отамнинг тахтига мени миндирган,
Иккимизни Қирон шоҳи дўст қилган.
Ҳар гапнинг хат билан хабарин билган,
Отанг хабар олиб турган бу юртдан,
Отангнинг кетидан мунглуғ хон бўлган
Оқил дер асл отамнинг жойи
Хизматида бўлар сонсиз сипоҳи,
То кўргунча, жоним дўстим, омон бўл.
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Отанг Қирон шоҳди у Гулистоида,
Бундан кетиб, дўстим, мени унитма,
Келиб-кетиб тургин, албатта бунда.
Ғамли қулнинг бунда жигари қондир,
Чаманнинг ишқида сайрар булбулди.
Олис йўллар подшоларга яқиндир,
Ёмон одам аҳволидан гофилдир,
Ҳар замон йўқлагин дўстинг Оқилин,
То кўргунча, мунглиғ дўстим, омон бўл!

Бир бедовни сен ўйнатиб минасан,
 Асли мунглуғ тақдирингдан кўрасан,
 Сен ҳам бундан Оқтош элга борасан,
 Оқтош юртда ўйнаб, дўстим, куласан,
 Тайиним шу: ҳар замонда келасан,
 Оқтош хони билан бирга юрасан,
 Подшолик давронин бориб кўрасан,
 Омон булгин, мунглиғ дўстим, хуш энди.
 Эркакдай белинга олмос чолибсан,
 Арғимоқнинг жиловини олибсан,
 Ер юртига, жоним дўстим, толибсан,
 Бунда турмай Оқтош бормоқ бўлибсан,
 Муродхонга ўзинг хуштор бўлибсан,
 Дўстим, элдан бирга кетиб борасан,
 Илгаридан жўн юрмаган балосан,
 Тек турмай ҳамиша шухлик қиласан,
 Мен сўзласам сен туранга куласан,
 Ўйнашмоққа жуда толиб бўласан,
 Чаласин Оқтош бориб кўрасан,
 То кўргунча, жоним дўстим, омон бул!

Бу сўзларни бир-бирларидан эшитиб омонлашиб ту-
 рипти. Муродхон ҳам Оқилхонга қараб, оёғини узангига
 тираб,— Омон бўлинг, хоним!— деб бир сўз айтиб
 турипти:

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
 Олмос пулат белда, эгнимда қалқон,
 Мен ҳам сенга тимсол айтай бир алвон,
 То кўргунча омонда бул, Оқилхон!
 Емон кунда хабар олдинг ҳолимдан,
 Яхшилиғинг сира кетмас кўнглимдан,
 Емон кунда от миндирдинг қулингдан,
 Одамдай бўлиб кетдим сенинг элингдан,
 То кўргунча омонда бул, Оқилхон!
 Кимдан ситам утса хабар қиларсан,
 Мендай мардга хабарни етказарсан,
 Оғир лашкар билан мен ҳам келарман,
 Хизмат булса, сенга мен қайтарарман,
 То кўргунча Оқилхоним, омонда бул!
 Кўп йиғладим, юрдим чулларни кезиб,
 Ерни излаб юрдим бағримни эзиб,
 Гоҳ вақтларда кўздан ёшимни тизиб,

Ёлгончи дунёдан умидим узиб,
 Давлат бошим, Оқилхоним, омон бўл!
 Сенинг билан келиб қурдим мен суҳбат,
 Одам дединг, бердинг яроқ билан от,
 Сўнгра қўнди менинг бошима давлат
 Сен бўлмасанг бўлиб эди қиёмат,
 Меҳрибонлик қилган хоним, омон бўл!
 Кунглингга келмасин сўйлаган сузлар,
 Қулқудуқда банди қилган канизлар.
 Газандавори унда бойланган бизлар
 Атрофимни олиб турган кўп қизлар,
 Банди қилган қирқинларим, омон бўл!
 Мен борарман омон-эсон элимга,
 Шу қизни излаб, тушдим сенинг қўлингга,
 Булбул бўлиб қўндим боғда гулима.
 Жону дилим дилбар келиб қўлима
 Хизмат қилган қирқинларим, омон бўл!
 Мен ҳам уз юртимда подшоҳ буларман,
 Катта-кичик баринг яхши кўрарман,
 Яхши-ёмон демай эсга оларман,
 То кўргунча сарвинозлар, омон бўл!
 Оқилхон пошшойинг турганди ўзи
 Сузлари ширинди, шакар, қирмизи,
 Кеча-кундуз хизмат қилган канизи
 Сизларга пориймо Муродхон сузи
 Омон бўлинг, ҳамма қизлар, омон бўл,
 Оқилахоним, меҳрибоним, омон бўл!
 Қолмас юрагимда ғаму армонлар,
 Шундай бўлди ҳақдан келган фармонлар,
 Бунда турган барча ҳуру филмонлар
 То кўргунча, навжувонлар, омон бўл!
 Улмасак яна ҳам бир-биринг кўриб,
 Менинг ёрим, дўстинг келар ахтариб,
 Дўстинг излаб ҳар замон сен ҳам бориб,
 Йўлиқиб бир-биринг аҳволинг кўриб,
 Биз элингдан кетдик меҳмонинг бўлиб,
 Бизнинг юртни келиб тамоша қилиб,
 Сен ҳам боргин бизнинг юртни ахтариб,
 То кўргунча, Оқилхоним, омон бўл!

Бу сузни Муродхон айтиб, бир-бири билан омонлашиб, хушлашиб: «Уртадан ўтган сузларни кечиринг»,— деб бир-бирдан розилашиб, Муродхон Орзигул ойим билан жўна-

ди. Оқилхон канизлар билан бирга шаҳардан чиқариб:
— Хуш келибсан», деб қайтди.

Оқилхоннинг сипоҳилари йўл бошлаб бораётир.

Хўшлашиб ойимлар қолди,
Дилбар ёрин бирга олди,
Амалдор илгари солди,
Сипоҳилар йўл бошқарди,
Санам ёрни бирга олиб,
Оқтош шаҳрини ахтариб,
Жунади бундан валломат
Йулдош бўлганди паризод.
— Қайдасан,— деб,— Оқтош элат,
Остида уйнар бедов от.
Оқилхон айтганин қилиб,
Илгариди от чопишиб,
Ҳеч кейинига қарамайди,
Бораётир қувалашиб,
Орқираган эрдай бўлиб,
Сипоҳига эргашганди.
Иккови ҳам бирдай бўлиб,
Гоҳ ерларда кулги қилиб,
Гоҳ ерларда қистаб юриб,
Ҳар замонда сўз айтади
Энаси эсига келиб.

Гул кетар бўлса гулистон эмранар,
Шаҳри вайрон бўлса султон тебранар,
Мол бор бўлса, барча одам дўст бўлар,
Бошдан давлат кетса тувғон эмранар.
Қистаб юргин сен ҳам, гул юзли дилбар.
Кетишимдан мунглиғ энам беҳабар,
Фарзандим деб, бўлиб йўлга интизор,
Кеч қолмай Оқтошга етмоқлик даркор,
Энди борсак бундан дарёйи Хунхор.
Йўл бошлаб боради амалдор беклар,
Ҳар гап бўлса Оқилхонда ихтиёр.
Кемачилар яхши қараб ўтказар.
Сўз айтиб боради Оқтошнинг шоҳи
Ўткизиб қайтади манов сипоҳи
Бир-бирига сўзни айтиб боради,
Яёв юрган йўлларини кўради,
Муродхоннинг гоҳда кўнгли бузилар,
Дийда гирён бўлса бағри эзилар;

Не кунларни солиб гул юзли дилбар,
 Шу йўлларда яёв юрдим хор-зор,
 Охири етказди қудратли жаббор.
 Қистаб юр, қаддингдан, гул юзли дилбар.
 Лайлидай чулларда бўлиб дарбадар,
 Мажнундайин мен ҳам сенга интизор,
 Мен сенинг ишқингга бўлиб харидор,
 Юрабер бўйингдан бирга зулфакдор,
 Яқин қолди қора дарёи Хунхор.
 Қараса ярқираб кўринди сувлар,
 Кўринса одамнинг хаёли элтар,
 Худойим йўл берган тезроқ ўтар,
 Кемачига энди сипоҳи етар.
 Оқилхон сўзини сипоҳи айтди,
 Бу сўзини эшитиб кемачи қайтди,
 Шоҳининг сўзини қулоққа тутди,
 Кетаётган кемасини тухтатди,
 Минганни тушириб тоза бушатди,
 Кемасин озода қилиб шу замон.
 Ёри билан Муродхон кемага кирган,
 От-анжоми билан кемада турган,
 Атрофини сатта сипоҳи олган,
 Сувнинг йўлини бунда кемачи билган,
 Худо деб, кемани сувга бошқарган,
 Пишқирган дарёни кўриб Муродхон,
 Ҳалок бўлмай омон чиқсак бу замон,
 Омон бўлсин, деган сипоҳиман бегихон,
 Пирига ёлвариб кема ҳайдаган,
 Омон-эсон чиқиб кетсин бу султон,
 Кўп тайин қилганди унда Оқилхон.
 Тулиқсиб боради дарёи хунхор,
 Изиллашиб кемачилар: «Худо,— дер,—
 Ғамли қулга бундай кунда пано бер,
 Муминлар ҳақидан қилгайсан раҳмат,
 Бу дарёдан ўткаргайсан саломат,
 Ҳеч бўлмасин бунда қайғули кулфат,
 Хоним буюрибди қилсин, деб иззат,
 Омон-эсон ўтиб кетсин бу бекзод,—
 Бораётир ҳаққа қилиб муножот.
 — Омон-эсон ўтса бизларга давлат,
 Хоним қилар сўнгра бизларни иззат,
 Азамат, мард эдик бўлмайик ночор,
 Садаганг бўлайин султони Аброр,

Жаббор ағам яхши йўлга сен бошқар,
Омон сақлаб бекни саломат ўтқар,
Раҳмат дарёнг тошар ул файзи саҳар.

Бу сўзларни кемачилар айтиб, бир худога сизгиниб, дарёнинг тор еридан ҳайдаб ўн беш кеча-кундуз деганда омон-эсон ўтқарди. Энди Муродхон дарёнинг четига етиб, кемадан тушиб, отларини ҳамма анжом-аслахаларини ҳам тушириб олди. Кемадан тушиб ечиниб, ёзилиб, димоғи чоғ, вақти хуш бўлиб қолди. «Кемачилар бизларни яхши ўтказди»,— деб уларга анча зару зевар берди. Катталиқ шарти бу бўлмас, Оқилхонга айтиб борар деб бу келган амалдор, сипоҳиларга ҳам куп инъом, тиллалардан берди. Бариннинг вақти хуш булди. Ҳаммаси бир-бири билан омонлашиб сипоҳилар Муродхоннинг берган инъомидан кўнгли тўлиб, димоғи чоғ бўлиб: «Бу яхши олий ҳиммат хон экан, бунга амалдор бўладиган экан», деди. Шундай қилиб кемачилар кемасини юргизиб жунаб кетди. Буларни жўнатиб Муродхон билан ёри дарёни тамоша қилиб, Муродхоннинг шўхлиги келиб: «Ёрим, дилбарим қандайсан, мана худонинг берган суви, кўнглинг борми? Бу сувга пишиниб уйнаймизми? Мен илгари бир ўзим бу сувга пишинган эдим. Кўп юриб чумилган эдим. Энди икковимиз ҳам бирга чумилайик, пишинайик»,— деб ёрига қараб кулиб, ҳазил қилиб турди. Орзигул ойим айтди:— Энди омон-эсон дарёдан чиқдик. Бундан бўрсак, Оқтош элга етсак, сиз билан менинг пишинмоғим қочмайди. Шунда бориб чўмилиша берамиз-да,— деб бу ҳам кулди.

Унда Муродхон айтди:— Йўге, мен бир келар гапни айтдим, Оқилхоннинг канизлари берган тиламчи сувидан ёлчимадик. Бир марта чумилсак, сўнгра сув топилмайди, шунинг учун сувни куп кўриб, сизга бу сўзни гапирдим,— деб, бир-бири билан хазиллашиб кулишди. Энди жунамак лозим деб иккилари ҳам анжом, асбобларини олиб, кийимларини кийиниб, белларига ханжарларини тақиб, бедовларини бошқатдан ағарлаб, сошлаб, айил пуштонларини тортиб олиб, отларига миниб жунаб кетаверди:

Қулоқ солинг айтган дурга,
Худо берган сиздай қулга,
Бизлар билан киринг йўлга,
Энди ойим бирга-бирга.
Бедовларга қамчи чотди,

Урган қамчи симдай ботди,
 Чўлнинг танобини тортди,
 Шундай қилди у ғайратни.
 Усган юртин излаб кетди,
 Неча кун орадан ўтди,
 Қоратошга энди етди,
 Шулни Муродхон койиши,
 Чўлларда гангиган боши,
 Отин отган ерни кўриб,
 Муродхон ёрига кулиб:
 — Бу ётган отимнинг лоши,
 Балки, сиздай ёрнинг иши.
 Шундайин ишларни қилгандир,
 Муродхоннинг гул бувиши.
 Муродхон бу сўзни айтиб,
 Қоратошдан энди утиб,
 Бораётир от уйнатиб,
 Уз юртига яқин етиб:
 — Тоза бўлар дардимиз,— деб,
 Бетга урар гардимиз,— деб,
 От устидан туриб қарар,
 Кўринарми юртимиз,— деб,
 Қандай ўсган элатим,— деб,
 Ёрга қилган хизматим,— деб,
 Омонми Оқтош юртим?— деб,
 Келса тожи-давлатим,— деб.
 Юртга эга бўлсам,— дейди,
 Подшоликни қилсам,— дейди.
 Ҳар замонда кўз юбортар:
 Оқтош элга борсам,— дейди.
 Боради шундай шунқори,
 Қаботида бекнинг ёри,
 От устидан қараб эди,
 Кўринади Оқтош шаҳри.
 Бу сўзни Муродхон айтди,
 Неча кунлар йўлни тортди,
 Оқтош юртига яқин етди,
 Бекнинг юртига кўзи тушди,
 Оқтош элига етишди.
 Оқтошга хабар борибди.
 Кўринг энди Оталиқни,
 Бирга олиб қанча бекни,
 Хонга пешвоз чиқиб кетти.

Бул шаҳардан чиқиб қараб,
 Муродхонман паризодни,
 Кўрди шундай валломатни,
 Бир-бирига яқин етти.
 Отдан тушиб амалдорлар,
 Ҳаммаси зиёрат этди,
 Бир сипоҳи чопиб кетди,
 Мамлакат элига етди.
 Бир нечалар сўраяпти:
 — Хабар беринг не гап бўбди?
 — Муродхон келди,— деб ўтди,
 Энасиға хабар етди:
 — Олиб келган паризотди.
 — Боғда очилган гулинг келди,
 Чаманда булбулинг келди,
 Ёр ахтарган ўғлинг келди,
 Сенинг жону дилинг келди,
 Суюнчи беринг, энажон!
 Ёр ахтариб кетган боланг,
 Гулистон шаҳрига борган,
 Омон-эсон ёрин олган,
 Ёри билан бирга келган,
 Суюнчи беринг, энажон!
 Бу юртга овоза бўлди,
 Муродхон шаҳарга кирди,
 Қизу жувон йўлга чиқди,
 Муродхоннинг ёрин кўрди,
 Отнинг жоловидан ушлаб,
 Кетди бу ўрдага бошлаб.

Шунда Муродхоннинг ёри Орзигул ойимни қирқин қизлар ўртага олиб, отдан тушириб, ҳамма қизу жувонлар йиғилиб, галоғул тўполон қилиб, шовқин-сурон бўлиб, ўйнаб-кулиб, ўрдага олиб кириб: «Келин келди»,— деб айтаётир:

Келин келди деб билаётир,
 Бир-бирига хабар қилаётир,
 Ўрдага қизлар тўлаётир,
 Қаъда растин қилаётир.
 — Чечамизни кўрсак,— дейишиб,
 Кўп қиз-жувон келаётир,
 Ажаб қизиқ бўлаётир,

Ойим турар ойдай тўлиб,
 Қурган қизлар ҳайрон қолиб.
 Урдани еруғ қилади,
 Жамоли бунинг балқ уриб.
 Жамолини қизлар кўрди,
 Бари кўриб ҳайрон қолди.
 — Хоним қандай билар,— деди,
 — Куп ўйнашиб-кулар,— деди
 Оша юртдан дилбар келган,
 Урда ичи обод булган.
 Бундай сулув қурган эмас,
 Бир хиллари қўрқиб қолган:
 — Одам шундай булармикан?
 Қайда топиб келган султон?
 Ё бўлмаса ҳуру филмон.
 Ҳеч нимаман иши бўлмай,
 Ҳамма анграб тиклаб қолган.
 Муродхон синглиси келган,
 Бунга ойим таъзим қилган.
 Бир хил хотин хабар қилган,
 Шуйтиб дилбар иззат қилган
 Элида Оқтош тўраси,
 Ободдир унинг ўрдаси.
 Шу замон ойимни кўриб,
 Айланар бекнинг энаси:
 — Обод булар кирдикори.
 Ойдайн боламнинг ёри,
 Кетди кўнглимнинг ғубори.
 Менга келин шундай санам,
 Кўнглимда қолмади алам.
 Омон-эсон келган болам,
 Обод бўлди кулба-хонам!
 Ўз юртига эга бўлди,
 Омон-эсон қўзим келди.
 Кетди мендан қайғу туман,
 Омон-эсон юртга келди.
 Юрт эгаси ул Муродхон,
 Юрагимдан кетди армон.

Шундай қилиб ҳамма қирқин қизлар, қизу жувонлар
 йиғилиб келиб, ҳамма расми-қоидаларини қилиб, Мурод-
 хоннинг энасига «Қутлуғ бўлсин!»— деди. Подшолик рас-
 мини қилиб, ўйин-кулги билан Орзигулни уйга олиб ки-

риб ўтқаздилар. Шунда Муродхон бу шаҳарга келиб, ўз шаъни-шавкати билан жиловхонага кирди. Қанча амалдор, беклар жиловдан ушлаб, дуо қилиб турди. Муродхон отини бир хизматкорга топшириб:— Мен аввал энамни бориб кўрайин, энамдан бежавоб кетган эдим. Бориб энамни кўриб, сўнгра сизлар билан сўзлашаман!— деб, урдага қараб жунаб кетди.

Бунинг келаётганини энаси эшитди. Энаси Муродхонни кўриб: «Энанг айлансин, болам!» — деб келиб қулочини ёзиб, бағрига босиб:— Вой болам, қандай қилиб мени ташлаб куйдириб кетдинг. Омон-эсон кўрдим,— деб эсгалаб, «қўрққандан-қувонган ёмон» дегандай, энаси беҳуш бўлиб йиқилиб қолди. Муродхон [энасининг] бошини суяб турди. Шунда энаси ўзига келиб: «Омон-эсон келдингми?» — деб, Муродхонга қараб бир сўз деб турган экан:

Манов тоғда буктарилган қормисан?
Қаторга тиркалган лўкча нормисан?
Бир ёр излаб, болам, интизормисан?
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?
Сарғайиб қолганди юзим,
Сенсан менинг кўрар кўзим,
Кўп йиғладим менинг ўзим,
Бирга кепти сарви нозинг!
Юрт эгаси, жоним болам, бормисан?
Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
Олтиндандир кировка тун ёқаси.
Жоним кўзим, Оқтош юртнинг эгаси,
Сен бўласан мамлакатнинг эгаси,
Қучоқлаб йиғлайди бекнинг энаси:
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?
Аввал бошлаб сағир қолдинг отадан,
Парвариш топгансан мендай энадан,
Ота юртга эга бўлган Муроджон,
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?
Излаб кетибсан-ку бир кун ёрингни,
Энам. деб кўрмабсан меҳрибонингни,
Ташлаб кетдинг султон бўлган шаҳрингни,
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?
Кўрар кўзим, ёр ишқида юрдингми?
Чўлда юриб, кўп заҳматни кўрдингми?
Бир юртлардан бориб ёринг олдингми?
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?

Ерим дебон кўп жафони тортибсан,
 Эшитмаган олис юртга кетибсан,
 Ер ишқида, болам, қонлар ютибсан,
 Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?
 Уз жонингга, болам қилиб, зулми,
 Омон келиб, сен сўрадинг ҳолимни,
 Подшоҳ бўлиб даврон сурган элингни,
 Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?
 Неча сўзлар айтиб, болам, ўзинга,
 Сипоҳилар сўзлаёлмай юзинга,
 Интиқ бўлдим, болам, сендай кўзима,
 Еш ўрнида қонлар тўлиб кўзима,
 Сени кўриб, энди келдим ўзима,
 Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?

Бу сўзни Муродхон энасидан ашитиб, кўнгли бузи-
 либ, юраги эзилиб, бу ҳам анасига қараб бир-икки оғиз
 сўз айтиб турган экан:

«Эна қулоқ солгин айтган нолишима,
 Бир ёрнинг савдоси тушиб бошима,
 Эна, келолмадим сенинг қошинга,
 Чидаялмай мен ҳам ёрнинг ишқина,
 Ер ишқида бундан бош олиб кетдим.
 Фалакнинг ишига бағримни йиртдим,
 Гоҳ чўлларда яёв бўлиб йўл тортдим.
 Хунхор дарёсидан бир кун итдим,
 Гулистон деган бир шаҳарга етдим,
 Гулистон шаҳридан ёримни топдим,
 Ерим олиб яратганга рост бўлдим.
 Тақдир шулдир: Афсар девман дўст бўлдим,
 Омон-эсон тенгу тушимни кўрдим,
 Энажон, ҳамиша эсима олдим,
 Келиб, тенгу тушим элимда кўрдим,
 Дунёнинг ғамидан энди қутилдим,
 Шукур қилай, сени саломат кўрдим.
 Кўрсам дедим, эна, сенинг ўзингни,
 Сен ҳам кўрдинг омон-эсон қўзингни».
 Бу сўзни шу замон Муродхон айтди,
 Қулоч ёйиб хоннинг синглиси етди,
 — Эмикдошим, кўрар кўзим, акам,— деб.
 Неча алвон Муродхонга сўз айтди.
 — Гачга айланган шум фалакнинг гардиши,

Сабил,— дейди уйнаб-ўсган Оқтоши,
 Бизларни куйдирган энанг нолиши,
 Кўп бўлди-ку бу кампирнинг койиши,
 Тукилди энангнинг кўзидан ёши,
 Кўп бўлди-ку бу энамнинг нолиши,
 Кеча-кундуз биз ҳам тинмай йиғладик,
 Қандай бўлди ёлғиз оғамнинг иши.
 Бир ерларда ғариб бўлиб қолди,— деб,
 Ё душманга акам дучор бўлди,— деб.
 Эмикдошим қайси юртга борди,— деб,
 Ёлғиз-да, аҳволи қандай бўлди,— деб,
 Бизлар мунглиғ, боролмасак кетидан,
 Нима иш келсин муиглиғларнинг қўлидан.
 Еринг билан бўлиб бирга,
 Омон-эсон келиб элга,
 Кўзимиз тушиб бир-бирига,
 Энди юрармиз манзилда.
 Пойтахтда, ака, тургин.
 Мунглиғ сииглинг, сўзин билгин,
 Ўз юртингга эга бўлиб,
 Подшолик давлатин олгин.
 Дунёда беармон бўлгин,
 Бу давлатнинг қадрин билгин,
 Фуқарони иззат қилгин.
 Фақирлардан хабар олгин.
 Элатингга раҳбар бўлгин.

Муродхон энасидаи, синглисидан бу сўзларни эшитиб,
 шу ерда булар билан омонлашиб, кўришиб эсгалашиб, ўр-
 дага бормай, келиб тахтига бориб ўтирди. Дўстларини вақти
 хуш бўлиб, душманларини ғамгин бўлди. Шунда ҳамма юрт-
 га: «Муродхон келибди, ёрини ҳам олиб келибди»,— деб
 овоза бўлди. Жарчилар чақирди. Хар мамлакатдан Мурод-
 хонга тобё беклар, амалдор, сипоҳилар йигилиб келди.
 Муродхонга кўриниш бериб, салом қилиб, таъзим қилди,
 Муродхонни дуо қилди. Ҳамма бекларнинг олдида Оталиқ
 Муродхонга подшоликни топширди. Муродхон тахтда под-
 шолик дағдағасини қилиб ўтирди. Шунда амалдор, беклар
 олдида Оталиққа қараб Муродхон бир сўз деб турган экан:

Омон-эсон шоҳинг бу юртга келиб,
 Юртинг сеинг ободмиди Оталиқ?
 Юрт саранжом қилиб, сўраб турдингми?

Бева-бечорадан хабар олдингми?
 Ўзингдан каттани иззат қилдингми?
 Бу юртимда мендай бўлиб турдингми?
 Ёрим, дедим, мен ҳам кетдим бош олиб,
 Оқ сут берган энам хабарсиз қолиб,
 Сўрадингми, мунглиғ кўнглини олиб,
 Қилган ишинг сенинг элга жой бўлиб,
 Шоҳлик қилиб, оту тўнинг шай бўлиб?
 Порахур бўлдингми, сен ҳам бой бўлиб,
 Элу юртинг қандай бўлди, Оталиқ?
 Элу халқдан мен ҳам яхши сўрарман.
 Элга келдим, пойтахтда турарман,
 Ким яхшилиқ қилса, англаб биларман,
 Раҳбар бўлса, унинг кўнглин сўрарман.
 Душман бўлса, жазосини берарман,
 Сайр этарман, мунда ўйнаб-куларман,
 Мен кетган сўнг қолди сенла давлатим,
 Мен кетган сўнг қандайди мамлакатинг?
 Экин бўлиб, обод бўлдими юртинг?
 Не бўлди бу элдаги маслаҳатинг?
 Элу халқинг қандай бўлди, Оталиқ?
 Ёр ахтариб бошга тушди тумона,
 Қилган ишинг энди менга гумона.
 Бўлгандир бу элга ажаб замона,
 Бу гаплар бўлгандир фасли баҳона,
 Султон бўлиб элни сўрган отамиз,
 Билдир менга ҳар не кўрганларингни.
 Қанча ҳисоб бергин менга зарингни,
 Сен сўрадинг манов турган шаҳрингни,
 Хабар бергин сен ҳам билганларингни,
 Шаҳрингда гуноҳкор бўлганларингни.
 Айта бергин кўнглингдаги борингни,
 Эга бўлган бунда кирдикорингни.
 Тарбият қилдингми Оқтош шаҳрингни?
 Ё бўлмаса хаёлингни бўлдингми?
 Мени келмас деб, сен гумон қилдингми?
 Элни еган сен бир бало бўлдингми?
 Ростин дегин, йўқса, раҳбар бўлдингми?

Бу сўзни Муродхондан ҳамма беклар, Оталиқ эшитди.
 Беклар: «Бу сўз жуда ёмон бежой бўлди. Муродхон Ота-
 лиққа [қаттиқ] тикилди, хоннинг бу сўзларидан Оталиқ ўла-
 диган бўлди. Шу чоқда Муродхонга биров ёмонлаб чақиб

гапирди. Үзи бериб давлатини бунчалик қаттиқ суров қилди. Оталиқнинг ҳам бурни кўтарилиб, анча иш қилди. Сурсат, подшолик чиқимларини ҳам кўп зиёд солди. Бевабечораларни йиғлатиб олди. Ҳамма ҳам безор бўлди. Ажали етса, Оталиқ ўлди. Ҳузининг ҳам ияги қалтираб, кўзи ялтираб қолди, ўлмаса ҳам ўлимчи бўлди. «Қизил юзли йигитнинг қизаргани — ўлгани» деган гап бор, ўзи ҳам индаёлмай қолди, ўзи ҳам хийли бўлди». Бир неча амалдорлар: «Муродхон шу ёқларда ўлиб кетар»,— деб билдирмай ўзидан кетиб қолди. Мамлакатга кўп жабр қилди, буни бир шоввоз Муродхонга айтган экан-да. Муродхон билди»,— дейишди. Оталиқ ўзидан кетиб қолди, манманлиги ошиб ҳаммага ҳам зулм қилганди, балога йўлиқиб қолди, кўргилигини кўрадиган бўлди. Устидан шивирлашиб, туртишиб, амалдор, сипоҳилар гап қилиб турди. Муродхон бу гапларни тахмин қилиб айтган эди. Амалдор сипоҳиларнинг шивирлашиб, туртишиб гапираётганидан, Оталиқнинг бошини ерга қуйи солиб, индаёлмай турганидан билди. Муродхон тахт устида утирди, сипоҳилар хизматида турди. Не бир беклар, амалдорлар: «Оталиққа нима деб буюрар экан?»— деб аланглашиб, Муродхоннинг оғзига қараб турди. Баъзи бир беклар хушомадга Муродхонга қараб бир сўз айтиб турибди:

Қайта бошдан обод бўлсин бу шаҳринг,
 Сен кетдинг, хафа ёди амалдоринг,
 Омон-эсон юртга келдинг, шунқорим,
 Қутлуғ бўлсин, олиб келган дилбаринг!
 Обод бўлар уйнаган кирдикоринг,
 Сен кетган сўнг йиғлаб қолди бекларинг,
 Шу вақтгача йўқдир биздан хабаринг!
 Паридан зиёддир бу олган ёринг,
 Кўнглингда қолмади сира ғуборинг!
 Бир ёр излаб элдан жудо бўлибсан,
 Кўп қилмаган ишни ёлғиз қилибсан,
 Оша юртга [ўзинг] ёлғиз борибсан,
 Бир шоҳнинг қизини олиб келибсан,
 Қайтиб келиб, юртга эга бўлибсан,
 Қайта бошдан қутлуғ бўлсин давлатинг.
 Бир ёр учун кўп иш тушиб бошингга,
 Ҳар ким қойил бўлар қилган ишингга.
 Қайтадан кўшилиб тенгу тўшингга,
 Бувиш ёрни олиб келиб элингга.

Муродхон амалдорларга қараб:— Шунча мамлакатга бориб келиб, бетайиндай бўлиб қолмайин, эл-халққа бир тўй-тамоша қилиб бермоқлигим даркор,— деди.

Муродхоннинг бу сўзини эшитиб, амалдорлар айтди:— Бу ишингиз кўп яхши бўлар, ҳар мамлакатга овоза борар. Ҳар мамлакатдаги эшитган хонлар ҳам қойил қолар. Биз сизга айтолмай туриб эдик! Бу ишингиз кўп бинойи, қулай бўлди. Бу сўз ҳаммага маъқул келар,— деди. Муродхон амалдорларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Менинг иззатимни, беклар, қилинглар,
Айтган сўзим яхши ўйлаб кўринглар!
Мамлакатга шундай хабар беринглар,
Оқтош элда тўй-тамоша қилинглар!
Маслаҳатни яхши англаб туринглар,
Оталиқни девонбеги қилинглар!
Созанда, ҳофизга хабар беринглар,
Нағмагар қолмасин, йиғиб келинглар!
Элатига маълум бўлсин бек зоти,
Шундай ишлар паризодим ҳурмати.
Ёр учун кўп бўлди бекнинг хизмати,
Шундай бўлса катта бўлар давлати.
Бу сўзларни айтар Муродхон ўзи:
— Олган ёрим — Қироншоҳнинг қизи.
Юрт оламга кетсин бунинг овози.
Танга, дунё сочиб сарфлаб туринглар,
Олган ёрнинг иззатини қилинглар.
Элу халққа хўб бир инъом беринглар,
Яхши ўйнаб, хўп [тамоша] қилинглар!
Бозорларга жарчи-хабар қўйинглар.
Душман кўрсам қайтмай қилдим савашни,
Ёлғиз бориб қилиб келдим кўп ишни,
Ҳурмат қилиб Орзигулдай бувишни.
Мендай хонинг йўлларда жондан кечди,
Элга келиб кўрдим бу қариндошни.
Элу халққа тугиб беринглар ошни.
Гоҳ ерларда йиғлаб ақлим шошди,
Гоҳ вақтларда хонинг ўтдай туташди,
Шукр қилди яна юртга етишди.
Сизларга сўз айтар энди Муродхон,
Эшитиб ол, мана турган қадрдон,
Омин,— деб фотиҳани юзига тортди
Туриб сипоҳилар хизматга кетди.

Ҳар тарафга айтувчини жўнатди,
Амалдорлар тўй тарадди қилади.
Ошпаз, қассобларга хабар беради,
Обгардон анжомин олиб келади,
Бозорларга жарчи хабар беради.
Қирқ кеча, қирқ кундуз тўй қилмоқ бўлиб,
Одамлар, овоза гапириб юриб,
Келаётир шаҳар халқи йиғилиб.
Қанча қую, қанча сўқим сўяди,
Бева-бечоралар қолмай тўяди,
Борганларга зару зевар беради,
Ҳамма гап қиб подшоликка келади.

Ана шунда Муродхоннинг бу сўзини эшитиб, асабадор, туғдор-жиғадор, ўнг Оталнқ, чап Оталиқ беклар, хонлар, ҳамма амалдор туш-тушига қараб ҳар қайсиси ўз ишига, тўй асбобини тайёрламоқчи бўлиб, Муродхоннинг олдидан чиқиб кетди. Ҳаммаси бориб, тўйнинг ҳамма керакли анжом-буюмларини олиб келиб, тўйга керакли қанча нарсаларни жам қилиб қўйди. Бошлаб учоқ уйдириб, ошни пишириб, неча бор сўқим, қўйлардан сўйдириб, ошни чош қилиб, дам олдириб, тўйга келган халойиққа бераберди.

Ҳар бир уруғнинг катталари ўз чўлкамлари билан келиб, турда утириб, қутлуғ бўлсин, қилиб ошни еб, бекни дуо қилиб кетаберди. Ҳар уруғдаги белгили катта одамларга тун ёпиб, думогини чоқлаб, кўп халқларга ҳам тунлар берди. Муродхон:

— Ҳар уруғдан амалдор бор бўлса, ўз уруғига, ўз халқига тўйдан улуш шибоға, қунуқлардан олиб борсин. Бераётган соврунларини беклар йиғиб олсин, шу қурда битта-яримта жияни келиб қолса, жиян товоғини ҳам берсин. «Жиян товоғимни бермади»,— деб упкалаб кетмасин,— деб буюрди.

— Улиб кетган шоҳнинг уйи йўқланмасдан қолмасин. Баркамол ўғли йўқ. Чўлпон ойнинг хурматидан оз эмас, кўпроқ қунуқ бир қўй берсин. Ўзини тўйга айтсин, келмай хафа бўлиб қолмасин. «Отам бўлганда мени тўйнинг бошига, аёлларга катта қилиб қўяр эди»,— деб мунгкайиб қолмасин. Олиб келиб, кўнгли учун хотинларга катта қилиб қўйинглар,— деб, тўйнинг саришталарини буюрди. Беклар, амалдорлар, Муродхоннинг айтганидан ҳам зиёд қилди. Ҳар ким ўз ишида турди. Келгани, кетгани билиб, шуларни ҳар қайсиларини ўз мартабаларига қараб утказди,

хизматкорлар хизматни қилаётир, эл одами уруғ-уруғ бўлиб келаётир. Беклар уни саришта қилаётир. Ҳа деб, тўйдан тегишларини бераётир. Кўп қизиқ тўй бўлаётир. Ёш болалар: «Келган одамларнинг отини ушлаб турамиз»,— деб минаётир; ошпазлар ошни бераётир. Бошқа шахарлардан келган бек, амалдор бўлса, уни ўзининг ҳурматига яраша бир кўшкига тушириб, унинг учун хизматкорлар тайинлаб қўяётир. Буларга ҳам ош, зиёфат бераётир. Бир ёқдан қанча ҳофиз, созандалар, қулидаги дум-бира — созларини чертиб айтганини айтаётир. Тўй жуда қизиқ катта тупалон, галогул, шовқин бўлиб, одамлар чопишган, кулишган, буларга тамошани қилган, бир ёқдан кубкарини баковулла бераётир. Чавандозлар чопиб, улоқни олаётир. Бир ёқдан қизу жувонлар ўрдада булар ҳам ўйинни қилиб, кўп хотин-қизлар тўйга жам бўлиб келаётир. Хотинларнинг баковуллари ҳам буларнинг қилиб келган дастурхонларини олаётир. Буларга зиёфат қилаётир. Тўй шундай катта тўй бўлди, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, буни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам армонда. Дўстларнинг вақти хуш бўлган, душман хафа бўлган, бу тўйга келганлар бўлганича бўлиб қолган. Аёл—қиз, хотинлар ҳам кулги ўйин тамошани қилиб, Муродхоннинг энасига:— Қуллуқ бўлсин, икки давлатингиз бирикди, кетган, ўглингиз кебди. Қўша қутлуғ бўлсин, ўзи қуллуғ бўлсин, илгари тўйингизга келганим йўқ,— деди. Бир ёқдан ҳофизлар ўқиб, бир ёқдан созандалар созини чертиб, бир ёқдан ўйинчилар ўйин қилиб, ҳаммаси ҳам сарпо (бош-оёқ кийим), танга, тилладан инъом олди. Бу орада қирқ кун ўтди. Ҳамманинг ҳам хондан вақти хуш бўлди. Амалдорларига бир-бир амал, зиёд берди.

Тўй тарқаб кетди, келган подшо бўлса, уларни ҳам иззат-ҳурмат қилиб жўнатди. Ҳар қайси беклар, амалдорлар, сипоҳилар, туғдор, жиғадор, бакавулла ҳам ўз ишига кетди. Кун кеч бўлди. Муродхон ўрдага қайтди. Бундаги аёл-қиз, хотинларга ҳам танга, тилла сочиб, буларга ҳам сарпо бериб жўнатди. Муродхоннинг ишига Орзигул ойимнинг ҳам вақти хуш бўлди. Ёри ҳам Муродхонни куриб ҳурматли иш қилганига кўнгли тўлиб, бурунгидан ҳам меҳри зиёда бўлиб, димоғи чоғ бўлди. Муродхон билан Орзигул ойим мақсадига етиб, умри Орзигул билан ўтди.

Рустамхон



Айтувчи

ФАЗИЛ ИҶУЛДОШ УҒЛИ

Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи

ҲОДИ ЗАРИФ



Замонинда Оқтош вилоятинда Султонхон деган ўтди. Султонхоннинг уч заифи бор эди, тугмайдиган айби бор эди. Неча вақт Оқтош мамлакатида подшолик қилди; ёши қайтиб, соқоли оқариб қолди. Уйлаб: «Энди менда фарзанд бўлмаса, ўлсам бу мулку моллар беэга қолса, ўзим ўлган куни мендан ҳеч бир нишон бўлмай, подшолик давлатимга булак киши эга бўлса менга фойдаси йўқ. Эндиги подшоликни нима қилайин. Амалдорларнинг ҳаммасини йиғиб олайин, улар билан бир маслаҳат қилайин, подшолик билан юртини ўзига берайин; подшоликда орттирган молу мулкимни хотинларга топшириб, тарки дунё қилайин» деб, амалдор жиғадор, сардор бекларига хабар қилди. «Султонхон чақиртди»¹ деб ҳаммаси йиғилиб, хоннинг хизматида бўлиб турди. Шунда буларга қараб, Султонхон бир сўз айтиб турган экан.

Амалдорлар кулоқ солгин додима,
Мен куйиб ёнаман ўз ўтима,
Менда энди бирор фарзанд бўлмади,
Энди эга бўлинг² Оқтош юртима...

Ўйласам қурийди тандан қувватим,
Йўқдир бу дунёда курган роҳатим,
Мендан нишон бўлмади бир фарзандим,
Ўйласам, беэга менинг давлатим,
Сенга қолсин Оқтошдай мамлакатим.

¹ Чақиртирди.

² Қулёзмада бунгар.

Менга даркор эмас шоҳлик шазкатинг,
Нима қилай бу подшолик давлатинг;
Ўйлаб турсам, ўтиб кетди навбатим,
Йўқдир менинг ўғил-қиздан фарзандим.
Эга бўлсанг, мана бу мамлакатинг...

Ўйлаб турсам, жигар-бағрим эзилди,
Кечалар кўз ёшим менинг тизилди,
Подшо бўлиб менинг бағрим эзилди,
Даркори йўқ бизга бепоён элди.

Кундуз мен тураман шоҳлик шавкатда,
Оқшом ҳам тортаман, бошим кулфатда.
Вафоси йўқ бундай шоҳлик давлатдан
Бошим олиб кетай бундан, албатта.

Кумуштандир қарчиғанинг чегаси,
Олтин булар киравка тўн ёқаси.
Ўйласам йўқ давлатимнинг эгаси.

Гоҳ кечалар ўзим йиғлаб муғойиб,
Мен кимга гапирай дардимни ёриб,
Подшоман деб, мен ҳам лофни урмайман,
Олдинда шу замон бўлганман ғариб,
Қани, эга бўлгин мамлакатима.

Кўнглимдаги қилган ишим битқариб;
Мен кетайин бундан Каъба ахтариб,
Энди умрим ғарибликда утқариб;
Эга бўлгин бунда мамлакатингга.

Бу сўзни Султонхондан эшитиб, амалдорлар ўйланиб,
бир нечаси ҳайрон бўлиб, нима жавоб айтирини билмай,
нари-бери сурликиб, маслаҳат қилиб, «бунга бир гапириб
кўрайик» деб айтди:

— Эй подшоҳи олам, мачитга суфи-дарвиш одамлар
йиғилади. Саллангизни бўйнингизга солиб турсангиз. Дар-
вишлардан фотиҳани олсангиз...

Бу сўз Султонхонга маъқул тушди. (Баччағар, подшо-
ликдан умидини узгиси келмаётир-да). Ҳа демай Ҳуройим
деган уртанча хотини ҳомиладор бўлиб қолди.

Ойдан ой, кундан кун ўтиб, Ҳуройимнинг ойи-куни
яқин етиб келаберди.

Султонхон Ҳуройим ёрига айтди:—«Дунёда бир қўрққан ёмон, бир қувонган ёмон» деган гап бор. Менинг қариганда кўрган фарзандим. Мен шу ерда юрсам, сен бир куни туғиб соларсан. Мен қувонганимдан юрагим ёрилиб ўлиб қоларман. Қурудим мамлакатига сафар қилайин. Ун турт йилда бориб келарман. Олдимга суюнчи деб чиққан кишига аямасдан танга-тилла берарман, қулоғидан дунёга кумарман, балки қўрғонбеги қиларман.

Шунда кетмоққа ихтиёр қилиб, тахти-бахтини кимга топширарнинг ҳисобини топмай, амалини, давлатини ҳеч кимга ишонмай, ҳайрон бўлиб, қозикалонлардан сўради. Қозикалонлар туриб айтди:— Ҳуройимнинг бўйида бир ҳомила-гумона бўлса, ўғил ҳам бўлса — ўғил, қиз ҳам бўлса— ўғил, шарият ўғилга ҳукм қилади. Гумонанинг туфайлидан мамлакатни Ҳуройим сўрамоғи тўғри келади.

Шунда Султонхон димоғи чоғ бўлиб, тахт-бахтини Ҳуройимга топшириб, карнай-сурнай қўйдириб, одамларини йиғдириб жунамоқ ҳаракатида бўлди.

Подшолик Ҳуройимга ўтиб, Ҳуройим Султонхонга қараб бир сўз айтиб турган экан, дейди:

Хоним, эшит мендай ойим арзини,
Сўлдирмагин бунда гулдай тарзини.
Мерган отар дайроботнинг ғозини,
Хоним, англа Ҳуройимнинг сўзини.

Эл кўчириб Олатоғдан оширдинг,
Улуғ билиб нечовларга бош урдинг.
Бирнеча душмандан сиринг яширдинг,
Тожу давлатингни менга топширдинг.

Неча вақт Оқтошда танҳо тўрасан,
Тақдирингда нима борин кўрасан,
Неча йиллар суриб бу элда даврон,
Қурудим деб, хоним, кетиб борасан.

Давлатим бор понза румол ўрайин,
Сарғайиб тарзингга, хоним, қарайин,
Келар мўлжалингни, турам, сўрайин:
Неча вақтда Оқтош қайтиб келасан?

Бизга ташлаб кетиб мамлакатингни,
Обод қилиб сўраб турай юртингни,

Мен билмайман сенинг қайтар вақтингни,
Айтгин, тўрам, неча вақтда келсан?

Сен кетган сўнг мен ҳам хафа буларман,
Кўз тутиб йўлингга қараб юрарман,
Келар мўлжалингни айтсанг, хонзода,
Мен йўлингга пешвоз чиқиб турарман.

Очилар баҳорда, билсанг, гул ғунча,
Юрт эгаси бўлдим узинг келгунча,
Сендай хизмат қилар менга ҳам неча,
Юртга подшо бўлди мендай ойимча,
Холин билмай не иш қилар бир неча,
Бир келар мўлжалинг айтгин, хонзода.

Бу сўзни эшитиб, Султонхон димоғи чоғ бўлиб отла-
ниб, Ҳуройимга қараб, муртини бураб, узангига оёғини ти-
раб, бир сўз айтиб турган экан:

Мен кетган сўнг уйдан чиқиб ўтирма,
Дўст йиғлатиб, душманингни кулдирма,
Бир етар-етмасга сирим билдирма,
Обод қилиб сура мамлакатимни
Тожу давлат, мулку молим топширдим.

Мен қандай сўрасам шундайин бўлгин,
Оқтошга эга буп подшолик қилгин,
Обод қилиб энди юртимни сураб,
Подшо бўлиб сен Оқтошда ўтиргин.

Мен топширдим қатордаги норимни —
Энди сенга ғазнадаги заримни,
Эга қилиб тожу давлатларимни,
Билгин ҳарна манглайимда боримни,
Тождор подшо қилдим сендай ёримни.

Мен кетган сўнг нодон кўнглинг булмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Нодонларман асло сирдош булмагин.
Аёллик қип нодон сўзлаб турмагин,
Тожу давлатимни сенга топширдим.

Бу сўзни Султонхондан эшитиб, Хуройим ёри — Султонхонга қараб, тағи бир-икки оғиз савол сўраб турган экан:

Тоғ-тоғнинг бошини чалган туман-а,
Ҳарким йиғлаб турса охир замоң-а,
Буйимда қолғандир бирор гумона,
Бизларга топширсанг Оқтош юртини,
Қуйиб кетгин фарзандингнинг отини,
Сўраб турса бунда мамлакатини,
Подшо бўлиб сиздай хоннинг хотини.
Хизмат қилса бунда неча сипойи,
Обод бўлар сиздай хонимнинг жойи.

Мана элдан ўзинг кетиб борасан,
Бир мулжалинг ун тўрт йилда келасан,
Ўн тўрт йилни менга муҳлат берасан,
Болангнинг отини нима қўясан?

Эшитгин дилбарнинг айтган додини,
Ўзинг қўйсанг фарзандингнинг отини.
Нима деб амр этсанг ани қиларман,
Айтсанг фарзандингга отин қўярман,
Нима десанг хизматингда тайёрман,
Ул сабабдан кунглингдагин сўрарман.
Қуйиб кетгин фарзандингнинг отини.

Бу сўзни Хуройимдан эшитиб, Султонхон бир сўз айтиб турган экан:

Чўпу хасдан кўпдир қилган гуноҳим,
Сен ўзингдан гап қоларми, Хуройим,
Ўғил туғсанг отин қўйгин Рустамхон,
Қиз туғсанг, гул юзли, ўзинг биласан.
Мен кўрайин Қурудимнинг юртини,
Чўли, дашти, неча мамлакатини,

Сен сўраб тур бунда Оқтош юртини,
Яхши қилгин бекнинг мамлакатини.
Шундай деб отин қўй у фарзандини,
Қулоқда тут хоннинг насиҳатини,
Нима десам айтганимни қиласан,
Ихтиёр ўзингда, дилбар, биласан.

Бу сузларни энди Султонхон айтди,
Хўшлашиб Хуройим бунда қолибди,
Султонни узатиб йўлга солибди,
Подшо бўлиб Хуройим турибди.

Султонхон жунади шаҳардан чиқиб,
Қанча одам маҳрамлари жам бўлиб,
Қурудим деб, мамлакатни ахтариб...

Шундай қилиб кетди кўрмаган юртга,
Қамчи босиб ҳайдар чўлларда отга,
Гоҳда тўп-тўп булар, гоҳларда якка,
Чўлларнинг тўзони кетиб фалакка...
Тўпу тўпхонаман лашкарин олиб,
Бораётир Қурудимни ахтариб,
«Сайр этиб мен неча вақтлар юрсам — деб,
Элу халқни шундай қилиб кўрсам — деб,
Оқтошнинг юртиман бирга қилсам — деб,
Элни кўриб, юртга катта бўлсам», — деб;
Оқшом ётиб, кундуз жунаб боради,
Дунёнинг айшини шундай сурсам — деб.

Чўлларда остига мингани тулпор,
Хизматида олти юз маҳрами тайёр,
Қанча сипоҳи ҳам ададсиз лашкар,
Шавкати оламни босиб боради.

Шундай бўлиб, йўл юриб, Қурудим мамлакатини ёқалаб, чодир-чаман тикиб қўнди. Бу ерлар, теварагидаги эллар, неча қўрган сўраб турган беклар илгаридан ҳам бири-бирига маълум. Гоҳ Султонхонга бож бериб, гоҳ бермай қайтиб турар эди. Булар Урганч, Хоразм, Хева беклари, динкаман хонлари эди. Булар Султонхоннинг келишини кўриб, шундай маслаҳатда бўлди: «Биз гоҳ бунинг ихтиёрига кириб, гоҳ кирмай қолганга, ёмон хаёлда келган. Бу, ададсиз лашкар, қанча тўпу анжомдор. Булак уйда келса, бундай шавкат билан чиқмас эди. Бизда кўп лашкар йўқ. Биз ҳарқайсимиз битта-битта қўрганнинг эгасимиз. Халқдан йиғилган тўсат-тўсат, даста-даста лашкар тарқаб кетган. Элу халқ оч-яланғоч, бари тентираб қолган. Бу хизматкор, фуқаро — халқ қасд қилганда калтагини судраб чиқиб урушиб, баробар бўлолмас. Буларни отлантириб Султонхоннинг устига босиб бормоқ бизнинг қўлимиздан кел-

мас. Устимизга келди, энди биз қанча сўйиш, мол-ҳол олиб бориб кўрмогимиз даркор».

Мамлакатдаги амалдорлар бу маслаҳатни қилиб, Султонхонга боришли-келишли бўлиб ётди.

Энди Оқтош мамлакатида Ҳуройим подшолик қилиб, ичкарида арз сўрайди. Химча деган канизи бор. Химча: тиллари булбулча, кимни яхши деса шунча, икки юзи очилган гулча, беллари хипча, узи сулув ойимча. Химча ойим ташқарида арз сўрайди, навбат тегмаган талашиб ётади, то ҳуснини кургунча.

Ҳуройим Оқтош мамлакатида мамлакатни зертанг-забартанг қилиб, Султонхондан зиёда иш тутиб тураберди. Ҳуройимнинг иш тутувига икки кундош безовталиқ қилаберди. Шу¹ вақтида вақти етиб, ойи битиб, Ҳуройим ўғил туғди; отини Рустам қўйди.

Рустам бирга, иккига, учга кирди. Тилга энгандан мадрасадан бир муллани олиб келди, мулла билан Рустамхонни тағизаминга солиб, ўқитиб ётаберди.

Бир бияси бор эди. Рустам пайдо бўлган куни бу ҳам бир эркак қулун туққан эди. «Бу боламнинг оти» деб таблага торттириб, бир сайис солиб боқтириб ётди. Фарзандга танқис одам: «Болам камолга кирса, от белига минса, икки тозини ияртиб саҳроларда гашт қилиб юрса», деб иккита тозини ҳам тепкига солиб боқиб ётар эди.

«Замон Ҳуройимники бўлди», деб икки кундош нима қиларини билмай уй ўйлар эди.

Оқтош вилоятинда дафтари мастондан уч юз олтмиш мастон бор эди. Уч юз олтмиш мастоннинг бошлигини Момагул мастон дер эди. Мазгили² шаҳардан ташқари бир ғорда эди. Ғорда ётар эди, ҳурракни баланд тортар эди, ботмон носвойни тўрт бўлиб отар эди, юриш-туриши одамларга хатар эди, не эр йигитларни икки пулга сотар эди, яхшиликни уч пулга олмай, қаерда ёмонлик бўлса излаб етар эди. Қандай одам курса, бу кампирдан ҳазар қилиб, узоққа кетар эди; ёмонлик излаб борган одамнинг иши шу мастондан битар эди.

Икки ойим Момагулни қўнглига олиб, «Шунга борайик, бир арз қилиб кўрайик» деб, кўрмаса ҳам, сўроғлаб бориб қолди. «Момамиз ғордамикан, ё бир алла гўрдамикан», деб бораётиб эди, шу вақти момаси ғордан чиқиб келаётиб эди.

¹ Уша.

² Манзили. Бундан кейин ҳамма ерда шу адабий шакл олинди.

Момасининг афти-жасадини кўрди, шундай: манглайлари чўтдай, кўзлари ўтдай, жағининг гўшти қочган, ён ёгидан тарлон очган, яхшиликдан мудом қочган.

Ойимлар айтди: «Халқнинг гапириб юрганидан зиёд экан». Ойимлар момасига арз қилиб, Хўройимнинг устидан бир сўз айтиб турган экан:

Оҳ тортганда менинг сўлган тарзим бор,
Жоним мома, сенга айтар арзим бор.
Сен эшитгин, ойимларнинг сўзини,
Ойимларнинг сенга қилган арзини.

Уйнаб-усган маконимни сел олди,
Манзил-маконимда, билсанг, ўт ёнди,
Олтин тахтли кулбаларим вайронди(р),
Ойимларнинг хаста кўнгли ҳайронди(р).

Эшит, мома, ойимларнинг тилини,
Вайрон қилсанг бунда Оқтош элини,
Хазон қилгин тар очилган гулини,
Улсин деймиз Хўройим ҳам улини.¹

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар,
Булутлар маст бўлса, чалқийди кўллар,
Ўтга ёнсин Оқтош элда кирдикор.

Дунёни сўрасанг бизда кўп булар,
Жоним мома, булакургин хизматкор.

Дардлиман, дардимни кимга ёраман,
Ҳасратидан элдан ал ахтараман.
Ўзгалардан сизни яхши биламан,
Хизматингга бир қоп тилла бераман.
Вайрон қилгин Оқтош мамлакатин,
Нима десанг, хизматкоринг бўламан.

Кўп йиғлайман мен ҳам сочимни ёйиб,
Бўлиб қолсин Оқтош шаҳри бесоҳиб,
Мома, сизга сўз сўзладик мунгайиб,
Арз айтамыз энди сизга сарғайиб.

¹ Уғлини.

Бизга душман билмаганин билдиргин,
Ханжар урмай бағрин қона тўлдиргин,
Мамлакатдан буни бенасиб қилиб,
Хуройим ҳам ёлғиз ўғлин ўлдиргин.
Жоним мома, энди шу ишни қилгин!

Кампир ойимлардан бу сўзни эшитиб, қаради, дунёдор.
Бир қоп тиллага кўнгли тўлмай, ойимларга қараб бир-
икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Очилар баҳорда боғларнинг гули,
Обод бўпти давлатманднинг манзили,
Бир қоп тилланг бизга бўлмас чой пули,
Уйнаб-кулиб юрсин Хуройим ули,
Кета бер, ойимлар, коринг қилмайман.

Оҳ урганда хаста кўнглим хушладим,
Бурунгидай ёмон савдом ташладим,
Уч кун бўлди янги намоз бошладим,
Яхшилик йўлларни маҳкам ушладим,
Кетабер, ойимлар, коринг қилмайман.

Мени сен ҳам бурунгидай биласан,
Ҳалак бўлиб манзилимга келасан,
Мени йўлдан уриб нима қиласан,
Бобонгнинг одатин ўзинг биласан,
Кета бер, ойимлар, йўлдан қолмагин,
Қурғур чолга дучор бўлиб юрмагин.

Қуриб қолса сени, койиш қилади,
Қилма дейди, сўнгра мени уради,
Ҳаммамизга қаттиқ азоб беради,
Қизларим, кўнглингни қора қилади.

Бобонг қурсин, билгин, одати ёмон,
Юрган ери ҳамиша қайгули туман,
Тангрим уни тилозор қип яратган.
Ҳаялламай қайта бергин бу замон.

«Подшо Хуройимга душман бўлдинг» — деб,
Курса икковингни койиш қилади,
«Тилозорлар қайси гўрдан келдинг» — деб,
Кампиримни алдаб йўлдан урдинг» — деб.

Бу сўзни эшитиб ойимлар уйланиб: «Тағи бир гапириб кўрайик, бир қоп тилланг чой пули бўлмайди, деган ери бор эди, пича ошиб кўрайик», деб яна бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Жоним мома, менинг бағрим эзилди,
Хафа қип қайтарма икки қизингди,
Қулоқ солиб яхши тингла арзимди,
Қанча бўлса дунё бермоқ лозимди(р).

Ҳолим кўриб аҳволима йиғлайин.
Куйганимдан гапни гапга улайин,
Мома, сенинг хизматингни билайин,
Бир қоп эмас, тўрт қоп тилла берайин.

Номингни эшитдим кашмири — аёёр,
Шундай хизмат бўлса, сен мудом тайёр,
Кетмасин ноумид бундан ойимлар.
Ўзинг бўлгин энди хизматга тайёр.

Билганимни, мома, сенга айтаман,
Аҳволима оҳу фиғон этаман,

Бунда сўзлаб, энди сенга дод этиб,
Яхши жавоб берсанг, энди қайтаман.

Ҳаддан ошиб кетди кўрган меҳнатим,
Бор, қўлимдан кетди шоҳлик давлатим,
Ўйласам кўп бўлди менинг ҳасратим.

Ҳуройим бизлардан катта-ғолибди(р),
У бизларни қайғу ғамга дуч этиб,
Ҳуройим Оқтошга эга бўлибди,
Жафо кўриб икки ойим келибди,
Умид тортиб арзин қилиб юрибди.

Йўлинг бўлмасинда бу ерда хатар,
Сўйлагин, ойимлар сенга кўз тутар,
Кўп ишдан, момажон, ўзинг хабардор,
Икки ойим бўлди сизга интизор.

Бу сўзни ойимлардан эшитиб, «Бирданига уч қоп тилла қўшилди, энди иш пича ўнгланай деди», деб мастон кампир ойимларга қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Сен йиғладинг, менинг кўнглим бузилди,
Хафа қилдим сендай икки қизимди,
Йиғламанглар, менинг бағрим эзилди.
Сенга айтсам мен сўз билан жавобди,
Бировнинг кўнглини олмоқ савобди(р).
Кўп йиғлама, кўз ёшингдан, ойимлар,
Бир хизматни мсманг қилмай не бўпти.

Ёмон одам қону зардоб ичирар,
Бир гуноҳни яратган ҳақ кечирар;
Икковинг ҳам хафа бўлма, санамлар,
Хизматингни моманг бажо келтирар.
Сира номардларга кўнгил бермагин,
Момангни номардга ҳамроҳ билмагин,
Сен ёмондан беҳуда савол сўраб,
Манзилга етолмай йўлда қолмагин.

Болам, қулоқ солгин айтган сўзима,
Кўп қайишдим сендай икки қизима.
Сен берган дунёнгни кўп улгу қилма,
Дунё учун кўндирдим деб гапирма,
Кўнглинг учун хизматингни қиламан;
Энди билдим, болам, хизматинг шулми-а?

Душманинг юборай бағрини эзиб,
Ўз бошига кетсин юртини бузиб,
Сендайин қизимни бунда кулдириб,
Душманингга айёрлигим билдириб,
Нима десанг, айтганингни кўндириб,
Хафа бўлиб ҳам емагин, фарзандим,
Қайта бошдан сизни тахтга миндирай,
Сенга тоза шодмонликни билдириб.

Бу сўзни кампирдан эшитиб ойимлар:— Биз билан бирга юришинг, танга-тиллани — ҳақингизни олиб келишинг,— деди.

Кампир айтди:— Э болам, фалончи кампир сочи оқарганда Султонхоннинг ғазнасига ўғирлиққа келиб юрибди,

деган отни ҳам эшитайинми?! Шу ерга олиб келиб берсанг, ўз тош-тарозим билан тортиб оламан, зиёд чиқса, ҳақингни бераман, ўз ҳақимни оламан,— деди.

Ойимлар айтди:— Эса, бизга қоп билан улов топиб беринг. Кампир тўрт эшакнинг устига тўрт қопни солиб, ойимларга қушиб ҳайдатиб юборди.

Булар ғазнахонага етди. Шосупанинг пастига эшакларни қўйиб, шосупанинг устида қопларнинг оғзини очиб, бели оғримай топган пул танга-тиллани қопга солди. Ғазнахонадан хабар олиб турганларнинг иши бўлмади: «Ҳуройим ҳам подшонинг хотини, булар ҳам подшонинг хотини, бир гап айтиб гуноҳкор бўлмайик, нима жавоб айтса ўзлари айтар», деб индамади. Ойимлар эшакни шосупага жипслатиб, қопларни ордириб, мастонникига олиб борди.

Кампир дунёни эшакдан тушириб кўрди. Ойимлар айтди:— Қани, мома, тош-тарозингизни қуринг, ҳақингизни тортиб олинг!

Кампир чўтлаб кўрди. Агар тортса, ҳар қопи ботмон даҳсари, ботмон понсари чиқаберадигандай. Зиёд чиқишини билиб, кампир айтди:— Болам, тортиб, тарозини шақиллатиб, ғалвани кўпайтиб юрамизми, чўт, чўтдан зиёд кетарми?! Ё понсари биздан кетар, ё даҳсари сиздан кетар, ағдариб олиб қўяқолайик.

Ойимлар нима дейди, ишқилиб иши битса бўлади.— Майлингиз, мома,— деди. Кампир димоғи чоғ бўлди. «Савдомиз тўрт қоп эди, олти қопга туширдим-да» деб қолди. Танга-тиллани ағдариб олиб, саранжом қилиб, ойимларга жавоб бериб жўнатди.

Кампир бу дунёдан тўрт юз тангани олиб, ёнига солиб, Оқтош шаҳрини оралаб чиқиб кетди. Бир растада бораётиб эди, бир супада тўртта мулла ранги ўчиб, хаёли қочиб утирибди. Булар муллалик, имомгарчилик қилиб пул топмоққа Кўҳистон мамлакатидан келган муллалар эди. Тўрт юз тангани тўрт муллага берди кампир. Муллалар вақги хуш бўлиб, кампирдан сўради:— Мома, бу пулни нимага бердингиз бизга? Илмнинг ҳурматига бердингизми, ё закот жонибидан бердингизми, ё хайри худойи деб бердингизми, ё савоб учун бердингизми?— деди. Кампир айтди:— Менинг закотга етган давлатим йўқ. Менинг оша савоб билан ҳам ишим йўқ, болам, менинг савоб соладиган идишим ҳам йўқ. Мен сизларга тўрт юз тангани бердим, менинг нима деганимни хатга соласан, гапирганимни арза қиласан, шундай қилиб ёзасан: ўқиса хатинг дўгулиб бир-

бирига тўғри келгудай, ўқиган одам маънисини билгудай,
битган арзанг Султонхоннинг қошида муътабар бўлгудай.

Кампир муллаларга шундай бит деътир:

Нима деб амр этсам, шуни қилинглар,
Хуройим устидан додқа бўлинглар,
Шундай қилиб, болам, хатга солинглар:

Оқтош элда Хуройими қурисин,
Тул бадани қора ерда чирисин,
Эргаштирди ёши билан қарисин,
Йиғиб олди йигитларнинг барисин.
Кўчаларда қулоч уриб юради,
Оқтошнинг шаҳрини шундай булғади;
Меҳмонхоналарда базм беради,
Чироқ ўчириб, ҳамиша ўйнаб-кулади.

Оқтош элда Хуройими қурисин,
Султонхоннинг юзин тубан қилади.
Подшо қилган хотининг шундай қилди.
Қай бетиман Султон элга келади?!
Куринган йигитни қайтариб олиб,
Ким бўлса буйнига қулини солиб,
Подшойим, Хуройим ёринг қурисин,
Оқтош шаҳринг кетди бари булғониб.
Султонхон, бу ишдан ўзинг беҳабар,
Хуройим кўнглида бузукчилик бор;
Катта-кичик шоҳнинг ҳолига кулар,
Хуройимнинг элда нима иши бор?!
Атрофида алвон-алвон йигитлар,
Шундай қилиб элда давронин сураб.
Нима қилса Хуройимда ихтиёр,
Юрт булғонди, шоҳим, қандай гап булар!

Хуройимнинг «ёмонлигин» кўрсатиб,
Бу арзага битаётир муллалар.
Неча сўзни унда кампир амр этди,
Кул босдим қип¹ неча халқи-алатни,
Бу ишлардан халқнинг хабари йўқди(р).
Шундай қилиб мулла арза хат битди.

¹ Бармоқ босдим қилиб.

Битаётир турт юз танга ҳурмати,
Эътиқодман муллаларнинг хизмати.

Муллалар хатни битиб тамом қилибди, Оқтошда қолган катта-кичик амалдорлар қолмай Оқтош шаҳридаги олтамиш яшардан олти яшаргача, етти яшардан етмиш яшаргача одамнинг отини ёзиб, ҳеч кимнинг хабари йўқ, қўл босдим, деб уларнинг қулини қўйибди. Кампир бу хатни уқитиб эшитиб, димоғи чоғ бўлиб, румолининг учига тугиб олди.

Ёғочдан қилди отни, қоғоздан қилди қанотни, пулатдан қилди мурватни, энди кампир қилиб турибди ғайратни.

Кампир минди ёғоч отди,
Буради пулат мурвағди,
Ҳавога кампирнинг оти —
Шу замонда чиқиб кетди.

Боради бу кампир айёр,
Булиб булутга баробар,
Бу осмонда ярқиллайди,
Фалакда учиб йўл олар,
Жунади кампири айёр.
Кўнглида анча гапи бор,
Бу осмонга чиқиб кетган,
Бунни кўрмас турган эллар.

Бораётир пастга қараб,
Хуройимман бўлиб тараф,
Тез юрсин деб, борар кукда,
Отининг мурватин бураб.

«Султонхонга борсам,— дейди.
Арзи додим қилсам,— дейди.
Оқтош деган мамлакатни
Бунда вайрон қилсам»,— дейди.
Кукда борар отин тезлаб,
Мудом ёмонликни излаб.

Пастга ташлаб учган вақтда
Бу осмонда юриб қарар.
Кўзга кўринар эллар,
Ярқиллашиб катта кўллар.

Шундай бўлиб бораётир,
Бузуқликка кампир — ботир,
Қурудимни бу ёқалаб,
Чодир тикиб подшо ётир.

Шу замонда кўриб қолди,
У Султонхон ётган ерни,
Мурватини чапга бураб,
Айланиб бир ерга қунди.

Ёмонликни маҳкам ушлаб,
Жирандага отни ташлаб,
Кампир яёв-пиёдадир,
Қуп алами зиёдадир.
Кўзидан тўкиб ёшини,
«Дод!» деб чиқариб довшини,
Ҳечким бунни билмас энди,
Айёр кампирнинг ишини.

Сочин ёйиб, бетин юлиб,
Йўлга кирди чаққон бўлиб,
Қуп қайгули, ғамга тўлиб,
Бораётир қургур кампир,
Тикилган чодирни кўриб.
Кампир боради йўл юриб,
Қарар йўлига термулиб,
Бораётир яёв йўртиб.

Султонхон чодирда утириб эди. Дашт ер, пана қиладиган нарса йўқ. Қаради. Оқтош тарафдан бир қора милдираб келаяпти. Кўриб ўн тўрт маҳрамини буюрди:— Олдига пешвоз чиқинглар, мабодо бизга худо ўғилми, қизми бериб, суюнчига келаётган қорамикин!

Ўн тўрт маҳрам олдига чиқиб кетди. Қараса, бир кампир ҳечким билан иши йўқ, сочини ёйиб, бетини юлиб келаяпти. Маҳрамлар айтди: «Э аттанг, бунинг юриши яхшилиқ хабар эмас. Ўғилми-қизми — хоннинг фарзанди ўлибди-да, Оқтош мулки яна бесоҳиб бўлибди-да; подшомизнинг хаёлида юрт эгали бўлгандай бўлиб қолиб эди. Энди қандай бўлса сўзнинг анигини билайик», деб маҳрамлар кампирдан сўз сўраб турибди:

Энди умринг охир бўлган ўхшайди,
Келгин, опа, энди бирга йиғлайик.

Бу сўзни Химчадан эшитиб:— Э Химчаойим, мен сени дўст одамим деб, тушимни айтиб эдим. Сен ҳам душманлик қилдинг, тушимни ёмон йўлга бошқариб гапирдинг.

Химчаойим туриб айтди:— Опа, билдим, кўнглингга оғир олдинг. Айтувингга қараганда, тушинг шу гапга тўғри келади. Хоҳ оғир ол, хоҳ оғир олма. Узинг биласан-да.

Хуройим айтди:— Тушнинг табгири шундай бўлса, кун айналмай жаллод келса, бизнинг устимиздан подшога бир жонсиз¹ борибди-да, бўлмаса тушнинг табгири бундай бўлмаса керак эди. Энди сен қўрғоннинг тўрт тарафдаги дарвозаларни қир тўкдириб кўмдиргин. Султонхон келадиган кўчадаги дарвозани қулфлаб, маҳкам қилиб, ўзинг эркак либосини кийиб, ичкарида жазойил милтиқни қўлингга олиб тургин. Султонхон келиб, кўзи кўзима, юзи юзима тушмагунча ҳеч бир кишига дарвозани очиб йўл бермагин,— деб тайин қилди. Химчаойим:— Хайр,— деб одам йиғиб қўрғоннинг ҳар тарафдаги дарвозаларини очолмайдиган қилиб кўмдириб, Султонхон келадиган кўчадаги дарвозани қулфлаб, маҳкам қилиб калитини ёнига солиб, эркак либосини кийиб, белини бўғиб, қундуз суюган телпақларни кийиб турди. Милтиқни қўлга олиб, дарвозабон бўлиб туриб эди, жаллодлар ҳам келиб қолди.

Жаллодлар кўрди, қўрғон дарвозаларининг ҳаммаси маҳкам. Жаллодлар айтди:— Баракалла Хуройимнинг ишига, кундуз куни қўрғоннинг дарвозасини маҳкам қилиб, йигитларнинг барини йиғиб олиб, хўп кайф-сафо қилиб ётган экан-да!

Жаллодлар дарвозага қараб, қўрбошини сўраб, бир сўз айтиб турган экан, дейди:

Оҳ тортсам тўкилар кўзимнинг ёши,
Ҳақ деб чиқар ғамли қулнинг довуши;

Отимни ҳоритди тоғларнинг тоши,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Кажга айналган шум фалакнинг гардиши,
Илоҳим қурисин Хуройим иши,

¹ Жосус.

Сабил дейди ўйнаб-ўсган Оқтоши,
Келиб қолди жаллод уч юз олтмиши,
Очгин дарвозани, бобо қўрбоши!

Подшонинг жаллоди маҳтал бўлмасин,
Ёмон бўлди қургур, подшо келмасин,
Бизни ҳам гуноҳкор қилиб юрмасин,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Бизлар жаллод, шоҳнинг амрин тутамиз,
Хуройимни бундан ҳайдаб кетамиз,
Ҳайдаб бориб бизлар Мансур дорига,
Бошин кесиб ани, дорга тортамиз.
Подшо буйруғини сенга айтамиз,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Жаллодлар айтмайди сенга ёлғонди,
Бу Хуройим подшо бўлиб турганди,
Эри ҳукми кушга тайин қилганди,
Подшонинг измиман жаллод келганди,
Дарвозани очгин, бобо қўрбоши!

Бу сўзни жаллодлардан эшитиб, ичкаридан Химчаойим
ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Сирин айтмай, бир нечадан яширган,
Улуғ деган, остонага бош урган,
Дарвозани ирим билан қувширган,
Шоҳ келгунча очилмайди дарвоза!

Зулм қилсанг, мен жазойил отаман.

Дарвоза гирдини ғанимлар тутди,
Бурунги подшомиз оламдан ўтди,
Бу подшомиз набий раҳмат йиғитди(р),
Дарвозани маҳкам қилиб беркитди,
Дарвоза калити ўрдага кетди.
Неча сўзни, билгин, қўрбоши айтди,
Шоҳ келгунча очилмайди дарвоза!

Подшо келар, ўн тўрт йили битади,
Қўрбошилар йўлга қараб ётади...
Зулм билан қилсанг бунда сиёсат,
Бу қўрбоши сени туйраб отади.

Ҳозир қарамайман сенинг шаънингга,
Ким бўлсанг кетабер келган йўлингга.
Беҳуда сўз сўйлаб турмагин менга,
Подшодан беамр очмайман сенга!

Бу подшони бурунгидай кўрмагин,
Кўп айланиб баринг бунда ўлмагин,
Жаллод бўлсанг кетгин, йўлдан қолмагин,
Қўрбошини сен ҳам нодон билмагин.

Бу сўзни эшитиб жаллодлар айтди:— Энди подшонинг ўзи келиб дарвозани очиб бермаса, бу очмайди. Бу ўз кайфи билан. Қўрбоши-пўрбошиси барининг гапи бир,— деб қайтиб жўнай берди. Жаллодларнинг ичида Чўнтоқ жаллод деган бир киши бор эди. Бора туриб, Чўнтоқ жаллод айтди:— Келган беш юз кишимиз. Беш юз одам бир аёлнинг ҳисобини қилолмай, подшонинг қошига қандай борамиз!

Шунда ўзга жаллодлар айтди:— Бу қўрғонни очмаса, учиб ўтадиган қанотинг бўлмаса, кетмай нима қиласан?

Чўнтоқ жаллод айтди:— Бунга бир ҳийла қилайик.

— Бунга нима ҳийла қиласан?— деди ўзга жаллодлар.

Чўнтоқ жаллод айтди:— [Ҳозир Оқтошда] аёл подшодир. Нима бўлса, ўзи ўзига бурилади; қўрбошини ҳам хотиндан қўйган. Шу хотинни алдамай бир гап бўптими?!

Тўрт отнинг устини оғир ёптирди, тонг отгунча кенг ҳаятда тўбалаб чоптирди, оппоқ кўпикка ботирди, тонг шамолига қотирди, иккита-иккитадан миндириб дарвозага чоптирди. Буёқда кейинида жаллодлар сарбоз нағмаси қилиб, сибизик, сурнай тортиб борапти. Илгариги чопгани дарвозага етди:

— Оч, қўрбоши, подшо келиб қолди!— деяпти.

«Подшо келди» дегандан кейин Химча дарвозанинг ёригидан қаради. Кўрса отлар жуда узоқдан чопиб келаётган от. Ичини уриб, тер қотиб турибди. Сибизик — сурнайларнинг довуши қўлоғига келяпти. Шу вақтда [кейинги] иккови ҳам чопиб кела берди.

— Ҳали ҳам очган йўқми? Подшо келиб қолди, тайин ўлди!— деб келаётир. Бу отлар ҳам жуда олисдан чопиб келаётган от. Шунда Химчаойимнинг кўнглига келди: «Мен унча англамайман. Подшонинг олдида бўлса тўртта чопарчи маҳрами бордир-да; тагин подшо келиб, маҳтал бўлиб, менинг хонумонимга ўт қўйиб юбормасин», деб дарвозани очиб юборди.

Жаллодлар аччиғи келиб, Химчаойимни ушлаб олиб, бизни шунча маҳтал қилдинг, деб кулабанд қилиб, дарвозага бойлаб ташлади.

Жаллодлар пойтахт қараб ўтиб кетди. Тахт устига чиқиб борди. Подшо Хуройимнинг сийнасини доғлаб икки қўлини орқасига боғлаб, уриб пастга ҳайдаб туша берди. Кўрган халойиқ ҳайрон қолиб, Хуройим нимага гуноҳкор бўлганини ҳеч киши билмай қолди.

Шунда Хуройим жаллодларга қараб бир сўз айтиб бораётир:

— Не сабабдан бўлдим энди гуноҳкор?
Гуноҳимни айтиб ургин, жаллодлар!

Зулм билан келиб қўлим бойладинг,
Гул баданга аччиқ қамчи тайладинг,
Пойтахтдан мени бойлаб ҳайдадинг,
Нима гуноҳ қилди мендай муштипар?
Гуноҳимни айтиб ургин, қонхўрлар!

Ёшга тўлиб анинг жодугар кўзи,
Бунда забун йиғлар Хуройим ўзи,
«Опа!» дейди, чапак чалиб ияриб,
Кейнида йиғлашиб қирқин канизи.

Оқ юзига қирмиз қонлар қуюлди,
Ҳар тарафга қора сочи ёйилди.
Жаллодлар ҳайдади шундай ойимди.

Тоғларда маърашар қўй билан кўзи,
Доди-бедод қилар Хуройим ўзи,
Болам, деб термулиб наргаслар — кўзи.
Хуройимнинг ҳолин кўриб йиғлайди,
Хизмат қилган бунинг қанча канизи.

Шу зулмда дарвозага боради,
У боғловли Химча ойимни кўради,
Неча сўзни айтиб, ўтиб боради:

— Химча, қулоқ солгин айтган нолама,
Жала тушди менинг кулба хонама,
Ўт туташиб бунда гулдай танама,
Химча хабар бергин ёлғиз болама.

«Хазон бўлди тар очилган гулим, деб,
Бемаҳал бошима етди ўлим», деб,
Жаллодлар қошида ойим йиғлайди,
Заминда¹ беҳабар қолди улим, деб,
Қани бўлса менинг жони-дилим, деб.

Умидим кўп эди ҳақдин шафоат
Бу бошима ёғди бир ноҳақ тухмат,
Ҳолимни томоша қилди жамоат,
Энди менга бўлди ваҳми қиёмат,
Ёқамни чок этиб, йиғладим фарёд,
Суянган боламни қилиб мен ҳам ёд.

Химча, хабар бергин ёлғиз улима,
Келиб ёрдам берсин қаттиқ кунима,
Энам деб қайишар менинг ҳолима,
Химча, хабар бергин Рустам улима!

Бу сўзларни айтиб, қўрғоннинг дарвозасидан чиқиб кетди. Дарвозагача қизлар эргашиб бориб, Химчаойимни бойловли кўриб, энди Ҳуройимдан умидини узиб, канизлар Химчаойимнинг қўлини ечди. Ҳуройимнинг айтиб ўтган сўзини [Химча] бойловли ётган ерида эшитган эди. Уридан туриб, «Рустамга хабар берайин, энасининг аҳволини билдирайин», деб саройга қараб борди. Тагизаминга тушиб, муллани кўриб бир сўз айтиб турган экан:

Сизга салом бердим, болам устоди,
Химчаман, сўзладим, сўзларим ўсал,
Бугун уч кун бўлди Ҳуройим касал,
Рустамни кўрмоққа бўлди интизор,
Шу сабабдан келди мендай гажакдор.

Ҳуройимнинг дарди оша ёмондир,
Рустамни кўрмоғи унинг гумондир.
Озод қилинг Оқтош элнинг тўрасин,
Улмай, бориб кўрсин бу ҳам энасин,
У ҳам кўрсин, шўрли, ёлғиз боласин,
Бек Рустамга жавоб беринг, муллажон.
Болам, деб энаси интиқ бўлмасин,
Жон берар вақтинда ҳалак бўлмасин.

¹ Ер остидаги дарсхонада.

Касалини кўрдим бағримни доғлаб,
Дарди ёмон, ҳайрон бўлдим қон йиғлаб,
Шуйтиб келдим бек Рустамни сўроғлаб.

Жўнатиб турғизмай Оқтош хонини,
Кўриб қолсин шундай меҳрибонини.
«Ўз жонимга ўзим қилдим зулм, деб,
Кимга айтай энди ўлар ҳолим» деб,
Ўлар вақтда афсус тортиб йиғлайди:
«Бошимда бўлмади Рустам улим» деб.

Бу сўзни Химчаойимдан эшитиб, Рустамни ўқитиб ётган мулла Химчага қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Химчойим, қулоқ сол менинг тилима,
Ҳали жавоб йўқдир Рустам улинга;
Кетабер, канизак, келган йўлинга.

Қарамайман касалингнинг ҳолига,
Қанча илм ўргатганман улига,
Ҳеч инъом тегмади мулла қўлига.

Неча кун бу ерда қараб тураман,
Ҳуройимнинг инъомини кўраман,
Олтойдан¹ сўнг хонга² жавоб бераман,
Олтойгача жавоб йўқдир улинга.
Мулладан эшитгин сўйлаган тилди,
Ҳуройим берган йўқ сарпоман пулди,
Мен билмадим, феъли кетиб, не бўлди?
Борабер, канизак, келган йўлинга.

Мулла сўйлаб, қовоғини уяди,
— Қачон сарпосини берса кияди,
Олтойдан сўнг бунга жавоб тияди,³
Олтойгача жавоб йўқдир улинга,
Кўп сўйлама, кетгин тўгри йўлинга.

Мулладан бу сўзни эшитиб Химчаойим қайтиб кетди, газнахонага етди; газнахонадан бир лаъли тиллани олиб кўтариб, тағи мулланинг қошига етди. Лаълидаги дунёни

¹ Олти ойдан.

² Рустамхонга.

³ Тегмади.

кўриб, мулла айтди:— Рустамхон бугун борсин, энасини кўрсин, эртага ҳам олдида турсин, хўп меҳрига қонсин. Хуройимнинг дарди ёмон бўлса, кўрмоғи гумон бўлса, энаси тузук бўлгунча айланиб юрсин. «Мулла койийди» деб менинг қошимга ошиқиб [юрмасин], шошмай келсин.

Мулла вақти хуш бўлиб, Рустамни жўнатди. Химчаойим билан Рустамхон иккови бирга-бирга тагизаминдан чиқаберди. Рустамхон айтди:— Мен энадан бино бўлгандан бери умрим тагизаминда [ўқишда] ўтди. Мен сизнинг олдингизга тушиб юриб, сиз каттасиз, тағи гуноҳкор бўлиб юрмайин.

Химчаойим айтди:— Ҳа, у тўғрида гуноҳкор бўлсанг, гуноҳингни ўтарман; менинг олдимга тушиб юргин.

Рустам айтди:— Нимага кўзингизга ёш оласиз? Энамнинг дарди жуда ёмонми?

Шунда Рустамга энасининг дардидан Химчаойим хабар бериб турган экан:

Бир нечани шод-шодмон айлади;
Уч юз олтмиш жаллод қўлин бойлади,
Мансурга шу энангни ҳайдади,
Мен йиғламай ким йиғласин, Рустамжон!

Сени кўриб менинг бағрим эзилди.
Сел бўлгудай кўзда ёшим тизилди,
Қайтай, хафа қилдим сендай қўзимди;
Сени кўриб менинг кўнглим бузилди.

Энанг кетди жаллодларнинг зулмида,
«Заминда беҳабар қолди болам,— деб,
Ноҳақ қамчиларни еди танам, деб,
Ўт туташди менинг гулдай танам, деб,
Ўларда кўрмадим ёлғиз болам» деб.
Ҳайрон қолдик жаллодларнинг ишига,
Қор-ёмғирдай қамчи ёғиб бошига.
Боролмади ҳеч бир одам қошига.

Фалак титраб энажонинг зорига,
Энангни ҳайдаб¹ кетди Мансур дорига.
Тан берганмиз манглайдаги шўрига,
Энанг тушди қонхўр жаллод қўлига.
Бераҳмлар сира раҳм қилмади,

¹ Талаффузда энангдайдап.

Дод деган сўзига қулоқ солмади,
Нима гуноҳ қилди ойим муштипар,
Гуноҳини ҳеч бир киши билмади.
Чидаб бўлмас жаллод сиёсатига
Кўп аломат бўлди Оқтош юртига,
Зулмда ёд олиб энанг йиғлади —
Кўзи тўрт бўп сендайин фарзандига.

Бу шаҳардан чиқиб кетди далага,
Жасадингдан мендай опанг садага,
Сўз айтарман сендай ёлғиз болага.
Ғулғула бўлгандир бундай шаҳарда,
Энангни осдим у Мансур дорда,
Кетди ёлғиз золим жаллод қўлида,
Энанг қандай бўлди ёмон кунларда?!

Кетганча шундайин азоб бердим,
Мен билмадим Мансур дорга бордим,
Мен билмадим бу азобда ўлдими,
Ё жаллоднинг сўнгра раҳми келдими?!

Бу сўзни Химчаойимдан эшитиб, Химчага қараб Рус-
там бир сўз айтиб турган экан:

Бежо қилдинг, опа, ҳолим билмадинг;
Илгаридан нега хабар бермадинг!
Энамни ҳайдаб кетди қайси йўл билан?
Кетган тарафини кўрсат қўл билан.

Қийғир деган қуш ўлтирар қияда.
Бу сўзни эшитиб¹ дардим бўлди зиёда,
Кетган тарафини кўрсат энамнинг,
Югурай кетидан пойи пиёда.

Энам, деб тўкайин кўздан ёшимни,
Йўлида сарф урай азиз бошимни.
Жоним опа, меҳрибонлик қил энди,
Энам кетган ёққа йўлга сол энди.

Югурсам кейинидан етиб борайин,
Энам тирик бўлса, ҳолин сўрайин,

¹ Талаффузда бу сўздешитиб.

Улган бўлса энам ўчин олайин,
Жаллодларман¹ қон тўкишиб кўрайин.
Жоним опа, менга раҳбар бўл энди,
Ҳаяллатмай мени йўлга сол энди.

Бу сўзни эшитиб менда қуриди дармон,
Энамни кўрмасам қолади армон,
Насиб этса жаллодларга борарман,
Уларнинг бошини боғдай чаларман...
Жаллодларни шундай қилиб сулатиб,
Энамнинг қасосин ундан оларман.

Сўзима қулоқ сол, опам Химчажон,
Тушибди бошима қоронғи туман,
Ҳаяллатмай йўл бошқаргин шу замон,
Жўнаб кетсин бундан боланг Рустамхон.

Бу сўзни эшитиб, Химчаойим Рустамнинг тарзига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмайди,
Сўлган гулга булбул келиб қўнмайди.
Аввал ғайратингни айтгин, Рустамжон,
Пиёдадан мурод ҳосил бўлмайди.

Остингга миндирай араби отди,
Энам десанг, сўнгра қилгин ғазотди,
Энам, деб югуриб юрмоқ уятди(р).

Бедов мингин сағрисини тошириб,
Мазгилга² еткизар қирдан ошириб.
Бедов минсанг сағрисини силатиб,
Арпа бериб олтой боқсанг туллатиб,
Душмандан ўчингни олсанг йиғлатиб,³
Аввал ғайратингни айтгин, Рустамжон.

Болам, ёшсан — ўн тўрт ёшга борасан,
Йўлга сол, деб мени замлаб кўрасан,

¹ Жаллодлар билан.

² Маизил.

³ Шевада жилаиб,

Мана шу йўл деб сенга кўрсатсам,
Яёв юриб, болам, қайга борасан?

Кўлингда бўлмаса кескир пўлатинг,
Минганда бўлмаса бир бедов отинг,
Пиёдадан мурод ҳосил бўларми?!
Уйла, болам, кимга келар қувватинг!

Эр йигитни шердил қилади пўлат —
Яроғи ярқиллаб қўлида турса,
Остида мингани бўлса бедов от,
Ундай вақтда келар йигитга ғайрат.

Яёв-ялпи йўл кўрсат, деб сўрайсан,
Кўрсатсам бўлмасми шаънингга уят.
Ўнтўрт ёшга кирдинг, бўлдинг азамат,
Рустам деган отинг қўйгану энанг,
Рустамнинг номига сенда кўп қувват.

Бу сўзни Химчаойимдан эшитиб, Рустамхон:— Эй опа, беҳуда кўп сўзлаб, мени қийнаб, гапга айлантириб тургунча, агар ундай минадиган отим бўлса, эгарлаб, чоқлаб, мени энамнинг кетган тарафига йўлга солиб юборгин,— деди. Шунда Химчаойим эргаштириб, ўзи билан бир кунда пайдо бўлган, Рустам қанчага кирган бўлса, у ҳам шунчага кирган отнинг қошига борди. Борса, от сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, учадиган қушдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб параққос бойлаб, ўйнаб турибди. Яланғочлаб, қашлаб, Химчаойим отга қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди, дейди:

Тос теппага битган икки қулоғи
Назаркарда ҳайвон бу тўбичоғи;
Бугун сафар қилар Оқтош ғўччоғи,
Сени минса қолмас юракда доғи.

Сени минар бугун Оқтошнинг марди,
Мансурнинг дорига болам ғазоти,
Тошиб кетсин Рустамжоннинг ғайрати.
Назаркарда сенсан, боламнинг оти,

Йўлиқса душманнинг бағрини эзгин,
Тўғри келса оғир сафларни бузгин.

бўлибди-да, бу жасадли йигит Оқтош мамлакатида йўқ эди, ё бўлак мамлакатдан келиб юрганмикан? Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг ўғли экан? Одамга қарамайди, ҳеч кимни писанд қилмайди, юрар йўлидан иркиллаб чиқиб турмайди. Индамасам, бу ўтиб кетаберар, балки салом ҳам бермайди. Ёнбошимга яқин келганда бир отининг жиловидан ушлаб, ўсган мамлакатини сўраб қолайин, қайси қўрғонни сўраб турган бекнинг ўғли бўлса ҳам билайин».

Бу гапни Султонхон ўзига маъқул билиб, кўнглини хушлаб, Рустам яқин келган сўнг отининг жиловидан ушлаб, Рустамга қараб:— Болам, сен қайси мамлакатдан бўласан?— деб сўраб турган экан:

Тар очилган тоза боғнинг гулисан,
Энанг ҳам отангнинг жони дилисан;
Тарзинг кўриб мамлакатинг сўрайман,
Қай шаҳарда, қайси шоҳнинг улисан?

Менга баён айла мамлакатингни,
Нима дейди ўйнаб ўсган юртингни?
Нима дейди урчиган авлодингни,
Мен сўрайман, болам, сенинг отингни?

Жамолинг менгадим осмонда ойга,
Қошингни ўхшатдим эгилган ёйга.
Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайга.
Қарчиғай чангаллим, кимнинг улисан?

Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан?
Сендай йигит бино бўлган энадан,
Парвоз қилдинг қайси манзил хонадан,
Баланд парвоз, болам, қайдан бўласан?

Сени кўриб эзилади юрагим.
Қарчиғай чангалли, йўлбарс билагинг,
Урушга кирганда қоплон юрагинг,
Қайсар сифат болам, қайдан бўласан?

Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони.
Сени туққанларнинг борми армони,
Душман кўрса сира қолмас дармони,
Рустам сифат болам, қайдин бўласан?

Ғашт айлаб келибсан неча чўллардан,
От терлатиб чиқиб узоқ йўллардан,
Ғайратман жўнадинг қайси эллардан,
Йигитнинг меърожи, қайдан бўласан?

Сен борасан йўлда кўнглингни хушлаб,
Бу йўлларда ўзинг дарёдай тошиб.
Қарамайсан жуда ақлинг¹ шошиб,
Ўтабердинг шунча одамни босиб,
Сўз сўрадим, болам, сенга ёнашиб,
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?

Остингда ҳориган бу минган отинг,
Қарасам, белинга кескир пўлатинг,
Ҳар кимни шоштирар бу сиёсатинг,
Рустам Дастонча бордир қувватинг.
Қайда бўлар сенинг у мамлакатинг,
Ўйнаб-ўсиб катта бўлган элатинг?
Йўл бўлсин, мард йигит, қайдин бўласан?

Қарамайсан сира ўнгу сўлингга,
Қистаб етасанми манзил — элингга?
Отингнинг жилови менинг қўлимда,
Йўл бўлсин, беквачча, қайга борасан?

Рустам бу сўзни эшитиб, ўзини ростлаб, бошини кўтариб, тиклаб [Султонхоннинг] бетига қаради. «Ке, қари киши экан, беадаблик қилмайин», деб хаёлига келди. Отининг жиловидан ушлаб тўхтатганига жуда ғайрати тошиб, аччиғи келган эди, мўйсафидлигини ҳурмат қилиб, шахтидан тушиб, бир сўз айтди, дейди:

Йиғласам, йўқ бўлди дардимга даво,
Бошимга тушибди бир турли савдо,
Макон-манзил менда нима қилади?!
Макони йўқ асли ўзим бенаво.

Ҳаяллатиб мени йўлдан қолдирма,
Жиловимни қўйиб юбор, жон бобо.
Сўрасанг отамни, асли бепадар —
Бепадар ўғилман, ўзим дарбадар.

¹ Талаффузда ақлинг.

Сенга айтай десам элим бўлмаса,
Юрт устида юрган мен ҳам қаландар;
Мендай ғариб қаландарда нима бор?
Жиловимни қўябермоғинг даркор.

Қизил гулман, мени мунча сўлдирма,
Кўп тўхтатиб, йўлдан уриб ўлтирма,
Мен сўрайман ёки бир ишинг борми?
Жоним бобо, қарилигинг ҳурмати,
Қўябергин¹ энди отнинг жиловин.

Ўз ҳолига тўғри йўлга юради,
Кўп сўзласам, сенинг кўнглинг қолади,
Тўхтатганинг менга ботиб боради,
Мендай гадо, бобо, йўлдан қолади.
Яхши сўйлаб, бобо, бўлдим миннатдор,
Қўяберсанг сендан кўнглим тўлади.

Бу сўзни Рустамдан эшитиб, Рустамга қараб отаси яна
бир сўз айтиб турган экан:

Шоҳларнинг бошинда тилладан тожи,
Неча шаҳарлардин олади божи,
Тарзингга қарайман йигит меърожи,
Бир лочин боқишлим, қайдин бўласан?

Остингга минибсан араби отинг,
Ўзингга ярашган ханжар пўлатинг,
Балки сенинг бордир тожу давлатинг,
Бепадар, дарбадар сендай бўлмайди,
Бенавога келмас сенинг келбатинг.
Сўз сўзласанг келар, болам ғайратинг,
Нима бўлар² ўйнаб ўсган элатинг?

Рост айтмасанг сенга жавоб бермайман,
Қаландарлигингни қабул қилмайман,
Сен айтмасанг жиловингни қўймайман,
Ростин дегин, болам, қайдин бўласан?

Рустам отасига қараб бир сўз айтиб турган экан:

¹ Қўйиб юборгин.

² Нима деб айтилар.

Давлатли қул гулни гулга эшади,
Яшин тушса баланд тоғни тешади.
Кўп сўрадинг, бобо, бўғним бўшади,
Бизнинг элимизни Оқтош дейишади
Отам Султонхондир, энам Хуройим,
Жиловимии қўябергин, бобожон,
Ҳаялламай Мансур дорга борайин.

Энамни ҳайдаб кетган эмиш жаллодлар,
Мен қолибман мамлакатда беҳабар,
Албатта, ўлмайин етмоғим даркор.
Хуройимнинг фарзандиман, бобожон,
Энам дедим, бўлиб чиқдим хизматкор.

Энамнинг дардидан бу ғамга тўлиб,
Ҳаялладим, мен турибман чирпиниб;
Қўя бергин, бобо, отнинг жиловин,
Мен кетайин энди бунда йўл юриб.

Энамни излаб Мансур дорга бораман,
Етишсам жаллоднинг бошин оламан,
Қонхўрларга қора кунни соламан!

Менинг энам ҳеч гуноҳсиз муштипар,
Бегуноҳни опкетипти жаллодлар,
Қандай нодон ҳукми кушга тайин қип,¹
Кўп ишларни менга солди душманлар,
Буюрганни топсам, ўлар муқаррар!

Бу сўзни Султонхон эшитиб, бўғини бўшаб, отнинг тизгини қўлидан қандай чиқиб кетганини билмади. Рустам қичаб ўтаберди. «Ундай бўлса, ўзимнинг ўғлим экансан», деб айтмоққа ҳам қуввати қолмади. Султонхон отнинг бошини буриб оғзи анграйиб, бурни танграйиб, Рустамнинг кейинидан қараб турди. Бир доно вазири бор эди. Вазир Султонхонга қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ўз болангга бундай жавоб берасан,
Сен ўғлингни энди қачон кўрасан?¹
Бундай жавоб берма ёлғиз улингга,
Рустам қайтиб келмас сенинг элингга.

¹ Қилноди.

Сен ҳам бундан Оқтош элга борасан,
Ким яхши, ким ёмон сўраб биласан.
Бу ишларнинг ҳақиқатига қонасан,
Сўнгра, шоҳим, кўп пушаймон қиласан.

Болам, дейсан сўнгра кўзингни ёшлаб,
Тошу давлат унда тахтингни ташлаб,
Қаландар бўп сен кетарсан Оқтошдан,
Фарзанд учун унда кўнглингни жўшлаб.

Юрасан тай уриб дунёни кезиб,
Сўроғин топмайин кўнглингни бузиб;
Ҳали ҳам қайтаргин ёлғиз ўғлингни,
Бундай сабил қилма Оқтош элингни.

Уз қўлингдан сен жўнатиб турасан,
Қай бетингман бек Рустамни кўрасан?
Ҳали ҳам қайтаргин Рустам болангни,
Жўнатма, Оқтошга қайтар тўрангни!

Бу сўзни эшитиб, Султонхон: «Узимнинг ўғлим экан, қайтарсаммикин», деди. Қошидаги бирнеча амалдорлар, бир неча иноқ кишилар:— Эй подшоҳи олам, йўлингиздан қолманг, вазир айтса айтди-да, бундай аҳмоқ гапга қулоқ солманг. Вазирнинг гапираётгани бир кўрмаган гап, аввали бу гап бўлмаган гап; бўлган вақтда сизнинг ўғлингиз энди ўнтўртга кирар эди. Ўнтўрт яшар йигит шундай бўларми? Ҳали ҳам сизнинг юрагингиз бор экан, шунча гапиришиб турдингиз; сўз қотмоқ тугул¹, ғайрати, сиёсатига, бетига одам қараб бўлмайди. Энди «Бетга айтган гапнинг заҳри йўқ» деган гап бор, қаранг, бир тоғни тўлғаб отгудай қуввати бор. Сизнинг ўнтўрт яшар болангиз шундай бўларми? Сизнинг шу аёлингиз ёмон бўлган экан: биз шундай чўтлаб турибмиз: бир ғайри элдан оғишиб келган баҳодир экан-да, сизнинг аёлингизга айланиб қолган экан-да, жаллод борган вақтинда бу бўлак ёқларда юрган экан-да. Агар шу ерда бўлса, бу жасадига уни жўнатмас эди, жаллоддан [ҳеч бири] омон қолмас эди, қанча душман бўлса, қон қуйиб тиғи дамдан ўтказиб юборар эди. Бу беҳабар қолган; сўнгра келиб эшитса, бу ҳодиса бўлган. Ишқибозлик қийин нарса, шундай қилиб, қичаб йўлга кирган. То дорга-

¹ Шевада тува.

ча борайин, ўлмай етсам жаллоддан ажратиб олайин деб кетаётган. Ҳали эшитиб қоларсиз, агар ўлмай етса жаллоддан [ҳеч бири] Оқтошга омон келмайди. Нима қилса қилади, кетган жаллодингизнинг бари ўлади,— деди.

Бу сўзни эшитиб Султонхон, нима дерини билмай қайрон бўлиб, Оқтош тарафига қараб қўшинини ияртиб кетди.

Рустам борапти. Бориб-бориб йўл уч айрилиб кетди, қайси йўлга юрарини билмай, отнинг жиловини тсртди. Шунда Рустам бу сўзни айтди:

Тоғлар азиз бўлар туман бўлмаса,
Боғлар азиз бўлар боғбон бўлмаса.
Дарёларда обиравон бўлмаса,
Йўллар азиз бўлар карвон юрмаса,
Йўли кетди уч тарафга айрилиб,
Йўл бошқарар, сўрар киши бўлмаса.
Бўлиб қолмайинда йўлда мен сарсон.
Йўл адашиб, бунда бошим гангиган
Сўрамоққа йўқдир одам наслидан.

Рустам бу сўзни айтиб туриб эди, тозилар йўл тортиб, чап қўлдаги йўлга тушиб жўнай берди. Тозининг кейинидан бу ҳам йўлга тушиб кетди.

Шу вақтда жаллодлар Ҳуройимни ҳайдаб, энди дорга етди. Бу ер ҳам илгари бир катта шаҳар эди. Минора, пештоқлар бор эди. У вақтинда араб мамлакатидан келганлар бу шаҳарнинг устида кўп уруш қилган, қонлар ариқдаги сувдай оқиб қолган... Мансур осилган дор турган. Неча кундан бери йўл тортиб Ҳуройим бечора абгор абгашта бўлиб келган. Бу ерларни Ҳуройим кўрди, чалдивор, чўлистон бўлиб қолган. Арабнинг¹ қилган иши шу бўлган.

Шунда Ҳуройим жаллодларга қараб бир сўз сўзлаб турган экан:

Ажаб ишлар кўрдим фони дунёда,
Уч кун яёв юрдим пойи пиёда.
Бир соатга сабр қилгин, жаллодлар,
Илойим, давлатинг бўлсин зиёда.
Куним битса юз қайтармай ўлимдан,

¹ Босқинчи араб қўшини назарда тутилади.

Мен муштипар, на иш келсин қўлимдан?
Куним битса юз қайтармай ўлимдан.
Бир соатга хабар олгин ҳолимдан.

Чашмада ювиниб тоза бўлайин,
Қўл очиб ҳақингга дуо қилайин.
Бўйнимда бор эди тангрининг қарзи,
Тангрининг қарзидан озод бўлайин...
Бир соатга сабр сақла, жаллодлар.

Султонхон топширди Оқтош элини,
Молу мулку барча ихтиёрини.
Подшолик қип мен ҳам Оқтошда турдим,
Ўзимдан пастларни кўп манзур қилдим.
Камбағал, қашшоқнинг ҳолини сўрдим,
Бой-бадкорлар билан ишим бўлмайин.
Охири шундайин тўхматни кўрдим,
Тўхмат билан икки қўлим бойланиб,
Ҳайдалиб Мансурнинг дорига келдим.

Бу сўзни эшитиб, Чўнтоқ жаллод бунинг гапига қулоқ
солмай, ўз билганидан қолмай, бир сўз айтиб турибди:

Яхши киши сира сендай бўлмайди,
Кўчаларда қулоқ уриб юрмайди.
Сўз сўзлама, харидоринг келмайди,
Гапингга жаллодлар қулоқ солмайди,
Кел, шаллақи, чолиб дорга тортайин!

Харидоринг қолди Оқтош элида.
Ўлигинг қолади Мансур дорига.
Сен ўларсан одамхўрнинг қўлида!

Неча шумлик, бунда қувлик айлайсан,
Жилва қилиб жаллодларга сўйлайсан.
Бу сўз билан сенинг жонинг қолмайди.
Бошинг кесиб, энди дорга тортайин!
Тортиласан бугун Мансур дорига,
Йўлиқдинг подшонинг ғазабларига,
Тан берабер манглайингнинг шўрига!

Подшонинг амрини бизлар тутамиз,
Неча кундан бери ҳайдаб келамиз.

Султонхоннинг сўзи шундай бизларга,
Ханжар уриб сени дорга тортамыз.

Ўлигинг қолади Мансур дорида,
Гапирамиз борсак Оқтош шаҳрида.
Бу ўтирган жаллод ёш-қарида,
Маъқул бўлар жаллодларнинг барига,

Сўйлаганман¹ бизни йўлдан урмайсан,
Жаллодлардан, билгин, омон қолмайсан!

Бу сўзни Чўнтоқ жаллоддан эшитиб, жаллодларнинг ичида Мирзабоши деган бир жаллод бор эди, Мирзабоши айтди:— Оббо, баччагар Чўнтоқ, сўзлаган сўзингнинг бари аҳмоқ, шу гапнинг бошидан оёғини чўмманглаб сен бузиб келяпсан; подшоҳ ҳукми кушга буюрса, буюрди-да, аҳмоқ бўлиб. Бир тухмат билан бегуноҳ ўлиб борапти. Подшонинг олдига арза хат кўтариб борган кампир қандай одам, биласанми? Подшо бўлса бўпти-да. У Султонхонда эс нима қилади?! Эси бор киши шу кампирнинг кўтариб борган хатига ишонарми? У хатга Оқтош мамлакатининг ёшу қари қанча одами қўл қўйган экан; Шунча амалдорнинг ҳеч қайсисининг ёнида муҳри йўқмикан, биттаси шу рост, деб муҳрини босмабди. Бемуҳр хатга ишониб, Султонхон аҳмоқ бўлиб, бу мунглиғ бечорани ҳукми кушга тайин қилди. У эси йўқ баччагарнинг гапини қайтариб бўлмайди. Бу гапнинг ёлғон, десанг, сени ҳам ўлдиради. Оқтошда ҳам қайси гўрдан шумликни сен топдинг, бу ерда ҳам шумликдан чиқмай ётдинг. Энди қўй, нима ишинг бор, шу кўпнинг бири бўлиб ўлтир сен ҳам,— деди. Мирзабошидан бу сўз чиққандан кейин жаллодларнинг ҳаммаси ҳам Мирзабошининг сўзини маъқул деди. «Таҳорат қиладими, намоз ўқийдими, нима ишинг бор!» деб ҳар қайсиси ҳам гапирди.

Хуройим кўнглида «Шундай баҳона қилиб ҳаяллаб турсам, Химчаойим Рустамга хабар берса, келиб қолар» деган умид дунёсида. Жаллодларнинг баридан жавоб бўлгандан кейин, Чўнтоқнинг гапи кор топмай қолди. Хуройим чашманинг бўйига бориб, қўл-бетларини, оёқ-бошларини ювиб, тоза бўлиб Рустамнинг йўлига кўз тутиб, бу сўзларни айтиб турган экан:

¹ Сўзлаган, яъни ёлворган билан.

Ишқ ўтига ёна-ёна,
Хоҳи ошна, хоҳ бегона,
Бунда келдим ўтдай ёна,
Тўлган ўхшайди паймона;
Ширин тандан узилади —
Бирга юрган ширин жон-а,
Гул юзим сўлди найлайин.
Булбулли, масканли боғлар,
Бу мени ўлимга чоғлар.
Ўлимнинг шарбати яқин,
Юрагим ҳам бағрим доғлар.
Кўзимга ҳеч кўринмайди,
Усти қорли баланд тоғлар.

Ҳаққа етгай айгон¹ нолам,
Менда кўпдир доғи алам,
Беҳабар қолдими болам?!

Ҳеч ким қулоқ солмас зора,
Бўлиб келдим бунда хор-а,
Мени осар Мансур дора;
Юрагим бўлиб² юз порал

Елғизман, гангиди бошим,
Қошимда йўқдир сирдошим,
Бу ишдан беҳабар қолди —
Менинг неча эмикдошим.

Қаттиқ кунда ҳолим тангдир,
Жон шириндир, бошим гангдир.
Мен суянган ёлғиз болам,
У ҳам беҳабар қолгандир.

Энам деб, мени билмади,
Сутимни ҳурмат қилмади,
Қаттиқ кунда қолган вақтда,
Кўзим бошимда бўлмади,
Мени эсига олмади,
Душманнинг додини бермади,
На бўлди, Рустам келмади!

¹ Айтган.

² Бўлябди.

деб, номоз ўқиган киши бўлиб, жон ширинлик қилиб, ҳаяллаб, тайсаллаб турган вақтинда Чўнтоқ жаллод Ҳуройимга бир сўз айтди:

Сенга ёқди Мирзабошининг сўзи.
Ўқиганман сира адо бўлмайди,
Кўп экан-ку, шаллақининг номози.
Маҳтал бўлиб турадими жаллодлар,
Келгин бери энди дорнинг остига,
Кесиб бошинг дорга тортмоқлик даркор!
Қиблага юз тутиб мунча қарайсан,
Қибла бетда қандай ишончинг бор?!

Жаллоднинг қўлида нечалар ўлган,
Қонхўрнинг қўлидан кимлар қутулган;
Жон ширинлик қилиб ҳаяллаб турдинг,
Кимдан бўлар энди сенинг умидинг?!

Бу сўзни эшитиб Ҳуройим: «Энди бўлмади, Рустамдан ҳеч хабар келмади, вақти-замони — менинг куним битди», деб, фотиҳани юзига тортиб, жондан умидини узиб, таги кўз тутиб, қибла бетга қаради. Бир қора кўзига кўринди. Кўрди, тўзон тортиб келаяпти. Кўнглида айтди: «Химча хабар [қилган] бўлса, шу келаётган, албатта, Рустам; унча-мунча одам бу тартиб юролмайди; ёлғиз отнинг юриши чўлни бундай тўзон қилолмайди. Менинг меҳрим тортиб, шу гайрат билан Рустам келса, менинг бу аҳволимни кўрса, бу жаллодларни омон қўймайди. Буларнинг ҳам ўғли-қизи бор, бекорга манманлик билан ўлиб кетиб, болалари етим-сир бўладиган бўлди. Булар болани нима биледи,¹ деб жаллодларга қараб бир сўз айтиб турибди:

Жаллод, эшит менинг айтган сўзимди,
Мен ҳам кўрдим келаётган қўзимди,
Болам, билиб ўлдиради ўзингди,
Ўйласам сизларга ўлим лозимди(р),
Қайтиб кўролмайсан ўғил-қизингди!

Келаётир Рустам болам зўрабор,
Оти Рустам, ўзи мисли аждаҳор,

¹ Жаллодда фарзанд қайғуси йўқ демоқчи.

Ишқирганда, душман бўлмас баробар,
Улар вақтинг яқин келади, жаллодлар,
Энди ўлдинг, бошпанангни қилабер!

Дод десанг ҳам эшитмайман сўзингни,
Болам келиб ўяр икки кўзингни,
Энди қутилмайсан Рустам чангидан,
Етим қилдинг элда ёлғиз қизингни!

Менинг бу сўзимни ҳазил билмагин, -
Бир беҳуда сўз деб ўйлаб юрмагин,
Бошпанангни қилгин, бунда турмагин!

Бу сўзни Ҳуройимдан эшитиб, Чўнтоқ жаллод:— Ана, асли ёмон-да; ёмондан яхшилик чиқарми? Мирзабоши «номоз ўқийди» деб яхшилик қилиб эди, «Болам келиб барингни ўлдириб кетади», деб бу ҳунарни чиқариб ўтирибди. Бунинг одам ўлдирадиган боласи бор эканини қайсинг биласан?— деди.

Жаллодлар уялгандай бўлиб, Чўнтоқ жаллодга ҳеч нима деёлмай қолди. Чўнтоқ жаллод ўрнидан туриб, Ҳуройимнинг қошига бориб:— Боланг келса ўлдиради-да; ундай бўлса, сени боласи келадикан, деб бунда йўлга тиклаб¹ ўтирмаймиз. Боланг келгунча сени дорга тортиб бир ёқли қилайик,— деб бурумидан ушлаб, дорнинг остига етаклаб олиб келаберди. Шунда дорга қараб Ҳуройим бу сўзни айтиб турди:

Сенга осилгандир туҳматнинг бари,
Бегуноҳ қуриди оймнинг шўри,
Тўрт минг газ кўтарил Мансурнинг дори.
Отганда етмасин жаллод арқони!.

Сен неча замондан бери турган дорсан. Сенга неча одамлар бегуноҳ осилган. Сўнгра Мансурни осди. Мансур ҳам мендай туҳмат билан осилди. Подшоларнинг бегуноҳ, туҳматга ҳукм қилиб юборган одамини ҳар ерда бўлса, ҳайдаб келиб сенга тортди. Сен дор, бу дунёда шу туҳматнинг эгаси бўлдинг! Подшолар гуноҳкорнинг бошини кесиб дорга тортса, ҳаммасида ҳам ўзининг қурилган дори бор. Сени бегуноҳ туҳмат билан ўладиган кишиларни осмоққа

¹ Тикилиб.

қурган. Мудом сен шу тухматни қумсаб турдинг. Ўзинг асли тухмат учун қурилдинг. Мана мен ҳам сенга тухмат билан келдим. Мени ҳам осмоқчи. Мени ҳам қумсаб турган бўлсанг, мана мен тайёр!

Хуройим бу сўзни айтиб бўлгандан кейин, дор шиқирлаб жойидан қўзғалиб кўтарилди. Дор ҳам энди бу тухмадан ҳазар қилди. Шунда жаллодлар нима бўларини билмай, Хуройимнинг бўйнига пичоқ солмай: «Барибир, ўлим-да, икки бошдан унда ҳам ўлади, бунда ҳам ўлади» деб бўйнига сиртмоқ солиб, дорга арқоннинг учини отди. Дор кўтарилиб кетган, арқон етмайди. Анча вақт жаллодлар айланиб ётди.

Рустам ҳам шу вақт яқинлашиб етди. Рустамдан бурун икки този дорнинг остига бориб қолиб, жаллодларнинг қўлидан арқонни тишлаб тортиб олиб¹ бунга жаллодлар ҳайрон қолиб, Чортутни² ёқалаб чиқиб турди. Жон ширин, Хуройим кўзини очган йўқ эди, тиг тегмаса ҳам, ўлим ҳалокатига келиб эди, ҳеч нима қулоғига кирмай қолиб эди. Кўнглида сал қувват энгандай бўлиб, кўзини очди. Бояги³ — ўзининг боқиб юрган тозиларини кўрди. Рустамга кўзи тушмай, бу сўзларни айтиб турди:

Икки този келди, болам келмади,
Елғиз болам тозиларча бўлмади,
Душманларга қора кунни солмади,
Ҳолим кўриб, оҳу фиғон қилмади.
Икки қитмир келди, болам келмади,
Елғиз ўғлим қитмирларча бўлмади,
Вафодорлар келди, болам келмади.

Бу сўзларни бунда Хуройим айтди,
Дор остига бек Рустам яқин етди.
Энасини кўриб дорнинг остида,
«Энамни опкеп осган жаллод» дер,
Шердай бўп от қўйди жаллод устига.

Шу замон Рустам етишди,
Жаллодларнинг ақли шошди;

¹ Олди; олибди.

² Афсонага кўра бу ер вайронага айлангандан кейин тўрт тут тут дарахти экилган, тутлар қад кўтаргандан сўнг, харобани Чортут деб атаганлар.

³ Оригиналда бағана.

Олиб қўлига пўлатди,
Жаллоднинг бошини кесди,

Энам, дейди ақли шошиб,
Рустамбек жуда туташиб,
Қайтмайин Рустам савашиб,
Жаллодларга яшин тушиб.

Бир майдон Рустам савашди,
Кесиб қўйди анча бошди;
Уликларга қузғун тушди
Жаллодлар ҳарёққа қочди.

Қочган билан қутилмайди,
Рустамдан омон қолмайди.
Рустамбек қилди майдонни,
Майдонли кун сотар жонди.
Қўлида ханжар исфихон,
Тўкар ерга қизил қонни,
Ўлдирди неча душманни,
Қилар душман пушаймонни,
Мурда деган бунда қийраб,
Мансурнинг дорида қолди.
Баҳра тоғнинг ғажирлари,
Улик излаб бунда келди.
Кўп ўликка эга бўлиб,
Ғажирлар майдонни кўриб,
Ҳар ўликка битта қўниб,
Энди гўшга тўяберди.

Кўринг Оқтошнинг тўрасин.
Жаллодга берди иззасин.
Рустамбекка дучор бўлиб
Келган жаллод бунда ўлиб...
Бештасини тириклайин,
Қайсар Рустам ушлаб олиб¹,
Ўзга жаллоднинг барисин,
Қилич дамидан ўтқариб,¹
Бек Рустамнинг иши ғолиб.

¹ Олибди; ўтқарибди.

Тирик ушлаб олган бешовининг бир нечасининг қулогини кесди, бир нечасининг бурнини кесди, бирининг тилини кесди.— Бор энди, нима кўрган бўлсанг, кўрганнингни Оқтошга, Султонхонга айтиб бор; жаллоди бўлса, тағи менинг қошима юборсин,— деб бу бешовини Оқтош қараб ҳайдаб юборди.

Бешови йўлда гапирсак дейди тили кесилган, гапирман деса, гулдураб қолади, нима деганига одам тушунмайди; қулоғи кесилган, тили бурни соғи калласи кадидай бўлиб, гапирмоққа дами чиқмай, кўзи бўзариб, имлаб қолди, тили соғ, қулоғи соғ бурни кесилган гапирайин деса, бу ҳам бўлмайдиган, мангқаланиб, бунинг ҳам гапига одам тушунмайдиган. Булар кўнглида гапириб, бир-бири билан имлашиб кетиб бораяпти.

Рустам бу ёқда «Мабодо жаллодларнинг битта-яримтаси ўликнинг остида писиб, омон қолмасин» деб кўриб юриб эди. Ҳуройим ҳуши ўзига келиб, ўрнидан туриб (ди).

Шу вақтгача Рустам энасининг тирик эканини билган йўқ эди. Рустам жаллодларга етишган вақтида энасини дорнинг остида кўриб эди. «Энамнинг бошини кесиб, дорга тортган экан», деб ҳеч нима кўзига кўринмай, дор, бетга қарамай, жаллодларнинг додини бериб юриб эди; «Тағи ҳам битта-яримта жони бори йўқмикан» деб ағдариб кўриб юриб эди. Шу вақтда Ҳуройим Рустамни кўрди; дунёга қайтадан келгандай бўлди. Бу кўрганим ўнгимми, тушимми, деб Рустамга қараб бир сўз айтди:

Парваришлар кўрган жони танамми,
Юрагимдан кетган доғи аламми,
Уликлар ичида шунқор кўринди,
Заминда¹ беҳабар қолган боламми?!

Кўринар кўзима Рустам фарзандим,
Неча кундан бери тортган меҳнатим,
Ҳеч роҳат йўқ, қолмагандир қувватим,
Кўринди кўзима ёлғиз фарзандим,
Бу қўзи-қўчқорим, менинг роҳатим.
Кепти омон-эсон менинг давлатим,
Шунча иш қилибди ёлғиз фарзандим.

¹ Ер остидаги ҳужрада.

Манманликдан бу золимлар ўлибди,
Қилган ишларига «ҳузур» қилибди,
Ўлса кўр бўлсин-да золим бадбахтлар,
Рустам ҳаммасининг бошин олибди;
Гўдаклари етим бўлиб қолибди.

— Белингга бойлабсан ханжар исфиҳон,
Меҳнат тортиб менинг учун сотиб жон,
Жасадингдан мендай энанг садага,
Ҳаялламай бери келгин, Рустамжон!
Сени кўрдим, кетди мендан юз армон,
Бери келгин, болам, асов қулуним,
Энанг бунда сенинг учун меҳрибон!

Ҳаво ёғиб, ҳалқоб ерлар лойлансин,
Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин,
Ўлдирибсан золим жаллодларини,
Жасадингдан мендай энанг айлансин!

Кўриб қувонаман сенинг ишинга,
Шундай кунлар тушди менинг бошим,
Рустам қўзим, бўтам, келгин қошим,
Болам, деб босайин сени тўшим,
Келгин, болам, чопсон келгин қошим!

Хуройим ўрнидан туриб, Рустамга қараб бормоқчи бўлиб интилади, турмоққа қуввати келмайди.

Рустам ўликларни ағдариб юрган эди, қулогига: «Болам Рустам, қўзим, бўтам!» деган довуш келди. Рустам бошини кўтариб уёқ-буёққа қаради, энасининг бор эканини энди билди. Дорнинг остида дустаман бўлиб ётган энаси бағрини кўтариб, қулочини ёзиб: «Рустам!» деб чақириб турибди. Рустам бу сўзларни айтиб, энасига қараб югурди:

Юрагимга тушган доғи аламми,
Жаллодлар зулмини кўрган энамми,
Тоқат қилолмайман энам довшига,
Рустам, деб чақирган сен меҳрибонми?

Бу сўзни айтиб бориб қолди қошига.
Рози бўлиб ҳарна бўлган ишига,
Инграниб ўрнидан туриб Хуройим,
Болам, деб қучоқлаб босди тўшига.

Эна-бола — меҳрибонлар топишди.
Энасин тарзига Рустам қаради,
Ҳоли-аҳволини Рустам сўради:
— Энажон, заминда қопман беҳабар,
Қандай азоб берди сенга жаллодлар?

Қандай кунлар кўриб, энам хор-зор,
Сен кетган сўнг етди менга бу хабар.
Энам дедим, сўнгра бўлдим интизор,
Ўлиб кетди зулм қилган жаллодлар.

Кечикиб қолдим-да; сўнгра билдим,
Ўлдими, деб йиғлаб кўп армон қилдим.
Энди топилгандир мурод-мақсадим,
Излаб келган мен ҳам ёлғиз фарзандинг.

Омон-эсон ўлмай, энажон, кўрдим,
Эсон-омон кўрдим сенинг давлатинг.
Эна қулоқ солгин ўғлинг тилига,
Қарамадим золимларнинг ҳолига,
Эна, ўйлаб яхши бергин маслаҳат,
Энди борасанми Оқтош элига?
Ихтиёри сенда, эна, сўрайик,
Хайр десанг, Оқтошга бирга бораёик.

Бу сўзни эшитиб энаси Рустамга қараб бу сўзни айтди:

Мени десанг Оқтош элга бормайман,
Отангинг дийдори қурсин, кўрмайман;
Қайтиб бориб, бу иш эсимга тушиб,
Сира, болам, бурунгидай бўлмайман,
Мени десанг, бошқа юртни излагин,
Қурсин отанг, мен ихтиёр қилмайман!

Оқтошнинг шаҳрида подшолик қилдим,
Неча вақт даврон устида ўтирдим,
Халқнинг ўртасида тухматга учраб,
Қандай азоб билан бу ерга келдим.
Жаллодлар зулмида оғир кун кўрдим,
Етмаган ажалим, қутулиб қолдим.
Нега энди мен Оқтошга бораман!
Отангни деб яна бурилиб боргунча,
Ҳар шаҳарда гадо бўлиб юраман...

Эрисин тоғларнинг қори, эрисин,
Ер остида золим тани чирисин;
Отангнинг тухмати ўтиб боради,
Подшолик ҳам золим отанг қурисин!

Оқтош бориб, болам, нима қиласан,
Боргандан отангнинг тахтин кўрасан;
Отанг подшо, қилган иши тухматдир,
Шу тухматга сен ҳам бир кун қоласан
Тухматхона жойда нима қиласан!?

Рустам эси кириб қолган, китоб ўқиб ҳар гапнинг маънисига тушунадиган бўлган, серфаҳм, ўйли, ақли кўп йигит эди. Энасининг сўзларини тинглаб, маънисига тушуниб, отасининг қилган ишларига ошиб-тошиб, отасидан кўнгли қолиб, энасининг гапи маъқул бўлиб:— Эна, ундай бўлса ихтиёр сенда-да. Сен шу гапларни айтдинг; мен отамнинг қошига бормайман, сендан айрилиб қолмайман. Тирик бўлсак, бир тепада, ўлик бўлсак бир чуқурда; энди сенинг хаёлинг қаерда бўлса, менинг ҳам хаёлим шу ерда, деди.

Шу ерда ўлган жаллодларнинг отидан бир семиз отга энасини миндириб олди. Борадиган шаҳрининг тайини йўқ. Узи ҳам отланиб, тозиларини ияртиб:— Ана эна, «Адашганнинг олди йўл» деган гап бор, шу олди бетга қараб йўл тортайик,— деб кетиб бораётир.

Энасиман Рустам шундай йўл юриб,
Кетаётир, борар юртни ахтариб,
От-анжоми, бунга, хўп кўнгли тўқдир,
Борар манзилнинг қарори йўқдир.
Энасини ўзига йўлдош қипти,
Сўйлашмоққа яхши эрмак бўлибди.
«Эна,— дейди,— на ерларга борармиз;
Ҳали бетайинмиз; одам бўлармиз;
Дунёнинг даврини ахир кўрармиз.

Бизлар кетдик элдан умидни узиб,
Кўз кўрмаган неча чўлларни кезиб.
Эна, бу йўлларда ҳамдам бўлдингиз,
Қайга борсак бирга бўлиб иккимиз».
Бу сўзларни айтиб, Рустам, йўл юрди,
Бедов миниб, йўл юрса ҳам мўл юрди.

Парвоз қилиб ҳар тарафга қарайди,
Одамзод нишонидан кўрмайди.

Қистаб юрар энди остида отди,
Чўлу кўлда неча вақтлар йўл тортди.
Ҳеч кўрмади қора дарахт, элатди.
Кўкулу тоғига бек Рустам етди.
Бу тоғ жуда ҳаддин зиёда баландди (р).

Остидаги минган отни тўхтатди;
Энасига, Рустам, неча сўз айтди:

— Қани, жоним эна, беринг маслаҳат,
Неча кундан бери йўқдир фароғат,
Шу тоққа қўнайик, қилайик роҳат...

Тоққа чиқиб ҳар тарафга қарайик,
Бир тарафда халқ кўринса борайик,
Бундайн беэга чўлда қолмайик;
Жоним эна, энди беринг маслаҳат,
Шу тоққа, энажон, бугун қўнайик.

Бу сўзни эшитиб, энаси Рустамга қараб бир сўз айтди:

Бу тоғ, болам, жуда хатарли жойди (р),
Қўнмоққа излама бу манзил жойди,
Бу ерда ётганинг сира бўлмайди,
Ўйласам, юрагим ўтдай ёнади.

Бу ерлар, жон болам, йўлбарсхонади,
Энанг қурсин. болам, мунглуғ муштипар,
Бу ернинг йўлбарси жуда кўп бўлар.
Елғизсан-да, ҳолинг қандай бўлади?!

Бунда ётганингни йўлбарс билмасин,
Келиб, сенга қора кунлар солмасин,
Қурсин энанг, бир балога қолмасин!

Аввали ўйлагин, бу тоғда ётма,
Елғизсан-да, болам манманлик ётма,
Сен ўзингни баланд чоғлаб, фарзандим,
Ҳеч вақтида асло ўзингдан кетма!

Бу сўзларни Рустам эшитиб:— Эна, аёллик қилма! У айтган йўлбарсларинг ҳозир кўзингга кўрингани йўқ. Кўринмаган йўлбарсдан қўрқиб, бундай хафалик тортма. Эна, мени кўп ёлғиз бола дема, йўқ нарсалардан бекорга ғам ема,— деб, энасини тоққа бошлаб, бу кеча шу тоғнинг жайили ерида кўниб ётди.

Тонг отар-отмасдан Рустам ўрнидан туриб, тоғнинг бир баланд чўққисига чиқиб кетди. Ҳар тарафга қаради, шаҳар-мамлакатдан нишон кўринмади. Юқори бетга қараса, кун чиқиб келаяпти; қибла бетга қараса, қибла бетдан ҳам бир кун чиқиб турибди.

Рустам айтди: «Бизнинг ёқда кун битта бўлар эди, бу ёқнинг кун иккита бўлар экан; буни энамдан сўрайин», деб тоғдан тушиб келди. Келиб энасига айтди:— Эна! Бизнинг ёқда кун бир ёқдан чиқар эди, буёқда икки ёқдан чиқар экан; бу — юқоридан чиққан кун, ҳамишаги ўзимизнинг кун, бу — қибла бетдан чиққан кун кимнинг кунини?

Бу сўзни Рустамдан эшитиб, энаси бир сўз айтиб турган экан:

Юқоридан чиққан оллонинг кунини,
Этадан кўринган девнинг макони.

Офтобойга девлар ошиқ бўлгандир,
Деворига¹ тилладан сув бергандир.
Кун чиқарда кун шуъласи ургандир.
Кундай бўлиб у ярқиллаб тургандир.

Баҳра тоғда, болам, девнинг макони,
Шундай обод қилган у манзил жойи.

Ичида бор кўрсанг неча саройи,
Белгили девларнинг у манзил жойи,
Ярқилласа, кун деб гаранг бўлмагин,
Шуъласи узоқдан кўзингни олар,
Бу ишлардан сендай бўтам беҳабар.

Офтобой деганим бир шоҳнинг қизи,
Қанча бўлди унга девлар талашини,
Нечанинг узилди танидан жонини.
Кўп талашиб, бузилгандир қўрғонини.

¹ Офтобойга атаб қурилган сарой деворига демоқчи.

Офтобойни шунда олиб келсак деб,
Офтобойга атаб солган макони.
Сен кун деб юрибсан англамай, болам,
Баччаликдан бўлма энанг нодони.

Баҳра тоғда турган ажойиб макон:—
Қанча уста неча йиллар ишлаган,
Хунари борини унда билдирган,
Кунгирасин пўлатдан қип эндирган,
Дарвозаси ёқут, тилладан бўлган,
Баҳра тоғда девлар шундай иш қилган,
Кун деб келиб, сен сўрадинг, Рустамжон.

Шунда Рустам айтди:— Эна биз кўрмоқ тугил эшитганимиз ҳам йўқ. Сен дев деб гапирдинг, маконига қараганда, иморатга шундай бино қўйиб ўхшатибди, шунга кўнгил қўйган одам экан-да.

Энаси айтди:— Болам, у одам эмас; одам кўп юрмаган ерларда бўлади. Жуда баҳайбат, сиёсатли ёмон нарса. Агар одамнинг тушига кирса ҳам, одам шайтонлаб қолади.

Рустам айтди:— Эна, гапинг қандай бўп кетди. Узи одамдан бўлмаса, жуда ёмон нарса бўлса, уни одам ўнгиди кўрмай, тушида кўрса ҳам шайтонлаб қолса, ундайча нарсага бундай макон нима даркор?! Эса, эна, икковимиз отланайик, шу маконга борайик. Эшитдик, кўрганимиз йўқ; макони шундай, қани бунинг эгалари қандай, бориб томоша қилайик.

Энаси айтди:— Болам, унда неча зўр девлар бор. Бориб улар билан баробар бўла олмайсан, у девларга ҳавас қилма!

Рустам айтди:— Эна, йўлдан урма; нима бўлса борамиз, айланиб бир тамоша қиламиз. Қандай жондор бўлса ҳам, биз индамасак, тамоша қилган одам билан бекорга бўғиша бермас,— деб Рустам отланди. Боласини кўзи қиймай, сўзини бўлолмай, Хуройим ҳам бирга отланиб, тозиларини ияртиб, Баҳра тоғига қараб йўл тортди.

Йўл юриб, йўлда неча белдан, дарбанддан ошиб, Баҳра тоғига яқинлаб етишиб, усти бетидан тушиб келди. Кўрди: бу работ тилланинг сувини югуртириб солган, эшик бўсагаларини ёқут-жавоҳиротлардан ўтқазиб, тилладан сув берган. Кун чиққандан одам қараб бўлмайди, шундай ярқиллаб турган. Рустам қайтмайди, энасини ияртиб очиб кириб борган. Қаради; бир қўрғон, мунаққашли манзил-жойлар, кўшкун айвон, ажаб саройлар; ичида беш юз сарҳовуз бор,

эласлаб турибди. Олмалар пишиб ётибди, тоза саргайгани тўпиллаб остига тушиб ётир. Янгитда биров келиб кетгандай, яхши палослар¹ тўшалган, ҳар турли анжомлар тайёр бўлган. Арақ-шароблар ҳам қуйилган, унча-мунча тўкилган белгилари турган. «Бунинг эгаси қаёқда» деб гап сўрайдиган жонзот йўқ. Шосупага сувлар сепилган, қошига гуллар экилган, намойишга чини гужумлар тизилган, гужумнинг соясига жами қушлар йиғилган: жингқарча, мусича, балки муроталибачча бари бола-чақаси билан йиғилиб, бир лайлакни созанда қилиб айттириб ўтирур эди.

Рустам айтди:— Эна, дев деб эдинг; ё дев, ё бўлак жонзот йўқ. Мана лайлак жами қушга сухангар бўлиб айтиб ўтирибди экан. Бу ҳам катта қўргон экан. Бунинг эгасини топармиз, деб қаерини қараймиз. Қандай бўлса, лайлакдан сўраб кўрайик, хабарини шу ҳам билар,— деб Рустам бир сўз айтиб турган экан:

Қирқ минг туп олича, қирқ минг туп анор,
Соянда салқинлаб ётади беклар,
Жами қушга сен бўлибсан сухангар,
Салтанатли жойлар кимнинг жойлари?

Шосупа устига сувлар сепилган,
Атрофига яхши гуллар экилган,
Ҳар алвонда қушлар бунда йиғилган,
Мунаққашли манзил-жойлар кимники?

Қушлар ўртасинда сайраб турибсан,
Ҳаммасидан бўйнинг узун, ғолибсан,
Қушлардан ҳам кўпроқ гапни билибсан,
Кўшқу айвон, манзил-жойлар кимники?

Энам йўлдош бўлган бизга муштипар,
Девни айтиб менга берганди хабар.
Лайлак, сенга айтадиган сўзим бор,
Хўп гулистон манзил-жойлар кимники?

Шундайин тоғларда бу макон қилган,
Ҳечким йўқ бу тоғда шундай жой солган,
Бу маконда қанча дунё сарф қилиб,
Ким бўлар бу жойнинг роҳатин кўрган?

¹ Кўлөзмада: либослар.



Бу ишлардан асли ўзим беҳабар,
Мен сўрайман, жавоб бергин сен, қушлар,
Лайлак, бўпсан жами қушга суҳангар.

Шунда Рустам бу сўзни айтди, ҳечбир қуш сўзига қулоқ солмади. Лайлак айтувидан, ўзга қушлар сайровидан қолмади.

Рустам айтди:— Эна, сен девнинг макони деб билмай айтгансан. Айтувингдан дев бир палаз нарса бўлади. Бундай жойда дев нима қилади? Бизларнинг мамлакатимиздан жудо бўлганимизни худо билган, бу маконни сен билан бизга атаб солган. Сен билан мендан бўлак кишининг ҳақи йўқ бу ерда,— деб отдан туша берди. Ҳеч нимага зарил эмас, бу ерда ҳамма нарса бор. Отларини ўтга қўйиб, энаси билан бунда турди.

Рустам тоғ-тошда юриб ов қилиб келадиган бўлди. Рустам ов овлаб келади, энаси пишириб беради. Шундай қилиб қирқ кечаю қирқ кундуз орадан ўтди; ё дев, ё одамзод: «бу жой бизники эди» деб, келмади. Энди ўзларининг ҳовлисидай бўлиб бағир босиб қолди.

Шундай қилиб неча кунлар орадан ўтди. Бир кун энаси айтди:— Болам, сен овда, тоғ-тошда кўп юрасан, яқин орада бориб келгудай жой кўринадими, бориб келсанг, устибошимиз кир бўлиб кетибди, сатта тузсиз овқат еб, қовоқларимиз ҳам шишибди; бир туз билан совун олиб келсанг.

Рустам айтди:— Овда юриб кеча бир тоғнинг баланд чўққисидан қарадим, тоғнинг этагида бир қора дарахт кўринди. Лекин олис-яқинини билмайман, магар шунда бориб кел демасанг.

— Унга борсанг, қай маҳал келарсан?— деди энаси.

Рустам айтди:— Эрта-мертан жўнаб кетсам, говгум — ётарларда келиб қоларман.

Энаси айтди:— Бу бир хатарли жой, қандай бўлса кунин бориб, кунин кел. Тағи сен ҳаяллаб кетиб, бу жойнинг эгаси келиб қолиб, мен балага қолиб ўтирмайин.

Хайр, деб шу маслаҳатни қилиб, шу кеча ётди. Эрта-мертан тонг отди. Рустам ўрнидан туриб, эгарлаб, чоқлаб минди бедов отди. Икки тозиси билан энасини Баҳра тоғда Оқработга ташлаб, энди Рустам йўл тортди:

Чув, деди қамчи уриб,
Жўнади йўлга кириб,

Рустам кетиб боради,
Тузу совун ахтариб.

Қилар Рустам ғайратди,
Кечгача бориб келсам, деб,
Қистайди минган отди,
Тоғ ёқалаб йўл кетди.
Кўрган қора дарахтди,
Излаб Рустам йўл тортди.
Кунга Рустам қарабди,
Тушга яқинлаб қопти,
Бугун бориб келсам деб,
Уради минган отди.
Қамчи уриб бедовга...
Шуйтиб Рустам йўл тортиб,
Туш оғайин деганда,
Тоғнинг этак бетида,
Яқинлади ўтовга.

Бу ўтовни кўради,
Ғайрат билан боради,
Бир бойнинг манзили деб,
Кўнглига келади.
Шуйтиб Рустам йўл тортиб,
Борди ўтовга етиб.

Рустам кўнглида: «Бу — мол ўтлатгани чиққан, тоғнинг этак изасига ўтлик бетига тикиб қўйган молдор кишининг уйи экан» деб борди. Утовнинг ён-ёғида ҳеч бир мол-жоннинг изи йўқ. Бу ўтов тикилгандан бери сира мол тухмидан келган эмас. От устида ўтовнинг бўсағасидан қаради. Кўрди: ажаб суратли бир қиз, жамоли кунни хира қилгудай, ҳарким ҳуснини кўрса, ақли кетиб, отдан йиқилиб қолгудай. Икки қўли орқасига бойланган, сочидан уйнинг керагасига бойловли турибди. Рустам кўриб ҳайрон қолди. «Шундай одамни ҳам овлоқ бир чўлда, кўз кўрмаган ерда бойлаб ташлайдиган ҳам гаплар бор эканда! Кел, ўйлаб тургунча сўйлаб билайин», деб Рустам бир сўз айтиб турган экан:

Алифдай қоматинг, хипча белингдан,
Менга баён айла ўсган элингдан,
Хабар олмай ҳечким сенинг ҳолингдан,

Бу ерларга қандай номард бойлади?
Бойлаганни менга баён айлагин!

Қандай одам қилди қайғу-зулми,
Хафа қипти сендай тоза гулимни,
Отдан тушиб ечайинми қўлингни?
Бойлаганни менга хабар бер энди.

Малойик суратли гулюзли дилбар.
Сени кўрган одам, бўлар беқарор,
Ою кундан зиёд сенинг ҳуснинг бор,
Нега қилди сени бойлаб гирифтор?

Ўз юртингда бирор ишни қилдингми,
Ўлим ишга дучор бўлиб қолдингми,
Бир тухматга сен гирифтор бўлдингми,
Хабар бергин, қандай нодон бойлади?

Менга айтсанг ўйнаб ўсган юртингни,
Нима дейди сенинг исми, зотингни?
Менга айтсанг сен ҳам сиру ҳолингни,
Жавоб берсанг, ечиб қўяй қўлингни.

Қиз бу сўзни эшитиб, Рустамга жавоб бериб, бойловли турган ерида бир сўз айтиб турган экан:

Очилган баҳорда боғнинг гулисан,
Отанг ҳам энангнинг жону дилисан,
Англамай, бегижон, бунда келарсан,
Албатта, айланма фалакат жойга,
Бунда турсанг армон билан ўларсан!

Олло сенинг ақлу ҳушинг олдими,
Ажал етиб, сенинг кунинг тўлдими?
Албатта, айланма хатарли жойга,
Сени бунда ажал ҳайдаб келдими?

Мени сўраб беҳос бўлиб турмагин,
Ҳаяллама, кетгин, йўлдан қолмагин,
Вақти замон менинг куним битгандир,
Кетгин, мендай бўлиб бунда ўлмагин!

Бу сўзларни айтар мендайин ночор,
Дам-бадамда етиб келар аждаҳар,

Сўнгра қочиб қутилолмассан ундан,
Ҳаялламай бундан кетмоғинг даркор!

Келса мамлакатни тўзон қилади,
Ишқириб дамига тортиб олади,
Ким яқинда бўлса, тайин ўлади,
Сандайин йўлбарсни нобуд қилади,
Ҳаяллама, кетгин, бу ерда турма!

Бизнинг шаҳримизни аждаҳар олган,
Уй бошига бир қиздан солиқ солган,
Мен бойландим, бугун навбатим келган.
Кўп турмагин, кетгин бундан, бегижон!

Хаёлингни бунда туриб бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Сен менинг ҳуснимга ҳайрон қолмагин,
Ўлиб кетиб аждаҳарнинг дамида,
Сен мени қонингга зомин қилмагин!

Мен турибман ўламан деб, муғойиб,
Гулдай юзим заъфарондай сарғайиб.
Дучор бўлсанг аждаҳарнинг дамига,
Ҳарна бор давлатинг бўлар бесоҳиб,
Ота-энанг қолар сочини ёйиб,
Кетавер, бегижон, бунда турмагин!

Аждаҳар ҳайбатли, нима биласан,
Сен эшитдинг, туриб нима қиласан,
Ҳаял ўтмай келиб қолар устингга,
Тортганда дамига дучор бўласан!

Бу сўзни қиздан эшитиб, Рустам ўз бошини қутқариб, қизни ташлаб кетгани кўзи қиймай, аждаҳарга бир бегуноҳни бергуси келмай, қизга қараб бир сўз айтиб турган экан:

- Оҳ урсам тўкилар кўзимнинг ёши,
Ўлимдан қайтарми, билгин, мард киши,
Бундан қўрқиб кетмоқ номарднинг иши!

Ушбу дамдир ўзга дами дам дема,
Аждаҳардан сира мени кам дема,
Муштипарсан, ўлади деб ҳам ема.

Қай тарафдан бунда келар аждаҳар,
Аждаҳар йўлини кўрсатгин, дилбар,
Аждаҳар деганинг битта илон-да,
Бир илоннинг нима ҳам қуввати¹ бор?¹

Элингнинг захрасин тоза олибди,
Заҳарини бутун элга солибди,
Элингда йўқ экан дафъ айтгич² одам,
Бир илонга сени дучор қилибди.

Ҳеч замонда шундай ишлар бўларми,
Аждаҳар деб сени бойлаб берарми!
Мени ўлади деб, мунглиғ, ғам ема,
Кўрсатгин аждаҳар келар йўлини.

Аждаҳарга кўрсатайин ишимни,
Йўлингда берайин азиз бошимни,
Омон-эсон аждаҳардан қутулсанг,
Сўнгра бориб кўргин қариндошингни.

Қай тарафдан бунда келар аждаҳар?²
Чирпиниб турибди мендайин шунқор,
Сесканиб илондан қўрқма, муштипар.
Насиб этса от ўйнатиб борарман,
Кўрсат йўлин, не кунларни соларман,

Аждаҳарни неча бўлак қиларман,
Менга кўрсат аждаҳарнинг йўлини

Тортинмайин аждаҳарга борайин,
Аждаҳарнинг тандан бошин юлайин!

Қиз илгари аждаҳарни ўз кўзи билан кўргани йўқ,
халқнинг қилган таърифига, элнинг маобатига, Рустам-
нинг қадди-жасадига аждаҳарнинг сиёсатига қараб, «Яхши
йигит экан, ўлмасин», деб яна ҳам кўп қайтарди. Шунда
ҳам Рустам:—«Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмай-
ди», деган гап бор, аждаҳар дамига тортади, мени ютади
деб ваҳм қилмайман; қайишмай аждаҳарнинг йўлини
айтгин,— деди.

¹ Қўлэзмада нима қувватлари,

² Этгучи.

Сўнгра қочиб қутилолмассан ундан,
Ҳаялламай, бундан кетмоғинг даркор!

Келса мамлакатни тўзон қилади,
Ишқириб дамига тортиб олади,
Ким яқинда бўлса, тайин ўлади,
Сандайин йўлбарсни нобуд қилади,
Ҳаяллама, кетгин, бу ерда турма!

Бизнинг шаҳримизни аждаҳар олган,
Уй бошига бир қиздан солиқ солган,
Мен бойландим, бугун навбатим келган.
Кўп турмагин, кетгин бундан, бегижон!

Хаёлингни бунда туриб бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Сен менинг ҳуснимга ҳайрон қолмагин,
Улиб кетиб аждаҳарнинг дамида,
Сен мени қонингга зомин қилмагин!

Мен турибман ўламан деб, муғойиб,
Гулдай юзим заъфарондай сарғайиб.
Дучор бўлсанг аждаҳарнинг дамига,
Ҳарна бор давлатинг бўлар бесоҳиб,
Ота-энанг қолар сочини ёйиб,
Кетавер, бегижон, бунда турмагин!

Аждаҳар ҳайбатли, нима биласан,
Сен ҳшитдинг, туриб нима қиласан,
Ҳаял ўтмай келиб қолар устингга,
Тортганда дамига дучор бўласан!

Бу сўзни қиздан эшитиб, Рустам ўз бошини қутқариб, қизни ташлаб кетгани кўзи қиймай, аждаҳарга бир бегуноҳни бергуси келмай, қизга қараб бир сўз айтиб турган экан:

- Оҳ урсам тўкилар кўзимнинг ёши,
Ўлимдан қайтарми, билгин, мард киши,
Бундан қўрқиб кетмоқ номарднинг иши!

Ушбу дамдир ўзга дами дам дема,
Аждаҳардан сира мени кам дема,
Муштипарсан, ўлади деб гам ема.

Қай тарафдан бунда келар аждаҳар,
Аждаҳар йўлини кўрсатгин, дилбар,
Аждаҳар деганинг битта илон-да,
Бир илоннинг нима ҳам қуввати¹ бор?¹

Элингнинг захрасин тоза олибди,
Заҳарини бутун элга солибди,
Элингда йўқ экан дафъ айтгич² одам,
Бир илонга сени дучор қилибди.

Ҳеч замонда шундай ишлар бўларми,
Аждаҳар деб сени бойлаб берарми!
Мени ўлади деб, мунглиғ, ғам ема,
Кўрсатгин аждаҳар келар йўлини.

Аждаҳарга кўрсатайин ишимни,
Йўлингда берайин азиз бошимни,
Омон-эсон аждаҳардан қутулсанг,
Сўнгра бориб кўргин қариндошингни.

Қай тарафдан бунда келар аждаҳар?
Чирпиниб турибди мендайин шунқор,
Сесканиб илондан қўрқма, муштипар.
Насиб этса от ўйнатиб борарман,
Кўрсат йўлин, не кунларни соларман,

Аждаҳарни неча бўлак қиларман,
Менга кўрсат аждаҳарнинг йўлини

Тортинмайин аждаҳарга борайин,
Аждаҳарнинг тандан бошин юлайин!

Қиз илгари аждаҳарни ўз кўзи билан кўргани йўқ,
халқнинг қилган таърифига, элнинг маобатига, Рустам-
нинг қадди-жасадига аждаҳарнинг сиёсатига қараб, «Яхши
йигит экан, ўлмасин», деб яна ҳам кўп қайтарди. Шунда
ҳам Рустам:—«Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмай-
ди», деган гап бор, аждаҳар дамига тортади, мени ютади
деб ваҳм қилмайман; қайишмай аждаҳарнинг йўлини
айтгин,— деди.

¹ Қўлёзмада нима қувватлари,

² Этгучи.

Унда қиз айтди:— Ҳарчанд зўр урдим, бўлмади; сенинг ҳам ажалинг етган экан, кунинг битган экан, гавдагўштинг аждаҳарга тақдир этган экан,— деб бир белдос қирни кўрсатди.— Аждаҳар шу тарафдан келади,— деди.

Шунда Рустам қизнинг гапи билан отига қамчи уриб, бояги қўндаланг қирнинг устига чиқди. Қараса, аждаҳар кўзи оловдай ёниб, ишқириб, ҳар тарафга ўт сочиб тоғнинг тангисидан Чархинкўл деган кўлга сувга тушиб келаяпти экан.

Чопиниб аждаҳар дамга тортади,
Кўлнинг қамишлари таппа ётади.
Ишқириб аждаҳар дамга тортади,
Чархин кўлнинг сувин бирдан ютади.
Ишқириб аждаҳар дамин олганда,
Дарёни қоронғу тўзон туттади.
Яқинлаб бек Рустам шундай қараса,
Тоғнинг тоши зингиллашиб ўтади.
Аждаҳар дамига тошлар кетади.

Ҳайбат билан келаётир аждаҳар,
Яқинлади Рустамбекдай зўрабор;
Аждаҳар чопиниб дамга тортганда,
Лангар тўкиб Рустам ўзин тўхтатар.
Ҳеч нарсани писанд қилмас аждаҳар,
Чидай олмай энди Рустам зўрабор,
Бир-бирга энди яқинлаб қолар,
Наъра тортиб бунда Рустамдай қайсар.
Қувватиман Рустам наъра урганда,
Рустамнинг товуши аждаҳарга етди,
Бу товушдан унинг қулоғи битди,
Кўтарган бошини ерга ташлади,
Жийриб қуйруғин ўзига тортди.
Аждаҳар беҳушди, Рустамбек билди,
Қилични чиқариб қўлига олди,
Ҳайбатли илоннинг қошига борди,
Илоннинг бошига қилични солди.
Ҳайбатидан қўрқмай Рустам иш қилди,
Аждаҳарни қайсар Рустам ўлдирди.

Душманни ўлдириб кўнглин хушлади,
Қирқ бир гўла қилиб кесиб ташлади.
Бир гўладан олди узун бир тасма,
«Аждаҳар белгиси» деди, жўнади.

Рустамнинг зарбидан аждаҳар ўтди,
Тоғнинг жондорига емиш бўп ётди;
Рустам қайтди аждаҳарни ўлдириб,
Ўтовдаги қизнинг қошига етди.

У қиз кўрди: Рустам келади омон,
«Аждаҳарни кўрмапти», деб муштипар
Кўнглидан кечирди ана шу замон.

Рустам қизнинг олдига бориб, ишонар белгиси деб аждаҳардан олган тасмани ташлади. [Қиз] аждаҳарнинг терисидан олинган тасмани кўриб, аждаҳар ўлиб, ўзининг омон қолганини билиб қувонди. Рустам от устида туриб, қизга қараб, бир сўз деди:

Ўлдирганман сенинг душманларингни,
Энди айтсанг менга ўсган элингни,
Ечиб қўйсам энди сенинг қўлингни.

Сен ҳам бир яхшининг кўрар кўзисан,
Бааки кўрар кўзда сўзлар сўзисан,
Шу замон, муштипар, сендан сўрайман,
Хабар бергин ўзинг кимнинг қизисан?

Мен билайин сенинг ўсган юртингни,
Менга хабар бергин энди отингни.

Аждаҳар дамига дучор бўлибсан,
Неча кундир сен бойловли турибсан,
Қачон ўларингни ўзинг билмайин
Диққатликда қаттиқ кунлар кўрибсан.

Армон билан ўлиб кетди аждаҳар,
Жонинга сабабкор мендайин шунқор,
Ою кундан сулув сенинг тарзинг бор,
Қайғу ғамдан озод бўлдинг, гажакдор.

Ғам тортиб сен аждаҳарни кўрмадинг,
У бадбахтга сен бир дучор бўлмадинг.

Чархин кўлда дучор бўлди аждаҳар,
Ҳайбагидан титрар бир неча шаҳар,

Аждаҳардан нобуд бўлган одамлар,
Шунинг бири бўлган сендайин ночор.

Энди сўзлаб, хабар бергин элингни.
Мен ечайин отдан тушиб қўлингни.
Мен сўрайман сенинг манзилларингни!

Бу сўзни эшитиб, у қиз ҳам бойловли турган ерида
Рустамга бир сўз айтиб турган экан:

Савашли кун ботир тортар сари ёй,
Ғамли кунда кўп тортганман оҳу вой,
Шу вақтида сиздай бекни етқизди,
Отимни сўрасанг менинг Офтобой,
Уз элимда чин деганнинг ўзиман,
Энам ҳам отамнинг кўрар кўзиман,
Бужул элда Хисров шоҳнинг қизиман
Сиздай бекка айтай аҳволларимни,
Аждаҳардан нобуд бўлиб йўқ бўлган,
Аждар ютган неча канизларимни.
Мендайин ойимнинг навбати келди,
Ўлимнинг шароби ёқамдан олди,
Сўзлайин ҳолимни сиз қулоқ солинг.
Бу ўлимдан сиздай шунқор қутқарди,
Ҳолимни сўзлайин, сиз қулоқ солинг,
Ечаман, деб, эй хоним, ҳалак бўлма,
Кетабергин энди йўлингдан қолма.
Энам билан қариндошларим келсин,
Келиб менинг турган аҳволим кўрсин,
Келиб ечса, мен ҳам элга борарман,
Сиздай бекни ўзим топиб оларман,
Эл ичида тўю маърака бериб,
Сиздай хонман бирга даврон сурарман.
Насиб этса адрас, кимхоб кияман,

Узгани демайман мамлакатимда,
Халқ ичида сизни суйиб тияман¹.

Емон кунда кўп сўрадинг ҳолимни,
Қабул қилиб, бағишладим танимни;
Ҳалак бўлиб, хоним, ечма қўлимни.

¹ Тегаман.

Бу сўзни эшитиб, Рустам отидан тушмай, қизга берган тасмага қарамай жўнаб кетди.

Бошида ўзи туз билан совунга чиққан. Шу¹— тоғда кўринган қора дарахт Бужул шаҳри экан. Тоғдан яқиндай бўлиб губорланиб кўринган экан. Ҳали шу кўрган кўнгилдаги ерга етолгани йўқ, қичаб кетиб бораяпти. Неча кўллардан, неча эллардан, тоғу чўллардан ўтиб, шаҳри Бужулга етиб борди. Борса, Бужул шаҳри шундай: деворини зокка бўяган, ҳаммаси кийимини кўкка бўяган; биров-бировига ёнашмайди, ортиқ-камини ҳисоблашмайди. Рустам бирнечага сўз қотади, гапига қулоқ солмай кетади. Рустам айтади: «Бу шаҳарнинг одами жовлиги билан гунгмикан?» Ҳайрон бўлиб боққол, косибларнинг қошига боради, туз билан совун сўради, ўзи гапириб ўзи қўяди, ҳечким гапига қулоқ сомади. Рустам бу шаҳарда ҳайрон қолиб, бир гапиришадиган одам бўлмади, нима воқеа эканини билмади. Шунда Рустам кўрғоннинг дарвозасига етди. Қаради: бир мўйсафид турибди. Бошдан-оёғигача кўкмак, қўлидаги таёғигача кўкмак. Рустам айтди: «Қўлида таёғи бор, ҳам дарвозада турибди. Подшолик ҳеч маҳалда кўрбошини гунгдан қилмайди. Шундан бир сўраб кўрайин, албатта, тили бордир»,— деб Рустам кўрбошига қараб бу аҳволларни сўраб турган экан:

Қиёматча бўлар марднинг савашини,
Гангимасин мендай жўмарднинг боши.
Не сабабдан баринг бундай, кўрбоши?

Сўз сўзласа, қабоғингни уясан,
Биринг эмас, баринг қора киясан,
Даладан келгани ҳайрон қиласан,
Тил билмаган баринг қандай балосан,
Не сабабдан баринг бундай, кўрбоши?
Ҳайрон қолиб, аҳволингни сўрайман.
Элингни кўрдиму, бўлганман ҳайрон,
Кўнглимнинг қалъасин қилмагин вайрон,
Ҳаркимга сўз қотиб, бўлдим дар ҳайрон.
Тилинг бўлса, хаб бергин сен маған²,
Азали шаҳрингдан гапир, бобожон!
Не сабабдан баринг бундай, кўрбоши?

¹ Уша.

² Менга.

Аждаҳардан нобуд бўлган одамлар,
Шунинг бири бўлган сендайин ночор.

Энди сўзлаб, хабар бергин элингни.
Мен ечайин отдан тушиб қўлингни.
Мен сўрайман сенинг манзилларингни!

Бу сўзни эшитиб, у қиз ҳам бойловли турган ерида
Рустамга бир сўз айтиб турган экан:

Савашли кун ботир тортар сари ёй,
Ғамли кунда кўп тортганман оҳу вой,
Шу вақтида сиздай бекни еткизди,
Отимни сўрасанг менинг Офтобой,
Уз элимда чин деганнинг ўзиман,
Энам ҳам отамнинг кўрар кўзиман,
Бужул элда Хисров шоҳнинг қизиман
Сиздай бекка айтай аҳволларимни,
Аждаҳардан нобуд бўлиб йўқ бўлган,
Аждар ютган неча канизларимни.
Мендайин ойимнинг навбати келди,
Улимнинг шароби ёқамдан олди,
Сўзлайин ҳолимни сиз қулоқ солинг.
Бу ўлимдан сиздай шунқор қутқарди,
Ҳолимни сўзлайин, сиз қулоқ солинг,
Ечаман, деб, эй хоним, ҳалак бўлма,
Кетабергин энди йўлингдан қолма.
Энам билан қариндошларим келсин,
Келиб менинг турган аҳволим кўрсин,
Келиб ечса, мен ҳам элга борарман,
Сиздай бекни ўзим топиб оларман,
Эл ичида тўю маърака бериб,
Сиздай хонман бирга даврон сурарман.
Насиб этса адрас, кимхоб кияман,

Узгани демайман мамлакатимда,
Халқ ичида сизни суйиб тияман¹.

Емон кунда кўп сўрадинг ҳолимни,
Қабул қилиб, бағишладим танимни;
Ҳалак бўлиб, хоним, ечма қўлимни.

¹ Тегаман.

Бу сўзни эшитиб, Рустам отидан тушмай, қизга берган тасмага қарамай жўнаб кетди.

Бошида ўзи туз билан совунга чиққан. Шў¹ — тоғда кўринган қора дарахт Бужул шаҳри экан. Тоғдан яқиндай бўлиб ғуборланиб кўринган экан. Ҳали шу кўрган кўнгилдаги ерга етолгани йўқ, қичаб кетиб бораяпти. Неча кўллардан, неча эллардан, тоғу чўллардан ўтиб, шаҳри Бужулга етиб борди. Борса, Бужул шаҳри шундай: деворини зокка бўяган, ҳаммаси кийимини кўкка бўяган; биров-бировига ёнашмайди, ортиқ-камини ҳисоблашмайди. Рустам бирнечага сўз қотади, гапига қулоқ солмай кетади. Рустам айтади: «Бу шаҳарнинг одами жовлиги билан гунгмикан?» Ҳайрон бўлиб боққол, косибларнинг қошига боради, туз билан совун сўради, ўзи гапириб ўзи қўяди, ҳечким гапига қулоқ сомади. Рустам бу шаҳарда ҳайрон қолиб, бир гапиришадиган одам бўлмади, нима воқеа эканини билмади. Шунда Рустам кўрғоннинг дарвозасига етди. Қаради: бир мўйсафид турибди. Бошдан-оёғигача кўкмак, қўлидаги таёғигача кўкмак. Рустам айтди: «Қўлида таёғи бор, ҳам дарвозада турибди. Подшолик ҳеч маҳалда қўрбошини гунгдан қилмайди. Шундан бир сўраб кўрайин, албатта, тили бордир»,— деб Рустам қўрбошига қараб бу аҳволларни сўраб турган экан:

Қиёматча бўлар марднинг савашини,
Гангимасин мендай жўмарднинг боши.
Не сабабдан баринг бундай, қўрбоши?

Сўз сўзласа, қабоғингни уясан,
Биринг эмас, баринг қора киясан,
Даладан келганни ҳайрон қиласан,
Тил билмаган баринг қандай балосан,
Не сабабдан баринг бундай, қўрбоши?
Ҳайрон қолиб, аҳволингни сўрайман.
Элингни кўрдиму, бўлганман ҳайрон,
Кўнглимнинг қалъасин қилмагин вайрон,
Ҳаркимга сўз қотиб, бўлдим дар ҳайрон.
Тилинг бўлса, хаб бергин сен маған²,
Азали шаҳрингдан гапир, бобожон!
Не сабабдан баринг бундай, қўрбоши?

¹ Уша.

² Менга.

Бу сўзни эшитиб, Рустамга қараб, қўрбоши бир сўз
айтиб турган экан:

Оша элдан жосус¹ бўлиб келасан,
Хисрав шоҳга хабар берса, ўласан,
Билмасликка олиб сўраб турасан,
Кет, мусофир элда нима қиласан!

Сен билмайсан энди қилар ишингни,
Баччағар, астароқ чиқар довшингни,
Хисрав шоҳим билса, кесар бошингни,
Дорга тортиб қилар сенинг ишингни!

Бизнинг элни бунда пойлаб келмагин,
Жосус бўлиб аҳволларим билмагин,
Ҳаялламай кетгин энди шаҳардан,
Кетгин, жосус, сира бунда турмагин!

Еш экансан, жосусликни қилибсан,
Халқнинг сирин сен билмоққа келибсан,
Билмасликка олиб сўраб турибсан,
Кет, мусофир элда нима қиласан?!

Бу сўзни у бобо айтди. Рустамга жуда ўтиб кетди.
Ўтдай тутшиб, отини қимсиб бобога яқинлашиб, Рустам-
нинг ғайрати тошиб, бир сўз айтиб турган экан:

Кўнглингда бор экан қайғули туман,
Жосус деб, айладинг сен мени гумон,
Ундай деб гапирма, бобо, беимон.

Юлдузни кўзлайди бу минган отим,
Ярқиллар белимда кескир пўлатим,
Бундай сўзга келар менинг ғайратим;
Сен тилингни тортиб сўзла, бобожон,
Дарбозада қолар сенинг жасадинг!

Жосус деган сўзинг менга ўтади,
Баччағар, жосус деб кимни айтади!?
Ўйла, жосус одам мендай бўларми,
Келиб сендан гапни сўраб турарми?

¹ Қўлэзмада жонсиэ.

Аччиғлансам мен қиларман ишингни,
Жосус деб сен чиқармагин довшингни,
Кесарман танингдан азиз бошингни,
Йиглатарман қавму қариндошингни!
Бобо, биласанми айтган сўзимди,
Етим қилсам сенинг ўғил-қизингни,
Жосус дединг, мени бундай наҳ урдинг,
Шу гапингга сенга ўлим лозимди!

Мендай одам жосусликни қиларми,
Хаёлинг шундайин аҳмоқ бўларми?
Сен қарибсан, дарвозада турибсан,
Неча вақт подшонгга хизмат қилибсан,
Аҳмоқ, сўзни ўзинг кўп машқ қилибсан.
Жосус деб сўзлама, бобо, ўларсан,
Жосуснинг ишини сўнгра кўрарсан!

Бу сўзни эшитиб, у бобо туриб айтди: «Бу жуда тоти чапани экан. Остида бедов от, ёнида кескир пўлат, тағи бир гапини қайтарсам, қилични гилофдан сугуриб олар, бошимга бирни солар; ҳамма ўз ваҳми билан. Менинг билан кимнинг иши бор, ўлганимни ҳечким билмай қолар. Шу билан мен бир қари одам баробар бўлиб ўрлашиб юрмоқни ким қўйибди. Шаҳарга келган одамнинг кими дўст, кими душман, шуни бил, деб менга Хисрав шоҳ хат бериб қўйибди-ми? Амалдорсиниб гапириб, ёмон одамга дуч бўлдим. Аввали, менга ким қўйипти шу гапларни, тўғри жавоб айтиб ўтказиб юборабермак-да» деб, бобо бир-икки оғиз сўз айтиб турибди, дейди:

Мард йигитсан, болам, эшит тилимни,
Э йигит, сўрадинг менинг элимни,
Мен сенга айтайин кўрганларимни,
Эшит, болам, бу кўнгилда боримни.

Боботоғдан бирор аждаҳар келган,
Одамлар етти йил урушиб кўрган,
Етти йилгачайин кўп одам ўлган,
Аждаҳар зўрлигин бунда билдирган.

Юртимизни сўнгра аждаҳар олган,
Гапиришиб ундан кей¹ мамлага² келган.

¹ Кейин.

² Муомалага.

Кунига бир қиздан солиқни солган,
Кўп қизлар аждаҳар дамида ўлган.

Энди Офтобойга навбат кеп қолган,
Подшомизнинг қизи унда бойланган,
Аждаҳар ютгандир, Офтобой ўлган.
Подшомиз шундайин элга чақирган,
Савдо-сотик, сўзлашмоқлик йўқ бўлган,
Ҳамма одам Офтоб азасин қилган.

Тарзингга қарайман, очилган гулди,
Бир чамандан парвоз қилган булбулди,
Келиб бунда мамлакатим сўрадинг,
Азали юртимнинг маъниси шулди,
Майлинг, ораласанг бундайин элди.

Бобосидан бу сўзни эшитиб, Рустам:— Бобо, шум-ликни ўйлаб, ўзингни қийнаб гапириб ётгунча, илгаридан шундай жавоб айтсанг бўлмасми?— деб қўрғондан ичкари кириб кетди.

Энди кун кеч бўлди. Оқсарой деган саройга бориб қўниб, меҳмон бўлди. Энди Рустам ҳам тушуниб қолди: бир нима олар бўлса ёнидан пулни чиқариб беради; у одам ҳам индамайди, қўли билан нимани кўрсатса, пулига яраша шундан олиб беради. Ҳамма биледи, жосус, воқеанавислар оралаб юрган. Шаҳарда биров билан биров савдо қилиб, сўзлашиб, муомала қилганини билса, воқеанавислар подшога хабар беради, у одамни олиб бориб дорга тортади. Жонидан қўрққанидан ҳечким гапирмайди.

Рустам Оқсаройда меҳмон бўлиб ётди. «Ҳа, энам билан тозилар бугун келмади деб йўлга қараб турар-да; бир кун ярим кунда савдо очилар-да», деди. Шу оқшом Оқсаройда ўтди.

Эрта-мертан тонг отди. Офтобойнинг энаси ўрнидан тургандан пойтахт қараб кетди, Хисрав подшонинг қошига етди. Хисрав шоҳга қараб хотини бу сўзни айтди:

Етиб эдим тонг олдида туш кўрдим,
Бу тушимда бир ажойиб иш кўрдим,
Ғариб бўлган кўнглимни хуш кўрдим,

Бу тушимда у аждаҳар ўлгандай,
Менинг Офтоб қизим тирик қолгандай,

Оша юртдан бир қарчиғай келгандай,
Қарчиғай аждарга чангал солгандай,
Қарчиғай чангида аждар ўлгандай,
Бу тушимда шундай бўлиб билинди,
Мамлакатлар беҳбудчилик бўлгандай,
Ҳамма ўз ишида тинчиб қолгандай,
У душман — аждаҳар нобуд бўлгандай.

Тушимдан қувондим, қолмас тоқатим,
Олти ойлик йўлдир сўрар ҳукуматинг,
Аждаҳардан кўп эди ваҳм-зулматинг.

Бошингда бор сенинг тожу давлатинг,
Қиз ҳам бўлса Офтоб ёлғиз фарзандинг,
Офтобойдан хабар олсанг на бўлди!

Гап эшитгин тушда кўрган сўзимдан,
Бечиз эмас бу менинг кўрган тушим.
Албатта, сен хабар олгин қизингдан.
Ёлғиз қолиб кўздан ёшин тўкмасин,
Мотам тутиб яна афсус тортмасин,
Хабар олгин, хоним, Офтоб қизингдан,
Ёлғиз қолиб, маломат бўп ётмасин.

Бу сўзни эшитиб Хисрав шоҳ амалдорларини йиғиб,
бир сўз айтиб турган экан:

Унгу сўлда бир азамат бормисан,
Ботир бўлиб бу майдонда тургудай,
Хизмат қилиб, инъомимни олгудай,
Аждаҳардан хабар олиб келгудай,
Аждаҳар ўликми ё унда тирикми,
Бориб аждаҳарни кўриб келгудай?

Қани амалдорлар талаб қиласан,
Ким ботир бўп чиқар, ўзинг биласан.
Шаҳар; элга чиқиб хабар берасан,
Ҳамма ҳам эшитсин, жәрчи қўясан,
Элу халқдан бирор ботир чиқарми,
Кимки ботир бўлса олиб келасан!

Амалдорга подшо неча сўз айтди,
Неча сипоҳилар отланиб кетди.

Чақирар, ҳечкимдан садо чиқмайди,
Аждаҳарга мен бораман, демайди.

Подшолик чақиртди, одам келибди,
Ҳаммадан сўрайди энди Хисрав хон.
Аждаҳар деб, анинг номин айтгандан,
Подшосидан бари безор бўлибди.

Одамлар йиғилган бунда кўп бўлиб,
Пойтахт остида хўп тўп-тўп бўлиб,
Бир-бириман турди маслаҳат қилиб:
— Подшо бизни бу ўлимга буюриб.

Инъом дейди, бизга савол қилади,
Борган одам аждаҳардан ўлади,
Борган киши бунда омон келмайди,
Ўлган сўнг, инъомни нима қилади?!

Ҳамма ҳайрон бу подшонинг ишига,
Ўлик-тиригини билиб кел, дейди,
Билмоқ учун ким боради қошига?!

Халқ подшонинг сўзини эшитиб: «Унинг ўлик-тиригини билмоққа яқинлаб бориб бўларми, у сенинг шаҳардаги жўрангми, гаплашиб юрадиган?! У бир катта илон; қоранг кўрингандан дамига тортади, одам боруви билан от-поти билан ичига уриб кетади; у қандай нарса бўлса ютади»,— деб мен бораман деган садо чиқмади.

Подшо туриб айтди:— Мол-дунёга зарил, қисилиб кун кўриб юрган, хўп камбағалчилик билан кунни ўтказган, хоҳи қиморбоз, хоҳи беданобоз машғулотида юрган одамларга ҳам хабар бердингларми? Тирикчилик жонига теккан, бу юришдан ё ўлайик, ё қолайик, деб юрган чиқиб қолмасми?

Амалдорлар айтди:— Шундай режали, белгили одамлар эшитди. Шулардан ҳеч гап чиқмади. Мен ботирман, деб отланадиган бўлмади. Умрида бир яхши кийим киймаган, от тугул эшак минмаган, эгни янги чопон кўрмаган одамлардан нима маслаҳат чиқар дейсиз?

Подшонинг пастроқ амалида турган бир киши:— Ҳар сўзга дадил жавоб айтабердинг; сен эринсанг, мен хабар қилайин, «тегирмончидан бир бўп» деган гап бор,— деб отланиб хабар қилгани кетди.

У вақтларда шундай расм бор эди: камбағалнинг бобоси деб бир одамни камбағалга бошчи қилиб қўяр эди. Қандай камбағал гуноҳкор бўлса, бости жавобини шундан сўрар эди. Бир юртдан бир юртга оғишиб келган, подшоларнинг наздида бетайин одам бўлса, бўлак ер-жой бермаса, билса ўзи борар эди, билмаса, у камбағалнинг каттаси камбағал бобо, бу бизнинг одамимиз, деб йиғиб олар эди.

Шў вақтида¹ Тоғай деган бор эди. Камбағаллар Тоғайни бобо кўтарган эди. У камбағалларга бош бўлиб турган эди. Тоғай, шундай одам эди: ҳаммомнинг кулига лавлаги пишириб жўралари билан еб, ўз гапи билан бир-бирининг вақтини хушлаб, бирови беш танга топса, «ҳаммамизнинг топган давлатимиз ўртада», деб ўртага ташлар эди. Уларнинг қошига қорни тўқ кишидан ҳеч бир киши бормас эди. Улар ҳам шу юришида отли, тўнли бадавлат кишини одаммисан, деб писанд қилмас эди. Тоғай, ҳар кимнинг хизматини қилган, ганада² ҳаммомга ўт ёқиб кун ўтказиб келаётган, бировнинг ҳақидан қўрққан, ҳеч кимга зарар етказмаган, ким камбағал бўлса, шунинг билан топишиб кўнглини олган, тўғри йўлдан қолмаган, эгри йўлга бормаган, ўғирликни билмаган, умрида хиёнат ишни кўнглига ҳам олмаган, янги чопон киймаган, йиртиқ-қирқ ямоқ жанда-жундадан бошқани киймаган, от тугул эшак минмаган, яёвлик билан умрини ўтказиб келаётган одам эди.

Тоғай ёнбошлаб, камбағал жўраларига гапириб туриб эди:— Подшо чақиртиб, ҳаммага хабар бериб, йиғиб олибди, «Аждаҳарга боргундай бир наърашер бормисан?»— деб сўрабди. Бизни камбағал деб писанд қилиб эсига олмабди. Бизнинг жами камбағал бари ҳам қолибди. Подшо қилар ишини билмабди.

Ўзга жўралари айтди:— Хабар берганда нима қиласиз? Халқ — ҳамма одамлар йиғилган ер, сизнинг, бизнинг устимизда тўнимиз бўлмаса, миниб кўзга кўринадиган отимиз бўлмаса, бизни нима қилади?

Тоғай айтди:— Аждаҳарга буюрган баччағар тўнни, отни ўзи беради-да. Агар менга хабар берганда, бош-оёқ сарпо, бир яхши от, бир яхши яроқ берганда, аждаҳарга борар эдим, подшонинг бу хизматини ўрин қилар эдим; аждаҳар ўлган бўлса, ўлган хабарини берар эдим; агар тирик бўлса, ғайрат қилиб аждаҳарнинг танидан бошини олар эдим, ўлдириб келар эдим. Агар шу аждаҳар тирик

¹ Уша вақтда.

² Гоҳо.

бўлса, унга бир чиқиб жавоб айтолмаса, у баччағар заҳарли нарса, тиклаб шаҳарга босиб келса, тағи қаттиқ кун сен билан менинг бошимга тушади. Подшоларга нима ваҳма! Ундай қилиб, бундай қилиб қутилиб қолади. Тағи бир гап бор. Подшонинг: «Агар шу аждаҳарни ким ўлдирса, қизимни бераман»,— деган гапи бор эди. Агар бориб тўқиниб аждаҳарни ўлдирсам, балки подшонинг қизини олиб, подшога куёв бўлиб қолсак ҳам ажаб эмас.

Унда жўралари айтди:— Ундай бўлса катта одам бўлиб, бизлар билан гаплашмай, ҳол-аҳвол сўрашмай кетасиз-да.

Тоғай айтди:— Сенинг у хаёлинг хомдир. Подшо подшолик давлатини, дунёда кўрган роҳатини, Офтобойдай фарзандини берган вақтида ҳам мен сизлар билан бир дам балад-паст гапиришиб ўтирганимга олмайман. Аждарни ўлдириб, подшонинг қизини олган вақтимда, бу ҳам ўз тирикчилигида биз билан бирга бўлади. Мен подшонинг қизини олдим деб, Хисрав шоҳнинг давлатхонасига бормайман. Унинг билан жўра бўлолмайман. Ҳеч маҳал уларнинг биз билан кўнгли бир ердан чиқмайди. Улар бўлак гап топмаганда ҳам: «Камбағалда нима ақл бор, ақли бўлса ўзини ўзи ўнглаб бой бўлар эди»,— деган гапи сира қолмайди. Бу гаплар менинг юрагимга сиғмайди. Ундай одамлар билан сира бизнинг созимиз келмайди. У катта одамлар ошиб-тошиб, дунёнинг камчилигини кўрмаган, оғзи борганча гапириб ўтиб келаётган одамлар. Ҳали биз камбағалчилик, йўқчилик билан, камчилик билан келаётган одам. Агар шу ишлар бўлган вақтда ҳам, бизнинг кўкайимиздан камбағал-камчилигимиз кетмайди. Ҳеч кимга биз катта гапирмаймиз.

Жўралари:— Тоғай ака, қани катта бўлганингизда кўрамиз-да,— деб туриб эди, подшонинг хабарчи маҳрамлари келиб, «Шуларнинг гапи адо бўлсин, ундан кейин гапирамиз»,— деб қулоқ солиб туриб эди, бўлак одам билан иши бўлмай келиб, Тоғайнинг билагидан ушлади. Бояги камбағаллар билди, подшонинг маҳрами. Кўнглида айтди: «Худо урди, Тоғай гуноҳкор бўлиб қолди. Оббо баччағар, булар келиб қулоқ солиб турган экан, шунча гапни гапириб юбордик. Подшонинг қизи ҳам қурсин, ҳозир бўлмаган нарсага Тоғай гуноҳкор бўлиб қолди».

Тоғай маҳрамларга айтди:— Менинг билагимдан ушладинглар, биз нима гуноҳ қилдик?

Маҳрамлар айтди:— Ҳеч гуноҳ қилганинг йўқ. Сен ахир, аждаҳарга бораман деяпсан-ку!

— А, аждаҳарга бораман деганга гуноҳкор бўлдим-ми, мен?

Маҳрамлар айтди:— Биз шунча шаҳардан, Хисрав шоҳнинг давлатидан, аждаҳарга бораман, деган кишини топмадик. Шу сенинг «аждаҳарга бораман» деганингни ўз қулоғимиз билан эшитдик. Биз келиб сени ушлаганимиз — подшонинг хизмати [учун]. Аждаҳарнинг ҳайбат-сиёсати, бу онсон гап эмас. Бунга ҳар қандай киши боролмас. Бу хизматга юрак қилмоқ онсон эмас. Биз от устида туриб айтсак, қўрқиб қочиб кетиб, сўнгра тониб бўйнига олмай юрарми, деб келиб билагингдан ушладик. Сен қўрқма, бояги гапларингни подшога айтмасмиз.

Тоғай айтди:— Сизларда бир гап бор. «Камбағалнинг нима тутруғи бор, қочади» деб фаҳмлапсизлар. «Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди», деган гап бор. Ўзим талаб қилдим. Ҳечким менинг бўйнимга завлим солгани йўқ. Сўзидан қайтмайдиган камбағалдан чиқади,— деб ўрнидан тура берди. Шунда ҳам маҳрамлар ишонмай, отига миниб, Тоғайни ўртага олиб, шоҳнинг саройига ҳайдаб жўнади. Тоғайни ҳайдаб бораётганини одамлар кўриб: «Бу камбағалларнинг бобоси гуноҳкор бўпти-да, ўртага олиб ҳайдаб келаяпти» деб турди. «Буни нимага ҳайдаб келаяпти экан,— деб амалдорлар сўради.— Бу нима гуноҳ қилди?»

Маҳрамлар айтди:— Аждаҳарга мен бораман деб турибди.

Подшога бу хабар етди. Подшо:— Бунда олиб келинсин!— деди. Маҳрамлар Тоғайни олиб пойтахт устига чиқиб кетди, подшога рўпара қилди. Подшо Тоғайга қараб, бу сўзни сўраб турибди:

Юрагингдан кетсин сенинг оҳ-вой,
Манзил-жойинг бўлсин сенинг кенг сарой.
Аждаҳарга борасанми, эр Тоғай?

Хафа бўлмай бунда ўйнаб-кулмоққа
Подшо инъомига эга бўлмоққа,
Чоғладингми сен ўзингни хизматга,
Бориб аждаҳарни билиб келмоққа?

Менга маълум бўлди сен айтган сўзинг,
Хизматга чоғланиб келгандай ўзинг.

Назаримда баланд ўхшар ҳимматинг
Қилиб келсанг яна шундай хизматим,
Сен ҳам бўлгин қиёматлик фарзандим.

Сенга миндирайин назари отим,
Белингга бойлайин кескир пўлатим.

Ғамли бўлиб бунда қабоғим уйдим,
Қанча халойиқни бошимга йиғдим,
Ғайрат қилган бир азамат чиқмади,
Сенинг бу сўзингдан мен ҳам суюндим.

Менинг давлатимда хизмат қилганлар,
Яхши сўйлаб, мендан инъом олганлар,
Давлатимда бордир кучли полвонлар,
Ҳеч қайсидан бундай ғайрат чиқмади.

Илгаридан ғайратингни билмаган,
Амалдорлар сени писанд қилмаган,
Халойиқдан шунча одамлар келди,
Бу хабарни илгари сиз билмаган.
Сўнгра ўзим англаб юборганман хабарни,
Уялмадим мен ҳам қилган ишимдан,
Яхши жавоб айтиб, қилдинг сафарни,
Аввалдан кўнглимда шу сўзлар борди,
Менга эшиткизди шундай хабарни.
Аждаҳарга борарсанми, эр Тоғай?

Қани, Тоғай, эрлигингни билдиргин,
Душманларни ғайрат қилиб ўлдиргин,
Хурсанд қилиб мендай шоҳни кулдиргин,
Нима бўлса эрлигингни билдиргин.

Бу сўзларни Хисрав шоҳи айтади.
Айтган сўзни қулоғига тутади;
Подшодан эшитиб Тоғай бу сўзни,
Билганини Тоғай сўзлаб ётади:

— Буюргин, подшоҳим, бориб келайин,
Майдон бўлса юз қайтармай турайин.
Менинг қилган хизматларимни билсанг.
Улим хизмат бўлса, мени буюрсанг...
Турибман бормоққа кўнглимда ўйлаб,

Аждаҳар қасдига белимни бойлаб,
Шоҳим, берсанг от-асбобингни шайлаб,
Юрмайман ваҳма қип йўлларда ўйлаб.
Йўлни тортиб аждаҳарга борарман,
Жоним қийнаб аждаҳарга берарман!

Бундай сўзни Хисрав подшо эшитди,
Хисрав шоҳнинг жуда вақти хуш бўпти,
Обод қилсам, дейди, бу манзил-жойди,
Эр Тоғайнинг шуйтиб вақтин хушлайди,
Подшо туриб ўз қўлиман шу замон,
Тоғайга кийгизди яхши сарпойди.

Тоғай келиб янги кўрди бекликни,
Шиқирлатиб кийди-ку кўк этикни.
Тоғай шундай ён-ёғига қарайди,
Бу бошига шолдан салла ўрайди,
Тоғайнинг ишида бўлмайди хато,
Бойлади белига курмали пўта,
Шундай қип кийинтип¹ бу валлакатни,
Маҳрамлар абзаллаб бунга опкелди,
Подшо минадиган наркўкдай отни;
Бойлади белига шамшир пўлотни,
Аждаҳарга Тоғай қилди газотни.
Эр Тоғайни энди бу ҳолда кўриб,
Тоғайнинг ишини кулгу қип ётди:

— Подшомиз ҳам ажаб аҳмоқ бўлибди,
Камбағалга оту сарпо берибди.
Подшонинг ақлини худо олдимиз,
Аждаҳарга бориб бир гап бўлдимиз.
Бу шаҳарга бурилиб нима қилади,
Тоғай бобонг бир нарсаси қолдимиз?!
Ким, қайси юртларга бу ҳам кетади,
Утишига от-анжомни сотади,
Бўлак ердан топиб яна бир манзил,
Камбағаллар билан хўп еб ётади,
Подшомизнинг оти қўлдан кетади.

Саройдаги одамлар Тоғайнинг бу ҳолда отланаётганини кўриб, шивир-шивир гап қилиб ётди: «Хисрав шоҳ

¹ Кийинтириб.

ақлини йитириб, бу ҳам савдойи бўлган экан. Бу бир кун кўролмайд юрган камбағал нарса. Бунинг аждаҳарда нима иши бор. Шунча сарпо, назаркарда отни миндирибди, бунга ишониб. Камбағалнинг бобоси бўлса бўлибди-да. Шундай шаҳарда ё бир манзил-жойи йўқ. Бир том солиб олмоқ катта гап. Ақалли чойдиш қайнатадиган битта ўчоқ тузатиб олган одам эмас. Камбағал одамнинг ҳам шундай ризқилиси бўлади экан. Осмондан ташлагандай ўзидан-ўзи дунёга эга бўлиб қолади экан.. Қайси юртларга бориб, бу анжомларни пуллаб олса, бор умри ётиб еса ҳам соб бўлмайди»,— деди бир нечаси.

Буларнинг гапириб ётганидан Тоғайнинг хабари йўқ. Бир хил одамлар: «Ҳозир унга кийдирган, миндирган буюмларни илгари кўрмоқ тугул гузаридан ўтган эмас. Сотганда, булар, нархини не билади. Бир тузук одам сал пул билан қўлидан алдаб олади»,— деб ўзаванда¹ гапириб қолди.

Тоғай [ўз] машғулотида бораяпти. Шунда ўзининг камбағал хонасида [жўралари]:— «Ўзини мардликка олиб бизнинг бошчимиз кетди, қандай бўлиб келар экан» деб қараса, Тоғай жуда сиёсатли, отли, тўнли, анжомли бўлиб келаяпти. Шунда жуда ўзини яқин олиб, қайишиб юрган жўраларидан бир нечаси Тоғайнинг олдига чиқиб, гапириб турибди:

Подшонинг отини бежо минибсиз,
Жондан кечиб, ажаб ишни қилибсиз.
Аждаҳар ҳайбати кўпдир, эшитдим,
Мен сизга қайишиб ўзимдан кетдим,
Ақлим қочиб данги-дунгим унутдим,
Сиздан борди бормас деган умидим.

Остингизга сиз минибсиз яхши от,
Подшога қилмоқчи бўлибсиз хизмат,
Йиғилиб ётган бунда камбағалларга —
Бошчимизсан, ўлсанг бўлар қиёмат.

Йўлдан урмай, мен ҳаққа йиғлайин,
Қўл очиб ҳаққингга дуо қилайин,
Омон бориб, омон келгин аждардан,
Йўлга қараб интизор бўп турайин.

¹ Узица.

Аждаҳар қилмасин сенга қиёмат,
Ўз кўнглингни талаб айлаб борасан,
Келгин, Тоғай — бошчим, соғу саломат!

Бу сўзни эшитиб Тоғай жўраларига қараб айтди:

Мен бораман, билгин хизматим катта,
Дуо қилиб бунда тулинг, албатта,
Насиб бўлса аждаҳарга бораман,
Ўлган бўлса, ўлди хабар бераман,
У аждаҳар тирик бўлса у тоғда,
Юз қайтармай бориб, уруш қиламан.

Агар юлсам аждаҳарнинг бошини,
Подшо кўрса эр Тоғайнинг ишини,
Менинг хизматимни у ҳам билади,
Қандай бўлса бир қўрғонни беради.

Битта қўрғон танҳо тегса бизларга,
Қулоқ солгин Тоғай айтган сўзларга.
Бир нечангни миршаб қилиб оламан,
Бир нечангни мен амалдор қиламан,
Хаммамизнинг ўртамизда жой бўлсин,
«Камбағал қўрғони» унга ном қўйиб,
Жами камбағаллар унда йиғилиб,
Подшонинг инъомин ўртада кўриб,
Омон-эсон қайтиб келсам бу ерга,
Бир қўрғон сўрасак иттифоқ бўлиб,
Бир одамдай манзил-жойга йиғилиб,
Давлату молимиз ўртада туриб,
Омон-эсон бориб аждардан келсак,
Ишимизга дўст одамлар суюниб,
Душман кетсин ўтдай бўлиб куюниб.

Хўшлашиб аждарга Тоғай жўнади,
Чорси-регистонда отни ўйнатиб,
Шу замонда Тоғай кетиб боради.
Камбағал бошчиси ҳамма билади,
Маст бўлиб эр Тоғай шундай жўнади,
Ўз шаънига сўзлар айтиб боради:

«Одам бўлиб бу Бужулнинг шаҳрига,
Миниб олдим подшонинг тулпорига»;
Кўринг Тоғай шамшир боғлаб белига,

Аждаҳарга талаб қилиб боради.
Қулоқ солинг эр Тоғайнинг сўзига,
Уз кўнглида: «Аждаҳарга йўлиқиб,
Учраб қайтай бу подшонинг қизига.

Тирик бўлса, билмаганин билдириб,
Шамшир уриб аждаҳарни ўлдириб,
Омон-эсон турган бўлса бойловли.
Олиб қайтсам шоҳнинг қизин миндириб,
Ҳарна десам айтганимга кўндириб».

Бу сўзни айтиб Тоғай кетиб боради,
Бораётиб шу замонда эр Тоғай,
Йўл айритқа Тоғай дучор бўлади.

Тоғай айтди:— Ҳали элда сўрамабман, бу йўлнинг бу ердан айрилиб кетиши эсимга келмапти. Аниқлаб юрмасам, бир йўлга тушиб кетаверсам, шу йўл борарми-бормасми билмасам; беш кун, тўрт кун орада ўтса, мен тайинини билмай юриб кетсам, подшо «келмади», деб йўлга қараб турса, бу хабарни эшитмаса; бадавлат кишини ҳар нарсага гап қилабермайди, камбағалнинг тоши энгил бўлади, ҳар қандай бетайин гап устига ағнаб, маломат гапнинг эгаси бўлаберилади. Мен ҳаяллаб кетсам, подшо сап катта одамлар билан ўтириб «аждаҳарга кетган одамдан ҳеч хабар бўлмади», деб оғзидан чиқса, подшога гапиргич одам кўп чиқиб қолади. «Ҳали ҳам шуни келади деб юрибсизми? Унинг бу ерда боғи-чорбоғи борми келиб? Шунча қимматбаҳо аслаҳани қўлига бериб юбордингиз, у ўлмади қайтиб келарми?!» деб подшони ҳам уялтиради.

Шунда бир қора кўзига кўрина берди. Отнинг жировини тортиб турди. У одам яқинлаб келгандан кейин. Тоғай бу одамга қараб, аждаҳар тарафга борадиган йўлни сўраб турган экан:

Гап эшитгин мендай марднинг тилидан;
Чиқдим ботир бўлиб Бужул элидан,
Бунда турдим мен адашиб йўлимдан,
Аччиғлансам ҳар иш келар қўлимдан.

Подшо берди, суриб ўйнайди тулпор,
Бужулнинг захрасин олган аждаҳар;

Аждаҳарга талаб қилиб бораман,
Қай тарафда бўлар? Йўл бошқар маған¹.

Шодмон қилсам Бужул мамлакатини,
Қилиб келай Хисрав шоҳ хизматини,
Хизмат учун миниб чиқдим отини,
Тушмасин бошима бир турли савдо,
Аждаҳар манзили қайси бир товда?²
Аждаҳарни сўраб кетиб бораман.

Бу сўзни эшитиб у одам Тоғайга қараб бир сўз айтди:

Сағал иш деб бу хизматни ўйлабсан,
Мард одам қиличин белга бойлабсан,
Бекор аждаҳарга талаб айлабсан.
Биласанми у ҳам ётган аждаҳар,
Аждаҳар демоқда қанча зўр гап бор!
Ўзинг ўйла, сенинг эсинг бормиди?
Ишқириб тортганда кетади тоғлар,
Чивннча йўқ миниб юрган бедовлар
Ўздан-ўзи бориб ўлмоқ не даркор!

Аждаҳар деб сира оғзингга олма,
Қайтабер, ажали етган баччағар,
Нарёққа бурмагин отнинг бошини,
Подшолар ҳам қилолмайди ишини.

Аждаҳар деб сўраб нима қиласан,
Жинни бўлиб сен чиқдингми элингдан?
Оту қамчи, не иш келар қўлингдан?
Хисрав шоҳда қанча тўп, тўпхона бор
Билгин шундай подшоликда анжомлар,
Неча йиллар аждаҳар билан урушиб,
Бўлолмади у бадбахтман баробар.

Етган жойин яксон қилиб кетади,
Бир шаҳарни бир оқшомда ютади,
Қандай одам йўлиқиб жавоб айтади.
У йўлга юрмакни ҳисоби битган.

¹ Менга.

² Тогда.

Тоғи бир қир ошсанг етиб борасан,
Сен ҳам ўтиб аждар чегарасига,
Ўз оёғинг билан бориб ўласан.

Бу сўзни эшитиб Тоғай билди, аждаҳар шу йўлда экан. Тоғай айтди: «Бу тентак, баччағар, сўрасам, қайта менга йўқ ердаги гапларни айтди, ҳеч нимани кўриб, бошидан ўтказмаган одам экан бу».

Тоғай тоғ бетка қараган йўлга отининг бошини бурди:— Бор, ўз йўлингдан қолма, сен мени йўлдан урма!— деб жўнай берди.

Шунда у одам ўзавонда гапириб кетиб бораяпти қийшайиб: «Бу одам қандай одам бўлса, подшонинг амалдорими? Аждаҳар шундай шаҳардан битта-яримтани авраб¹ олади эмиш, деб ҳам одамлар гапиргучи эди. Мабодо отини билиб дуо билан шундай авраб чақирган одамми? У ўлди! Бу аждаҳар авраган кишини ҳарчанд қайт деган билан, кўзига қиздай кўриниб қайтмайди эмиш, деган гап бор эди. Бу ҳам аждаҳарнинг аврашига¹ йўлиққан одам экан»,— деб кетди.

Тоғай йўлини олиб бораётиб эди, қирнинг бошига чиқиб қаради. Тоғдан пастга энкайган ерда Чархин кўлнинг ёқасида бир нарса мисли бир тоғнинг бўктарилган дарасидай бўлиб ялтираб ётибди. Тоғай айтди: «Энди таваккал қилайин. Шу ётган аждаҳар экан. Отни тезлаб бир-икки қамчи урайин, «Аждаҳар беғам ётган экан, хабар топгунча шамолдай ғувуллаб, устига бориб қолайин. Боргандан бошига шамширни солайин; ажалим етса ўлайин, бунинг билан бир ёқли бўлайин».

Жабр қилди ҳайвонзотнинг жонига,
Қирқ бир қамчи урди отнинг сонига;
От олиб жўнади шундай фалакка,
Шобири билинмай яшиндай оқиб,
Қаттиқ кетди Тоғай, кўнглин хушлади.
Бир қўлиман эгар қошдан ушлади.

Ҳайрон қолди бу тулпорнинг ишига,
Бориб қолди аждаҳарнинг қошига.
Ҳайбатидан ақли шошиб Тоғайнинг,
Қилич урди аждаҳарнинг бошига.

¹ Қўлэмада арбаб, арбавига.

Бу билан аждаҳар ҳарба қилмади,
Аждаҳардан ҳеч сиёсат бўлмади.
Анча ўтиб отнинг бошини тортди,
Аждаҳар қошига эр Тоғай етди.

Энди келиб бунда аждарни кўрса,
Зўр аждаҳар армон билан ўлибди,
Санаб кўрди: қирқ бир бўлак бўлибди.
Қиличин билмасдан ўликка чопиб,
Аждаҳар қолибди жазосин топиб.

Кўринг энди Тоғай валламатини,
Тушиб минди шу замонда отини.
Қулоқ солинг мард Тоғайнинг сўзига,
Бориб қолди бу подшонинг қизига.

Тоғай кўнглида айтди: «Аждаҳар илгаридан ўлган экан. Бу бойловли туриб, аждаҳарнинг ўлик-тиригини не билади. Мен бунга бир ёлгон айтайин. Қани, нима дер экан. Агар маъқул деса, қўлини ечиб, миндириб қайтайин, деган сўзини эшитайин, мана шундай деб подшога хабарини айтайин».

Тоғай Офтобойнинг қошига бориб бир сўз гапириб турибди экан:

Мен эканман Бужул элда зўрабор,
Хон отанга бўлиб келдим хизматкор;
Аждаҳарнинг билмаганин билдирдим,
Армон билан аждаҳарни ўлдирдим.
Энди обод қилай Бужул элингни,
Отдан тушиб мен ечайин қўлингни,
Менинг билан бирга Бужулга бориб,
Кўргин ота-энанг, қолган элингни.

Аждаҳар деб, кўп тортгансан зулмни
Ҳечким сўраган йўқ сенинг ҳолингни;
Менинг қилган хизматимни бил энди,
Қўлинг ечай, келиб мингаш бўл энди,
Менинг билан сен ҳам бирга юр энди.
Неча вақтлар қолдинг ҳорлик тортиб,
Бу ерда кун кўрдинг кўп ғамга ботиб,
Сен ёлғиз тургансан ҳасратлар тортиб,
Менинг билан, шоҳнинг қизи, юр энди!

Бу сўзни эшитиб Офтобой, Тоғайга қараб икки оғиз
сўз айтиб турган экан:

Оша элдан бирор лочин келганди,
Лочин кеп аждарга чангал солганди.
Лочиннинг чангида аждар ўлганди.
Баракалла, келган бу ғайратингга,
Хабар олдинг, жуда яхши бўлганди.
Бу ёлғон, ўзингга маълум гургандир,
Хасман сўйладинг менга ёлғонди.

Мард бўлсанг сев кўп айланиб турмагин,
Асли номардларнинг ишин қилмагин,
Ҳаялламай бундан қилгин сафарни,
Тирик деб отамга бергин хабарни,
Қистаб боргин миниб келган тулпорни.

У подшо отамга хабар берасан,
Тириклигим элга маълум қиласан,
Қанча инъом — суюнчини оласан,
Бир юртнинг эгаси бўлиб қоласан.

Офтобой бу сўзни Тоғайга айтди,
Маъқул тушиб бундан эр Тоғай қайтди,
Аждар илгаридан ўлганин билган,
Шундай қилиб Тоғай йўл тортди;
Бужулнинг қорасин кўриб эр Тоғай,
Шаҳарга у замон яқинлаб етди.

[Маҳрамлар] қараса Тоғай келибди:
«Бормай йўлдан қайтиб келган бу Тоғай,
Ҳадди борми аждаҳарга бормоққа,
Аждаҳарнинг қорасини кўрмоққа,
Тоғайнинг ишими шундай қилмоққа,
Хизмат қип подшодан инъом олмоққа,
Камбағалнинг иши эмас бу хизмат,
Бир ерларда иш кўрсатиб келмоққа».

Шаҳар ичида хўп гапириб ётади,
Подшо саройига Тоғай етади.
Чиқиб хизматкорлар отини ушлаб,
Пойтахтга кетди Тоғайни бошлаб.

Шунда Тоғай бориб, пойтахт устида подшога рўпара бўлди. Бир-бирини кўриб, ҳол-аҳволини сўраб омон-эсон келганини билиб, жўнатганда «Қиёматлик фарзандим бўл» деган гапи эсига тушиб, Тоғайга айтди:— Қани, Тоғай, кўрган-билганингдан гапир!

Шунда Тоғай подшога қараб бир сўз айтиб турган экан:

Мен отланиб қилдим бу куни хизмат,
Орт-сиртимдан кўп гап бўлди маломат;
Улимга бел бойлаб мендай валлаMAT.

От чопиб чўлларди баланд-пастига,
Ғайрат билан бордим аждар қасдига,
Отни чопиб бориб қолдим қошига,
Урдим ханжар билан душман бошига,
Аввал қилич уриб сўнгра билдим,
Аждаҳар ўлганин, мен сўнгра кўрдим,
Тирик эмас, ўликка дучор бўлдим;
Шоҳим, бориб Офтоб қизингни кўрдим.

Омон-эсон унда бойловли қолиб,
Канизлари билан бу энасини
Сўрайди бойловли эсига олиб.

Елғиз қолди шундай чўлда муштипар,
Бошқа сўйлаб ўтирмоқлик не даркор,
Бориб ечиб олиб келсин канизлар!
Неча сўзни сизга бу Тоғай айтди,
Ҳолисона қилиб келдим хизматди.

«Ҳолисона хизмат қилдим» дегандан кейин подшо:— Ҳолисона қилган хизматингга мақсадингни тила мендан!— деди. Шунда Тоғай айтди:— Мен сиздан нима тилайман? Бир нима оламан деб хизмат қилган бўлсам, тиласам тузук эди. Сиз ҳам бир нима берсангиз ҳолисона берасиз менга. Бизга тила деманг.

Подшо айтди: «Ақлингнинг кўплигидан камбағалларнинг бобоси бўлиб юрган экансан». Шунда Тоғайни ўз ихтиёрига қўймай, хизматининг орқасидан бир қўрғонга қўрғонбеги қилди.

Шунда Тоғай қўрғонбеги бўлиб, подшо билан хўшлашиб, қўрғонбеги амали билан пойтахтдан чиқиб, камбағал жўраларининг қошига жўнаб кетди.

Подшо Тоғайдан эшитган хабарни қувониб хотинига билдирди. Икки аравага канизлар билан Офтобойнинг энасини солиб, қанча хизматкор, маҳрам қўшиб Офтобойга жўнатди.

Энаси йўлда бу сўзларни айтиб бораётган ери:

«Кўтарсам бошимдан қайғу аламни,
Уйимнинг бозори ёлғиз боламни
Кўргунча йўқ йўлда менинг тоқатим,
Қайтадан дунёга келган санамни.

Неча кун бойловли ёлғиз қолибди,
Офтоб бунда, мен ҳам шоҳлик шавкатда,
Маконим, манзилим зиндон бўлибди».

Неча сўзни булар бу йўлда айтди.
Офтобой бойланган ўтовга етди.
Кўриб аравадан ташлаб ўзини,
«Болам!» деб қучоқлаб ёлғиз қизини.
Канизлари келиб ечди қўлини,
Йиғлашиб, топишиб жону дилини,
Сўраб бир-бирининг бунда ҳолини.
Офтобойни энаси кийинтиради,
Бужулнинг шаҳрига бирга қайтади.

Омон-эсон қизи тегиб қўлига,
Келиб қолди ўрда — манзилларига.
Аждаҳар зулмида гангиган боши;
Келиб кўрди отаси, қавму қардоши.

Шу кеча ҳаммаси кўришиб, сўрашиб ётди. Эрта мертан тонг отди. Подшолик шундай хабар қўйди: «Одамлар кўкини ташлаб, вақтини хушлаб, ўз ишида бўлсин, бозорни юргизсин, савдо-сотикни бошласин!»

Бу хабарни эшитиб, бозорга хумори бўлиб қолган халқ тонг отмай йиғилиб, бозор очилиб, шаҳри Бужулга одам тўлиб кетди.

Шунда кун чиқиш ҳаддига етди. Офтобой Рустамни кўнглидан чиқаргани йўқ эди. «Сени ўзим топиб оларман», деган гапи эсида эди. Шу гап билан: «Энди Рустамни бозордан ахтарайин, албатта, шу бозорда юргандир, топарман» деб кун чиққандан сўнг, канизларини ияртиб

бозорни сайл қилиб чиқиб кетди. Бозорда кўз тутиб Рустамни қараб юрур, дейди:

Ошиқ фаҳми оқшом кеча,
Ҳолин билмайди бирнеча,
Расталарда косиббачча,
Ҳар растанни оралайди,
Канизи билан ойимча.

Офтобойимнинг камоли,
Ойдан голибдир жамоли,
Бу бошида пирпирайди
Ўраган ловдон рўмоли.

Ҳар тарафни кўп қарайди,
Хони Рустамни кўрмайди.
Қараб юрур кўнглин хушлаб,
Неча канизлар пўш-пўшлаб,
Бир нечасин вақтин хушлаб,
Ўйнаб-кулар зулфак ташлаб.

Ҳусни тўлган ойдаи бўлиб,
Қош эгилган ёйдаи бўлиб,
Офтобойим канизларман
Кўп чалқиган бойдай бўлиб.
Тиши гавҳар, дурдай бўлиб,
Бужул шаҳрин юриб қарар,
Қизлар билан бирдай бўлиб.

Чорси-регистонга борди.
Юриб шаҳарни ахтарди,
Намозгаргачайин излаб,
Рустамдан топмай хабарди,
Ойим кўнгли хафа бўлди:

«Билмам кўзим тушмай қолди,
Қараб дарагин билмадим,
Кўриб ҳолини сўрмадим,
Бу бозорда мен йўлиқиб,
Гаплашиб савол қилмадим».

Бу сўзни айтиб уйга етди,
Оқшом ётди, боз тонг отди,

Эрта мертан хабар қилди,
Эркак қолмайин чақиртди,
Барча халойиқ йигилиб,
Қатор бўп кўриқдан ўтди.

Қараб турибди гажақдор,
Бунда йўқдир Рустам шунқор.
Ҳамма ҳам кўриқдан ўтиб,
Соп бўлди келган одамлар.

Энди подшолик сўради:— Яна ҳеч ерда одам қолдими?

Бир киши хабар берди:— Оқсаройда бир одам бор. «Нима ишда юрган одамсан?»— деб сўрасак, «мен асби жаллобман»— деб айтади. Жаллоблик қилиб йилқи етаклаб юрадиган одамга ўхшамайди,— деди.

Подшолик:— ҳайдаб келинглари!— деб буюрди.

Бир хизматкор бориб ҳайдаб келди. Офтобой ҳали ҳам олмасини ушлаб қараб туриб эди, Рустам кўриқдан ўтаберди. Офтобой олма билан урди. Подшолик Рустамни қайтариб олди. Аждаҳарни ўлдирган шу йигит эканини ҳамма билиб қолди. Рустамнинг ҳақиға дуо қилиб, ҳамманинг димоғи чоғ бўлди.

Шунда Рустамнинг тарзига қараб, Хисрав шоҳ бир сўз сўраб турган экан, дейди:

Қайси элдан, қайси юртдан бўласан,
Қайси элда қайси шоҳнинг ўғлисан,
Хабар бергин, қайси юртдан келасан?

Подшолик давлатим сенга лозимди(р),
Қабул қилгин менинг Офтоб қизимди,

Ғайратингдан нобуд бўпти аждаҳар,
Вақти хуш бўп қолди қанча одамлар,
Шоҳлик шавкат энди бу сенга даркор.
Кўрсатиб сен маълум қилдинг ишингни,
Нима десанг қилай кўнғил хушингни.

Неча сўзни мард Рустамга айтади,
Шоҳнинг сўзин Рустам қабул тутади.

Нима деса Рустамбекни кўндириб,
Шу замонда халойиқни йиғдириб,

Неча кунлар элу халққа тўй бериб,
Шундай қип Рустамга берди қизини,
Подшо қилди ўз жойига миндириб,
Подшоликка базўр уни кўндириб.

Рустам Офтобойни олиб, подшо инъом қилган қўрғоннинг ихтиёрини Тоғайга бериб, жабр-зулм қилмай элни сўрайсан, деб ўзи Бужул шаҳрига маълум бўлиб қолди.

Тоғай хизматининг орқасидан бир қўрғоннинг эгаси бўлиб, энди камбағалларнинг барини қўрғонга йиғиб, камбағал жўраларининг бировини миршаб, бировини маҳрам, нечовини шундай амалдор қилиб, қўрғон амалдорларининг барини шу камбағаллардан тайин қилиб, ўзига инъом қилган ерни сўрайберди.

Шунда подшонинг бирнеча амалдорлари Тоғайнинг ишига кулиб айтди: Тоғай! Сен амалдорни сипоҳлардан, бадавлатлардан, иш билганлардан қилсанг тузук эди. Сен қиморбоз демадинг, банги-ҳанги демадинг, ўз айласини топмагanning барини амалдор қилиб юбординг. Қаёқдаги қизил оёқ — ёмон одам катта бўлиб кетди. Булар катталикни не билади?

Бу сўзни эшитиб Тоғай айтди:— Бизга катталик қилиб, фуқаронинг юрагини ёрадиган одам даркор эмас. Подшоликнинг ҳақи бўлса, шулар ҳам фуқародан ҳисоблаб олмоқни билади. Булар камбағал одамлар бўлган билан ҳисобини сизлардан яхши билади. Дўқ уриб бировнинг юрагини ёрмайди. Ҳаммаси ўз одамимиз, ёри-жўрамиз,— деб бир-бирининг гапига тушуна қолади. Шуйтиб¹ мен амалдорларни ўзимнинг жўраларимдан қилдим. Илгари ҳам буларнинг бобоси эдим, энди ҳам шуларнинг бобосиман-да. Сизлар қўрғонбеги десанглар деяберинглар; биз ҳали ҳам шу боболигимизни, ўрганган ҳунаригимизни — қилиб келаётган касбимизни қиламиз. Подшоликнинг ҳақи бўлса берамиз,— деди. Тоғай шундай бўлиб ётди.

Рустам Бужулда уч кун подшо бўлиб турди. Оқшом Офтобойнинг қошида ётиб оҳ тортди. Офтобой сўради:— Нимага оҳ тортдингиз? Бирор жойда мендан ҳам ўзга олиб қўйган ёрингиз борми?

Рустам айтди:— Олган [бошқа] ёрим йўқ. Уйлаб турсам, бу шаҳарга мен туз билан совунга келган эканман.

¹ Бу ерда шунинг учун маъносиди.

Келиб подшо бўлиб қолибман. Баҳра тоғида Оқработда энам билан икки тозим қолиб эди. Кунин бориб, кунин келаман деб эдим. Янги уйқум қочиб ҳисобласам, келганимга уч ярим ой бўлибди. Билмадим, энамнинг ҳоли не кечди?!

Офтоб айтди:— Ундай бўлса, эртан отланиб бориб энангизни, тозиларингизни олиб келақолинг.

— Хайр,— деб Рустам ётди. Эрта мертан тонг отди. Эгарлаб минди бедов отди. Кўнглида айтди: «Мен ўз ихтиёрим билан подшо бўлганим йўқ. «Подшо бўламан» деб бу элга келганим йўқ. Бир подшо отам бўлса, унинг зулмидан тентираб чиқиб кетган одамман. Подшо бор ерда ўша¹ тухмат бор. Тағи келиб шундай тухматга эга бўламанми? Подшолигингни тағи ўзинг қила берарсан»,— деб бу гапларни Офтобойга айтмай, хўшлашиб, уч кунлик подшоликни эгасига топшириб жўнаб кетди.

Оқтошда Хуройимга душманлик қилган икки кундош ҳар куни ғорга кампирнинг қошига келар эди. «Хуройимни, Рустамни ўлдирдим» дер эдинг; ўлдирганинг ёлғон экан, биз одамлардан эмиш-эмиш² эшитамиз. Қайси бир мамлакатларда юрт оғишиб юрган экан. Бир кунлари келади, бошимизга бало бўлади. Утрикнинг чини чиқиб қолади. Ё шуларни аниқлаб ўлдириб бер, бўлмаса бизнинг пулимизни бер»,— деб жанжал қилар эди.

Кампир тинчимагандан кейин... ёғочдан от, қоғоздан қанот, пўлатдан мурват қилиб, қулоғини бураб осмонга учди, Баҳра тоғига етишди. Чап қулоғини буради, қуюлиб ерга тушди; отини бир арнага қўйиб, Оқработнинг дарвозасини очиб кириб келди. Хуройим тозиларни икки ёнбошига олиб, йўлга тиклаб³ ўтирибди.

Хуройим ўз юртида кўрган одам— кампир билан кўришиб-сўрашиб қолди.


— Болам! Тақдири илоҳий, сизлар шундай элдан жудо бўлдинглар. Бундай хатарли ерда ўтирибсан. Рустамнинг қани?

Хуройим айтди:— Рустам туз билан совунга кетиб эди. Кунин бориб, келаман деб эди, уч ярим ой ўтди, ҳали дарағи йўқ. Билмадим, боламнинг ҳоли нима кечди?!

¹ Қўлёзада шў.

² Миш-миш гап.

³ Тикилиб.



Шунда кампир:— Мен кетақолсам эдим, бобонгнинг одатини ўзинг биласан,— деди.

Хуройим ёлғиз ўтириб зериккан, айрилгиси келмай, кампирдан ҳадик олмай:— Рустам ҳам келиб қолар, кўриб кетарсиз,— деди.

Кампир шумликни бошлаб, Хуройимга жуда меҳрибон бўлиб, эргаштириб тамоша қилдириб, девларнинг жойларини, таги замин ерларини кўрсатмоқчи бўлиб, ияртиб бориб тагизаминга туширди. Хуройимнинг бўйнига гул, оёғига кунда солиб, устидаги кийимларини ечиб олиб, ўзининг кийимларини Хуройимга кийгизиб, қайтарда қирқ томни устидан қулфлаб чиқди. Кампир бир дуо ўқиди, жасади Рустамнинг энаси — Хуройимнинг ўзидай бўлди-да турди. Икки занжир билан икки тозини икки ерга бойлаб қўйди. Рустамнинг йўлига қараб ўтира берди.

Шу вақтда Рустам тоғни ошиб, яқинлаб тушиб кела берди. «Энаси»ни кўрди, икки тозини икки ёққа бойлаб, йўлга тиклаб ўтирибди.

Рустам айтди: «Э энам бечора, омон-эсон бор экан. Менинг кетишим ёмон бўлди. Менинг йўлимга қараб ўтирган экан»,— деб яқинлаб келди. Рустам айёр Мастонни танймайди. Шунда энаси суратида бўлиб, бу айёр бир сўз айтиб турган экан:

Қаргайин десам сен ёлғиз,
Қарғамасам ялмоғиз,
Кетабер, жувонмарг, юзинг кўрмайман,
Берган оқ сутимга рози бўлмайман,
Онаниг бўлиб етагингга юрмайман.

Жафо тиғи бу жонимдан ўтибди,
Айрилиқ ханжари бағрим йиртибди,
Кетганингга уч ярим ой ўтибди,
Болам деб гапингга мағрур бўлмайман.

Қозининг олдида шабгир, нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби,
Кеча келди Оқработнинг соҳиби,
Кетабергин, мен юзингни кўрмайман.

Ёлғиз ташлаб менга солдинг ўтингни,
Кўкка соғдим билсанг бу оқ сутимни;

Эндайланма бу ерлардан кет энди,
Болам деб мен сира юзинг кўрмайман.

Энам деб қошима менинг келмагин,
Болам бўлиб меҳрибонлик қилмагин.
Асли у дарбадар бўлмоқ одатинг,
Ёлғиз қолиб қолмади-ку тоқатим,
Даркори йўқ сенинг бундай работинг.

Бу сўзни айтиб кампир тескари қараб турди. Шундай ҳам бўлса Рустам: «Менинг кетишим ёмон бўлди, энам кўнглига оғир олди, нима бўлса кўнглидан чиқарайин», деб бир сўз айтиб турди:

Худойим сақлагай бандани омон,
Қайтайин, энажон, бўлдим саргардон.
Бугун хафа бўлсанг, эрта куласан,
Ҳар гуноҳим бўлса, ўтинг, меҳрибон.

Қулоқ солгин мендай ўғлинг тилига,
Билмай кетдим мен ҳам узоқ йўлига,
Айланиб кўп қолдим Бужул элида,
Ундай юртда аждаҳарни ўлдирдим,
Хисрав шоҳнинг бориб қизини олдим.
Уч кун подшо бўлиб Бужулда турдим,
Ҳар гуноҳим бўлса ўтгин, энажон,
Бу юришга ўзим пушаймон қилдим,
Сенинг қолишингга кўп хафа бўлиб,
Шу бугун ахтариб кўргани келдим.

Утар дунё ўтарини ўйладинг,
Қиёмат деб, ширин жонинг қийнадинг,
Кеча келса¹ Оқработнинг эгаси,
Тозиларни не сабабдан бойладинг?

Икки тозим эди, эна, вафодор,
Душман келса бўлар эди баробар.
Нега бу бойланди, эна, тозилар?
Тозини бойлабсан, бағрим эзилар.
Нима қилсанг ўзингдадир ихтиёр,

¹ Келган бўлса маъносида.

Кўп қарғама, рози бўлгин, муштипар.
Менинг билан яна бирга бўларсан,
Ғаму «кулфат кетиб, эна, бошингдан,
Кўрмагандай бўлиб бунда юарсан.

Бу сўзни «энаси» эшитиб, яна бир сўз айтиб турган экан:

Ёлғизликда менинг бағрим эзилди,
Кўздан ёшим кеча-кундуз тизилди,
Този дема асло, кўнглим бузилди.
Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмаса,
Олло сенинг ақлу ҳушинг олмаса,
Бу ерларда ерга¹ овқат бўлмаса,
Тозиларнинг феъли кам-кам озди-ку,
Този дема, менинг кўнглим бузилди.
Пок бўлмаса еб қўяёзди-ку.

Кеча-кундуз яхши сўйлаб ўйладим.
Алдаб-сулдаб тозиларни бойладим;
Този десанг кўздан ёшим тизилар.
Жон болам, гўштингни тортсин тозилар,
Кетабер, жувонмарг, юзинг кўрмайин,
Энди сенга бурунгидай бўлмайин,—

деб, кампир бурилиб кетаберди. Рустам айтди: «Энамнинг қаттиғ аччиғи келган экан, ҳарчанд гапирдим, кўнглидан чиқмади». Отини бойлаб, пиёда бўлиб қошига бориб, гапириб, эркалаган киши бўлиб, кўнглини олмоқчи бўлиб, баланд-паст гапира берди.

Кампир айтди: — Болам, сен Чархин кўлида аждаҳарни ўлдирдим дейсан, Бужул шаҳрида уч кун падшолик қилдим, дейсан, Хисрав шоҳнинг қизини олдим, дейсан; уч ярим ой юриб менга топиб келган ўтуригинг шу-да. Мени шундай қилиб алдайман дейсан-да, мени алдасанг, бундан бошқа ўтурик қурибмиди?! Сенинг отангни Султонхон дер эди. Бизлар баркамол қиз вақтимизда қаллиққа борадиган эди. Бир ипак арқони бўладиган эди. Отангни кулабанд қилиб тортиб бойлаб қўйгучи эдим. Чираниб — тортиб, узиб кетабергучи эди. Ҳали, болам, сен отангдай бўлганинг йўқ. Бу ишларни қилганинг йўқ.

¹ Еярга, емоққа.

Рустам айтди:— Эна агар арқонинг бўлганда, менн ҳам боғлаб кўрганингда билар эдинг; узиб кетсам, отамдай бўлганим; узолмасам ечиб қўясан-да, сўнгра:

— Болам, сени ечмай бекорга қийнайбераманми?

Кампир айёр керакли нарсани ғамлаб юрган. Бир ипак арқон билан Рустамни кўлабанд қилиб бойлади. Рустам чирпиниб тортди. Арқон этини эзиб суягига ботди. «Энаси»га:— Ечгин,— деса, энди қулоқ солмай тескари қараб турибди. Шундай бойловли ётиб «энасига» бу сўзни айтди:

Бағримдан ўт чиқиб таним туташди,
Этим эзиб суягимга етишди,
Тавба қилдим, эна, ечгин қўлимни,
Ўлмасча кўрдингми ёлғиз ўглингни.
Ўз болангга ўзинг раҳминг келмасми,
Бундай қилсанг ёлғиз боланг ўлмасми?

Устингга кийибсан яшилдан кўкди.
Фарзандга энача раҳбари йўқди(р),
Ўз болангга сира раҳминг келмабди.
Бераҳмсан, эна, ечгин қўлимди.

Нима деб амр этсанг анн қилайин,
Кеча-кундуз хизматингда бўлайин,
Эна, ечгин, ўтгин менинг гуноҳим!

Бу сўз айтиб Рустам шундай қаради,
Шу замон «энаси» кетиб боради.
«Энам» деб душманга кўнгил берибман,
Мастон экан, бежо дучор бўлибман.
Ҳийла билан қилди менинг ишимни,
Золим айёр энди кесар бошимни.

Энам бўлса сўрар эди ҳолимни,
Бир гап билан бойлаб бердим қўлимни,
Бойловлиман, бўйнимга олдим ўлимни.

Оёғимга кирса эди бир тикон,
Энам бўлса қилар эди юз фиғон,
Энди билдим, бу кампир бўлди душман».
Бир гап билан қўлин бойлаб Рустамхон,
Ўзи қилган ишга қилиб пушаймон.
Армон билан бу бойловли қолади,

Дод деганда нима илож қилади.
Энди душман билмаганин билдирар,
Қилич солмай бағрин қонга тўлдирар.
«Бойловлиман на иш келсин қўлимдан,
Бошим кесиб, армон билан ўлдирар.
Ҳийла билан менинг ақлимни олди,
Охири, оқибат куним шу бўлди».

Шунда кампир айёр ҳар турли бўлаётир.

Бу работда қизил дев деган дев зиндонда эди. Қизил девнинг зиндонини бориб айланди, кампир. Зиндонда ётган Қизил дев қаради. Девнинг кўзига зиндоннинг бошида бир сурҳойил гардан, писта даҳан, жуда бир замбар бел сағрили бинойи келинчак кўринди. Дев кўриб:— Жўра, йўлдошинг бўлайин, тортиб ол!— деди. Олмади.— Ини оғайни бўлайин, тортиб ол!— деди. Кампир бу сўзга ҳам қулоқ солмади.— Эса эринг бўлайин, тортиб ол!— деди. Кампир бир арқонни солиб Қизил девни зиндондан тортиб олди.

Кампир туриб айтди:— Энди гап шу: менинг бир ўғлим бор, бойлаб, созлаб қўйибман. Шуни ўлдирмасанг, икковимизни ўйнаб-кулдирмас, бу дунёда даврон сурдирмас.

Дев айтди:— Бойлаб қўйган ерингни кўрсат, ўлдирмоқ тугил пора-пора қилиб юбораман.

Кампир Рустамни бойлаган ерини кўрсатди. Дев ойболтасини қўлига олди, тўқсон ботмон чўяндан бўлган калтаги бор эди, эгнига солди; Рустамнинг устига бораберди. Шобир пайдо бўлгандан кейин Рустам шундай қаради. Кўрди: бир дев келаётир. Кўзини олайтиб девга қаттиқ тикилди. Дев қайтиб кампирнинг олдига борди. Кампир айтди:— Нимага қочиб келяпсан?

Дев айтди:— Э, боланг қурсин! Ҳайбати-сиёсатига одам яқин бориб бўлмайди. Бир қаради, кўзи ёмон ўткир экан, жоним чиқиб кетаёзди.

Кампир айтди:— Одамлар дев халқи қўрқоқ келади дегучи эди, қўрқоқ экансан-да. Мен илгари юрайин, қўрқсанг, менинг кейинимдан юр,— деб бораберди. Яна бир шобир пайдо бўлди. Рустам қараса, «энаси» келаётир. Кейнида бир дев. Рустам ўйлади: «Мен бояги сўзни билмай айтган эканман, бу энам экан. Ёлғиз қолиб, дев билан арлашиб қолган экан. Мени, кўзи қўрқсин, деган экан. Энди мени ечиб қўяр»,— деб турди. Кампир бир қисим тупроқ-

ни олиб, дам солиб, Рустамнинг кўзига отди. Рустамнинг кўзи ҳеч ерни кўрмай чиппа битди. Девга айтди: «Кўзи йўқнинг юзи йўқ» деган, энди кўрқмай урабер.

Шунда дев урмоқчи бўлиб, чўян калтакни кўтариб, Рустамнинг қадди-жасадига, сиёсат, келбатига қараб ўйлади: «Бундай йигит бу кампирнинг ўғли эмас. Ўғли бўлган вақтда қўли бориб шундай ўғлини ўлдирса, бу кимни билади. Шундай бир ўғилни билмаган менга нима вафо қилади. Келе, шаштим қайтмасин»,— деб тўқсон ботмон чўяндан бўлган калтак билан кампирни қўйиб юборди. Кампир тариқдай тирқираб кетди.

Дев Рустамнинг қўлини ечди, тозиларни ҳам ечиб қўйиб юборди, отини ҳам қўйиб юборди. Оти ўтга айланиб кетди. Икки този келиб, Рустамнинг ёнбошида ўтирибди. Шунда дев Рустамга қараб бу сўзни айтиб турибди:

Қулоқ солгин Қизил девнинг тилига,
Армон билан тушнинг айёр қўлига,
Ҳарким йиғлар ғарибларнинг ҳолига,
Мен кетарман Боғи Ирам элига.

Ғариб бўлган дўстим, эшит сўзимни,
Жаббор эгам берса равшан кўзингни,
Ирам боққа излаб боргин ўзимни.
Ирам боғда етти оғайни девлар бор,
Еттови ҳам ҳаддан зиёд зўравор,
У келиб зиндонга қилди гирифтор,
Шу девлардан менинг лотим олиб бер.
Зиндондан қутилдим, турмай бораман,
Борган билан нима илож қиламан,
Қувватим келмайди, Ирам боғида,
Албатта, йўлингга қараб юраман.
Ғариб бўлган дўстим, ҳаққа топширдим.

Зўр девларман бежо бўлганман тараф,
Мен кетарман бундан йўлингга қараб,
Бир хизмат-да, дўстим, мени сўраб бор,
Бир лак дев бўлолмас сенга баробар,
Ғайратинг бор экан шунча синадим,
Йўлиқса изиллаб қочади девлар.

Жафолар солганман тандаги жонга,
Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга,

Эрам боғда бир йўлиқсанг душманга,
Сен бормасанг, мен ўларман армонда.

Бу сўзларни айтиб, энди Қизил дев
Кўтарилиб, учиб кетди осмонга.

Шунда дев кетгандан сўнг Рустам тозиларининг ёнбо-
шида ўтирганини билиб, тозиларига қараб бир-икки оғиз
сўз айтиб турган экан:

Вафодорлар, бу сўзимни бил энди,
Олис турмай сен яқинлаб кел энди,
Жониворлар, йўлни бошлаб юр энди.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси.
Ғариб бўлди Оқтош элнинг тўраси;
Қайтайин, қолибман бунда муғойиб
Қизил юзим ғарибликда сарғайиб,
Ўлигим бўлмасин менинг бесоҳиб,
Ғарибни олиб жўна бундан тозилар!

Рустам ғариб бўлиб ақли шошди.
Икки този энди олдига тушди,
Тозиларга, кўринг, Рустам эргашди.
Бу работдан чиқиб энди жўнади.
«Бўлак ерни, вафодорлар билмайсан.
Ғарибни етказгин Оқтош шаҳрига».
Този билан Рустам чўлда боради.

.
Бир бошига бўлиб бундай аломат
Етаклаб қилганди тозилар хизмат.

Неча вақтлар чўлда йўл юриб кетди,
Шунда етиб борди, ётган мазорат.
Рустам билди, този мазорга келди,
Гўристон эканин бек Рустам билди.

Чўлда кўҳна замондан қолган мазорат эканини Рус-
там билди. Ўйилган бир ғорга кирди. Ғорнинг бошида
тозилар кетмай турди.

— Э жониворлар, мен ғариб бўлдим. Мени қаёққа
етаглаб борасан. Нима бўлса ҳожатимни битқаздинг, да-
лада қолмадим, мени олиб келиб ўзимиздай ғариб бўлиб
ётганларга қўшдинг,— деб тозиларга қараб бир-икки оғиз
сўз айтиб турган экан:

Жониворлар, мендай гариб бўлмагин,
Ризқингни кўр, бунда туриб ўлмагин.

Мен ётарман очиқ ғорларга кириб,
Ўликларман бу замон бирга бўлиб,
Сизлар бундан Бужул шаҳрига бориб,
Кун кўринглар овқатингни ўтқариб,
Очдан ўлиб қолма бу ерда туриб.
Менопкелдинг¹ одамларга етқариб,
Бундай кунда ҳожатимни битқариб,
Кетабер, тозилар, сендан розиман,
Агар борсанг Бужул шаҳрин ахтариб.

Ғариб бўлган Рустам айтиб туради
Рустамнинг тарзига този қаради.
Гапирмоққа тили йўқдир, тозилар —
Рустамнинг бошида айланиб турар,
Тозиларнинг кўзда ёши сел бўлар.
Рустамнинг сўзини англаб жонивор,
Ўйлаб-ўйлаб Бужул қараб жўнади.
Ўлганнинг бири бўп Рустам қолади.
Бек Рустамга тозилари кашалди(р),
Ҳар замон кейинга бурилиб қаради,
Тозилар Бужулга кетиб боради.

Жониворлар кетди бу йўлга тушиб,
Икковлари гоҳ ерларда чопишиб,
Борди булар Бужул ерга етишиб.
Тозилар борди-ку Бужулга кириб,
Борарга манзили йўқдир; жонивор.
Эгаси йўқ, бунда, боши ганг бўлиб,
Иккови муғойиб гоҳ ерда туриб,
Тентираб қолганди беэга бўлиб.

Тозилар шунда борадиган манзилининг тайини йўқ.
Ҳар ерда муғойиб ўтирганини одамлар кўриб: «Бир ёқдан
оғишиб келган мусофир тозилар экан», деб нон олиб бера-
ди. Олиб берган нони кўпайиб қолса, нонни олиб, шаҳри
Бужулдан чиқиб, мазорда Рустамга бериб, кунига бир мар-
та Рустамнинг ҳолидан хабар олиб юраберди.

Шунда халқнинг оғзида овоза бўлди: «Бужул шаҳрига

¹ Мени олиб келдинг.

беэга икки този келди. Бир назаркарда тозилар экан, халқ берган овқатларни олиб кетади, яна шаҳарга қуруқ қайтиб келади».

Халқнинг бу гапини Офтобой эшитди. Ҳар кун йўлга қараб ўтирар эди: «Ҳаяллаб кетди тўрам, келмади», деб. Тозининг сўзи қулоғига теккандан кейин¹, Офтобой кўнглида айтди: «Менинг тўрам ҳаяллаб кетди, келар вақтидан ўтди, билмадим, бундан бориб ўзидан зўрга дучор бўлиб, ғариби ғўристон бўлиб — ўлиб, тозилари тентираб қолиб- [ми]? Халқ гапириб юрган този менинг тўрамнинг тозисимикан? Тозиларни бир кўрсам»,— деб кўшкида ўтирар эди.

Бир кун тозиларнинг гузари кўшкнинг остидан тушди. Офтобой қаради, икки този келаяпти. «Халқнинг гапириб юрган тозиси шулармикан. Бир сўз қотиб кўрайин. Одамларнинг айтувидан у тозилар бир назари този. Уша тозилар бўлса, тили бўлмаса ҳам, айланиб туради; бўлак този бўлса, ўзим гапириб, ўзим қоламан, ўтаберади»,— деб тозиларга қараб, Рустамни сўраб турибди, дейди:

Сўзима қулоқ сол, икки вафодор,
Оти Рустам эди, ўзи зўробор,
Кетиб эди, қолдим бунда беҳабар,
Агар билсанг, хабар бергин, тозилар!

Унга² қурбон мендай ойимнинг жони,
Оти Рустам эди Оқтошнинг хони
Кўшку айвон Рустамбекнинг макони,
Агар билсанг хабар бергин, тозилар!

Сен қайрилсанг мендай мунглиғ ҳолига,
Билмайман кетдими Оқтош элига,
Кўп термулиб қараб қолдим йўлига.
Мен бўламан Рустамбекнинг ойими,
Агар билсанг хабар бергин ёрига.

Бу сўзларни Офтобойдан эшитиб,
Кўшкка қараб бурулди икки тозилар.
«Бу ерларда қандай раҳбари бор» деб,

¹ Този ҳақидаги гап қулоғига етгандан кейин.

² Қулёзмада Уган.

Тозиларнинг кўзда ёши сел бўлар;
Сўйламоққа тили йўқдир жонивор.

Тозиларга Офтобойим қаради,
Кўшкини айланиб този туради.
Рустам деган бекнинг отин эшитса,
Кўз ёши жаладай кетиб боради.
«Тўрамнинг тозиси» деди, билади,
Тозининг олдига чопиб келади.

— Вафодорлар, етказ меҳрибонима,
Улар вақтда сабаб бўлган жонима;
Тирик бўлса бориб ҳолин сўрайин,
Ўлик бўлса мен ҳам бирга ўлайин.
Дунёнинг даврини нима қилайин,
Мени бошла, мен хонимни кўрайин.

Тўрам деб гангиди бу азиз бошим,
Хабарим билмасин қавму қардошим.
Ёнбошимда ҳеч бўлмади сирдошим.
Алам ошиб энди бўлди зиёда,
Мени бошла, кетай пойи пиёда.

Този бошқарилди келган йўлига,
Офтобой эргашди тозиларига,
Този билан ойим бўлганди бирга,
Қарамади ўйнаб-ўсган манзилга,
Бу шаҳардан чиқиб энди Офтобой,
Този билан кетди шундайин чўлга.
Яёвлаб чўлларда энди йўл юриб,
Пиёдадир, оёқлари қавариб.

Рустамнинг ишқида йиғлайди бўзлаб,
Кетди този билан бегини излаб.
Неча муддат чўлистонда йўл юрди,
Номозшом ҳаддида мозорга борди.

Тозилар гўристонликни оралаб кетди. Офтобойнинг
эт, юраги сесканиб: «Мени худо шарманда қилган экан,
мен бир гўрков кучукка ияриб, келиб қолган эканман»,—
деб мозорнинг четида турди. Тозиларга қараб туриб эди,
товилар бориб ўйилган бир гўрга кирди. Тозилар кирган-
дан кейин инграниб бировнинг довши чиққандай бўлди.

Офтобой айтди: «Бу тирик одамнинг довшидай. Ке, мен ҳам борайин, нима борини билайин, бу ётганлар ҳам биздай одам-да. Нима қилиб юрибсан деб қайсиси менинг ёқамдан бўғиб олади». Оралаб този кирган гўрнинг бошига борди. Қараб Рустамни кўрди. Кўргандан кўзини ёшлаб, гўрнинг ичига ўзини ташлаб, Рустамга қараб, бошини тиззасига олиб, Рустамнинг ҳолини сўраб турибди:

Сарғайибди гулдай юзинг,
Кўр бўлибди икки кўзинг,
Излаб келди сарвинозинг,
Мени бошлаб икки тозинг.
Қолди сенинг кирдикоринг,
Ҳаққа етгай айтган зоринг,
Чўл бўлиб қолди рўзгоринг,
Бу мозорда хабар олган,
Бужул элдан келган ёринг,
На бўлди, хоним, аҳволинг?

Энам деб ахтариб келиб,
Икки кўзинг губор бўлиб,
Гулистон жойларинг қолиб,
Макон очиқ мозор бўлиб¹,
Йўлиққан ўзингдан қолиб,
Бир кашмирга дучор бўлиб,
Энам деб ахтариб келиб,
Қайғу, кулфат, гамда қолиб²,
Равшан кўзинг эганг олиб³,
На бўлди, хонзода, ҳолинг?

Рустам бу сўзни эшитиб, довшидан ёри Офтобойни билиб, бир сўз айтиб турган экан:

Кетгин, дилбар, мендан умид қилмагин,
Бу мозорда мендан хабар олмагин,
Кетабер йўлингдан, ойим, қолмагин.
Жафо тиғи букун жондан ўтади,
Мени тақдир шу кулфатга элтади,
Нолишинг қайтадан менни ўртади,

¹ Бўлибди.

² Қолибди.

³ Олибди.

Кетабер гул юзли, сендан розиман,
Бунда келиб ёш умрингни ўткарма,
Карвон бўлиб сен юкингни биткарма,
Бужулнинг шаҳрига, ойим, борабер,
Борсанг бир шунқорга кўнгил берабер,
Мендан фойда йўқдир, чиқар кўнглингдан.
Вақтинг хуш қип яхши кунни кўрабер,
Кетабер, дилбарим, сендан розиман.

Бу сўзни эшитиб Офтобой тонг ёришганча йиғлаб,
ҳожатини тилаб, муножот қилиб ўтирди. Ундан кейин
Рустамнинг кўзини силади. Рустам кўзи равшан бўлиб
очилди. Ерини кўриб, қайтадан дунёга келгандай бўлиб,
иккови икки тозини эргаштириб, шаҳри Бужул қараб кетиб
бораётир. Офтобой бу сўзни айтиб бораётир:

Ғариблик кўйида қолдинг,
Хоним, кимга дучор бўлдинг?
Икки кўзингдан айрилиб,
Кўрар йўллар кўрмас бўлиб,
Гўр ичинда кун кечириб,
Хоним, кимдан зулм кўрддинг?

Тангрим яна кўзинг берди,
Хира кўзинг равшан бўлди,
Қайтадан дунёга келди,
Қандайин бадбахт кўр қилди?

Бу сўзни эшитиб Рустам
Жавоб берар унга кам-кам:
— Энам деб ахтариб келдим,
Мен энамдан зулм кўрдим.
Энамнинг жабридан мен ҳам
Кўр бўлиб мазорда қолдим.
Ўт туташди гулдай танам,
Хизмат қилди сендай санам,
Мени кўр қилганди энам.

Бу сўзни эшитиб Офтоб:

— Қилманг энангизга туҳмат,
Эна бу ишни қилмайди,

Кўр қилиб сизни не бўпти?
Энадайин раҳбар йўқди(р),
Энангиз суратида бўлиб,
Сизга бир мастон келибди.
Энангиз ҳам не ерларда
Англадим ғариб бўлибди.

Булар иккови бўлган воқеани бир-бирига айтиб, Бужулга кириб борди. Ўша кеча Офтобойнинг ўрдасида ётди. «Энаси»нинг қилган ишлари дард қилиб, эрта-мертан ўрнидан туриб, Хисрав шоҳнинг қошига бориб бу сўзни айтди:

Ота, қулоқ солгин айтган тилимга,
Мен турмайман сенинг Бужул элинга,
Мен кетаман энди Оқтош юртимга,
Бино бўлиб юрган мамлакатимга.
Яхши сўзман мени бундан жўнатсанг,
Офтобой қизингни бирга узатсанг.
Ҳеч турмайман энди, бу ердан кетсам,
Ўз мамлакатима бир куни етсам.

Бу сўзни Рустамдан Хисрав эшитди,
От асбоби, анжомини тузатди.
Неча каниз, хизматкор қизлар билан
Маофада Офтобойни узатди.
Рустамга ҳамроҳ¹ бўлди неча амалдор,
Офтобойман бирга у замон қизлар,
Бир-бириман у хўшлашиб жўнади,
Оқтошнинг шаҳрига кетиб боради.
Рустам бораётир шудайин йўлга
Икки този икки ёғида бирга.

Шу вақти кун етиб қолди пешинга,
Маофада юриб Офтоб қаради,
Баҳра тоққа энди етиб боради,
Ярқиллаган бир қўрғонни кўради.
— Қандай манзил? — деди энди Офтобой,
Бек Рустамдан бу манзилни сўради.
Рустамбек сўзига жавоб беради:

¹ Талаффузда Рустамгамра.

— Энам деб ахтариб шу ерга келдим,
Шу манзилга келиб кўр бўлиб қолдим.
Энамдан шу ерда жароҳат кўрдим,
Бўлган ишни, дилбар, сенга гапирдим.
Рустамбекдан сўз эшитиб Офтобой:
— Яхши экан, қўнсақ,— деди манзил-жой,
Ўзи экан, ярқиллаган кенг сарой,
Одам тушса бир томоша қилгудай.

— Бундан ўтиб кетсак Оқтошгача қўнадиган манзил йўқ. Шу бугун қўниб ётайик, эрта мертан салқин билан йўл тотайик,— деди.

Рустам, хайр, деб бошлаб бориб сарҳовузнинг бўйига тушди. Себарга, салқин ажаб жой. Булар саранжом олиб бир хили ҳар ерни томоша қилиб, бир хили дамани олиб турди. Шу вақтда икки този бориб бир эшикни тирмалай берди. Офтоб айтди:— Шунда бир гап бор, нега булар вшикни тирмалаб ўзини уради?— деб Рустамни ияртиб тозиларнинг қошига бориб, эшикни очиб ичкари кириб кетди. Ичкима-ички эшик очиб, қирқ томнинг тўрига етди. Борса, энаси бўйнида гул, оёғида кунда, ўлиб қолибди. Рустам энасининг устига ўзини отди. Рустамнинг бети-га қараб, Офтобой бу сўзни айтди:

Баракалла, сиздайгачоқ¹ ёлғиз ул,
Оёғида кунда, бўйнида бор гул,
Тупроқ, ағнаб жон берибди энангиз.

Эр йигит энаси ғариб ўларми,
Энам деб мастонга кўнгил берарми?
Йиғлай-йиғлай қадди-бўйи букилган,
Во болам!— деб қулоч ёйиб йиқилган!
Оҳу фигон қилиб бек Рустам турган,
Гул билан кундадан айриб олган.

Офтобойим, қани бунни билай, деб,
Жони борми, йўқми, бунни синай, деб,
Бирор коса иссиқ сувни келтирди,
Тўлдириб ичига новвотни солди,
Кўп фурсат оғзига томизиб турди.

¹ Сиздайчанги.

Кам-кам қарар, тамшангандай бўлади,
Бориб-бориб бир замон жон энади.
Куннинг ўзи номозгарга етганда —
Кўзини очиб бу Ҳуройим қаради.
Бу аҳволда ётган, неча кун ўтган,
Очликдан йиқилиб қуввати кетган,
Улик суратинда бу бўлиб ётган.
Номозшомда энди келди қуввати,
Кўзига кўринди Рустам фарзанди.

— Армон билан ўлдим, ғаминг е,— дейди,
Рустам болам, энди бери ке,— дейди.

Оқтошнинг шаҳридан келди бир айёр,
Мен унинг чангига бўлдим гирифтор.
Неча кундир ғариб бўлиб кун кўрдим,
Бу дунёда кўрган кунларим бекор.

Улар вақтда, жоним болам, келдингми,
Ахтариб кеп мендан хабар олдингми?
Улар вақтда, энам, деб сен турибсан,
Ёринг билан икков бирга юрибсан,
Бу ерларни, болам, қандай билибсан?

Бу сўзларни эшитиб, энаси билан кўришиб, сўрашиб,
топишиб, энасининг аҳволини кўриб, ўзининг аҳволларини
гапириб, Офтобойим билан энасини таништириб, Рустам
билан Офтобой Ҳуройимнинг қўлтиғига кириб, суяб, аста-
аста далага олиб чиқди. Шунда шомоллаб-салқинлаб ўзини
ростлади. Келган меҳмонлар Ҳуройим Рустамнинг энаси
эканини билиб, бари йиғилиб қошига келиб, ҳол-аҳволини
сўраб, булар шу оқшом ётди.

Эрта мертан келган одамларга Рустам:— Биз Оқтош
бормаймиз,— деб жавоб айтди.— Оқтошда бизга душман
отам-да десам, ҳарқайсиси ҳам аямайди экан. Бир кампир
келиб, мени кўр қилиб, энамни бу аҳволларга солиб, шунча
абгор қилибди. Энди бир-биримизга эҳтиёт бўлиб, шу ерда
турамиз. Бизда кўпчилик бўлиб еб ётадиган шоҳлик шав-
кат-давлат йўқ.

Келган эркак-аёлни ўз мамлакатига қайтариб юборди.
Эна-бола — учови Оқработни макон қилиб юраберди. Рус-
там кунига тоққа чиқиб ов овлаб келиб, булар пишириб,
кунини ўтказаберди. Оқработда ўз даврини сураберди.

Оқтошда Султонхон тирик қайтган жаллодлар билан гаплашиб, воқеани билган эди. Ҳуройим билан ўғлининг қаёққа кетганини, нима бўлганини билмай гаранг бўлиб юрар эди. Халқ оғзида: «Ҳуройим билан Рустам тирик юрган эмиш. Булар бир тухмат билан элдан жудо бўлиб кетди. Энди қайтиб Оқтошга келмас эмиш»,— деган гап кўпайди. Бу хабар Султонхоннинг қулоғига етди. Эҳчаб кўрди, шу одамларнинг айтгани маъқул, ўзининг қилган ишига ўзи уялиб, бир кечада подшолик давлатини ташлаб, қаландар кийимини кийиб, бошини олиб Оқтошдан чиқиб кетди. «Ер юзида бўлса излаб топиб олайин, қилган гуноҳимга тавба қилайин; топмасам, мен Оқтошни нима қилайин, мен ҳам тентираб ўлайин»,— деб шаҳарма-шаҳар оғишиб, бир шаҳарда қирқ қаландарга дуч бўлиб, бунинг билан қирқ битта бўлиб, бир куни Оқработга ҳақлаб¹ бориб қолди.

Ўша куни Рустам уйда эди, эриниб овга чиққан йўқ эди. Қаландарлар Оқработнинг дарвозасига келиб, қирқ қаландар «шайдулло» деб оминини олиб², уларнинг сардори — бир қаландар ўқиб турибди:

Тахти-бахтимни ташладим,
Қаландар бўп йўл бошладим,
Кулоҳ кийган қаландарман,
Ҳам ёридан, фарзандидан
Жудо бўлган қаландарман.

Подшоликдан адо бўлиб,
Бир ғариби гадо бўлиб,
Ҳаммасидан жудо бўлиб,
Адо бўлган қаландарман.

Тай уриб оламини кезиб,
Шарҳи дилим кимга ёзиб,
Бир иш қилдим феълим озиб,
Жудо бўлган қаландарман.

Тарк айладим мосивони,
Ахтардим ушбу дунёни,

¹ «Ҳақ» деб, «ҳақ» айтиб,

² «Омин» деб.

Фарзандим ҳам ёрим қани?!
Гадо бўлган қаландарман.

Бузилгандир менинг рахтим,
Сабил бўлди тожу тахтим,
Энди бўлса кўрар вақтим,
Адо бўлган қаландарман.

Кўзимдан оққан ёш бўлиб,
Қирқ қаландарга бош бўлиб.
Бир улфати сирдош бўлиб,
Аҳволимга шукур қилай,
Бир нишоним бунда кўриб,
Абгор бўлган қаландарман.

Ўзимни ҳар ёна солиб,
Халқда маломат-гап бўлиб,
Ишимга пушаймон қилиб,
Гадо бўлган қаландарман.

Болам дейман, бағрим тузлаб,
Йиғладим бўтадай бўзлаб,
Неча шаҳарларни излаб,
Абгор бўлган қаландарман.

Ғам тортиб қабоғим уйиб,
Гадолик кийимин кийиб,
Адо бўлган қаландарман.

Келдим бу ерга ахтариб,
Неча манзиллар тай уриб,
Шу ердан дарагин билиб,
Ғариб келган қаландарман.

Бир оллога етса зорим,
Ўзимда йўқ ихтиёрим,
Қолмас менинг номус-орим,
Ўғлим билан кетди ёрим
Жудо бўлган қаландарман.

Энди кўнглим равшан бўлиб,
Шу ерда дарагин билиб,
Жуда дардим голиб келиб,

Кўп ахтарган қаландарман.
Сўраб турган қаландарман.

Рустам эшитиб «ўқигич қаландар экан», деб қулоқ солиб ўтирди. Рустам бу гапларнинг маъносига бормади. Ҳуройим кўриб, қаландарлар билан юрган Султонхонни таниб, илгари шоҳлик шавкатда, подшолик давлатда қандай роҳатда бирга юрган кунлари эсига тушиб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, Рустамга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Подшо эди, шундай бўпти хор-зор,
Ишқимиздан кулоҳ кийган қаландар,
Сенга қурбон мендай энангнинг жони,
Шу қаландар, болам, Оқтошнинг хони.
Сен бўласан қаландарнинг ўғлони,
Буни ҳам абгори қилган душмани.
Сабил бўпти бунинг шоҳлик шавкати,
Бор экан-да қариганда қисмати.
Сендай болам шу гадонинг фарзанди.
Излаб юриб, келиб бизга дуч бўлди,
Шу аҳволда келиб бизларни кўрди.
Қарайман тарзига термулиб турди,
Кўриб аҳволини кўнглим бузилди,
Тарзига қарадим, бағрим эзилди.
Икковимизни йўқлаб Султонхон келди,
Танимайсан, болам, келган отангди,
Излаб келган, болам, сендайин улди.

Энасининг бу сўзини билиб, Рустам кўнглида айтди: «Энаси қурғур гангиб, бу азобларнинг барини ўзга одамдан — мастондан кўриб, буни ўзига дўст билиб, бунга меҳрибонлик қилаяпти. Сенинг отанг, деб яқинлата-япти».

Энди булар анча ўқиди. Рустам: «Қуруқ жўнатмайин, қирқ бир одам экан, пича назри-ниёз бериб, буларни койинқираб юборайин. Пул берар экан деб, тағи айланиб келиб юрмасин. Бунга мен ҳам меҳрибонлик қилсам, кампирдан чиққан бало бундан ҳам чиқиб юрмасин»,— деб қаландарларга анча-мунча назри-ниёз бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

Қаландарлар, эшит айтган сўзимни,
Бундан бўлай бунда солма изингни,

Энди келсанг, ўлдираман ўзингни!
Қаландарлар шаҳар жойда юрмасми,
Расталарда талқин айтиб турмасми?
Бу ёлғиз маконда сенга нима бор,
Телпагинг қайқаймай ўлгир, қаландар!

«Шайдулло» деб чиқармагин довшингни,
Энди келсанг мен кесарман бошингни,
Назирингни олсанг бу ердан йўқол,
Хатарли ерларда сенга нима бор?
Энди келсанг, мен қиламан гуноҳкор,
Назирингни олдинг кетгин, қаландар!

Бу сўзларни унга Рустамбек айтди,
Рустамдан қабоҳат сўзни эшитди,
«Бу баччанинг берган пули қурсин» деб,
Кўнгли изза бўлиб манзилдан қайтди.
Бирнечаси Султонхонга сўз айтди:
— Бизларга бош бўлиб дунёда юрдинг,
Бу ёлғиз маконни ахтариб келдинг,
Бизга берган бу назирини қурсин,
Жуда ҳам бизларни кўп изза қилдинг.

Бу сўзни айтиб йўлда кетиб боради,
Қаландарлар бари мастдир бу йўлда,
Неча бандаргоҳдан ўтиб боради.
Қаландарлар асли мақсади шулди(р):
Каъба излаб бундан кетиб боради;
Кам харж қолган ерда гадойлик қилди,
Харжили бўлганда қичаб йўл юрди...

Султоннинг дардини улар билмайди,
Каъба дейди, юрар йўлдан қолмайди.
Шундай қилиб неча шаҳарни кўрди,
Улфатларман ҳар ерларда ўтирди,
Султонхон дардини энди гапирди:

— Япроқдай титрайди қаландар жони,
Мен қаландар, билинг, Оқтошнинг жони,
Изза қилди дебон зинҳор койинманг,
Мендайн гадонинг ёлғиз ўғлони.

Шуларнинг ишқида бўлдим хор-зор,
Дарагини билиб бордик, қаландар,

Каъба билан ишим йўқдир, улфатлар!
Менинг Каъбам, кўрдим, у ерда тайёр!
Мендан билсанг кўп хатолик ўтгандир,
Сўзлагани ё сизларга ботгандир,
Сизлар кўнглингизга оғир олмангиз,
У гапларни асли менга айтгандир.
Оти Рустам, ўзи нор калла кўчқор,
Мен шунинг ишқида бўлдим қаландар;
Каъба кетсанг, борабергин улфатлар,
Қайтиб борсам менинг Каъбам топилар.

Неча кунлар бўлдик бирга ҳам йўлдош,
Бир-биримиз билан бўлганмиз сирдош.
Мен қайтаман энди келган йўлимга,
Қайга борсанг борабергин, қариндош!—
Бу сўзни айтиб, бир-бириман хўшлашди.
Қирқ қаландар кетди Каъбага қараб,
Султон юрди бир шаҳарни оралаб.
Ёлғиз ўзи бунда шаҳарни кўрди,
Эшшак бозорига Султонхон борди,
Ёлғиз қолиб бу, юрмоққа эриниб,
Бу шаҳардан катта бўз эшшак олди.
Шу замонда сўтасини тақимлаб,
Кади-матбахини хуржунга солди.

«Қани менинг борсам жони-дилим, деб,
Чаманда сайраган у булбулим, деб,
Ўлдирса ўлдирсин ёлғиз улим» деб,
Тағи қайтиб, Баҳра тоққа жўнади,
Бек Рустамга тағи қайтиб боради.
Илгари Рустамнинг тарзини кўриб,
Хала босар эшшагига йўл юриб.

Шунда йўл юрса ҳам мўл юриб, бир ўзи телпаги қай-
қайиб, тағи бир кун Оқработга бориб қолди.

Рустам овда эди. Султонхон эшагини боғлаб, сарҳо-
вузининг бўйига тушиб, кади-мадбах, сўталарни дарахтларга
илиб, бангини уриб, кайфини суриб туриб эди. Офтобой
ҳовузга сувга чиқди. Бу қаландарни кўрди: белида камар-
лари тилладан; қадди-жасади — келбати Рустамга келади.
Шунда қаландарга қараб, Офтобой бир сўз айтиб турган
экан:

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бирнечалар аҳволидан беҳабар,
Бу манзилга келиб қўнган, қаландар,
Хабар бергил, кимда сенинг ишинг бор?

Белига ярашган заррин пўтаси,
Кўп бўлади айтган сўзнинг хатоси.
Сиз бўп юрманг бизнинг хоннинг отаси,
Хабар бер, қаландар, қайдан келасан?

Қора зулфим эшилгандир тол-тол,
Қаландар, бу айтган сўзга қулоқ сол,
Душман келса, бунда бўлади поймол,
Бир қаландар, бобо, қайдин келасан?...

Бу сўзни эшитиб, Офтобойга қараб, бошини кўтариб,
Султонхон бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Дардим кўпдир, ким билади ишимни,
Қўлимдан қочирдим олғир қушимни.
Кўп юрдим, етмади бемаҳал ўлим,
Қайси бир гулшанга кетди булбулим,
Шу кўйларга солди қодир худойим,
Хароб бўлиб қолди у манзил-жойим,
Ҳавога давр олиб бўз қарчиғайим,
Шу гулшанга қўндими деб сўрайин.

Сабил қилиб юрдим ўтиришимни,
Мен топмадим у қочирган қушимни,
Юрдим ҳар ерларда сўроғин сўраб,
Неча шаҳар, неча жойларни қараб,
Кеча-кундуз қарчиғайим ахтариб,
Шу ерда бор эмиш, гулшанга қўниб¹,
Излаб келдим неча замон йўл юриб,
Хабар берсанг менинг фарзандим борми?

Бу сўзни эшитиб Офтобой билди — Рустамнинг отаси
экан. Унга бир сўз айтди:

Майдон бўлса бедов отлар чопилар,
Чопиб келса банот жуллар ёпилар,

¹ Қўнибди.

Мен ҳам билдим йўқчи бўлиб келибсан,
Ғам ема, бегижон, йўғинг топилар.

Кўтар юрагингдан қайғу ваҳимни,
Кўрарсан излаган қарчигайингни.
Қайта бошдан обод қилсанг жойингни.
Ғам ема, бегижон, йўғинг топилар.

Кўриб сизни кетди кўнглим жўшиб,
Бир-бирингдан неча вақтлар адашиб,
Энди кепсан бунда излаб ёнашиб,
Адашганнинг барин қўйсам бир қўшиб,
Ғам емагин излаганинг топилар.

Бу сўзни айтиб, Офтобой кўзасини тўлдириб, уйга қайтиб Ҳуройимнинг қошига борди. Офтобой айтди: «Булар бир-биридан кўнгли қолишиб юрган одам. Агар айтсам, сира ҳам бунда эргаштириб кел, деб айтмайди. Агар шу вақтда Рустам овдан келиб қолса, мен ундай-бундайман, деганига қулоқ солмайди, чопиб ташлайди. Нима бўлса, энасининг қошида кўрса, энасини ҳурмат қилиб зарар етказмас»,— деб бу гапларни кўнглига олиб, уйни супириб-сидириб тўшанчи солаберди.

Ҳуройим:— Болам, бир меҳмон эргаштириб келадигандай жуда сертараддуд бўлиб юрибсан?— деди.

— Ишингиз бўлмасин,— деб чиқиб кетди.

«Бу нимага сертараддуд бўлиб юрибди»,— деб Ҳуройим қараса, Султонхонни ияратиб келяпти.

Ҳуройим бир тиҳсиниб туриб кўнглида айтди: «Бу бирга юрган ёр эди, бизларга кўп зулмни қилди, охири пушаймон бўлиб, бош эгиб келди, Рустамга тавба қилди, Рустам уришиб қайтарган эди. Орадан неча вақтлар ўтди. Офтобойнинг бу елиб-югуришига қараганда, чоқдан Рустам отасини тоғдами, овдами кўриб, тағи қайтиб келса, жўнатмай хизмат қилиб турасан, деган экан-да; бўлмаса, Рустамдан беҳабар бундай ишни қилмаса керак эди»,— деб кўнглига келиб турди.

Султонхон Ҳуройимга салом бериб, бош эгиб турди. Офтобой уни ичкарига киргизди, кўрпачага ўтқизди. Ҳуройим ҳам кириб ўтирди. Иккови ҳол-аҳвол сўраб, бошидан ўтган кулфатни гапириб, бир-биридан ўпка қилиб, Ҳуройим Султонхонни уялтириб, Офтобхон хизматда бўлиб туриб эди. Рустам овдан келиб қолди. Бир алқар би-

лан бир кийикни супанинг ёнбошига қўйиб, уйнинг қарши манглайига борди. Офтобой абжирлик билан олдига чиқди. Рустам Офтобойга қарайман деб, ичкарига кўзи тушди. Туновги кўргани гавшана қаландар, телпаги қайқайиб, ёнасининг қошида ўтирибди.

Рустамнинг ҳуши бошидан учиб, хаёли қочиб, қиличга қўл узатиб, бу сўзларни айтиб ичкари кираберди:

Қаландарни кўриб ғайрати келди,
Ғилофдан суғуриб қилични олди.
Офтобойнинг ақли шошиб қолди.

Қаландарсан, энди эшит нолишимни,
Қилич уриб, мен кесарман бошингни.
Сен қўлима тушиб бўлдинг гуноҳқор,
Омон бермай ўлдирарман муқаррар,
Бу маконда, айтай, сенга нима бор?!
Тунов кун сўйладим, сен ҳам билмадинг,
Хаёлингда мени писанд қилмадинг.
Ўламан деб мендан ҳазар қилмайин,
Ҳолинг билиб, ўзга йўлга юрмадинг!

Яқинлади қаландарнинг қошига,
Ханжар солмоқ бўлди унинг бошига.
Ҳуройим шу замон ўрнидан турди,
— Болам!— деб қайтарди Рустамдай улди,—
Тавба қилиб ўзи ахтариб келди,
Чопиб ташлаб, болам, сенга не бўлди?
Қандай бўлса, қўзим манманлик қилма,
«Рустам отасини чопибди», деган
Ланқа гапни, қўзим, ўзингга олма.
Ҳазон бўлиб, боғда гуллар сўлганди,
Сўлган гулга булбул келиб қўнганди.
Бунча ҳам дарқаҳр бўлма, Рустамжон,
Қурудимга кетган отанг келганди(р).
Қандай фарзанд отасига тиг тортар,
«Эгилган бўйинни кесмайди ханжар».

Энаси Рустамга насиҳат айтар.
Шу замон Рустамнинг бўғни бўшади,
Энасининг сўзи билан бек Рустам,
Қўлидан қилични ерга ташлади.
Туриб эди онг-тонг бўлиб Рустамхон;

Бошидан кетгандай қоронғу туман,
Инганиб ўрнидан туриб шу замон —
— Болам,— деб бағрига босди Султонхон,
Омон-эсон энди ўглини кўриб,
Юрагидан кетди қанча ғам-армон.

Адашганлар бир-бириман топишди,
Неча кун, неча тун орада ўтди,
Рустамга Султонхон бу сўзни айтди:
— Қулоқ солгин хон отангининг тилига,
Кўзим, кетайик-да Оқтош элига,
Бундайин сен ёлғиз жойда юрмагин,
Бу ёлғиз маконда, кўзим, қолмагин,
Бориб кўргин Оқтош мамлакатингни,
Бино бўлиб, ўйнаб-кулган юртингни.

Неча сўз Султонхон бунга айтади,
Қайта-қайта кўп ваъдалар беради.
Ўз ишига тавба қилди Султонхон,
Оқтош элга бормоқ бўлди Рустамхон.
Оқтош кетмоқ тараддудин қилади,
От-уловин бу абзаллаб минади,
Ёв-яроқ, даркорлисини олиб,
Ҳаммаси ҳам Оқтош қараб жўнади.
Чиқиб кетди бундайин Оқработдан,
Йўл бошлаб боради энди Рустамхон;
Баҳра тоғдан ўтиб йўл юриб кетди,
Ададсиз чўлларни кўп босиб ўтди.
Неча кунлар кеча-кундуз йўл юриб,
Озгинамас, қанча сувсиз чўл юриб,
Йўлда неча чалқиб ётган кўл кўриб,
Мансурнинг дорига яқинлаб етди.

Шотутга яқинлаб боргандан кейин, Ҳуройимнинг
кўрган азоблари, жаллоддан кўрган таадди, меҳнатлари
эсига тушиб, бу сўзларни айтиб бора берди:

Элда кетиб менинг номусу орим,
Ярқиллаб кўринди осилган дорим,
Бегуноҳ қуриди қайтайин, шўрим.

Пиёда Оқтошдан ҳайдаб жаллодинг.
Йўл юрганда менинг тортган заҳматим,
Улар вақтда ёлғиз болам етишиб,

Бошимдан кўтариб ғамим, кулфатим,
Ҳар ерда раҳбарим бўлган фарзандим,
Рустамжондан кўпдир менинг умидим.

Шунда Султонхон:

Эсингга олма неча сўзни сен ночор,
Ҳаркимдан билмасдан хатолик ўтар.
Мен тирилиб, қўзим билан келаман,
Қайтадан ўлдирма, сендай муштипар.

Ўтган сўзлар ўтиб кетсин орада,
Рустамдай қўзимдан жоним садаға,
Билмасликдан кўп хатони қилибман,
Пушаймон қип абгор бўлиб юрибман,
Ўтган ишларимга тавба қилибман,
Қайта бошдан мени, дилбар, ўлдирма.

Мен келаман элни излаб, йўл юриб,
Қайтадан сўйлайсан мени куйдириб,
Ўзимнинг ишимга ўзим ўртаниб,
Ёнган оловларга жонимни солиб,
Ҳар сўзингда тириклайин ўлдириб,
Борамиз Оқтошга бир кун кириб,
Қоларсан-да кўрмагандайин бўлиб.

Бу сўзларни айтиб кетиб боради,
Оқтошга яқинлаб, етиб боради.
Бораётган хабар Оқтошга етди,
«Ўғли билан келди Султонхон»,— дейди.
Қанча амалдорлар пешвоз чиқибди,
Қанча халойиқлар кўнглини хушлаб
Рустамни киргизди шаҳарга бошлаб.
Шундай қилиб келди Оқтош шаҳрига,
Келиб тушди шоҳнинг ўрдаларига.
Рустам билан кўринг энди энаси,
Эга бўлди қолган кирдикорига.
Канизларман қолган у Химчаойим,
Золимлар дастидан йиғлаган доим,
Туриб манзилида булар эшитди:
«Ўғли билан келган эмиш Ҳуройим».

Рустам, Ҳуройимни кўрмоққа келди,
Қанча халойиқлар бунда йиғилди,

Бир-бирининг аҳволини сўради,
Бунда бўлган ишни Рустам билмади.
Хуройим назарсоп шундай қаради,
Ҳамма келди, икки кундош келмади.

Султонхон икковин шундай ўйлади;
Булардан ўзгани душман билмади,
Амалдорлар билан маслаҳат қилиб,
Бир нечага сир билгин, деб сўйлади.

Неча дўстлар эҳчаб юрур шу замон.
Икки кундош буларга бўлган гумон.
Сўрагандан бир кун анигин билди,
Ғазнавлар сўраганча гапирди:
Тўрт қоп тилла икки кундошга берган,
Икки кундош олиб, мастонга берган,
Мастонман бирикиб шу ишни қилган.

Ғазнавлар, саройда юрган канизлар, икки кундош-
нинг мастонникига борганини кўриб юрган одамлар бил-
ган-кўрганини хабар берди. Шунда икки кундошнинг душ-
манлиги маълум бўлди. Энди Султонхон икки хотинини
чақиртиб олди.— Буларнинг қилган иши мамлакатни бузиб
қанча сарсонликни солди,—деб, икки хотинни ҳайдатиб,
мирғазабларга шундай буюрди, дейди:

Гуноҳкор иккови қўлин бойланглар,
Турмасин, шаҳардан дарров ҳайданглар;
Ким ёмонлик қилса, жазосин кўрсин,
Ҳеч тирик қолмасин иккови ўлсин.
Подшо буюрди-ку, жаллодлар турди,
Қулоқ солди Султонхоннинг ишига,
Келди энди кундошларнинг қошига.
Шу замон жаллодлар ҳайдаб жўнади,
Шаҳардан чиқариб, кетиб боради.
Душман бўлган кундош пушаймон қилиб¹,
Хуройимнинг иши бошига келиб.

Йўлга чиқиб жаллод шундай ўйлади,
Тув биянинг қўйруғига бойлади.
Кундошларнинг жазосини топтириб,

¹ Қилибди.

Улдирди бу чангалзорда чоптириб.
Улигини ташлаб жаллодлар қайтди,
Улган хабарини подшога айтди.
Халойиқни йиғиб энди Султонхон:
— Омон-эсон Рустам элга келди, деб,
Юртимга фарзандим эга бўлди, деб
Халойиқни хабар қилиб йиғдирди,

Қанча сўқим, қанча қўйни сўйдирди,
Неча ердан энди, ўчоқ ўйдирди;
Вақти хуш бўп Оқтош элда Султонхон,
Уғли учун элу халққа тўй берди.

— Рустам болам юртга эга бўлсин, деб,
Подшолик навбатни Рустам олсин, деб,
Элни энди Рустам сўраб турсин, деб,
Элу халққа шундай хабар билдирди.
Подшоликни Рустам қабул қилмади,
Зўрлаган гапларга қулоқ солмади,
— Овда-довда, кўп юраман далада,
Подшолик салтанат менга нима-да;
Ўз юрганим менга энди бўлади.
Подшолигинг менга маъқул бўлмади.
Отам тирик, сўрайберсин юртини.
Чўлу кўлни кезиб ўзим юраман,
Юришимни шоҳдин зиёд биламан.
Отам зўрламасин, кўнглим билар-да,
Отам ўлса, бир йўриғи бўлар-да,
Подшолик ишлари бир оғир юк-да,
Мени қўйсин, ўзи сўраб турар-да.
Беш кун унда, ўн кун бунда юраман,
Менинг кўнглим баҳодирлик қиламан,
Ёмон топсам, жазосини бераман...

Султонхон қанча гапирди, Рустам:— Мен подшо бўлмайман,— деди. Султонхоннинг ўзи тағи ўз юртида подшоликда қолди. Рустам ўз ёри Офтобой билан ўйнаб-кулиб, бу иккови Ҳуройимнинг дуосини олиб, Рустамбек: «Мен ботирман» деб полвонлик, ботирликни машқ қилиб юра берди. Шундай қилиб, Ҳуройим билан Рустамхон мурод-мақсадига етди.

ҚИСКАЧА ЛУҒАТ

Бозингар — ўйинчи.

Борламоқ — хабардор бўлмоқ. *Оёқни борлаб йўл тортмоқ* — вҳтиётлик билан йўл юрмоқ.

Буйур — биқин, оч биқин.

Бурулмоқ — ён босмоқ, қайншмоқ.

Бурум — ўрим, соч ўрими.

Бўлжал — мўлжал.

Гавшана (*гов+шана*) — пахмоқ соч.

Данг-дунг — тақлидий сўз — ғовур-шовур.

Дафтари мастон — рўйхатга олинган таниқли маккора.

Даҳсари — тахминан 32 килограмм.

Додқа — шикоятчи.

Дугилмоқ — тўқнашмоқ, дуч келмоқ.

Езган — ёзиқ, ёзиқли, кулфатли.

Еқмоқ — суртмоқ, ёйиб суртмоқ.

Жайрағир — яшамагур.

Жийирмоқ — буриштирмоқ. *Қуйруғини жийирмоқ* — думини қа-
йирмоқ.

Жиранда — сел ювиб ўйилган ер.

Жиян товоғи — тўйда проқёвн билан келган қариндошга бери-
ладиган зиёфат улуши.

Жовлик — ялпи, жовлиги билан — ёппасига.

Жўрамоқ — йўймоқ, тушнинг таъбирини айтмоқ.

Завлим — занжир, тўғаноқ.

Заиф, заифа — хотин.

Ибранмоқ қар — ирбонгламоқ.

Интиқ — интизор.

Ирбонгламоқ — тантиқланмоқ.

Иркилмоқ — тортинмоқ.

Йўл айрит — айилш.

Кўкай — дил. қалб. *Кўкай кесмоқ* — дил оғритмоқ, жонға тегмоқ.

Лангар тўкмоқ — оғирлик солиб вазиятни сақламоқ.

Ланқа — дор, *ланқа зап* — дор туширадиган сўз.

Лаъли — баркаш.

*Лот кўч*¹ — ўч, қасд.

Мансур дори — кўч гуноҳсизлар осиладиган зулм дори.

Меърож кўч — баланд даражали.

Муроталибачча — бойўғли боласи (қуш).

Муғойиб — тирик бева, вақтинча эридан жудо бўлган хотин.

Арабча муғиб, муғиба.

Мўйинса — тенгқур.

Овут-овут — тенгсала-тенгсала, чайқала-чайқала, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа, оға-оға.

Пироқ — от.

Пишинмоқ — чўмилмоқ.

Понсари — тахминан 16 килограмм.

Поримоқ — таъсир этмоқ.

Савр — қуёш йили ҳисоби билан кўкламнинг иккинчи ойи (апрель — май).

Сала — тармоқ, тизма тоғ тармоғи.

Сарбоз нағмаси — ҳарбий нағма, ҳарбий юриш нағмаси.

Сарф урмоқ — сарф этмоқ.

Силинмоқ — шилинмоқ.

Сурликмоқ — суринишмоқ.

Сурсат — солиқ.

Сурхайлардон — узун бўйли.

Сўйиш — сўйиладиган семиз мол.

Табгир — таъбир.

Табл — довул.

Тай урмоқ — йўл юрмоқ, босим юрмоқ.

Танграймоқ — кеккаймоқ.

Тараф — душман.

Тарлон — оч кул ранг. *Тарлон очмоқ* — пес бўлмоқ.

Тақал — қийиқлик, қайсарлик. *Тақал қилмоқ* — тисланмоқ, кейинга ташланмоқ, тортинмоқ.

Тепки — чуқур катта сават.

Тихсинмоқ — хазар қилмоқ, нафратланмоқ.

Тилга энмоқ — тили чиқмоқ, гапира бошламоқ.

Тув бия — туғмаган қисир бия. *Кўч* — семиз бия.

Тувра — тўғри.

Тўйрамоқ — баданни тешиб ўтмоқ.

Тўбаламоқ — босим ўрмоқ.

Тўлиқсимоқ — кучаймоқ, кучга тўлмоқ.

¹ Кўч — кўчма маънаси.

Улгу — ўрнак, намуна, пеш.
Уюр бўлмоқ — илақнишмоқ.

Чалқарамон — чалқанча; чалқанчасига.

Чалқимоқ — тўлиб-тошмоқ.

Читинмоқ — хўмраймоқ, ўшшаймоқ, чимрилмақ.

Чобинмоқ — газабланмоқ, қаҳрланмоқ.

Чолмоқ. — бош кесмоқ.

Чопсон — чақсон, тез.

Чўғармоқ — чўктирмоқ.

Чўлкам — ташкилот, фирқа, тўда.

Чўммонгламоқ. — бузуқчилик ниятда аралашмоқ, тикилишмоқ.

Чўт — 1. Теша. 2. Тахмин, мўлжал.

Шибанмоқ — шимармоқ.

Шобага — улуш, ҳисса.

Шобир — шовур, шарпа.

Эшмоқ — эш қилмоқ, қўшмоқ.

Юқори бет — кунчиқар, шарқ.

Урламоқ — ўжарлик қилмоқ.

Утил — кечирим. Утил қилмоқ — кечирмоқ.

Қаба — қаттиқ, бераҳм, юксак.

Қавосат, қасоват — ташвиш, даҳшат.

Қибла кўч — кунботар, ғарб.

Қизилоёқ — ялангоёқ, бебош.

Қирмиз — қизил. Упаи қирмиз — қизил упа, элик.

Қичамоқ — қистамоқ, жадалламоқ.

Қоп — тахминан 8 пуд (ўлчов бирлиги).

Қурудим — Орол, Орол бўйи.

Қурамта — ўқдон, садоқ, ёй ўқи солнадиган идиш.

Қушнач — прим-чирим билан касал боқувчи хотин.

Қўр — тўп, тўда.

Қўрбоши — соқчи бошлиғи.

Ғазот — уруш, жанг.

Ғўчоқ — азамат.

Ҳаят — ҳовли ташқарисидаги майдон. Кенг ҳаят — кенг майдон,
қўрғон ташқарисидаги кенг майдон.

Ҳишшай — ёмғирли, рутубатли, нам.

Тузувчи ҲОДИ ЗАРИФ

На узбекском языке

НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО

МНОГОТОМНОЕ ИЗДАНИЕ

ДАСТАНЫ

МУРАДХАН, РУСТАМХАН

Редактор **Хабиб Пулатов**
Расмлар редактори **Г. П. Бедарев**
Техредактор **Н. И. Курилова**
Корректор **Ш. Зухриддинов**

Босмахонага берилди 17/VI 1965 й. Босишга руҳсат
этилди 26/IX 1965 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босма
л. 10,5, Шартли босма л. 17,22+0,2 (4 вкл.), Ўншр.
л. 18,81+0,22. Тиражи 60 000. Индекс: к/а. «Тошкент»
бадший адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30,
Шартнома № 114/65.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат
Комитетининг Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрика-
сида тайёрланган матрицадан 1-босмахонасида босилди,
Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21, 1965, Заказ № 338. Ба-
ҳоси 1 с.



Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Дастонлар.

Муродхон. Рустамхон. (Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчилар: М. И. Афзалов, Х. Расулов. Ҳоди Зариф.) Т., «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1965.

336 бет. (ЎзССР ФА. А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт инс-ти.) Тиражи 60 000.

Народное творчество. Многотомное издание, Дастаны,

10

